www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ

# ОЙБЕК

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН ТЎҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,
Шоназар Шоабдураҳмонов, Иззат Султон,
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ

# ОЙБЕК

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УЧИНЧИ ТОМ

ДОСТОНЛАР

ТОШКЕНТ — 1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:
*Ҳомил ЁҚУБОВ,*
*Гулёз ЁҚУБОВА*

Масъул муҳаррир:
*Мурод ИБРОҲИМОВ*

$0 \frac{70403-382}{355(06)-75}$ 99–76

www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИЛАРДАН

Ойбек асарлари тўпламининг учинчи ва тўртинчи томида шоирнинг достонлари берилди. Бу достонлар матни (тексти) шоир шахсий архивида сақланаётган автограф (араб алифбосида ёзилган) қўлёзмалар ва босилиб чиққан нашрлар асосида тайёрланди. Шоир ҳаёт вақтида эълон қилинган достонларнинг энг сўнгги нашри таянч матни сифатида қабул қилинди. Жумладан, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти томонидан чоп этилган ўн томлик Ойбек асарлари тўпламининг иккинчи томига (1968 й.) киритилган достонлар ҳам шундай таянч матн шаклида танланди. Айрим парчаларигина эълон қилиниб, ҳалигача тўла босилиб чиқмаган достонлар («Бўғовлар узилганда», «Ҳақгўйлар») матни бевосита ёзувчи оққа кўчирган автографдан олинди.

Ҳар бир достон учун асос қилиб олинган таянч матн қоралама ва оққа кўчирилган қўлёзмалар билан синчиклаб солиштирилди, автографга киритилган тузатишлар ва биринчи босма нашрдаги ўзгартиришлар ўрганилди, айрим достонлар («Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ»)нинг мустақил вариантлари мавжудлиги аниқланди, қулёзмалар ва босма нашрлар ўртасидаги тафовутлар ва таҳрирлар кўрсатилди. Шу тариқа жиддий текширилган илмий матнга эришилди.

Матндаги барча ўзгаришлар, фарқлар китобнинг «Вариантлар» бўлимида берилди.

Ёзилиш хронологияси (санаси)га кўра «Дилбар — давр қизи», «Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Ўрознинг бахти», «Чўпон қўшиғи», «Қаҳрамон қиз», «Гулноз», «Навоий», «Қамончи», «Қизлар», «Ҳамза» достонлари учинчи томга, «Ҳақгўйлар», «Зафар ва Заҳро», «Бобом», «Даврим жароҳати», «Маҳмуд Торобий», «Гули ва Навоий» достонлари эса тўртинчи томга киритилди.

Ойбекнинг шахсий архивида «Бобир» ва «Темур» номли чала ишланган, тугалланмаган достонлар ҳам сақланмоқда. Бу икки достон Ойбек «Мукаммал асарлар» тўпламининг махсус томи («Чала ишланган ва тугалланмаган асарлар»)да берилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДОСТОНЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИЛБАР— ДАВР ҚИЗИ

Мана шундай ҳикоя:
Қосим бобо энг яқин,
Турмушининг ич-ташин
Яширолмас ҳамсоя...
Борганди олтмиш учга
Кумуш, юмалоқ боши,
Пайлари тўла кучга,
Тетик, зийрак қараши.
Кўзлари худди мунчоқ
Каби кичик ва теран.
Юзларига кўпданоқ
Замон чизиқлар чизган.
Гавдаси қотма-ориқ.
Соқоли оқ ва чўққи.
Оёқларида қаттиқ,
Қўпол сағри кавуши...
Содда, тўғри камсухан,
Камгап бир фақир киши.
Сўзлар оҳиста, майин,
Ҳеч ким билан йўқ иши,
Қосим бобо бирон кун
Тиниб-тинчиб ётмасди.
Елиб-югурар бутун
Ишдан бўйин тортмасди.
Эртадан асргача,
Ҳар кун танҳо тентирар,
Боғлар, чакалакларда
Ўтин-чўп, хазон терар.
Узун йўлларни босар,
Букчайиб битта-битта.
Учраса бир талабгор,
Бир орқа ўтинини
Сотарди... чақасига,
Мош-гўшт, шолғом оларди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу куни ўчоғида,
Ҳаёт — олов ёнарди.
Оқшомнинг қоронғиси
Чўкаркан аста-аста,
Кичик кўҳна эшикни
Тиқирлатар бир кулка.
Ёш қизча қарши чиқар...
Отанинг қари кўнгли
Ҳаётининг шу сўнгги
Юлдузчаси-ла яшнар.

* *
*

Тақар бешинчи лампа,
Хира-олов кўзойнак,
Милтиллайди токчада.
Ейиб сариқ жамалак.
Кеча... ухлар сукунат,
Қачон дегча биқирлар?
Ота ва қиз жиддият
Билан уни пойлашар...
Сири кўчган товоқлар
Бўшалгач, чол ва қизни
Тотли уйқу қучоқлар,
Силайди руҳни, тизни...

* *
*

Қосим бобо уйланди
Қирқ бешларга етганда,
Хотини тул жувонди,
Келишган, хипчагина.
Яшадилар қанча йил,
Жанжал-суронсиз, иноқ,
Бирлашиб бу икки фил,
Тортишар эди ҳар чоқ
Рўзғор ғилдирагини...
Бир кун баҳор чоқлари
Бир қиз туғилди, нинни.
Кулди бахт япроқлари...
Дилбарой деб аталди
Севимли қизчалари.
Бутун севгини олди



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ойбек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ҳаёт лолалари...

* *
*

Қаҳратон қиш оқшоми
Ўлим жимгина кирди.
Унинг совуқ нафаси
Бир ҳаётни ўчирди:
Беш ёшар Дилбаройдан,
Онасини айирди.
Ёш кўнглида очилган
Нашъа гулин қайирди.
Уриб пешонасига,
Қосим йиғлаб қолмишди,
Ғариб танҳо дилига
Ҳасратларин солмишди.
Эсга олмай яна бир
Уйланишни бечора,
Тажрибали бир кампир
Сингари қалби яра,
Боқди етимчасини.
Бағрида овутарди...
Сезса қиз аламини
Унинг кўнгли қонарди...

* *
*

Онанинг севгисига
Қониқмаган Дилбарой,
Гўзал, нозик, ингичка,
Эди ёш бир новдадай.
Сочи қора, жингалак
Юз оқлигин очарди.
Ёноқларида титрак
Бир табассум ёнарди...
Бўз кўйлаги ичида
У яна гўзал, нафис,
Устида қора липис
Айнаган эски нимча...
Инжиқ эмас, қисиқмас,
Шўх ва жасур бир қизча.
Етимлик совуқ нафас



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳасратидан бир изча
Кўринмасди... Дилбарой,
Йирик, қора кўзлари,
Бийрон ўткир сўзлари
Ақил, туйғунликка бой...
Кечирмоқда эди у
Энди ўн икки ёшни.
Катакча ҳовлида бу
Қамал бўлган қуёшни
Баъзан ўрар хаёллар
Қора бир булут каби.
Баъзан шўх дилин босар
Ёлғизлик сукунати.
Отасини жўнатиб,
Ёлғиз уйда қоларди.
Эшикни таққа ёпиб,
Уйни танҳо пойларди.
Йўқ энди қўғирчоқлар...
Машғулди тикиш билан.
Солар турли япроқлар,
Узуқ-юлуқ ипакдан.
Ўйнашарди томларда
Ўз тенглари бир гала,
Капалак нашъаси-ла,
Қуёш кўзли баҳорда.
Баъзан қалдирғоч каби
Чизилиб том лабига,
Ғужиллаб... Гунафшани
Дасталашарди яна...
Дилбар шундай чоғларда
Сиқинтини унутар.
Нашъа — куртак очилар,
Табассум ёноқларда.
Сўзларди ширин-ширин:
— «Ичдан чиқардим, мана...»
Янги нусха тикишин.
Кўрсатарди у пастда...
Баъзи чоғ ўртоқлари
Довучча ўғирлашиб,
Ташларди Дилбар сари.
Сўнг чопишар қувлашиб...
Қумғонини пешинда
Қайнатарди бир ўзи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пуфлагач, дуд ичида
Ачирди қора кўзи.
Нонлар ҳам қаттиқ-қуттиқ,
Ўтмайди марварид тиш.
Чойи ҳам рангсиз, суюқ.
Йўқ эди бошқа емиш...
Мовий ипак пардали
Осмон узоқ... йўқ ҳаво.
Қамалган... қудуқ каби.
Дилбар ҳовлида танҳо.

* * *

Чиқар эди кўпинча,
Салим этикдўз қизи.
Қалин ўртоқ Хадича,
Қизлар «қора магизи».
Дилбардан катта бир оз,
Оғир, кўркам, ақлли.
Билмас надир араз, ноз,
Қора, қиврок кокилли.
Иккиси секингина
Тикишарди жияклар,
Солиб турли чечаклар,
Айтишарди ашула,
Сўзлашарди ҳар ёқдан
Зериккан чоғларида.
Севинч тошарди бир он
Гўзал ёноқларида.
Ёки қўлга бир парча
Синиқ ойнани олиб,
Қўйишар кошга ўсма,
Астойдил бежаб, толиб...
Ё бўлмаса, Хадича
«Ҳурилиқо» китобин
Ўқирди битта-битта,
(Хадича бир оз отин).
—«Нафисанинг қўлига,
Яра чиққан, Хадича!»
—«Янги мактабга кириб,
Сурат солган экан-да».
— «Анча китоблари бор,
Жуда ҳам тез ўқийди».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дея Дилбар хаёллар,
Умидларни тўқийди.
Ой, йил ўтиб ўртоқлик
Севгилари ошарди.
Ҳар қалбда ҳам бир тотлик
Умид, хаёл яшарди...
Қосим чол қиш кунлари
Қолар кўпинча бекор.
Кўкда қор уйинлари,
Оқлик солар оғочлар.
Уй япасқи ва кичик,
Қоғоз кўзли дераза...
Ўрта ёғочи синиқ,
Тутиб турар устунча.
Ҳар томондан изғирин
Қанот кериб киради,
Танчанинг ўт нафасин
Бир зумдаёқ тилади.
Тун узоқ... ота, бола,
Танча кукуллаб қолган.
Хира лампа ўртада
Сариқ бир кўлка ёйган.
Косим сўзларди ҳар кун,
Кўрган-эшитганини:
— «Исполкомда биттаси,
Паранжилар йўқ бўлсин,—
Деди, — ғалати замон:
Молни олиб бойлардан,
Қашшоққа улашармиш...
Калта думчи... Аҳмадхон,
Эрта Маскав жўнармиш».
— «Жўнаб нима қилади?» —
Сўрарди қизи Дилбар,
— «Большавайнинг каттаси
Ленин чақирган, дерлар...»
— «Бойдан мол олиб берса,
Дада, сиз оласизми?»
Чол куларди жимгина:
— «Бари оллонинг изми!
Инсоф кетганди бойдан.
Кеккайди, зулм қилди,
Фақирдан пўстни шилди.
Лат еди большавайдан...»



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Чўпчакни чол бошларди,
Баъзи вақтда зерикиб.
Дилбар ишни ташларди,
Қувонч билан тикилиб...
«Тоҳир-Зуҳра» эртаги
Хаёл гулин очарди,
«Бўз йигит» ҳикояси
Қонларни ўйнатарди.
«Осмонни қорайтирган
Қора девнинг ҳайбати,
Тоғдек чўзилиб ётган
Сариқ девнинг савлати»
Дилбарга солар эди
Сирли ва тотли қўрқув.
Бир зумда қочар эди
Киприкка қўнган уйқу.
Секин гапирарди чол,
Бежаб ширин тил билан,
Дилбар берарди савол:
—«Ота, буни ким кўрган!»
—«Қизим тушкур, сен тентак,
Ҳеч ким буни кўрмаган.
Тўқима гап — бу чўпчак», —
Деб отаси куларкан,
Шамол тишда ингларди.
Заҳар тилли изғирин
Ҳар томондан кирарди,
Чол сўзи оқар ширин...
Сўнг уйқу кемалари
Аста олиб қочарди.
Шу йўсинда ўтарди,
Узоқ қиш кечалари.

* *
*

Бор эди маҳаллада
Пирмат аллоф аталган,
Соқоли оқ бир шайтон.
Ичи ҳийла ва найранг
Уясийди... у ҳар чоқ
Харидорни саноқда,



www.ziyouz.com kutubxonasi




«Дилбар — давр қизи» достонининг муқоваси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Адаштириб бир озроқ,
Қам тортса кайфи тароқ.
Тарозу ўйинини,
Яхши биларди аллоф.
Туплаб турар пулини,
Билмас у гуноҳ, савоб...
Шу йўсинда орттирмиш
Анча давлат, боғу роғ.
Қорандалар ёзу қиш
Қамчидан орқаси доғ...
Пирматнинг ўғли борди,
Бесўнақай ва узун,
Безли, тиришган бўйин
«Нон емас» аталарди,
Ҳозир касби яканчи.
Эртадан кечга қадар
Бутун шаҳар, растани
Кезади, олиб сотар.
Улфат, ўйин-кулгуни
Яканчи ҳеч истамас,
У севарди пулини,
Олтин-ла олар нафас,
«Тергаб-тежаб рўзғорни
Тутолмас», деб қўймишди
Хотини Гуланорни,
Яканчи қалби қишди...
Пирмат аллоф кампири
Бир кун оқшом дастурхон
Устида сўзлаб деди:
—«Ўғлим тушкур, қартайган
Чоғимда сен айирдинг
Келинимдан... ҳамма иш
Менга қолди... кампиринг
Нима қилар, келса қиш?..
Амманг билан эртага
Қиз кўргали борамиз.
Тегли-тахтли биттага
Зора йўлиқишармиз».
Ғазаб алангалари
Пирмат кўзини тутди.
Худди ўзин унутди.
Бақириб: «Бас, лаънати,
Кўрдик топган қизингни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гап уқмас бир беадаб...»
Деди ва сўнг пасайди.
— «Бу гал ўзим топарман,
Сен энди бўлма дайди,
Етим-есир...» дер экан,
Ўғли Мамат — «нон емас».
«Топдинг дилимдагини»
Деган каби илжайди.

* *
*

Уч-тўрт кун шундан кейин,
Намоз шом чоғларида,
Кичик болохонасида
Пирмат чархларди фикрин:
— «Ҳали ёш... шу замонда
Боғлаш керак бошини.
Илса биров ёмон-да,
Суриштирмай ёшини...»
— «Ассалому алайкум»
Кириб келди Қосим чол.
Пирмат туриб: «Ҳа, бегим,
Тетикмилар, қалай ҳол?»—
Деди-да қарши олди.
Адрас кўрпача солди.
Қосим сиқилиб секин,
Сунъийгина йўталди.
Пирмат овқатдан кейин
Сўз бошлади ҳар ёқдан,
Ўйлаб қуриб режасин,
Айлантирди узоқдан:
— «Онадан етим қолган,
Боёқиш қизингизга
Жуда оғир... ҳар замон
Эслаймиз кампир ила.
Кампирим кўп мақтайди.
Тақдирда бўлса агар,
Келин қил, деб қўймайди.
Қиз деган-ку тез ўсар...
— «Кўзимнинг оқ-қораси,
Ёлғизим у; силайман
Бош-кўзини эрта-кеч,
Узун умр тилайман».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнг Қосим ерга боқди,
«Ҳамма ихтиёр сизда»,
Манглайидан тер оқди.
— «Замон бетинч, биласиз,
Ўқи! дер қиз-жувонга.
Алғов-далғов замонда
Қизни тез узатингиз!
Мамат ҳам чакки эмас,
Топиши зўр савдогар.
Эл тинса ҳам, ул тинмас,
Савдога эпчил, чевар.
Ёмоннинг бети қурсин,
Тинчлик керак сизга ҳам.
Бирон йил тура турсин,
Кимга керак ғусса-ғам».
Пирмат очиб қўлини,
— «Қани, омин...» деяркан,
Ихтиёрсиз Қосим чол
Унга эргашди бирдан...
Болохона зинасида,
Қўли тутгач ақчани,
Шу онда сийнасида
Сезди ҳасрат қояси.
Қосимнинг кўнгли бўлди
Кеча каби қоронғи.
Бир зумдами йиқилар
Унинг ҳаёт таянчи?
Чол туртина-туртина
Ўз кулбасига етди.
Дилбар ва Ҳадичага
Боқмай хаёлга кетди:
— «Бошладим бир балони,
Ёш қизимнинг бошига», —
Деркан тегди манглайи
Метин тақдир тошига...

* *
*

Дилбарнинг воқеадан
Хабари йўқдир асло...
Тикишлардан завқ олган
Қалби эмасди яра.
Пирмат аллоф хотини,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуксов ва эзма кампир
Кўтариб ямоғини,
Ойда бир икки топқир
Келишга бошламишди.
Дилбар қувонибгина
Бу юмшоқ кампир ила
Қатталардек топишди...
Кампир сўзларди аста,
Уй, рўзғори, мулкидан
Кафан, мурсак, саллача,
Бошқа ўлимлигидан...
Бир кун сўз орасида
Кампир секин гап отди.
Бирдан Дилбар қалбига
Оғир тош — қайғу ботди.
Кампир сезиб сўзини
Бошқа ёққа бурмишди,
Эплаб олиб ўзини
«Яхши қол!» — деб турмишди.
Эртаси кун Хадича
Дилбардан эшитаркан,
Хахолаб кула-кула:
— «Шунгаям куйдингми сен?
Ўша кампиринг қурсин,
Сўзида йўқ бир маза...
Қанча қизга у ҳар кун
«Келин бўлсанг-чи менга»
Дея эзмалик қилар»,
Дегач Дилбар қувонди,
Унинг юзлари анор
Гуллари каби ёнди,
Сўнгра Дилбар кўз сузиб,
Мақтаниш-ла гапирди:
— «Ҳозир бошимни ювиб,
Ўрай жамалагимни...»
—«Нима бало мунча тез
Ювиб қолдинг бошингни?
Бежайсанми бўйни без
Учун шундай қошингни?..»
— «Вой, қуриб кет, Хадича.
Алжирама билмасдан,
Отам айтдики кеча,
Қизим, боққа борасан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир таниш бор қадрдон,
Шунга элтиб ташлайман.
Хадича-чи, шу боғбон
Отам билан жа қалин
Ошнамиш... катта-кичик
Қизи бормиш», деб сочин
Дилбар ечди туриб тик...
«—Тезроқ қайтгил, ҳой ўртоқ!»
Деб Хадича ўкинди.
Қизлар кўзида шу чоқ
Дўстлик меҳри кўринди...

* *
*

Кетарди ота-бола
Боғ кўчаси... чанг-тупроқ.
—«Яқин қолдими, дада?»
— «Йўқ, болам, ҳали узоқ».
Гаплашиб кетишарди,
Унда-бунда подалар,
Йўлларда эр болалар,
Говрон олиб кезарди...
Паст-баланд деворлардан
Олмалар, шафтолилар
Бош чиқарар... ҳар томон.
Яшил майса... ялтирар,
Бир очиқ чакалакка
Кирдилар дам олиш-чун.
Чол суялиб теракка,
Сўнгра «уҳ» деди узун...
Ерда олтин япроқлар
Каби ётар кун нури.
Енгилгина ўйноқлар
Тубандаги жар суви...
Узоқдан эшитилди
Қизларнинг товушлари...
Тугунидан ечилди,
Дилбар севинчи, шавқи
Бўй чўзди, Дилбар кўрди,
Келмоқда бир талай қиз.
Отасин туртди, сўрди...
— «Улар ким? Паранжисиз...»
— «Мактабхона қизлари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларни кўп кўраман.
Шу ерда бор боғчаси».
Дея тушунтираркан,
Шўхлик қилиб, ўйнашиб,
Қизлар келишди яқин.
Бир-иккиси ўйланиб
Ўқимоқда китобин.
Ҳаммасининг кийими
Бир хил эди, топ-тоза.
Ёшлари ҳам ўн икки —
Ўн олти орасида.
Сўзлашар баланд, эркин.
Ҳаммаси шўх ва иноқ.
«Нечук Дилбар бўлмасин
Шундай қизларга ўртоқ?!»

* *
*

Ёш Дилбарни кўрдилар:
— «Ҳай ота, бу кимингиз?»
Дея чолдан сўрдилар.
— «Онаси йўқ — етим қиз»,
Деб чол гапирди анча.
— «Бермайсизми, Дилбарни,
Бобо, бизнинг мактабга?»
Ялинарди биттаси...
— «Ярашар ўқимоқлик
Сизларга, болаларим!
Етим қизга ярарлик,
Эр топилса, роҳатим...»
Деркан чолнинг сўзига
Қизлар ҳаммаси кулди.
Уят чўкди кўзига,
Дилбар боши букилди.
Дилбар қизлар ичида,
Сўнгра ўзни эплади:
— «Отам жавоб берса-я,
Манам ўққим келади».
Куйиб-пишиб Латифа
Укдирди чолга фикрин.
Севингандан Салима
Ўпарди Дилбар юзин.
Қосим солди бошини...
Оғир ҳаёт йўлида



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Дилбар — давр қизи» достонининг қоралама автографидан саҳифа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Топган гавҳар тошини
Нетиб ётлар қўлида,
Қолдиради?.. Пок дили
Бунда бузилиб кетар...
«У дунёда» падари
Бунинг учун жавобгар...
Фикрлари чувалган,
Учини тополмасди.
Қизлар сўзига шу он
Бир жавоб қилолмасди...
Ҳукумат қарорини,
Ўқишнинг фойдасини,
Сўзлашиб юмшатдилар
Чолнинг иродасини...
Кўзин юмиб чол ўйлар:
Қизлар-ку туппа-тузук.
Гап-сўзида маъно бор,
Йўқмиш эркак болалар...
Шуларнинг оталари
Ишониб қўйибди-ку.
Билсин оқу қорани,
Умр деган оқар сув.
Маҳаллада ёпилган
Отинбиби мактаби...
Мен тайинласам қуръон
Ўқитар муаллими...
Кийим-боши теп-текин,
Овқатлари мўл-жўлмиш.
Ўқисин-чи бирон қиш,
Чиқиши осон кейин...

* *
*

Битта ёш татар хотин
Қувониб қарши олди.
Ёзди исми, лақабин,
Қосим ҳайратда қолди.
Бир четкага қизини
Чақириб, бир нималар
Сўзлагач, ёлғизини
Қучиб йиғлади падар.
Сўнгра очиб қўлини,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаммани қилди, «дуо».
Кўз ёши-ла йўлини
Бошлади, якка-танҳо...

* *
*

Оқ батис калта кўйлак
Дилбарга хўб ярашган,
Оёқларида шиппак,
Юриши тез, ўзи шан.
Қизил духоба дўппи,
Бош устида чақнарди.
Лента таққан сочини
Қуёш нури ювarди.
Ўз тенглари билан у
Ҳамширалардан иноқ.
Қалбда самимий туйғу
Сақлар дўстларга ҳар чоқ.
Янги бир ҳаёт уни
Қучоқлаб олди маҳкам.
Қоидаси, қонуни,
Мактаб жадвали билан.
Эрталаб ҳамма ила
Бир маҳалда турарди.
Сочиқ, совун, тиш чўтка
Олиб тез ювинарди.
Нонуштада ҳамма қиз
Ўтирарди тизилиб,
Столда тўполонсиз,
Ер эдилар тўйишиб...
Тушки овқатга қадар
Боғбон соларди ишга.
Енгил, кичик кетмонлар
Билан карам, картошка.
Чопишарди ҳамма қиз.
Чиниққан Дилбар эса
Қизғин, олов кунларда
Ишлар эди тинимсиз...
Ҳаво қизғин, тупроқлар
Олов нафас олади.
Оғочларда япроқлар
Уйқу олиб ётади.
Қизларнинг юзи лола,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Билак маҳкам, кафт қадоқ,
Қуёш олтин пиёла
Билан нур қуяр узоқ...
— «Бас энди қурсин иши,
Қочар экан Муаттар,
Орқасидан ёш Туйғун:
— «Оталари савдогар,
Нозик ойим», — дер экан.
— «Қурилсин ячейкада!»
Қичқиришарди бирдан.
Иш давом қилар яна...

* *
*

Ўқирди ишдан кейин
Она тили, ҳисобни.
Дилбар севар эди чин
«Совға» деган китобни.
Қизларнинг улуғроғи —
Зебиой — муаллима.
Ҳар кун унинг бўш чоғи
Бағишланар Дилбарга...
Оқшомлари борарди
Чўмилгани анҳорга.
Сув кўпириб оқарди
Шошиб-пишиб қайларга...
Олма каби қалқитиб
Қизларни сув қучарди.
Олов сочини қуёш
Жарга ёйиб ташларди.
Оғочликларда ёвош,
Қушлар қўшиқ бошларди.
Дилбарнинг кўнглида ҳам
Нашъа қанот ёзарди.
Ҳаёт унга ёш кўклам
Каби оғуш очарди.
Баъзан мураббиялар
Гўзал оқшом чоғида
Қиларди маърузалар,
Дарахтларнинг бағрида...
Илмий мавзу... ёт сўзлар...
Ота чўпчаги эмас!
Тикилар қора кўзлар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошда фикр ҳеч тинмас.
Ёт сўзнинг тош пўстини
Дилбар истарди чақмоқ.
Ялиниб ҳар дўстини
Ишга соларди ҳар чоқ.
Ҳар кун янги бир фикр
Юлдуз каби чақнарди.
Кўнгилдаги қора сир
Еришарди, ёнарди.

* * *

Бир кун янги баракка
Қизлар кўчиб жойлашган.
Дилбар ётмай ётоққа
Сўрди: «Қибла қай томон?»
Кучли, оний қаҳқаҳа,
Чодир уйни тутмишди.
— «Бу гап кашшоф қизларга
Ярашарми?» дейишди.

* * *

Ўртоқлари билан у
Қайтар эди шаҳардан,
Битиргач дудуқ сўфи
Азонни Дилбар тездан,
Фотиҳа ўқимишди,
Дўстлар боққа етгунча
Бир-бирига сўз бермай,
Динлар масаласига
Тўхташди сира тинмай...
Кетда қолган чўлларга
Дилбар қиё боқмасди.
Янги гўзал йўлларга,
Метин қадамни босди.

* * *

Йиғилди боғда экин,
Беҳи, олма узилди.
Кўк саҳросида секин
Булут, карвон чўзилди.
Олтин капалак каби
Япроқлар гала-гала
Бошлаб куз сайилини



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учишар ҳар тарафга.
Хотин-қиз техникуми
Кўчиб кетди шаҳарга.
Толибалар кун бўйи,
Чолишдилар... дарсларга...
Тил дарси... ёш муаллим,
Тахтага Дилбаройни
Чақирди: «Қани, синглим,
Ёз сен!» «Мен эрк боласи!»
Бунда биринчи дафъа
Қинғир ҳарфлар билан
Дилбар ёзди тахтага
Парчаларни шеърдан...
Ана, юзларча ўртоқ...
Кенг ҳовлига сиғмайлар.
Ҳар кун юбориб турар
Қизларни шаҳар, қишлоқ.
Дилбар севган чиройли
Ҳаёт энди бошланди.
Фикрлар бошда ёнди,
Умид ва куч қанотли...

* *
*

Ётоқхона эшиги
Тиқирлади: «Киринг, ким?»
Дея Дилбар қичқирди.
Ҳарсиллаб кирди Қосим...
Қорларни чопонидан
Силкиб: «Ух, совуқ... қандай?
Хурма тагин ялаган
Эканми Хадичаой?..»
— «Гапиринг, нима бўлди?»
«Сени айтиб юборди,
Букун никоҳ бўлармиш».
Дилбар кўнгли бузилди:
— «Ёш чоғида... боёқиш...»
—«Ҳеч зарари йўқ, қизим!
Бу худонинг тақдири.
Сен қулоқ сол, ёлғизим!»
Деди-да ёши оқди...
Ташлади кўз қирини
Шубҳаланиб ҳар ёққа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгра йиғиб кучини,
Ясланди ўриндиққа.
Пешана бурушиғи
Бутун сирни йиғмоқда.
Кўзда уят туйғуси,
Бошлади сўзламоққа.
Воқеани бирма-бир
Баён қилиб: «Фотиҳа
Бузилмасин, қизим, чиқ
Мактабингдан... қайтарма
Ота сўзин... бўл пишиқ!»
Дилбар кўнгли бузилди:
— «Мен рози эмас, дада!
Беринг ўзига пулни!»
— «Фотиҳа бузиш ёмон,
Ўйлаб қара, чаккими?»
— «Мактабимдан, отажон!
Айирманг сира мени».
— «Чакки бўлмас дегандим,
У кимсан — Пирмат аллоф!
Ўғли савдогар Ҳалим...
Таги тахти анча соф.
Мен ҳам қартайиб қолдим.
Дурустроқ оилага
Сени қўндирса ота,
Гўрга кирар тинч ва жим...»
— «Куйдирманг мени, дада,
Шу мактабим — оила!»
Дилбар ёниб гапирди,
Кўз ёшин қуя-қуя...
— «Пул уйда... сақлаганман».
Ота секин қўзғалди.
Хаёл ва қайғу билан
Уйга аста йўл солди.
Чол боёқиш беилож
Ҳар дам бир «уҳ» тортарди,
Асло чора топмагач,
Қизнинг фикрига борди.
«Фотиҳани буздик», деб
Бир қўшниси орқали
Чол қайтарди ақчани.
Тополмади бошқа эп.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Дилбар артди узилган
Кўз ёш марваридини,
Умид йўли бузилган,
Топарми нашъасини?
Эринчак қор, оппоқ қор
Жимгина тўкиларди.
Ҳовлида анча қизлар,
«Қорбўрон» ўйнашарди.
Совуқ асло чўчитмас,
Қизлар қони қайнарди.
Йиқила-қўпа, бир нафас
Тинимсиз қувлашарди,
Дилбар чиқди ётоқдан,
Қайғулар сийнасида,
Боши тубан солинган,
Кирди у ячейкага.
Қўқонлик қиз Турғуной —
Котибага ҳолини
Сўзлаб бериб, бир талай
Тўкди кўздан ёшини.
Кулиб деди котиба:
— «Ҳали сен келинмисан?
Ўзим бориб фотиҳа-
Мотиҳани бузаман».
Адресни ёзиб олди,
Дилбар чиқди ҳовлига,
Ҳасратлари йўқолди,
Ўйнарди чопа-чопа...
Қайғунинг тўлқинини
Бир зумдаёқ унутди.
Бошлаб қиш ўйинини,
Соф ҳаво, нашъа ютди...
Хадичанинг тўйига
Дилбар борди кечқурун,
Кирди келин уйига,
Яна кўнгилда тутун...
Энди никоҳ тарқалган,
Хотин-халаж шошарди.
Сурнайнинг узоқлашгач
Куйи титраб учарди.
Қўни-қўшни қизлари



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бежаб қўйган қўғирчоқ,
На ашула, на тори,
Илжаймайди бир дудоқ.
Уй совуқ... пичир-пичир:
Чиқса ҳар сўз қотарди,
Аллақандай кучли сир
Ҳар бир кўзда ётарди.
Ҳасрат қўлига ботган
Хадича қалтирарди,
Қордек дока рўмолдан
Қора кўзин сузарди.
Дилбарни кўрар-кўрмас,
Ҳўнграб йиғлаб юборди.
— «Қиз тушкур, бас, энди бас!»
Деб, холаси қизарди.
— «Отам-онам сўзини
Ерга уролмадим мен...»
Шивирлади Хадича.
Унинг ёқут кўзини
Ўпар бир чол — бой ака.
Тетик-дадил бир кампир
Ёзди кўҳна фалакни.
Ўрадилар чечакни,
Йиғилди қақир-қуқир.
«Ёр-ёр» айтиб хотинлар
Қилишди тўй расмини.
Ташқарида бўрон-қор
Ўйнар, олмас дамини.
Бола-чақа ва шовқин,
Аста жўнайди келин,
Бўрон ва қор... қора тун...
Тингламайлар тўй куйин:
«Йиғлама, қиз, йиғлама,
Тўй сеники,
Бўсағаси олтиндан
Уй сеники.
Ёр-ёр-ей,
Уй сеники»,
Чувиллашиб хотинлар,
Аравага ўлтирди.
Чиғаноқ таққан отлар
Ўт чақнатиб югурди...
Севган мактаби томон



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дилбар ёлғиз қайрилди.
Ёшликда қалби синган
Хадичадан айрилди.
Шамол ва қор.. бўш кўча...
Дилбар танҳо кетарди.
Узоқда чала-чулпа
«Ёр-ёр» эшитиларди...

* *
*

Яна кўклам... саёҳат
Даврлари бошланди.
Қиш кафани ниҳоят
Парчаланди, ташланди...
Ҳар ҳафта Дилбаройлар,
Далаларга чиқишар.
Наботот муаллими,
Мўйсафид рус йўл бошлаб.
Далаларда кезаркан,
Чақирарди ҳар чечак,
Қизлар ҳам севги билан,
Галалашиб капалак
Каби учишар эди.
Соддагина тил ила,
Чол муаллим айтарди:
— «Мана бунда қоқигул,
Ана унда бойчечак,
Ялпиз, гунафша сунбул...»
Тентирарди, кўзанак
Виз-виз этиб ҳавода.
Ҳар ёқ яшил, ер — қувноқ,
Осмон — мовий доира
Юксак, тиниқ ва порлоқ.
Дилбар ҳар бир чечакдан
Коллекцияси учун
Бир нусхадан оларди,
Отини ҳам ёзарди.
Ошиб тепачалардан,
Узоқларга жўнашар.
Шамол қирда шўх ва шан.
Қизлар сочини ўйнар...
Қуёш тикка... қорин оч.
Анҳор бўйида қизлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўпланади, чўп-ёғоч
Йиғиб чой қайнатишар.
Сувлар бурқиб оқарди.
Севгисига етишмиш
Бир қалб каби яшнарди.
Баҳор мунча гўзалмиш?
Дилбар чалар дуторни,
Ўйнашарди бошқалар.
Равза қўшиқларини
Шамол қирларга элтар...
Муаллимнинг бурушиқ
Юзларида табассум.
Қари кўнглида тошар
Ҳаёт нашъаси бир зум.
Чойдан кейин бошланар
Яна узоқ кезиниш.
Уфқ ғуруб олтини
Билан порлар, ярқирар.
Қайталар шаҳар сари,
Тизилиб қатор-қатор.
Юксалар қўшиқлари,
Чанг кўчалар жонланар.
Сезилмас ҳордиқ асло,
Қадамлари — нақ темир.
Кўзлари жонли, шаҳло,
Қонларда қуёш эрир...
Эшик тирқишларидан
Боқиб тутқун опалар,
Кўзларда орзу — ҳайрон,
Туйғулари чақинар...
Кўнгли қора чоллар-чи,
Орқасига қарайди.
«Келди охир замона»,—
Дея бирпас тўхтайди.
Дилбар шундай чоқларда
Сезар эди бир ғурур.
Гулранг, соф ёноқларда
Ўйнарди, ҳаёт, сурур.

* *
*

Хадича ўртоғини
Дилбар йўқларди ҳар чоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш дўстлик япроғини
Вақт узиб, солмамиш доғ
Баъзи байрам кунлари
Уни кутар Ҳадича.
Болалик ўйинлари
Узоқ, гўзал манзара
Қаби уларни тортар.
Қадимгидек иккиси
Суҳбатни қурардилар.
Руҳлар, кўзлар самимий...
Чол эридан Ҳадича
Туғмиш эди бир ўғил.
Айтарди ёниқ алла,
Бешик устида у гул.
Эрдан қилиб шикоят
— «Бир илондай чақади.
Сўкиш ҳам бениҳоя»
— «Нега бундай қилади?»
Деб, сўрар дўсти Дилбар.
—«Ери-суви олинди,
Хизматчи, корандалар,
Тортиб олган... шунинг-чун
Айниқсаям бадфеъл.
Эсайсин болам бир кун,
Қетаман, Дилбарой, бил!»
Деб ҳўнграб, у йиғларди,
Дўсти унга йўл-йўриқ
Кўрсатар, қувонарди
Қафасдаги қуш тутиқ...
Фақат сўнгги замонда
Ҳадича эри билан
Кўчмишди бир томонга,
Ҳеч дарак йўқди ундан.

*  *
*

Ўтар эди саналар,
Тотли меҳнат ойлари,
Фаннинг кенг саройлари
Билги, умид, нашъалар
Дилбарга бахш этарди.
Фикрлар доираси
Кундан-кун кенгаярди,



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Амалларнинг ғунчаси.*[1]
Энди ўн етти ёшли
Ақли комил гўзал қиз,
*Енгилмас, оғир бошли.*
Закки, жасур инжиқсиз...
Баъзи қизлар каби у
Альбом, кийим мафтуни,
Упа-элик тушкуни
Эмасди... мақсад— ўқув.
Севги кишани била
Эркли қалбни боғлаган,
Енгил-елпи қизларни
Кўролмасди ҳеч қачон...
Сакраб ўтарди ҳар йил
Икки синф бемалол.
Шонли кунларга ёш дил
Ошиқарди... кенг хаёл:
Қанотлатар истакни.
Техникумда сўнг сана
Ўқишлари кетмоқда.
Ўйларди келажакни...
«Ҳужум» кучли чоқлари
«Ҳужум» ҳар маҳаллада.
Эрта-кеч ҳар паллада
Метин, зўр оёқлари
Билан шаҳар, қишлоқни
Кезар эди тинимсиз...
Эски турмушга негиз
Ҳар муқаддас чироқни
Ўчирарди тезгина
Ёритарди зулматни,
«Ҳужум»даги машъала.
У кўролмас чимматни!
Бузиб кирарди «Ҳужум»
Қалин пахса деворни,
Маҳкам дарвозаларни...
Бағишларди табассум,
Келин, қиз, жувонларга...
Ҳар оилада секин

---

[1] Курсивда берилган сўз ва мисралар нашрга тайёрловчилар томонидан асарларнинг вариантларидан олиниб қўшилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Очар кўкламдан эпкин,
Хаста, сиқиқ жонларга..
Қўрқув, ташвиш соларди
Баджаҳл қайинота.
Шум кампир қайинона
Қалбига «Ҳужум» оти...
Онгли ишчи, комсомол
«Ҳужум» қаҳрамонлари
Асираларга кенг йўл
Очишарди эрк сари.

* *
*

Ишлашга келди Дилбар,
Маҳалласига бир кун.
— «Қўлидан нима келар,
Қосим эчки... бу ўйин?..»
Дейишарди боёнлар.
Дилбар тезда тўплади
Ёшларни, темир қадар
Бир коллектив ясади.
Минганди ишчи-ёшлар
Олов кураш отига,
Тоб бермас қарши қатор
«Ҳужум»нинг ярогига...
Дилбар эшикма-эшик,
Кезарди, англатарди.
Гапга эпчил, ёш, тетик,
Сўз инжусин сочарди...
Кўз нурин бағишлаган
Бешикка... ёш оналар,
Кун-тун нина қадаган
Ориқ, рангсиз холалар
Термилиб тинглашарди:
— «Эркакларда ҳамма гап»
Жимгина дардлашарди,
Дилбар зерикмас тинглаб.
Қиз, келинлар айниқса
Севги-ла қаршиларди:
— «Паранжи қурсин, опа!»
Кўзларда нур порларди.
Шум кампирлар совуқ сўз:
— «Қосим хаскашнинг қизи,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенмисан, ҳа бўтакўз!
Нима қилди паранжи?»
Қилишарди пичинглар:
— «Болам, сен қарқиноқдан
Булбул чиққан экансан».
Ҳеч тингламасди Дилбар.
Баъзи эрлар қарарди,
Илон боқиши ила...
Ҳақоратлар ёғарди
Дилбарнинг соф кўнглига.
Фақат унда жасорат
Синмас, қайрилмас эди.
Ишда, сўзда маҳорат
Асло йўқолмас эди.
Дилбар кирган чоғида,
Пирмат аллоф келини,
(«Нон емас» хотин олган!)
Бир чориқ оёғида,
Шошиб таппи ёпарди
Букиб нозик белини...
Ўғли ва Пирмат аллоф
Айвонда чўт қоқарди.
Кампир тикар қанор қоп...
Келин кўрди Дилбарни,
Ерга боқди уялди,
Анор рангли лабларни
Очолмай турди қолди...
Эшитсин деб бошқалар
Дилбар қаттиқ гапирди:
— «Бу иш оғирлик қилар,
Ишга солинг эрларни!»
Ҳар бир сўзи тош каби
Бориб тушди айвонга...
— «Паст-да бу қизнинг таги,
На адаб бор, на ҳаё...»
Дерди Пирмат ичида.
—«Мактаб очдик, чиқингиз,
Маҳалла масжидида,
Албатта паранжисиз».
Очилиб бирин-сирин
Хотинлар чиқишарди,
Боқишлари бир ширин,
Кўзлари ҳам қувнарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар кун икки-уч соат
Дарс ўқийлар мактабда,
Раъно, Анор, Саломат,
Бошқалар сева-сева.
— «Бе» чиқибди эсимдан,
— «Э» шундайми, Дилбарой?
—«Мана бу қийин экан...»
—Чақалоқни тинчит, ҳой!
Дилбарда шавқ ва севинч...
Яхшилаб ўқитарди.
*Жаҳли чиқмас, сокин — тинч,*
Тотли кулиб боқарди,
Сўнг, байрам учун қизлар,
Тайёрлик кўришарди.
Ўйин, қўшиқ, қарсаклар
Кўнгил дардин ечарди.
Дилбар ариза ёзар,
Хотинларга иш учун.
Идораларга қатнар,
Тортишарди бутун кун.
Паранжи ташлаганлар
Ичида Қумри, Ойхон,
Паттачи... ва Гуланор,
Фабрикадан иш олган.

* *
*

Эрта Май байрамиди.
Клуб-майдон безалган
Қизил байроқлар билан.
Гўзаллик оқшомиди...
Катта мажлис... чироқлар...
Тўпланарди маҳалла
Меҳнаткаши, ҳаммада
Ўзга нашъа ва руҳ бор...
Ишчиларнинг хотини
Ўраб ғижим рўмоллар
*Безашиб кўз — қошини*
Клубга оқардилар.
Новча Турсун ямоқчи
Пакана хотини-ла,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қари Муслим тароқчи,
Кампири Ойша хола,
Илжайиб келишаркан,
Дилбарой қайнар эди.
Кўксидаги севинчдан
Кўзлари ёнар эди.
Катта бино лиқ тўла.
Ишчилардан Қоравой,
Мажлисни очган онда
Чапаклар... сўнг Дилбарой
Учун берилмишди сўз.
Нутқи гўзал ва тошқин,
Севиб тинглар ҳамма кўз.
Ҳар сўзи худди чоқин,
Руҳларнинг чуқур, қора
Ўпқунларин порлатар.
Суст, увушиқ қонларга
Буюк бир куч бағишлар.
Оқ пошшо замонида
Ишчи-батрак ҳолини,
Бойларнинг ҳамёнида
Бўлган олтин, молини
Англатар содда, очиқ...
Сўнгра фирқа, ҳукумат
Мақсади ва сиёсат
На эканини аниқ,
Гўзал, жозиб ва ёниқ
Тили билан англатди,
Унинг сўнг сўзи қаттиқ
Дилларни-да жонлатди:
— «Қанча тутқун келин-қиз
Эрк кўрмай бўғизланди.
Қанча чақнаган юлдуз
Ўз қонига бўянди?
«Ҳужум»га қарши — бойлар.
Кеча Хадичаойни
Эри чопиб ташлаган.
Енга олмас «Ҳужум»ни
Ўткир пичоқ, болталар,
Битсин паранжи-чачвон!»
Чапак бомбаси шу чоқ
Ёрилди... сўнг бир ишчи,
Чиқиб: «Отилсин эри!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Деркан чапак-қалдироқ.
Минбарда Ойша хола:
— «Яшасин комсомоллар,
Яшасин, Ленин бобо!»
Олқиш ва қаҳқаҳалар.

Энди концерт бошланган,
Кичик ясама саҳна.
Ўйин, қўшиқ, созлардан
Кўнгиллар гитрар аста...
Амин темирчи қизи
Кўп ўйнади, шўх, чаққон.
Ўйнаркан оёқ изи,
Ерга тушмас — учағон.
Уятчанлар чиқарди
Ташлаб қўлни бир-икки
Саҳнадан қочишарди.
Яна бўларди кулги...
Дилбар куйлаган чоғда
Ҳар ким маҳлиё... ва соф
Товушлари бир тоғда
Оққан булоқ... офтоб
Нури каби кўнгилга
Ва қонларга кирарди.
— «Сўраймиз! Барака топ!»
Ҳеч бир оғиз тинарми?
Фақат, тақачи Содиқ
Бир чеккада бош солиб,
Ўтирарди... булониқ
Сезгилар билан ёниб.
Унинг кўкси бетинч, тор.
Қарши кучлар икки зўр
Кучук каби ғажишар.
Кўзда юпқа олов тўр...
Қап-қап носвой отарди.
Чиқди ташқари Содиқ,
Дилбарнинг қўшиқлари
Ҳаволарда ҳам аниқ...
Кўчалар бўш, қоп-қора
Япроқларни шамоллар,
Боладек қиқирлатар,
Ўпар, босар қучоққа.
Юрарди аста-аста.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалби, боши ёнарди,
Келди белгили ерга,
Анҳор бурқиб оқарди.
Оғир хўрсинди Содиқ,
Турли фикр, хаёллар
Сиқди кўксини қаттиқ.
— «Ҳамма қизлар, аёллар
Очилди-ку... умримда
Чумчуқни сўймаганман,
Дилбар гапирганида,
Ҳаммани тортди бирдан...»
Имомнинг сўзи: жаннат
Оғочлари кўринди,
— «Нега ўзи ҳамият
Қилиб чиқмади? Балки,
Мени лақиллатганлар.
Борди-ку қўлга тушдим».
«Отилсин унинг эри!»
Эсга тушди, бўлди жим.
— «Дилбар тўғри гапирди.
Жалаб эмас, бу ёлғон!
Қалби худди чарх каби
Ғувилларди... қўнжидан
Суғириб пичоғини,
Тикилди қўрқинч ила.
Фикри учди Дилбарга.
Сўзи, куйи, сочини
Эслаб кетди, ўйлади.
Ана меҳрибон она,
Етмиш ёшли бир кампир.
— «Бир иш бўлса мабодо,
Ким боқар уни ахир?»
У яна ўйга толди.
Ҳошим чойфуруш бир чоқ,
Марҳум чол отасини
Ҳақорат қилгандаёқ...
Унга уч кун илгари
Болам деб тотли сўзлар.
«Пуч шу бойларнинг таги!»
Қонли, туманли кўзлар
Очилмишди бир онда...
Зил-замбил тош юракдан
Йўқолди шу замонда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кетди илдамлик билан:
Ўйин-кулги томоша,
Севинч ҳар кўзда ёнар,
— «Сўраймиз! Дилбар, яша!»
Ҳар ким тинмай қичқирар.
Содиқни босди ваҳма:
Ҳар ким унинг яширган
Гуноҳини англаган
Қаби туюлди унга.
Чақирди Қоравойни,
Қеча жим... аёз-совуқ.
— «Нима гап хўш, айт, Содиқ?!»
— «Ростин айтай оғайни!»—
Деди-да товши ўчди...
— «Нимага қалтирайсан?»
— «Дилбарни... ўлдиришни
Топширишди, сақланг, ман
Қайитдим энди, ака!»
—«Ким топширди, тез гапир!»
Айтиб бергач бирма-бир,
— «Жим бўл, мен келгунимча!»
Деб Қоравой йўқолди.
Содиқ кенг нафас олди.

Унда-мунда соқчилар...
Ҳаддан тиш бир ҳаракат.
Илдам эди оёқлар,
Қоравойда жасорат.
Сўзларди қисқа, кескин:
«—Уй номери қирқ олти!
Эҳтиёт бўлинг! Секин!»
Ёт бир хотин ўйнаши
Билан тутилди имом.
Ана Ҳошим чойфуруш
Турдивой, баззоз Инъом.
Олишлар оғир сўлиш.
Кўзлар ерга қадалган.
«Пирмат йўқ!» дегач бири,
— «Қочган бўлмасин, шайтон»,
Деб Қоравой югурди.
Тутиб келишди томдан
Пирматни икки соқчи



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўйлаксиз (фақат иштон!)
Қалтирар қўл-оёғи.

* *
*

Эрта билан маҳалла
Хотинларин тўплади.
Тизиб уларни сафга,
Кетишаркан, отаси
Чақирди четга томон:
— «Сен мана шу туморни,
Бирерингга тақ, қизим!
Душман кўп: хавф-хатарни
Қайтаради... ҳазратим
Берганди: шак келтирма!..»
Деди-да, йиғлади чол.
Дилбарой кулди яна:
— «Душман ҳозир қамоқда.
Кераксиз тумор — хаёл...
Эсдан чиқибди... ота!
Ўқишимни битирдим».
— «Эҳтиёт бўл, жон болам!»
— «Энди қишлоқда ишим,
Ўқитаман... сизни ҳам,
Индин олиб жўнайман».
Деб қувонтирди чолни.
Чопди байроқ ортидан
Елпиб қизил рўмолни...
Оқар инсон тўлқини,
Сиғмайди кўчаларга.
Йўқ унинг кети, учи,
Кетар синмас куч ила.
Катта лола-байроқлар
Гилам-гилам очилган.
Қуёш сочи — булоқлар
Каби тошқин сочилган.
Янги ҳаёт қурувчи,
Курашчилар темир-саф.
Темир тўлқиннинг кучи
Кўзларда ёнар порлаб.
Дилбар содда... чин кураш
Олови-ла ёнарди,
Юз минглар меҳнаткаш



www.ziyouz.com kutubxonasi


104.

«Дилбар — давр қизи» достонининг оққа кўчирилган автографидан саҳифа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаби қадам босарди.
Даврдек улуғ нашъа,
Ёш қалбини қоплаган.
Керилиш, ҳовлиқиш на,
Билмасди бу қаҳрамон.
Қучмиш Дилбарни бутун
Зафар-ғалаба йўли.
Даврнинг иши учун:
Фикри, умиди, қўли!..

*1932 йил, июль.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# УЧ

## I

Анҳор бўйи. Толзор. Катта супада
Ўтирар ёш-яланг. Бекорчи бир тўп.
Бир кўҳна ола-пес самовар аста
Чалади хилми-хил маршларини хўб.
Кўк чой эрмак каби аста ютилар.
«Зўр туллак зафари» тилларда достон.
Чилимнинг дам-бадам қорни қулдурар,
Тутун булутлари ёйилар ҳар ён.
Супани қуршаган бағри кенг толлар
Баҳорнинг шу қадар қувноқ бир куни,
Олтиндек жаранглар ҳатто сукути,
Дам силар, дам ўпар майин шамоллар.
На гўзал сувларнинг қийқириқлари!
Шўхликдан ўзгани билмаган анҳор
Қуёш сочларида чопар беқарор,
Тўлқинлар сапчийди қирғоқлар сари...
Шўъла ёмғирига чўмилиб, ёниб
Япроқлар шундайин товланадики...
Қуйнидан шабада кетолмас қочиб,
Баргаклар силкинар сочпопук каби.
Супанинг бурчида ўтирар ёлғиз
Азамат бир йигит — чақин кўз бургут.
Қорамтир юзлари жиддий ва этсиз,
Қалбин ўрагандек қандайдир булут.
Эгнида адрас тўн, белда қўш белбоғ,
Чуст дўппи яримта, кенг кўкрак очиқ.
Темир қафасдаги арслондай шу чоғ
Кўркам ва маъюсди — қовоғи солиқ.
Ўртоғи ҳовлиқиб келди хушчақчақ:
—«Биз ютдик, Холхўжа! Иш йирик, дўстим!»
Йигит илжайди-ю, хўрсинди бироқ.
— «Бу сочи узундан мингта-ку, пирим!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайғурма, қани ол дуторни...» деди.
Холхўжа иложсиз шимарди енгин,
Қандай ширин, мунгли дуторнинг тили!
Нозик қайғуларга ўт қўшар секин.
«Қўлинг дард кўрмасин!» дер оғайни-ёр.
Дўсти Барат сўрар: «Бир чимдим қўшиқ!»
Холхўжа завқланган. Кўзлари юмуқ,
Бошлайди қўшиқни. Инграйди дутор...

## II

Ёши ўн саккизда ,исми Лаълихон.
Қош демаган унда: ингичка, асл...
Лаблари нақ пишган гилос — қип-қизил.
Оқ, тиниқ юзлари кулумсар ҳар он.
Кўзлари йирик, шўх; киприклар қуюқ,
Кўзлари ҳамиша қора ёнарди.
Бу қора оловдан диллар қонарди.
Қиз исмига янграр ҳар кун бир қўшиқ.
О, кўркам сочларнинг қора ипаги!
Шундай келишган бўй бормикин яна?
Атлас кўйлак мавжи кўкраги узра, —
Сувда анор қалқиб оққан сингари...
Шўх эди. Ёшликда томма-том ўйнар,
*Чиқарди қуш излаб терак учига*
Хамма ўртоқлари — эркак болалар,
Уришқоқлар қойил унинг кучига.
Дуторни энг яхши чалар эди у,
Каштага баҳорни ёяр эди у.
Нонларни дўндириб ёпар эди у.
Руҳларга ёнғинни солар эди у.
Қампирлар дер эди: «Она хотин бу!»
Қўрслар пўнғилларди:
«Ўлсин, қақилдоқ».
Асло қўнмас эди кўзига уйқу
Товшини бир топқир эшитса бўйдоқ...
Лаълихон бир уйнинг ёлғиз боласи:
Кекса бир хаёлчи — кўкнори ота,
Удлабурон хотин унинг онаси.
Рўзғор қилар терга у бота-бота.
Новвойлик этарди кампир қиш ва ёз,
Қизнинг чеварлиги ҳуснидек машҳур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин меҳнат мўл-ку — танга деган оз!
Лаъли — уйнинг кўрки,
У нашъа ва нур...
Совчиларни қувлар эшикдан Лаъли.
Баъзан косов билан, баъзан *отиб сўз*
Онаси бу эрка қизнинг истаги —
Орзу-ҳавасини бузмаган ҳануз...
Юзини кўрмасдан қалби қонаган,
Қиз ишқида ўзин мажнун санаган
Йигитлар кўп эди ҳар маҳаллада...
Ҳаттоки бурнини эплай олмаган.
Уста калтагидан елкаси яғир
Бир косиб шогирди — Аҳмад баёв ҳам
Лаълихон ишқида ёнармиш ҳар дам...
(Ўларкан устага очибди у сир...)
«Лаълига етувчи туғилмаган-ку!»
Аксар йигитларда ҳоким бу фикр.
Фақат Холхўжада умидбахш туйғу,
Ёндирган борлиғин ёлғиз севгидир...

## III

Холхўжа ёшликда ота-онадан
Айрилиб, кўчада қолмишди ёлғиз.
Ҳаётнинг даҳшатли тўлқини ҳар дам
Урарди етимни жуда омонсиз.
Қашшоқ темирчининг бу етимчаси
Бир бурда нонини минг азоб билан
Суғурар ҳаётнинг хасис қўлидан,
Не балоларга дош бермас елкаси!
Бажарди тиришиб турли-турли иш,
У қўлга олмаган қолмади ҳунар.
Иссиқ ин қидирди келганда ҳар қиш.
Саратонда қайноқ терда чўмилар.
Йилларча ишлади бойлар қўлида,
Меҳнатда чақилар бошқалар учун.
У бир саёқ каби турмуш чўлида
Шаҳар-қишлоқларда тентирар узун.
Учради йўлида ҳар хил инсонлар.
Сабоқ берди гадо, бой, мулла ва шум.
Орттирди душману дўст-ёронлар,
Фақат ўзидеклар қилди табассум...


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаётда у кўрди ҳақсизлик, риё,
Эзилиш, ҳақорат жабр, кўз ёши.
Қалбида тошарди нафрат доимо,
Бир тўда гердайган тўқларга қарши...
Холхўжа меҳнатда улғайди пишиқ,
Эрксевар ва ўжар бир йигит бўлди.
Мардликда ўзидек мақташга лойиқ
Йигитлар-ла ҳар чоқ атрофи тўлди.
Юрар енгилмаган бир полвондек у,
Қалби соф, кўнгилчан ва қўли очиқ.
Кийими топ-тоза, содда ва сулув,
Минглар орасидан танир халойиқ.
Одамлар орқадан «шоир йигит» дер,
Куй тўқиб, дуторни у чалган чоқда.
Душманга отилса, у худди бир шер
Ё бургут сингари, ови оёқда.
Мунофиқ, алдамчи, қаллоб қўрқоқлар
Кўзига илинмас бир чивин каби.
Қўнжида, белида ўткир пичоқлар,
Девга ҳам ҳужумдан қайтмайди балки.
Бироқ, Лаълихоннинг бир тола сочи
Бу мағрур ва ёвуз кўнглини шундай
Чандиб боғладики...
                Борми иложи!?
Тим қора, сеҳрли сочларки... тундай...
Севги тарихидан: бир куни ёлғиз
Чаларкан толзорда йигит дуторин,
Чиқди паранжида сўлқиллаган қиз.
Холхўжа гап отди, кўзларда чақин...
Лаълихон чачвонни зумгина юлди,
Фақат ўзига хос ноз билан шу дам:
— «Сиздаям тил бормиш, ҳа полвон акам!»
Деди-да, кўз сузди, чиройли кулди.
Холхўжа қизариб ерга боқаркан,
Киз шўх юриб кетди... О, қандай бало!
Йигит ҳайрон қолди, кўзлар қайнаркан,
Изидан югурса қуюндек, аммо...
Лаълини мақтаркан йигит-яланглар,
«Бу — гўдак ўйини» дея куларди.
Темир гавдасини энди у эгар.
Муттасил ёлқинда юрак куярди.
Кечалар уйқу йўқ,
                ёнар сўққа бош,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўйлар ва хаёллар босади узоқ.
Ичида қайнайди булоқ-булоқ ёш.
Тўлғанади ҳар ён, тун битмас бироқ.
Бу не бало севги? Бу не бало ғам?
Баъзан ғайрат тошар: йиқса тўсиқни!
Дуторни йиғлатиб, куйлайди бир дам
Лаъли учун ўзи тўқиган қўшиқни...
Яна йигит дилин шубҳа қонатар.
Ўтарди ҳафталар қийноқ ичида.
Ниҳоят, билар у Лаъли кўксида
Айни ёлқин билан муҳаббат ёнар...

## IV

Кўкламнинг гулу ел ўйин кечаси,
Ер ҳам, том ҳам ёйган қалин гул сепин.
Юлдуз-ла тикилган кўкнинг каштаси,
Эрийди бир парча оқ булут майин.
Ойдинда йилтироқ, қийшиқ деворга
Суяниб Холхўжа турар беқарор.
Ҳовлини қоплаган ёш-ёш кўп толга
Ел қучоқ очади ҳар ёқдан такрор.
Оғочлар ичидан ана чиқди қиз,
Оппоқ гул яшнайди икки чаккада.
Йигит ҳаяжонли, севинчи чексиз.
— «Чол-кампир уйқуда, қўрқмангиз ака!»
Деди-да, Лаълихон ширин, шўх боқди.
Девор паст. Бирлашди кўллар, дудоқлар.
*Дудоқлар, бўсага шундоқ чанқоқлар.*
Қонларда бир онда учқунлар чақди...
Ой нури оқади ипакдан майин,
Лаълининг сочида мавжи жимирлар.
Ёш, севар юраклар дардлашар секин.
Улар каби шамол, барглар шивирлар.
Ҳар сўзни муҳрлар бир ёниқ бўса.
О, қандай чин бахтга тўлғин бу онлар!
Қониқарми диллар бўса минг бўлса?
Бахтдан ва севгидан маст-аласт жонлар...
Жимжитликни бузар бирдан шақилдоқ.
Узоқда қоровул. Улар айрилди.
Холхўжа кайфи чоғ уйга қайрилди.
Ҳазилкаш қоровул қичқирди бироқ:
— «Ҳай, ўғри, қаердан? — кулди қоровул,—



www.ziyouz.com kutubxonasi

Касофат! Бошингни олиб қўйями?»
— «Ола қол, азобдан қутулай буткул!»
—«Ҳушёр бўл, Холхўжа, мана шу ойни
(Қоровул кўзларин қисар осмонга)
Яқинда бўлармиш тўйи, оппоғим!»
— «А нима?»— Холхўжа тушар гумонга.
— «Лаълига уйланар бойвачча Ҳошим!»
— «Вайсама, унда бор дилбар қўш хотин...»
— «Гап пулда. Қутуриб кетди у пулдор!
Мен кеча қилгандим бойнинг хизматин,
Маст эди, сирини қилди у ошкор:
Яширин пул олган Кўкнори ундан...»
Холхўжа ғазабдан бутун тутоққан,
Ҳалқуми бўғилар алам — тугундан.
— «Дунёнинг мазаси бойларга оққан.
Камбағал ошиғи ҳамиша чикка...
Тўғри, пулимиз йўқ, жонни тикканмиз!»
— «Лаълини олмоқчи беш-ўн кунликка,
Қўш хотин устига... балки кўнмас қиз».
Қоровул шивирлар яна оҳиста:
— Ҳа, сен эҳтиёт бўл, бой сенга душман.
— «Узардим сапчадай калласини ман,
Сибирга ҳайдар-да сариғ палиса»,—
Дер йигит, жаҳлдан товуши бўғиқ.
— «Камбағал қулдан ҳам бадтар мисоли.
Оқ пошшо деган наҳс бойлар томони...»
Сўзлайди қоровул носвойдан дудуқ.
Холхўжа юради, қора уй, хаёл
Юрагида гирдоб. Кўкламида қор.
Йўл бўйи елпираб қатор-қатор тол
Табиат шеърини қиларди такрор...

## V

Катта чойхонада одамлар қалин.
Чойнаклар шиқирлар, кўк пиёлалар
Чертилар даврада. Супалар салқин.
Чаккаларда чўғдай ёнар лолалар...
Ранг сариқ, эт орриқ, тирноғи локли
Косиблар жумалик қилар бир ёқда.
Нариги супада — тепаси тўкли. —
Кўнчилар улфати — гап-сўз улоқда.
Бир тўда чапани, мусофир, саёқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтирар Холхўжа билан сал нари.
Бу эл ўзгачадир — жонли, хушчақчақ;
Ҳазиллари дағал, ўтдай сўзлари.
Қайрағочлар, толлар кўк саройида
Беданалар сайрар ўзишган каби.
Ҳовузнинг порлаган ойинасида
Рангларнинг товланган жонли галаси...

Чойхона олдида тўхтайди файтун,
Бир йигит тушади рангпар, орриқ, маст.
Жужунча камзулли, қўлда шоҳи тўн,
Димоғи баланду, лекин бўйи паст.
Чойхўрлар ўзаро шивирлар бир зум:
«Ҳошим бойвачча бу. Қовоқхонадан...»
Лабида папирос, қийшиқ табассум.
Кўзин узмай турар у Холхўжадан..

Ҳошим бойваччанинг отаси донгдор,
Заводи, ерлари, боғлари машҳур.
Хизматга тўралар, масжидлар тайёр,
Бошида «алиф» йўқ, дилда қилча нур.
Бу шалоқ йигитнинг билгани зулм.
Ҳар куни бир ерда ясар тўполон.
Маҳалла қашшоғи тилайди ўлим —
Сўкиш, шапалоққа бойвачча чаққон...
Унинг бўш юрагин ва бўш ҳаётин
Тўлдирар ичкилик, қимор ва хотин...

— «Ҳай йигит, чал дутор, ол ашулани...
Лаълига аталган қўшиғинг бормиш»,—
Дер Ҳошим, гердаяр, тиржаяр лаби.
— «Ҳазил йўқ, бойвачча! Кўп қилма ғишғиш!»
Холхўжа кўзлари бошқачалашди.
— «Пул десанг, мана пул... Лаълига қурбон!»
Ҳошимнинг оғзидан қаҳқаҳа тошди.
Чўнтакдан бир даста пулни отган он,
Холхўжа сапчиди ердан шер каби.
Бир мушту бир калла! —
Ҳошим юмалар,
Чайнаб ташлагудай ботир чапани.
Ўнларча қўлларни у уза олар!
Чойхона тўполон, етар миршаблар.
Бойваччага таъзим. Қашшоққа зуғум,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамманинг лабида кесилган гаплар,
Чоллар мард йигитга йиғлайди юм-юм...
Холхўжа кетади мағрур, дарғазаб,
Кетади азоби-уқубат сари.
Орқадан қўш қилич совуқ ярқираб
Ҳайдар мард йигитни,
Йиғлар ёш-қари...

## VI

Қанотдан айрилди, нетсин Лаълихон?
Узилиб, қуйилиб кетар кўз ёшлар,
Бургутдай йигитни эслаган замон
Дарддан ёнган каби у нозик қошлар...
Атласда товланиб, шоҳи рўмоллар
Ўраб демасмиди: «мана мен гўзал!»
Энди уни қучган қўрқинч хаёллар,
Энди мунгли боши букик ҳар маҳал...
Қайда мағрур, жасур арслон чапани?
Қани, соч силаган меҳрибон қўллар?
Мунча золим экан тақдир дегани!
Висол йўли ёпиқ, —
ёпиқ бор йўллар...
Кундузи каштага чизади дардин,
Оқшом ёлқинланар дилда фироқлар.
Мана ой толларни қучади майин,
Қани, паст деворда учрашган чоқлар?
Холхўжа бўлсайди, Лаъли қочарди
Қора «ичкари»дан узоқ жойларга.
У ёлғиз, балолар чангал очарди
Хаёлда яратган гул саройларга...

Қистарди отани бойвачча Ҳошим.
Кўкнори дағдаға қилар ҳар куни:
«Беш юз сўм зиммамда —
куяр уй-жойим...
Рози бўл тақдирга, ҳай ит тухуми!»
Қилтириқ бўйнида чўзилар томир,
Ғазабланган чолнинг шилпиқ кўзлари
Шундай ёмон, шундай қадалар оғир.
Уй-жой хатардамиш! — Кампир сўзлари
Шўрлик қиз бошини болғалар эди:
— «Шумтака чапани қуриб қақшасин,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сени иситган у...» — дейди ва шошқин
«Совутиш»га чора ахтарар эди...
Бажарар Кўкнори оталик ҳаққин!
Шу яқин ўртада қилинажак тўй...
Лаълига кун сайин фалокат яқин,
Юз сўлғин, бош букик, пармалайди ўй:
Бироқ уй-жойлари сотилиб кетса...
Яна бойқиш ўйлар ота-онани.
Не дейди Кўкнори «оқ қилдим» деса!
Юрагини чақар ҳасрат илони...
«Чапани отилган!»— тарқалур хабар.
(Ёлғонни чин қилар бойвачча маккор)
Қиз бошида чақмоқургандан бадтар,
Не қилсин у? —
Кўкдан йиқилмиш шунқор!
Лаълихон истамас бойвачча эрни.
Чапани чиқарми бир он ёдидан?
Қучмоққа тайёрди у совуқ ерни.
У бир қиз. Ким қўрқар унинг оҳидан?
Бу муҳит нақадар бўғиқ ва сиқиқ,
Инсон ўз орзусин қила олмаса...
Умидлар, севгилар, кўнгиллар синиқ,
Фикрлар, ишончлар бари талваса...
Оталар, оналар қизини сотсин,
Қиз эрки улар-чун ўтмас бир чақа!
Кўнгил ўйинларин пулдор юпатсин,
Камбағал кўнглига қоқилсин тақа!
Дин, ахлоқ ва одат занжири надан
Боғласин абадий қашшоқ бўйнини?
Севгини ва эркни танимас экан,
Очар бир гуркумга бахтнинг қўйнини!

## VII

Камбағаллар куяр бурчак-бурчакда:
— «Холхўжа йигитнинг сараси эди» .
— «Дунёга бир келар мундоғи, ака!»
Маҳалла қашшоғи фақат ғам еди.
Юрарди ҳушсиздай дўст — Барат чўтир,
У ёнар, кўйлаги оловдан гўё...
«Дўст ноҳақ қурбон-ку, сен қараб ўтир!»
Дер у бошин сиқиб тунларда танҳо.
Ҳошимбойвачанинг бир отбоқари,



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ёшликдан улуши таёқ ҳақорат —
Холхўжанинг эди қалин ўртоғи.
Дардкашлик этарди у билан Барат.
Бу икки юракнинг дард ғазабидан
Бир кеча чақнайди оташ балогар.
Бойнинг қўраларин ҳар тарафидан
Ўт мавжи чирмайди —
ўт кўкка қадар!
Маҳаллада сурон, мис қалпоқлиқлар
Сув ханжар-ла кесар олов сочларин.
Суюнар ичида бутун қашшоқлар:
«Бу ҳам оз бой учун!
Кули соврилсин!»
Ҳар ён ўт тўлқини. Кўк — шафақ каби.
Қўркам уйлар қулар ваҳим қасирлаб.
Миршаблар қутурган, изғийди бари.
Қашшоқ қўшниларни қамар жабрлаб...
Барат чўтир эди виждонли бир мард.
Қўлини кишанга тутар: «Аяма,
Мен қилдим! Ўзгага юқтирмайман гард...
Истасанг ўтга от, истасанг қама!»

## VIII

Неча кунлар ўтган эди ёнғиндан —
Эрталаб уйғонди Ҳошим бош оғриқ
(Чунки тунда беҳад қаттиқ ичилган.)
Ҳавони йиртарди йиғи, ҳайқириқ...
— «Қаёқдан?» — сўрар у хизматкор чолдан.
Яширмоқ истади чол фожиани:
— «Бирининг қулоғи остида қолган!»
«Ҳай супурги соқол, алдайсан мани!
Кўкнори уйида бу йиғи ахир!»
Тасалли бермоққа киришади чол:
— «Кўргулик... Қайда жон, ўлим ҳам ҳозир.
Заҳар ичибди қиз, ўлибди дарҳол».
Илжайиб мўйлабни бурайди Ҳошим:
—«Қўйнига киришга қолганди яқин.
Аҳмоқ қиз!
Ғалвадан қутулди бошим,
Ҳам уй-жой ўтади менга сув текин!»
Чол ҳайрон, соқолин у жим ямлайди,
Шилқим бойваччани дилида қарғар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лабида папирос у дўнғиллайди:
— «Зериктирди, бобой, мени бу шаҳар...
Айтгин, ҳаялламай, отларни қўшсин,
Ов қилайин бориб букун далага».
Чол чиқиб, қўл силтар: «Тухуминг қурсин!»
Ҳошим қулоқ солар бир зум азага:
«Нодон қиз! Бир кеча... Беш юз сўмни ол,
Ота-она энди уй-жойсиз мана...»
Дейди, қўл силтайди, энди у хушҳол,
Куйлаб юрар секин меҳмонхонада...
Қоп-қора булутдай арғумоқ чопар,
Файтун сирлангандай тоза ярқироқ.
Ширакайф бойвачча аста чайқалар,
Қора чарм ёстиқлар момиқдай юмшоқ...
Қарши тор кўчадан чиқади тобут,
Чўккан елкаларда лопиппаб оғир;
Унда шўх қиз ётар қучоқлаб сукут,
Севги, гўзалликни
қучади қабр...
Олдинда бош букик, ҳушсиз Кўкнори,
Қайғудан букчайиб борар: «Вой болам!»
Бутун-бир маҳалла — ғамгин ёш-қари
Елкага тобутни олар дам-бадам...
От ҳуркиб ўзгартди ўз юришини.
Папирос қўндириб қийшиқ лабида,
Ҳошим борар бузмай ўтиришини:
Чиройли бир пасткаш ўлибди — нима!
Иккиси йўлланди икки томонга.
Бириси боғларда очади кўнгил,
Қуёш, шамол кўкат гилам-гилам гул,
Зангори уфқлар, соз манзаралар
Гўзаллигин очар...
Эссиз қай жонга!
Коранда, чоракор қўлларин қадоқ
Қилган гул далалар овутар уни.
Бойлик, фаҳш, ёмонлик меваси — шалоқ
Ҳошимнинг ешилар юрак тугуни...
Ғунчасида ёнган муҳаббатни қиз
Топ-тоза элтади ернинг қўйнига.
Ҳаёт йўлларида у қолди ёлғиз,
Чирмашди ёр эмас, ўлим бўйнига...
Қанча дилларга нур сочган Лаълихон
Ошиқар: қучади уни ер чуқур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечаси юлдузлар, тонгда ғазалхон
Булбуллар бошида марсия ўқир...

## IX

Сим-сиёҳ бир кеча. Қинғир кўча жим.
Холхўжа юради қанғиб, юрак зиқ.
О, бу эшик девор!—
О, кўрмасайдим, —
Дер йигит, ичида инграйди ёниқ...
Уч ой у қийналди қамоқда, кейин
Қочади, жон фидо қилиб ёр учун;
Умидланган эди қовушмоққа чин.
Лаъли қабрин қучди у ҳўнграб бугун!
Лаъли йўқ, нашъа йўқ, ҳовлида толлар
Гуриллайди ваҳим, қора тўлқинда.
Қандай гўзал эди қинғир деворлар
Бир вақтлар —
учрашган дамларда шунда!
Холхўжа бош яланг ва оёқ яланг
Юради, шу топда сиқар кўкрагин
Ўч туйғуси, ғазаб оташи,
юрт танг,
Кетажак қайгадир силкиб этагин...
Мана маҳаллада уришқоқ хўроз
Қичқирар тол узра. Дўсти қоровул
Лаълига қўшнидек чиқармас овоз.
Йигит қисқа, дардли уҳ тортар буткул.
Мана туртинган маст одимлар яқин.
Зумда бойваччани қон қилади-ю,
Холхўжа жўнайди енгил ва эркин.
Чапанининг энг тўғри ҳақиқати бу.

*1932*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЕМИРЧИ ЖЎРА

Ишлар эди терга ботиб
Темирчимиз — Жўра кофир.
Болғасини гурсиллатиб
Урса, баргдай бўлар темир.
Тинмас кундуз, тинмас кеча.
Елкаси кенг, қулочи зўр.
Дош беролмас шерик неча,
Ҳамласига зарби ҳам жўр.
Тўнж рангли юз, куюнди қош,
Ажинлари чуқур-кескин.
Ҳамиша тик — ғururли бош.
Фақат кўзлар сокин, майин...
Хоҳ қиш бўлсин, хоҳ саратон,
Темирчининг қўли ишда.
Маҳаллада ҳар вақт сурон—
Болғалар ўт чақнатишда...
Қора кунлар, қайғу-ҳасрат
Буколмайди унинг қаддин.
Иш бошласа, жўшар ғайрат.
Қалбида мунг қурмаган ин...

Ғазабини темир каби
Ёлқинланган ўтга суқар.
Манглай тери, зўр билаги
Бахт учқунин унга тўкар.
Темирчийди отаси ҳам.
Бу ҳунарнинг тош қўлларин
Ёшлигидан тутиб маҳкам,
Белгилаган ўз йўлларин.
Меҳнат билан темирчимиз
Беш боланинг бошин силар.
Ўғиллардан бири ёлғиз
Дам-пам тортиб ёрдам қилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юз ямалган қуроқ чопон
Қийса-да у, ғурур баланд.
Аврай билмас мулла, эшон,
Бойларни у қилмас писанд.
Ким кўрибди бирон куни
Темирчида салла-малла!
«Жўра кофир» атар уни
Ёшу қари маҳаллада...
Намозларга у бепарво:
— «Минг сажда қил, пешонага
Ёпишмас бир чақа асло!..»
Деб урарди кенг сийнага...
Лақабидан хурсанд роса.
Лақаб топмиш ўз жисмини.
«Кофир» сўзи тушиб қолса,
Пайқамас у ўз исмини...
Ўқимаган «абжад»ни-да,
Бироқ унинг ақли ўткир.
Ўй ўйларди ўз ичида,
Қарашлари ажаб жасур.
Унда озди таниш-билиш.
Қалин бир дўст — ишчи Турсун...
Қўркам мўйлаб, юзи тириш,
Ҳар вақт пулсиз, эгни юпун.
Қўш мағиздай булар яқин.
«Ичи қора, фикри бузуқ —
Имонсизлар бўбди қалин...»
Дер бой, мулкдор, ҳар қорни тўқ.
Азондан то шомга қадар
Завод сиқар тер Турсундан.
Хўжайинни сўкар, қарғар —
Пул ундириш мушкул ундан..
Приступга салом бермай,
Турсун ейди гоҳ шапалоқ.
Тўраларни писанд қилмай —
Баъзан насиб бўлур қамоқ.
Қайғуради Жўра кофир.
Югуради у ён-бу ён.
Бошин қашиб, ўйлар оғир:
«Бойлар ёмон, подшо ёмон!»

Ҳар кеч ишдан қайтиб Турсун
Дўст қошига келар ҳориб,
Махоркани ўраб узун,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзлашади қониб-қониб.
Баъзан ичиб келади у:
— «Бир капийка бою имом.
Бари жулик, муттаҳам, қув!..»
Гоҳ келар у жиддий тамом:
— «Тегизмаймиз ишга қўлни,
Забастовка қилдик бугун...
Рус ишчиси билар йўлни!»
Деб мўйлабдан қуяр тутун,
Дўсти солар қовоғини:
— «Бундан фойда борми, тентак?
Хўжайинлар оёғини
Тирар, ишдан қувар итдек!»
«Эҳ-е, ҳайдаб кўрсин, қани!
Барча ишчи, завод яктан.
Дўндирамиз ишни ҳали,
Бой эгади бизга гардан!»
Қалин дўстлар ивир-шивир
Сўзлашади ҳар тун узоқ.
Кўкракларда умид лимдир,
Уфқларда бор қалдироқ...

Келди кунлар зўр бўронли,
Тўлғанишлар билан жаҳон
Ёришади. Турсун донгли,
Қўлда милтиқ сўйлар обдан:
—«Ишчи, қўшчи, қаддинг кўтар,
Давринг келди, ҳаққингни ол!»
Фикрларда ағдар-тўнтар...
Юракларда кўклам, шамол.
Болғасини кўриб қолди
Байроқларда Жўра кофир.
Зўр ҳаяжон қучиб олди
Давр келибди, тур-да ҳайқир!
Дилдан чуқур сезди Жўра
Ўзгаришнинг тўлқинини,
Ҳаёт энди эмас кўра,
Ел учирди тутунини...
«Байроқларда яшнар болғам,
Ўпишгандай ўроқ билан.
Мастеровой, деҳқон — оғам!»
Дейди Жўра бутун дилдан.
Эзилган эл иш бошида,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бою тўра қадди букук,
Заҳар қайнар қарашида:
«Дунё қора ҳаёт зўр юк...»
Партбилети кўкрагида,
Чарм пальто, белда қайиш,
Жўра, Турсун мусодара
Қилар бойлар мулкин.
Кумуш —
Сандиқларда зич уюлган
Зийнатлару асл буюм,
Маккорларча зап кўмилган
Танга, олтин қуюм-қуюм
Ташлайверар ўз инини...
Ер қаърида нималар бор —
Жўра ташлар кўз қирини
Дарров пайқар...
Омбор-омбор
Донлар топар, бари давлат,
Меҳнаткаш эл фойдаси-чун
Жўра руҳи қилар лаззат,
Бой кўзини босса тутун...

Юмуш ҳам мўл, мажлис ҳам мўл
Меҳнаткаш эл билан ҳар чоқ.
Гоҳ кезади қишлоқ ва чўл.
Титрар ундан бой ва олчоқ.
Мажлисларда сўзи ўткир,
Кўп қўллайди гапда мақол,
Эл кулади гулдур-гулдур
Келтираркан қизиқ мисол.

Намойишлар бошида у,
Митинглардан қолмас асло.
Унинг суйган шиори бу:
«Яша Ленин! Яша Шўро!»
Ўн тўққизда қиш палласи,
Совуқ кўкни ёрар ўқлар:
Янчилмаган илон каби,
Бош кўтарар разил оқлар.
Ҳар хил йиртқич уясидан
Чиқар, увлар, кўзлари қон.
Бойлар қора умид билан
Изғишади итдай ҳар ён.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўч олишни истар бари.
Халққа яна бўйинтуруқ
Солмоқ эди истаклари.
Изғишади кўзлари лўқ...
Меҳнаткашлар жуда ҳушёр,
Большевиклар онгли, жасур,
Қалбда то сўнг томчи қон бор —
Отилишар ёвга мағрур.

Танча сўнган. Қани кўмир!
Чирсиллайди ҳаво совуқ.
Ўтиради Жўра кофир,
Қовоқлари бир оз солиқ.
Болаларнинг эгни юпун,
Лекин бари шўх — азамат.
Диринглашар, қий-чув, шовқин,
Чанг бурқитар эски намат.
Кенжатойи елкасида —
«Ҳа-чу!» дея «от»да учар.
Қандай сир бор «от» ичида?
Кишнамади, у шунчалар
Чухламасин, савамасин!
Жўра кофир жиддий, оғир
Ўтирарди солиб бошин.
Нима ўйлар эди ҳозир?
Булутларни ёрган замон
Олис гудок кескин-кескин,
Сабри битган каби, бир он
Турар яна чўкар секин.
«Қайга ғойиб бўлди Турсун?!»—
Сўкинади у сабрсиз.
Янчиш керак жангда букун
Контрларнинг барин текис!
Мана эшик тақирлади...
Болаларни ўпиб бир-бир,
Кераклигин ҳозирлади.
Сўнг югурди Жўра ботир.
Бошда телпак, белда қайиш,
Эгнида кенг, қисқа пўстин,
Қўлда милтиқ. Хотин бойқиш
Жим йиғлади эгиб бўйин...

Қор. Қатқалоқ. Шом. Изғирин.
Дарахтларнинг қуруқ бўйи —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узра учар нотинч, беин
Кўп қарғалар баланд — қуйи...
Милтиқларнинг чакаги ҳеч
Ўчмас эди ҳар томонда.
Жўра отар, камарда зич
Ўқ терилган, ўт бор қонда.
Тошкент кўки булут. Совуқ.
Дарахтларни ўқлар ғажир.
Гудокларда жангга буйруқ.
Ишчиларнинг сафи темир.
Мана кекса мастер сургар
Пулемётни муюш сари.
Муз ариққа ётиб урар,
Ўқ еткизар ўғилчаси.
Бир тўп ишчи билан қорда
Жўра ётар ва муттасил
Ўт очади, шу қаторда
Турсун ҳам бор, **отар дадил.**
Ёш большевик командирди, —
Ўлим писанд қилмас ботир,
Қанча оқни ўзи қирди.
Яша! — дейди Жўра кофир.
Тун қораси қуюқ, мудҳиш.
Ўт чақнатиб, ўқ ғизиллар.
Тош қотирган йўлларни қиш,
Юзни чақар изғиринлар...
Рус ишчилар билан сафдош,
Жанг қилади Жўра дадил.
Дам чўккалар, дам қўяр бош,
Дам югурар олға эпчил.
Тонгга яқин сўнг инидан
Ёвни қувиб Жўра кофир
Йиқилади. Темир бадан
Гўё куяр. Ҳар бир томир
Зирқирайди. — «Ҳов, нима бу?»
Турар яна, ғазаб қайноқ.
Кучи тугаб, йиқилар эр,
Қучоқларкан уни ўртоқ,
Қўли билан: жангга бор! — дер.
Ҳам кўзидан ўтар шу он
Чўнг болғаси, қизил байроқ.
Жўра кофир абадий шон,
Муҳаббатга қозонди ҳақ...

*1933*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАХТИГУЛ ВА СОҒИНДИҚ

Бир қўйчи бой бор Отабой деган,
Теваларининг йўқди ҳисоби,
Қўйлари учун қирлар тор экан,
Йилқилар чанги — булут мисоли...
Ҳар йил қатнармиш «Қарқарага» у —
Карвон бошида. Шовқин, дабдаба!
Чўллардан қувиб жим, қизғин уйқу
Карвон жаранги сузар оҳиста...
Олмовут отда Отабой мағрур
Барзанги қомат йўғон калладор.
Намат қалпоғи остидан сузур
Қийиқ кўзларин мудроқ ва айёр.
Тўнкадай оғир (ҳа, отга жабр!)
Пихиллар, мудрар, чайқалар вазмин.
Ёнда қароллар — бари жулдур, кир;
На кундуз, на тун уларда тиним.
Отабой машҳур иштаҳада ҳам:
Семиз қўзидан қолдирмас қулоқ.
Қорни қимизга мешдай серкўлам.
Кекиради у ошаб «бешбармоқ».
Қўпол ва пишиқ кийим — буюми:
Наматдан қалпоқ, қозоқи қамчин.
Пишиқ нарсани мақташ удуми.
Этик нағали — тақадай вазмин.
Мактабдан насиб бўлмаган« алиф».
Йўғон бармоғи — қалам ва имзо.
Минг қўйни санар бир кўз югуртса,
Ҳисоб жўнида лол қолар мирзо.
Намозда ҳам эс туёқ сонида.
Бахт берибди, дер, қўй қумалоғи!
Зарини тўкар оч ҳамёнига
Қозоқ даласи, қирғизлар тоғи...
Чўлларда қанғиб, сувсиз ҳансираб,
Боболари ҳам чиниққан экан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғоҳ одамларга уқдирарди гап:
— «Суякларимиз хўб заҳмат чекканг!»
Ёз яллуғида, қиш бўронида
Пода ҳайдаган қарол, чўпонлар
Келмасди унинг ҳеч хаёлига.
Бу сирни билар дашт-биёбонлар!

Мана «Қарқара». Шамол, чанг, шовқин.
Ясанган, миқти қозоқ бойлари,
От жабдуқлари кумушдан бутун.
Чорвадор бойлар — гердайган бари.
Ҳар бирида бор туганмас пода,
Туну кун ҳайдар исқирт қароллар.
Бари увада тўзиқ ва содда,
Чангга беланган аёллар, чоллар...
Минг-минг қўй, юз-юз йилқини нуқул
Савдонинг қорни ютмоқда бутун.
Чўққайиб чўлда даста-даста пул
Санайди бойлар, жиддий ва мамнун.
Қаролларида на пул, на туёқ!
Умр улар-чун азоб, машаққат!...
Ҳаққин сўраган олади таёқ,
Бой ювиндиси насиба фақат,
Чиқди Отабой ўтовдан секин,
Кирди бозорга мағрур, кекириб.
Авраш, қўл қоқиш, дўқ... бирин-кетин
Ҳийласини бой борди едириб.
Савдо сеҳрига берилди аста,
Кўзларда ёнди маст олов бир чоқ.
Қулай иш!
Омад!
Қўлингини бер!
Ҳа!
Подалар қўлда! Пул кўп, иш-қаймоқ!
Бироқ, Отабой бўлиб қолди лол,
Сеҳрлангандек шунда ногаҳон.
Титраб қалин лаб, супурги соқол.
Не бўлди унга?—мирзоси ҳайрон.
Отабой қилди мирзога имо.
Мирзо ҳам тишлаб қолганди қалам;
Саҳро гўзали чанг, шовқин аро
Боқар тевадан — ёш, содда, кўркам.
Туксиз ва орриқ тевада бир қиз,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қийғоч кўзларда қора ўт ўйнар.
О, саҳро гули нақадар нафис!
Жоноқи олма — юзи товланар...
Қозоқ гўзали — бир етимча қиз,
Унинг тираги — чала кўр бобо.
Саҳарда ичиб бир заранг қимиз
Чол билан келган, қилар томоша...
Ўзин унутди гўё Отабой.
Чўри олмоққа қилади қарор.
Чолни топиб у, кўндирар қулай.
(Қозоқ бойлари унга мададкор!)
Чала кўр бобо тугар оқчани.
Сотилди гўзал жудаям арзон.
Етаклаб бобо қари тевани
Хайрлашаркан, қиз бойқиш ҳайрон.
Нима гап? Нега унинг бошини
Силайди хушҳол бегона одам?
Сир бўлди маълум. Қиз кўз ёшини
Тия олмайди, юрак тўла ғам...

Ботди кўлкага тепалар, сойлар.
Мирзо эзғилаб қормоқда норин.
Тўпланар таниш савдогар бойлар,
Табриклайдилар тўлдириб қорин.
Ҳаммадан бу чоқ Отабой мамнун.
Туёқ сонини унутди бир дам.
«Бой отам-йигит бир гули бугун
Очилади-да!» дерди ҳар беғам.

Ўксиз Бахтигул (исми шундайди)
Ёлғиз йиғларди қўшни ўтовда.
Ўйи, ҳислари қаро тунлайди.
Эрк йўқ, севги йўқ,— бари оловда.
Севар эди қиз — чўри Бахтигул
Соғиндиқ номли гўзал бахшини.
Дўмбирасида сайрарди кўнгил,
Қиз истамасди ундан яхшини...
О, не бўлади йигитнинг ҳоли?
Сайрарми энди булбул — дўмбира?
Овулда ҳолин сўрғувчи борми?
Бундан оғирроқ дард бўлмас сира!
Қўркам ўтовда жим ёнади шам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оловланади шолча, гиламлар.
Сандиқлар жези порлайди бирам.
Лекин қиз қалбин эзар ситамлар.
Кеч-тунда кирар Отабой мана.
Қозоқча сўйлаб, эркалар бирпас.
Кейин дўқ қилар,
Судрар тўшакка,
Қиз зир титрайди, кесилган нафас.

Тун-кун Бахтигул қамоқда қолди.
Бойидан ўзга киролмас ҳеч ким,
Эркин қанотлар тош бойлаб олди,
Руҳ кишан кийди, инграр юрак жим.
На элдан хабар, на қуёш, на ой?
Қани қирларнинг майин шамоли?
Қани селларга ётоқ бўлган сой?
Қани нашъали овул оқшоми?
Ўтовда — ҳар вақт ёлғиз бағри хун.
Мўралай олмас ёруққа бир он.
Кундузлари ҳам унга мисли тун,
Бир одат борми бундан ҳам ёмон!
Бир кун Бахтигул бошлайди ўлан —
Кўнглини пича истар бўшатмоқ.
Бой кирар. Чўри юзин тўсиндан
Қонга бўяйди олов шапалоқ...
Ўтди ҳафталар, тугалди савдо
Ўн минглаб қўйни ҳайдар Отабой.
Бутун чангини кўтарар саҳро.
Чангдан кўз юмар ҳатто қуёш, ой.
Шамоллар сургар қум тепаларни.
Иссиқ шундайки, гир айланар бош.
Ҳаммадан ёмон сувсизлик дарди.
Ҳатто тевалар қилолмас бардош!
Бахтигул қалин чакмон ёпинган.
(Паранжи топиш чўлда имконсиз!)
Қалбида умид-орзулар синган.
Тевада юкдай боради жонсиз,
Қуёш қумлардан ботар қумларга.
Кўкда бир қуш йўқ, ерда бир гиёҳ.
Бегона юртга, ёт удумларга
Элтади тақдир... Унда не гуноҳ!
Сал ортда қолса, «бойи» таёқлар.
Қунимларда ҳам дам олмас лекин:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дудга кўмилиб ёқар ўчоқлар,
Бойнинг гавдасин уқалар кейин...

Оғир сулайиб ухлар биёбон,
Саксавулларда юлинар шамол.
Юлдуз кўклами — чақнайди осмон,
Қавш қайтарар тевалар хушҳол.
Бахтигул ётар чодирда уйғоқ,
Қулоқ йирткудай бойнинг хурраги.
Чўрини босар мунгли ўй узоқ:
Сирли ҳислар-ла тўла юраги.
Кўрган тушларин эслар, таъбирлар,
Боши оғрийди, кўз юмар ҳорғин,
Бироқ ногаҳон чўчиб қалтирар:
Эшитади у яқиндан шовқин —
Отлар дукури, сўкиш, ҳайқириқ.
— «Қароқчиларми?» — Учар ташқари.
Барча чодирлар қўзғалар қаттиқ.
Карвончиларнинг югурар бари,
Қўлларга олиб чўқмор ва таёқ.
Мана Отабой очади чодир,
Чақирар уни дарғазаб-титроқ,
Кейин кўксига мушт солар оғир...
Шунда тўполон, чанг орасидан
Етар шўрликка энг таниш товуш.
«О, бу — Соғиндиқ!»
Ер сийнасидан
Учади фарёд.— Ўнгми ёки туш?
Бахтигул ёрга истайди учмоқ.
Қидириб келмиш мард дўстлар билан
Кечиб жондан у!
— «Жон тикмак керак!»
Бироқ қўлида бой қўли — кишан...
Бахтигул боғлиқ, инграр чодирда.
Узоқлашади қийғос — тўполон.
Кейин янграйди овозлар қирда:
«Ўғрилар қочди!»
— «Тўкилмади қон!»
Карвон етади Тошкентга.
Кўркам
Бир дарвозага кирар Бахтигул.
Отабой дейди хотинга шу дам:
— «Мана бу чўри сеники буткул».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бойвичча бека дер ранги ўчиб:
— «Оёғи қутли бўлсин, илоҳим!»
Бекага боқар Бахтигул чўчиб,
Қадайди ерга кўзларини жим.
Шу кундан бека пармалар уни,
Хизматкорларнинг баридан у хор.
Бошида таёқ синар ҳар куни,
Унинг-чун ҳар чоқ минг юмуш тайёр.
Қўллари косов, сочлар супурги,
Тунда чўзилар қора катакда.
Кўрпа ва тўшак-намат чуруги,
Жулдур кўйлакнинг енги билакда.

Бека ҳуснига тушса ҳамки оқ,
Упа-эликли, макрли сатанг.
Эрнинг изларин пойлайди ҳар чоқ.
Сулув чўридан унинг дили танг,
Бахтигул учун бу уй — «ичкари»
Ҳар вақт даҳшатли, қора қабрдай.
Мудом бош букик, очилмас лаби.
Кунлар суякка ботар занжирдай...
Бир куз фаслида қайтди Отабой,
Ҳар йилгидай мўл «Қарқара»дан мол.
Отлар кишнашар, дингиллар кўп той,
Тевалардан юк ташир кўп қарол.
Ичкарида зир титрар Бахтигул,
Сиртда элатлар сурони баланд.
О, мўраласа бир зумгина ул!
Ёрни, бобони билган бормикан?
Мана шом бўлди, тинди ташқари.
Элатлар гулхан ёқди, учқунлар
Бир-бирин қувиб учар кўк сари.
Бахтигул ётар, қизғин қуюнлар
Сингари ёқар юрагини ғам.
Уйқуси келмас. Тўлғанар ҳар ён.
Шунда юксалар суюкли, кўркам
Таниш бир овоз! Шунда ногаҳон
Жаҳон ёришар Бахтигул учун:
Соғиндиқ куйлар! — Мумкинми ахир!
Қалтираб тинглар, юракда тўлқин.
Дардини куйлар ёш оқин — шоир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎРОЗНИНГ БАХТИ

Сурарди ҳукм,
Бир ҳовуч қулоқ...
Эркин бир луқум
Ютолмас батрак.
Қишлоқ — гўнг тепа
Уйлар паст, бузуқ.
Кўпчилик элда
Тўн узуқ, юлуқ...
Ўроз боғланди.
Болалик чоғда,
Йиллаб оққанди
Кучи қулоққа...
Ўроз кўп чоғлар
Уриб тепилди.
Қанча таёқлар
**Елкада синди...**
Хўжайин жиккак,
Қамишдай адил,
Турмуш печак
Сингари эпчил.
Хачир минарди
Бу исқирт зиқна.
Бутун имони
Ҳамён ичида.
**Қуёш нури сел**
Каби оққанда,
Бадани ўт ел
Босим ёққанда,
Ишларди Ўроз
Боғлаб манглайни.
Ўтар ҳар бир ёз
Тўлдирмай ённи...
Бахтин учирди
Ҳар йил шамоллар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хирмонда сурди
Пуч, бўш хаёллар...
Тўшаги — сомон,
Похолдан кўрпа.
Емак: қаттиқ нон,
Ҳафтада шўрпа...
Белбоғи — арқон
Бошида ямоқ
Қўсқи телпаги...
*Бир янги чопон*
Кўрмаган Ўроз
Бу йигит — эрни
Қондирмас уйқу.
Кундузлар ерни
Чопиб, тунда у
Тегирмон боқар...
Бел суягини
Синдирди қоплар...
Ҳаёт мушкул-да,
Белдан кечиб қор,
Яғир эшакда
Ошиб қир-тепа —
Ташиди ғалла.
Қишда бўронлар
Қиларди ҳужум
Ёз ели тиқар
Томоғига қум...
Муштумзўр — омбор
Тўймасди асло
Ўнлаб чорикор
Кучини сўрса-да...

Ўроз бўйдоқ-ди,
Кўнгил ишқ, хаёл
Уни-да ёқди...
Ўйланиш маҳол,
Уйлантиришдан
Ўроз сўз очар.
Ўн йиллик ишдан
Муштумзўр тонар...
Ҳар қора соч қиз
Узатилганда,
Тунларда ёлғиз



www.ziyouz.com kutubxonasi

Севги тилганда,
Ўрознинг кўнгли
Бузилар эди,
Кўзидан инжу
Томчилар эди.
Ўрознинг бахти
Қайларда эди?
Қишлоқ уйғонди:
Кураш олови
Юксалди, ёнди.
Батракнинг ёвин...
Ирғитти қишлоқ,
Юкни елкадан.
Бой, ханнот, қулоқ,
Қувилди индан...
Тўрт-беш йил бурун
Колхоз тузилди.
Кишанлар бутун
Синди, узилди.
От боқарлардан,
Чорикорлардан,
Ғирт батраклардан,
Ўрта деҳқондан,
Куч йиғди қишлоқ...
Большевик, ишчи
Бу кучни тузиб,
Буровни узиб
Зафарни чизди....
**Трактор шонли —**
Даврнинг куйин,
Шаҳар тўлқинин
Сочди савлатли...
Тўсиқ, қийинлик,
Қийшайишларга,
Бермасдан тинлиқ.
Кўп тойишларга
Колхоз кўкракни
Керди курашда.
Қулоқ — печакни
Юлди ҳамиша...
**Қишлоқ — гўнг тепа**
Эмас, у яшнар
Яшил далалар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўзалланмоқда.
Йигитларча ёз —
Бўйи ер чопди,
Колхозда Ўроз
Бахтини топди.
Ялқов, дангаса,
Ғирром ва айёр
Эмас... у катта —
Чинакам зарбдор
Ҳозир ўзи тўқ,
Кўнгли, кўзи тўқ.
У эркин, у шод,
Асло ғами йўқ.
Колхоз клуби
Чин мактаб унга.
Бўшаб ҳар куни,
Ўқир газета...
Мардча ишлайди,
*Тўйиб тишлайди*
Ўроз кетмончи
Яхши қишлайди,
Эгни-боши шай
Беқасам чопон...
Енгган хўроздай
Ўтар қишлоқдан.
Тўқнашиб қолди
Комсомолкага,
Уйланиб олди
Қора соч қизга...
Хотини қўяр
Патефонини,
Тинглаб қувнайлар
«Мулла Тўйчини»...
Ойнали уйи
Кенг ҳовли тоза,
Кетмас кун бўйи
Офтоб — хола...
Унинг қўзиси
Бир жуфт... қоп-қора,
Ола сигири
Кўп «аслзода».

*1933 йил 1 ноябрь.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧЎПОН ҚЎШИҒИ

### I

Булутлар ёнар
Соф, тоза, дудсиз...
Бир олов денгиз...
Каби уфқлар...

Қир тепалардан
Қуёш сочларин,
Олтин тожларин
Кўтарди бирдан.

Далада ғурур
Ўйнар шамоллар,
Қирлар бағри кенг —
Шамолга ҳузур...

Ўроз ҳайдайди
Юзларча қўйни
Севган бир куйни
Айтиб жўнайди.

Олисдир қишлоқ,
Тепалар ошар,
Тошлоқлар босар,
Катта тунж оёқ.

Қўлида гаврон,
Ёнида «Кўктой»,
Қанча жар, довон
Ошади толмай.

Кичкина қишлоқ
Тоғ этагида.
Майса ва ўтлоқ
Теварагида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоза булоқлар
Шўх-шан ирмоқлар
Буралиб куйлар,
Тинмай ўйноқлар.

Қишлоқ узоқда —
Тошга ясланган,
Нурда товланган,
Яшил бир «даста»

Тўқийди қуёш
Олтин тўр тоза,
Порлайди ҳар тош,
Ҳаво нақ ойна.

Паст, кичик, қийшиқ
Уйлар, деворлар.
Уст-боши юлуқ
Болалар, чоллар.

Қишлоқни уйқу
Нашъаси орсиз
Элитганки, у
Ётар мадорсиз...

## II

Тегирмон ичи
Зах ва қоронғи.
Милтиллаб ёнар
Жинчироғ ипи.

Қўш харсон чопар,
Бўғиқ нафаси.
Дев базми каби
Қўрқинчлар тошар.

Ҳайқирарди сув
Сакраб тошлардан.
Кечанинг уйқу —
Қалбини бузган.

Ўроз ёп-ёлғиз,
Танига нина —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўлгандек кайфсиз...
Метин кенг сийна,
Қайрилган каби...

Босар қонга ун,
Уйқу ҳам шу тун
Ўжар киприкни
Асир олмоқчи...
Кучли Ўрозни —
Полвон хўрозни
Секин чалмоқчи...
Кундуз қўй боқар,
Тунда — тегирмон...
Қиртепа, тоғлар
Жар, тошлиқ, довон
(Ошиб юради).
Яшил ўтлоқлар —
Унинг тўшаги...
Шунда ёзилар
Пахса кўкраги...
Тошдан ёстиқлар
*Тоғ этагида*
*Кўнгил зиқланар*
Дард печагида.
На фума билар.
На-да бир ҳайдир...
Муттасил кезар
Қирда бу йигит...
Ҳовучлаб сувни
Соф булоқлардан,
Шўх ирмоқлардан
Ичар ҳар куни...

Қилар «оқизоқ»
Қаттиқ нонини.
Тикар минг ямоқ
Бўз иштонини.

Ўроз ўн ёшли
Содда бир бола —
Отадан қолди...
Эр қилгач, она
Хизматкор бўлди


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқ бойига
Оғу қўшилди
Ош ва нонига.
Ўн тўрт йилдир у
Ишлайди қиш, ёз
На ситамларни
Кўрмади Ўроз.

Шиддатли дўллар
Қилди «тош бўрон»
Тоғда тош йўллар
Ичра кўп замон
Қишда изғирин
Бутун баданга
Қадаб нинасин
Ўтар суякка.

Санчиб қучоқлар
Қор қуюнлари —
Дев ўйинлари
Ўрозни йиқар.

Қуёш зар нури
Селдай оққанда.
Ўт пуфларди ел,
Ўроз бепарво.
Довон ошарди,
Адир бўйларди,
Тик қояларга
Жасур чиқарди.
Кўҳна кир қалпоқ
Жулдур эн чўпон,
Арқондан белбоғ
Боғлар ҳар замон.

Метин оёқлар
Тош қирраларин,
Тоғ қояларин,
Босиб шатлоқлар

Ўроз энг миқти
Ғўнонтой йигит...
Билмас шаҳарни



www.ziyouz.com kutubxonasi

. . . . .
Қўлга умрида
Китоб ё қалам
Тутмаган сира —
У шундай одам.
Хўжайин жиккак
Қамишдай адил,
Турмушда печак
Сингари эпчил...

Сўзи мулойим,
Кўзлари айёр,
Баъзи вақт золим
Тўполон ясар.

Хачир минади
Бу исқирт зиқна,
Бутун имони
Ҳамён ичинда.
Эшак тўқими
Сингари қўпол
Кийим — буюми.
Кучда — қорамол.

Қанча таёқлар
Елкада синди
Ўроз кўп чоғлар
Уриб, тепилди.

Баъзи камбағал
Узмас қарзини,
Тинглаб лоақол
Бунинг арзини,
Бирон маҳкама
Ечмайди ишни.
Солиқлар катта
«Ғинг» деб бўлмайди.
Фақат ичида
Қайрарди тишни...
Ҳеч топилмайди.
. . . . . .
Замондан хафа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эски оқсоқол —
Замони келса, —
Деб қилар хаёл.

Ишончи йўқди
Энди кимсага.
Кўнгли чин тўкди,
Ўроздан гина...

Олти боладан
Кўмилган боши.
Бир қизи қолган —
Ўрознинг эши.

Дейиш мумкинди
Кучда, танада
Пишиқ, дуркунди
Шарофатнисо.

Ўн саккиз ёшли,
*Бўй, қомат расо*
Бўй, шан қарашли,
Юз тиниқ, қора...

Ёш Ўроз билан
Бирга ўсган у
Қиз минг ноз билан
Бандлаб олди-ку
Ғариб чўпонни.

Қишлоқ гўзали
Ҳали ҳам қочмас
Ўроздан балки
. . . . .
Чекар бирга нос,
Ўтди ёш чоқлар.
Энди қонларда
Севги ўйноқлар.
«—Ўроз, бормисан?
Қулоғинг карми?»—
Кирди эшикдан
Дов йигит Парпи...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўроз қучоқни
Севиниб очди.
Эски ўртоқни
Кўргач, дард қочди.
Шим, кўйлак, камар,
Оёқда этик.
Қарашлар гавҳар,
Сўзлари тирик.

«—Вой, Ўроз тентак
Ҳали ҳам шу ҳол?
Айт, нима керак»—
Деб қилди савол.

—«Пешонамиз шўр»,
—«Замон бизники,
Қўлларимиз зўр».
—«Сен ўқидингми?»
«— Битди ўқувлар...
Ўйлаб кўр, Ўроз.
Иш, ўқув тайёр,
Олиб кетаман».

Бу йигит батрак
Эди илгари.
Бутун бир қишлоқ
«Парпи кал» дерди.

Уч йил бурун у
Кетмишди шаҳар.
Битириб ўқув,
Бошламиш ишлар.

Парпи ғурурли
Чекар папирус.
Аввал босган из
Юз-кўз сурурли.

Қилди ҳикоя
Саргузаштини.
Ёйди ҳаётнинг
Кенг каштасини.
«Парпи билимдон,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эпчил ва хандон»,—
Деб Ўроз ўйлар
Отгунча азон.

## III

Ухлайди қишлоқ,
Итлар вовуллар...
Шамоллар ўйноқ,
Ҳеч дам олмайлар.

Тоғ арчалари
Нурда чўмилар.
Тош парчалари
Гавҳардек ёнар.
Ой нури тошқин
Тош-тепаларда.
Шўх чашмалардан
Оқарди секин...

Катта бир тошга
Ёнбошлаб Ўроз
Қамишдан най—соз
Чаларди танҳо.

Тегирмон тоши
Сингари оғир
Қалби ва боши
Шунда очилар.

. . . . . . .

. . . . . . .

Қайтиб тегирмон,
Фикрлар қилди:
Кўзига шу он
Шаҳар очилди.
Кўрсатган Парпи
Қумларга чизиб,
Шаҳар йўлини
Кўп чизиқ тизиб.

Парпи мақтаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қурилиш, шаҳар
Кўз қиринидан
Сузилиб кетар.

Ўйларди яна:
Адашса нетар?
Кўнгилни аста
Қўрқинч силкитар.

Нурда ухлаган
Сокин кечага
Қуяр қайғуни
Бу қамиш най-ла.

Тонгга қадар у
Ўйлади, энди.
Парпи солганди
Янги бир туйғу

Манглайга қўлни
Тираб ҳар замон,
Парпи кал чизган
Илон из йўлни,
Жабрдан оғир.
Масала ечган,
Деб Ўроз ботир
Ўйларди ичдан.
Тоғ гавдасига
Ин қурган қишлоқ
Кўз дурбунига
Илашмас... узоқ...

Белида икки —
Моғолламиш нон,
Қўлтиқда ҳамён —
Бир кафт чақаси.
Қуёш қуюнни
Очган, ўт ёғар.
Елка-бўйинни
Олов хўп ялар.

Йўллар ипини
Оёқлар — ғалтак



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узмай ўрайди.
Ит тили — чалпак...

Оқшом ясланди
Оғоч тубида.
Тонгда уйғонди.
Кўз йўл устида.

Кучли, иссиқ ёз,
Катта қурилиш,
Қайноқ меҳнат, иш—
Тўлқинига Ўроз
Шўнғиди бир дам.
Кетмон, бел билан
Ковланарди ер.
Қуйиб юздан тер

Мингларча киши
Ишларди бунда.
Учрамас унга
Бирор таниши.
Ўзбек ва қозоқ
Рус ва яҳудий
Сўзлаб англашар
Бир-бирисини.
Уюлган ҳар вақт
Сиймон, темир, қум...
Ганч, ғишт ва тупроқ
Ҳисобсиз уюм

Кўтариб шовқин
Кўп машиналар,
Иш бажарарлар.
Улуғ ҳайбатли...
Булар кимники?
Шунча одамга
Иш берган киши
Қани, қаёқда?—
Ўроз билмасди.
Шунча катта иш
Керак нимага, —
Фаҳм қилмасди.

. . . . .

. . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАҲРАМОН ҚИЗ

«9 ноябрь кечаси хотинлар батальони марокашликлар билан юзма-юз келарак, муваффақиятли равишда қаттиқ найзалашди».

*(Газеталардан)*

Оқшом... Мадридда оқшом.
Зафар ишқи, оташи
Ила руҳланган айём
Дам дилбар, дам асабий...

Ой чиқиб тинч сафарга
Қуяди зарли ёмғир.
Апельсин боқчаларда
Мавжланади кўлка, нур...

Ҳаво гурлаб сесканар
Баъзан тўп нафасидан.
Локин лабларда лапар,
Қизғин иш оқади шан.

Хайрлашар, кимсасиз
Уй билан Эмилия.
Оила расмига қиз
Сўнг боқар, сўнар зиё...

Қулфлайди эшикни у,
Бармоқларда ҳаяжон.
Қалбида кин, фақат шу.
Мумкинми ўзга армон?

Умрининг ғунчасига
Ўн еттинчи хуш баҳор.
Дудоқлари яқинда
Теккан ваъда этиб ёр...

Ишчи ота жабҳада,
Жангнинг қайноғидадир,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўлим-ла неча дафъа
Панжалашган баҳодир.

Жабҳадан ёзган хати
Қиз киссасида, ҳар сўз
Қалбга тегар чўғ каби.
Ёнар ҳар сўзда минг кўз!

Ҳафталардир онаси
Бел, чўкич ила ҳар тун
Мадрид мудофааси,
Истеҳкомлар қуриш-чун,

Тер ва кучин қуярди...
Қонга чанқоқ олчоқ ёв
На разолатга борди?
Эмилиянинг олов,

Шўх укасини шу кун
Ғажиди ёв бомбаси,
Кўчада маъсум ўйин
Ўрнида қон лоласи!

Ҳали қалбида дард чўнг,
Ҳали кўз ёши қайнар.
Елкада милтиғи сўнг
Умидларига мадор:

«Майли, қутурди душман,
Майли, севги, жон фидо.
Фақат, қутулсин ватан,
Кулсин ҳур Испания!»

Мадрид қопқаларида
Душманлар кўмилажак!
Мардларнинг шиорига
Эмилияда йўқ шак.

Тунлар уйқуга хасис,
Ойлардирки йўқ тиним.
Юрт ишига қалб ва ҳис
Ила ёпишди қизғин.

Қиз отди тетик одим,
Нақ эски жангчи аскар.
Енгиш туйғуси ҳоким
Сўнгги нафасга қадар...

Шаҳарнинг йўқ чароғи.
Олов — кўзларда чақнар.
Ҳар юракнинг ҳулёси
Жанг ичига ошиқар.

Қўрқув йўқ, довдираш йўқ,
Мард халқнинг кучи қайноқ.
Сийналарда ишонч, ўқ,
Озодлик ишқи — байроқ!

Қурар баррикадалар
Кўчаларда тун бўйи
Аёллар ва боболар,
Бу ер ботирлар уйи!

Виқор ила юксалган
Байроқлар кўкда сузар.
Эркин қалблар саси шан,
Марш-қўшиқлар жанговар.

Хўшлашув садолари,
Газеталар, дружиналар.
Ишчилар долғалари,
Туртинган машиналар...

Қиз келди тўдасига,
Долорес нутқи чоқин...
Эркни мудофаага
Учди мингларча лочин!

Кеча совуқ... Жабҳа тинч,
Оғир, сирли сукунат.
Эмилияда севинч
Ва ғурур бениҳоят.

Мактаб рафиқалари
Унинг икки ёнида.
Кўзлар сергак, жанг сари
Қалблар интизоргина...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўкда юлдуз чамани
Очилган эди ғуж-ғуж.
Кўлкадан шуъла каби
Таниш кўзлар келар дуч...

Қизлар бор, оналар бор,
Тобланган қон, оловда;
Қайси бири ярадор,
Орзуманд эди ёв-ла
Бўғишмоқликка тағин.

Ҳикоя қилардилар,
Жанглардан содда, вазмин;
Ҳарб сирин билардилар...
. . . . . . .
Помешчиклар зулмидан
Бир деҳқон бобо қизга
Сўйлади ғазаб билан...
Деди: Ер тишимизда,

Маҳкам сақлаймиз уни.
Минг уринсин, ололмас!
Афандилар тухуми
Қурийди... эзилиш бас!»

Қизнинг хаёли бир он
Навбаҳорда илк дафъа
Тонг юзига ногаҳон
Очилган бир дераза
Сингари берди роҳат:

Узоқ оқшомларни у
Эслаб кетди бир муддат:
Кичик бир уй, баҳслашув,
Чин коммунист отани.
Қамоқ, курашлар ила
Чиниққан... ғарнаталик
Анархист амаки-ла.
Тортишарди у жўшқин.
Қаттиқ, учқунли кўзлар,
Хира нур, ҳалқа тутун.
Ёшди, фақат шу сўзлар:
Совет, колхоз ва Ленин



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асир қилганди қалбан.
Эмилия энди чин
Маъносин билди равшан.

Кўксидан Эмилия
Бир сурат олди дарҳол
Кўрсатди ой нурида:
Бу Ленин!—қувонди чол.

Шунда чизди деҳқонга
Ҳур, гўзал ватан йўлин.
Дағал қўл-ла шу онда
Чол сиқди қизнинг қўлин...

. . . . . .

Шу кеча икки марта
Фашист суворийлари
Босаркан, берди зарба
Мард хотинлар дастаси.

Ёқут шафақ ёнаркан,
Душман бошлади ҳужум.
Кўк гумбазин ёраркан,
Тўплар гумбури машъум.

Танклар пускурди олов,
Қайнади бир жаҳаннам,
Ваҳшийланди фашист-ёв,
Ўт босди ер, кўкни ҳам.

Бомбавозлар қутурган,
Ўт тўфони ёғади.
Ернинг қалбини урган
Ваҳший бир куч ўсади.

Тошлар чанг бўлиб учар
Бомбаларнинг зарбидан.
Тепалар бўлса дучор,
Кўкка кўчар қаҳридан.

Ҳеч сесканмади лекин
Жумҳурият, халқ кучи.
Жанговар руҳ — тош, метин.
Синди душман ҳужуми!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишчилар, талабалар,
Муаллим ила деҳқон.
Маҳкам баррикадалар,
Аялмас на ўқ, на жон!

Қарши ҳужум буйруғи.
Тўсиқларни ошароқ,
Жумҳурият қўшини
Киришди жангга қайноқ.

Эмилия баҳодир
Отар эди тез, пишиқ.
Жангчи руҳ гўё чоғир
Ичкандек ўжар, қийиқ...

Оташ денгизи ожиз
Эрк ишқини енгишга.
Мард халқ шайланди ёвуз
Илон бошин эзишга.

Ботирлар йиқилади:
—Яша, республика! — жим...
Урилди рафиқаси,
«—Ўтолмас! Сенга онтим!»

Эмилия ногаҳон
Дўстнинг ўчиқ юзида
Табассум сезди равшан,
Куч қўшилди кучига.

Эмилия яшиндай
Югурди ўқни шиғаб.
Ўқ қуюлди ёғиндай,
Ёв берарди кўп талаф.

Қиз илгари ундарди,
Қулатиб қанча душман,
Ғайрат, ғазаб қайнарди,
Отрядга дерди: руҳлан!

Эмилия, тепага
Тирмашаркан олчоқ ўқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мук туширди лаҳзада.
Қалб ўлимга дерди: йўқ!

У кўп уринди олға,
Бошини ер тортарди.
Сочлари ҳалқа-ҳалқа,
Кўкракдан қон оқарди...

Жангга тўймаган армон
Кўзларни сузди узоқ.
Жумҳуриятчилар арслон.
Кетди ёвни сиқароқ.

Сапчирди ёв бошида
Халқнинг пўлат қушлари.
Саваб кўк майдонида
Ғазабда учишлари.

Севиб сайр этди ёш қиз.
Ҳамма ёқ олов ва дуд.
Имон зафарга чексиз,
Кўзларин юмди масъуд...

*1936 йил, ноябрь.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГУЛНОЗ

Анҳор бўйи. Эски тегирмон.
Азим толлар чайқаларди жим.
Қизғалдоқдан гиламди ҳар ён,
Кўклам кайфи ер, кўкда ҳоким.
Тегирмоннинг тақир-туқури,
Новдан тушиб гувиллаган сув,
Чумчуқларнинг қалин гуруҳи,
Кенг қишлоқнинг бир бурчаги бу...
Ўтирарди дон элаб бир чол.
Халқ дер уни «Тегирмон ота»
(Жонли тилга бу ҳам бир мисол!)
Асли унинг оти Мирбобо.
Ўз касбида санъати баланд.
Ўсмирликдан ялайди гард-чанг.
Шермат бойнинг тузоғига банд
Тирикчилик ўтди оғир, танг...
Ёш кучини, умр гулини
Совурганди гуё шамолга.
Куч олови бойга, кулини
Қолдирарди замон қаролга.
Шерматларнинг қораси ўчган.
Бобо кўпдан колхоз кексаси.
Қалбдан қайғу булути кўчган.
Тотли бўлди турмуш мазаси.
Серкиллатиб оқ соқолини,
Донни жиддий элайди мана.
Дам ўйлайди эски ҳолини,
Дам бир куйни куйлайди аста.
Дам тегирмон ичига кириб,
Дўлдан, тошдан хабар олади,
Баъзи вақтда бел букчайтириб,
Сувга, новга разм солади.
Ўткинчининг ҳазил гапига,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобо берар ўхшатиб жавоб;
Мўйлабини кемтиб лабида,
Яна ишга қилади шитоб...

Қизи миниб тепки арава
Келди масъуд, қўйди кетмонни.
— Гулноз, тағин янги ҳангама,
Қайдан олдинг жонсиз симённи?
— Дада, колхоз мукофоти бу,
Меҳнат қилдим, ахир етишдим.
— Ем емайди ва ичмайди сув,
Яхши нарса, буюрсин қизим!

Диққат билан энди қарайди.
Буршиқ юз ва хира кўзда
Табассум ҳам севинч яйрайди.
— Онам кетди ялчимай бўзга...
Суюнарди кўрса боёқиш.
Дея Гулноз ўксинар бир зум.
— Ўсиб-унгил ўзинг, беташвиш!
Чол кўзига ёш келар юм-юм...

Гулноз чолнинг кенжатойи ҳам
Ёлғизидир. Қишлоқча гўзал.
У қорадан келган ва кўркам,
Жасур; қадди-бўйи мукаммал.
Меҳнат уни эзғиламаган.
Балки қўшган бутун сиймога
Соф латофат. Қуёш, иш чиндан
Жозибасин қилмиш зиёда.
Мард йигитлар ила баробар
Далада у ташлайди кетмон.
Қўшиғидан янграр далалар,
Кулишидан руҳ олар ҳар жон,
Донғи кетган узоқ-яқинга,
Унинг иши ва тажрибаси
Устодларни ўйлатар анча.
Ҳар йил илғор қиз звеноси.
Куёвликка кўпдир талабгор.
Қўйишмайлар тегирмончини.
Қиз истарди ишида донгдор
Ва курашчи, йигит мардини...
Сув бўйида толлар остида



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота ва қиз ичишарди чой,
Пиёлани ҳўплаб оҳиста,
Велосипед ҳақида талай
У гап сотиб, дер эди қизга:
—Омад келган, қизим, яхши бил,
Барака бор меҳнатимизда...
Гулноз кулиб, бош чайқаб енгил,
Отасига деди шодланиб:
— Кўп янгилик кўрасиз ҳали.
Қишлоғимиз нурларга ботиб,
Ясанади шаҳар сингари,
Шу анҳорга солинар эмиш
Зўр электр станса. Ундан
Қанча қишлоқ чароғон ёз-қиш.
Қутуламиз зим-зиё тундан.
— *Кимга керак, бу нағма, Гулноз,*
Ярашмайди қишлоққа бу гап.
Юрт кўп ошди, бу не қилиқ-ноз?
Кийими бўз, тугмаси садаф...
Билмайман-да мен лақма одам.
Тунов кунлар ўлчаб анҳорни,
Ёзиб-чизиб юришганди ҳам.
Ҳикмати не?— дедим. Бекорчи!

Оқшом эди, чол тегирмонда
Палов қилиб қизни кутарди.
Кўзларини тикиб қозонга.
Станцияни ўйлаб мудрарди.
Гулноз келиб, қўйди кетмонин:
— Битди бугун биринчи чопиқ...
Суръат яхши ҳаммадан олдин...
— Ҳукуматга, ишга бўл содиқ!
Билиб қўйки бу йили пахта
Ва ҳар экин яхши бўлади.
Ҳа, қулоқ сол, яна бир лаҳза.
— Борми яна бир кароматн?
— Электрга диққатман, қизим,
Келди раис, икки ёт киши.
Салом-алик... мен қилдим таъзим,
Бежиз эмас экан келиши;
Тегирмонни бузар эмишлар.
Яқин кунда бизнинг анҳорда
Бошланармиш каттакон ишлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳлим чиқди, лекин на чора?
Чапак чалди Гулноз шодликдан:
— Қандай яхши электр чироқ!
Юлдузлардай тоза нур билан
Ялтираса, қувнайди қишлоқ,
Қуриб кетсин тегирмонингиз!
— Менга эрмак тегирмон ҳам сув...
Юқорига яна қурамиз.
— Хўш, нимага жаҳл, тиржанув?
Ошни сузиб, Гулноз мактабга
Шошиб, апил-тапил ер экан,
Эзмаланиб чол солар гапга.
Ўз-ўзича дерди, тавба, ман
Кўрмаганман бундай болани.
Фикри ўткир мисоли чақин.
Ишбошими, ёки мирзами?
— Мунча мақташ, кимди у тағин?
— Келганлардан бири, айтдим-ку.
«Ўзим сизга қулинг ўргилсин
Бир тегирмон ясайман», деб у
Мен билан кўп баслашди бугун.
Мен дедимки: — Жуда нозик иш.
Фаранг мендан ўргансин буни.
Бутун умрим шу билан ўтмиш,
Тегирмон — бу девнинг ўйини!»
Кеча. Ойдин. Анча йигит-қиз,
Хотин-халаж ўқишдан чиқди.
Кулги гап-сўз эди тинимсиз.
— Ҳисоб осон. Зеҳним чиниқди.
— Муаллимдан ўзмасанг, деймaн!
— Биз мақтансак арзимайдими?
— Аъло олдим она тилидан!
— Кўпайтирсин жуғрофияни.
— Хамир ачиб кетди, қиз тушкур!
— Аравани қўш, ҳой, гўнг қолди?
— Гулноз, газет ёзамиз, тез юр!
Кетишди. Йўл сукутга толди...

Чойхонанинг иккинчи қати,
Янги, кичик уйда ёп-ёлғиз
Гулноз ишлар. Бутун диққати
Газетада. Завқланарди қиз.
Ўроз кириб бир йигит билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Деди: — Мана бизга ёрдамчи!
Гулноз боқди, қизарди бирдан,
Гўё тушди қалбга ўт томчи...
Узун бўйли, қорамтир, чайир.
Қирғий бурун, ўткир қараши.
Лекин, юздан кулги тошадир.
Йигирмадан ўтмаган ёши.
Гулноз кулиб деди:— Бу сафар
Газетамиз энг аъло чиқсин!
Мана ҳар хил мақола хабар.
Аста олиб бошдан шапкасин,
Йигит деди: — Ёзув-чизувни
Мендан кутманг, мен оз-моз расм
Солсам бўлар, биламан буни.
— Аҳа, яхши, Мадёр, қил жазм,
Бу ерга гул, бу ерга байроқ!
— Байроқ — дуруст, гулни қўя тур.
Бу колхозда дангаса, тўра,
Эшон, ўғри, зиёнчи олғур
Борми? Чизиб қоқсак дўмбира.

Уроз унинг елкасин қоқар.
Гулноз кўзи севинч сочади,
Деди: — Ҳар хил унсур бизда бор.
Ўроз ўйлаб қаҳ-қаҳ уради:
— Мирза калнинг сол расмини, сол!
— Ким у ахир? Иши, нусқаси?
— Эски қассоб ва эски баққол.
— Колхозга кўп тегди зарари.
Ғирт дангаса, ҳийлакор душман.
— Чойхонада кўрдинг, ғўлабир.
— Билдим, гупчак, анов мудраган...
Мадёр дарҳол ишга тушади.
Кўзин қисиб қарайди Ўроз.
Гулноз жондан мароқланади.
— Ранг топинглар, ўртоқлар, бир оз!
Гулноз шошиб ранг ахтаради.
Мирза калнинг мана сиймоси!
Ҳаҳ-ҳа... кулги тинмайди сира
Ўроз жиддий берар баҳони:
— Соз, соз! Лекин, лофи бор пича.
— Бекор, худди ўзи. Ўзи нақ...
Дея Гулноз қиларди қиёс.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Рассом дер: Лоф бўлса яхшироқ,
Ёзув керак бу унсурга мос!

Мадёр эди замон боласи,
Айрилганди ишчи отадан,
Тошкентдаги оқлар исёни
Кунларида бешикда экан.
Ёш онанинг тўйи билан у
Борди тамом ёт оилага.
Сувни «умма», қушларни «қу-қув»
Деркан налар кўрмади бола!
Юзларида қотди севинчи,
Ўқрайган ёт кўзлар тикилса.
Маъсум шўхлик ва ширин тили
Кесиларди қош чимирилса...
Турткиларди ўгай дадаси,
Кампир буви айниқса золим:
— Сен, ер юткур, овқат заволи!
Шапатилаб турарди доим...
Она кўчсиз, шуларнинг қули.
Йиғлар эди босиб бағрига,
Эркалатиб панада уни,
Куюнарди ўз тақдирига.
Енгил-елпи бир касал билан
Ўлиб кетди меҳрибон она.
Мадёр қолди руҳи тилинган.
Олти ёшда у ғирт етимча.
Ранги сариқ, кийими йиртиқ,
Маҳаллада юрди дарбадар.
Оқшомлари қўнишга иссиқ
Бир бурчакни сарсон қидирар.
Сўнг кулганди толе қуёши:
Боқимсизлар уйига бир кун
Элтиб берди бир қариндоши.
Яйраб кетди етимча гулгун.
Бунда топди эрклик ва севинч.
Бунда овқат ва яхши кийим,
Ўйин-кулги, ўқиш — энди тинч
Яшар эди хўрланган етим.
Сўнгра ўзга мактабга Мадёр
Ўтиб фанга мукка тушади.
Унга ёток, ош, кийим тайёр,
Техникага меҳр қўяди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнг ишлади қурилишларда,
Яхши техник, яхши комсомол,
У чиниқди қизғин ишларда,
Қидирарди курашларга йўл.

Гулноз ҳар кун участкасига
Илк хўроз-ла туриб боради.
Йўл-йўлакай оёқ устида
Сочларини шошиб ўради.
Тонг шамоли хушбўй ва салқин,
Гуллар тожин нозик елпарди.
Юлдузлар ҳам оқармиш олтин,
Кўк денгизга жим-жим ботарди.
Қиз биларди пахта ишини,
Сезар эди масъулият ҳам.
Кучайтириб парваришини
Қиз ўзишни ўйларди ҳар дам.
Звенонинг ўтиб бошига
Ишлар эди муттасил Гулноз.
Боқмай ҳеч ким қош-қовоғига,
Кўрсатарди нуқсонларин боз.
«Гулноз билан ишласанг, кузда—
Юз қизармас, ҳосил мўл, пул мўл!»
«Центнеримиз албатта юзта!»
Аъзолари дерди уриб қўл.
Кун тик келгач, дарахт сояси
Бағишларди уларга роҳат.
Звенонинг эркак, аёли
Овқатланиб, қиларди суҳбат.
Газет ўқиш, патефон чалиш,
Ўтар эди тиним хушчақчақ.
Ҳалол меҳнат, шундай дам олиш,
Гулноз билмас қайғу ва фироқ.
Лекин, баъзан ҳислар баргини
Елпар эди ўзга бир шамол.
Қизарарди, қалбнинг дардини
Билмак истаб сураркан хаёл...

Қишлоқ ҳар кун гўзаллашарди.
Барқ урарди пахта кундан-кун.
Қовунлар ҳам тўрга кирарди,
Ҳаёт ранг, гул ҳидларга тўлғун.
Ватанининг бу чет гўшаси,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу қишлоқда Мадёр эди шод.
Ўзгарарди манзаралари,
Ҳар бурчаги бўларди обод.
Станцияда қайнар эди иш.
Кеча-кундуз бу ерда шовқин.
Машина, қум, цемент, темир, ғишт...
Ҳар тоифа халқлар бир бутун.
Ҳар хил тилда янги қўшиқлар
Оқшомлари юксалар эди.
Янги куйлар билан уфқлар
Кумуш каби жаранглар эди.
Қишлоқ халқи ўз станциясин
Жондан севиб, қиларди ёрдам.
Ўз уйида ёрқин шўъласин
Кўриш учун муштоқ ҳар одам.
Узоқдан ёш-яланг, чол-кампир
Томошага келишар эди.
Барчасини экскаватор
Таажжубга келтирар эди:
— Илм ҳикмат деганимиз шу.
Аравага юк унинг капи.
— Тош-тупроққа ўч бўларкан-ку!
— Машинанинг фил-азамати!
Машғул эди бу қурилишда
Техник Мадёр қайноқ ва хурсанд

Қалби ила берилган ишга.
Орзу борми қуришдан баланд!
Шу қишлоқда гўё туғилган,
Суюклидир ҳар манзараси.
Суви, кўки, боқчаси кулган.
Бу ерда кўп дўсти, ошнаси...
Бу қишлоқни севган эди у:
Бунда унинг севган иши бор,
Ҳам руҳини тўлдирган туйғу
Биринчи ишқ, шу ердан бир ёр...

Бу ерларда қизлар жуда кўп.
Қаён боқсанг шаҳло кўзлари
Гўё имо билан дерлар: «ўп!»
Шўх, жонлидир ширин сўзлари.
Далаларда ишлайди улар.
Пахтазордан жонли гул каби


www.ziyouz.com kutubxonasi

Боқиб қолар, жуда шўх кулар,
Билмайсанки нима сабаби.
Руҳлар эркин, юришлар эркин,
Келмиш бахтнинг чиройли ёзи.
Мажлисларда улар нотиқ чин,
Меҳнатдан сўнг куйлади сози.
Боқчалардан отишар олма.
Ҳали сигир етаклаган қиз,
Энди миниб тепки арава
(Қўлтиғида китоб) учар ғиз...
Бу қишлоқда кўпгина қиз бор...
Мадёр севди фақат бирини.
У қиз Гулноз! На қилсин Мадёр?
Очиш қийин ишқнинг сирини...

Илк муҳаббат бир баҳор каби
Бахш этарак кўнгилга ҳар дам
Янги гул, ранг, янги шуълани,
Хаёлларга қанот тақар ҳам.
Қурилишда кўп ишлар Мадёр,
Гулноз гўё унинг ёнида.
Бу кечинма янги куч қўшар,
Ғайрат тошар эди қонида.
Ишдан кейин бир қувват уни
Сурган эди тегирмон томон.
Гулноз билан учрашган куни
Очиларди қалбида бўстон.
Бир пўстакка аста ёнбошлаб,
Тинглар эди чол ҳикоясин,
Соқолини қўл билан тараб,
Тегирмончи сўзларди сокин.
Гулноз келса тунга гўё ой,
Гард-чанг тўла шу зах тегирмон
Туюларди чиройли сарой
Каби унга. Қайнарди қумғон.
Чироқнинг кир шуъласида у,
Гулнозга рус тили, ё ҳисоб
Ўргатарди, қалбини мангу
Бахт ва нашъа оларди қоплаб.
Қизнинг зеҳни, идроки ўткир,
Ҳам бор эди нодир ҳофиза,
Дард ораси кўздан тошиб нур,
Қарар эди ёш домласига...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учрашарди иккиси баъзан,
Чаманланган гўзал далада.
Бирон соат кезишар экан,
Сўзлашарди гал бермай яна.
Гулноз дарҳол ўз пахтасини
Кўрсатарди атрофин кезиб.
Ўз ишини — тажрибасини
Тушунтирар эди севиниб.
— Мадёр, қаранг, нимаси ёмон?
Ҳазил эмас юз центнер, ахир!
— Мен билмасам — ўйлаб бир замон,
Ишловга зўр беринг, юз оғир...
*Гулларни санашар эди*
*—«Пахтамдадир ҳамманинг кўзи,*
*Уялмай-да!»—қиз ёнар эди.*
*Умид берар Мадёрнинг сўзи.*
Улар бирга юраркан шундай,
Йигит ҳар вақт ўз билимини
Уқтирарди жиддий ва шошмай.
Учиб ўтса кўк денгизини
Кумуш қушдай бир аэроплан
Суюнарди иккаласи ҳам,
Кўзларига кирарди осмон...
Мадёр сўзлаб кетарди шу дам
Тузилишин ва ҳар хил навин,
Суръатларин, яна энг машҳур
Учувчилар қўйган рекордин.
Гулноз дерди — кўзларда ғурур:
— Мен пахтадан рекорд қўяман.
Кейин орзум учиш ҳавода.
Шу мактабга бир кун кираман.
Қаерда у? Мумкинми, ака?!
Мадёр нотиқ бўларди тағин:
— Хоҳласангиз, мумкин ҳар нима;
Ким аяйди биздан ёрдамин?
Масалан, мен уч йил ичида
Бўлажакман катта инженер.
Бу — мақсадим, етаман аниқ.
Гулноз: — Қандай яхши замон? — дер.
Қиз куларди боладек очиқ...
Баъзи вақтда Мадёр борарди
Гулноз учун солинаётган —
Янги уйга. Жиддий қарарди,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрсатарди бўлса бир нуқсон.
Гулноз қойил уй планига:
— Ҳеч ерда йўқ бу уй нусхаси,
Сиз хўп ўйлаб чиқардингиз-да!
Мадёрга ҳам ёқарди гапи.

Кунлар ўтди. Лекин қишлоқда
Кечди сирли ҳодисалар ҳам.
Бу тўғрида яқин, узоқда
Лабин бурар эди ҳар одам:
Қурилишнинг материаллари
Икки дафъа қолди ёнғинда.
Ўттиз қанор колхоз пахтаси
Катта сувда оқди яқинда...
Гулноз билан Мадёр тинимсиз
Ахтарарди ишнинг илдизин.
Душман қўйган тилсим, хоин из
Тинч ухлатмас улар иккисин.
Очиқ, қизғин кўнгилли Гулноз
Яширолмас ўз нафратин ҳеч.
Из қидирар, қўрқмасди бир оз,
Тинмас эди на эрта, на кеч.
Мадёр зимдан кўрар эди иш
Кўринишда тамом бепарво.
— «Бас эмасми? Мунча судралиш?»
Гулноз уни койирди ҳатто.

Кеча. Мадёр қурилиш томон
Кетар эди танҳо, шошилмай.
Учраб қолди унга ногаҳон
Мирза кал, нақ қора кундадай.
— «Эҳ-е! Жиян, яхшими аҳвол?
Станциямиз тез битсин, ука!
Ёруғ кўрсин бизнинг чордевол,
Бўғилдик-ку бу қоронғида.
Қора молдик бизлар илгари.
Ҳақиқатга тушундик ҳозир.
Ҳукуматдан ўргилай, бари
Иши бизга, халққа фойдадир».
— Хўш энди. Мен ишга.
— А, Мадёр,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ука, ахир қулоқ сол пича!
Дунёда мен сендек бир дилдор
Азаматни кўрмадим сира.
Ҳаммага ҳам айтаман буни,
Ҳар кўрганда чолга мақтайман.
Лекин, таъбинг чаккимас, тубли,
Бундай туйғун қизни топмайсан.
Гулнюз — синглим. Гарчи мени у
Ёқтирмайди. Майли, ёш ҳали.
Яхшилигим кейин билар-ку,
Сен тўйни қил, ўзим тўй боши...

Аллақандай бир шубҳа билан
Бир нафас сўнг қайрилди Мадёр.
Мирза калнинг тушиб изига
Кетди, ғоят эҳтиёт, ҳушёр.
Бу қишлоқдан чиқиб бир жарни,
Бир тепани ошди у пусиб.
Унинг тахмин ва шубҳалари —
Кучайганди, юрди туртиниб.
Қабристонда катта бир чинор
Атрофида кўлка йўқолди.
Бу кулбанинг ортида Мадёр
Кўлкадай жим пусиб тўхталди.
Баъзи овоз Мадёрга таниш.
Ярқираган ковакка кўзни —
Ёпиштирди. Қийин ишониш!
Эшоннамо бир киши сўзни
Қияр эди дабдаба билан.
*Мирза кал ҳам колхоз раиси,*
*Портфелли бир шахс — кийинган.*
*Чалинмади кўзга бириси*
*Раис кесди эшонни тезда.*
— Қисқа гап шу. Аҳвол кўп чатоқ.
Менча, Гулноз сезмоқда. Сезса,
Гап — ортиқча. Маълумдир у ёқ.
Гулнозни.гум қиламиз шу тун...
Лекин тирик келтириш лозим,
Баъзи гапни аниқлаш учун
— Ҳам бир шўхлик қилай денг, жоним!
Бири кулиб тизини урар.
— Ҳеч ким биздан қилмасми гумон?
— Йўқ. Деймизки Мадёр айбдор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизни бузиб, сўнг қилди гумдон...
*Қутулиш-чун ўлдирди деймиз*
*Дақанглатиб сурамиз дарров!»*
*Олифта дер: «Бизнинг ишимиз!»*
*Ғазабидан Мадёр нақ олов.*
*Бу шайканинг устига шу он*
*Бургут каби солмоқ бўлди чанг.*
*Йўл қолмагай тўхташга бирон,*
*Дея ўзин у тутди аранг.*
Икки қўлли азамат чинор
Орасига сиқилиб кутди.
Юрак урар, фикрлар қайнар,
Туннинг қора ваҳший булути,
Оғир кутиш эзарди лекин.
Тун бағрига кўзлар қадалган.
Қўрқинч шарпа — бу қонли хоин
Атрофини нақ қуршаб олган
Ҳар дақиқа бир аср каби.
Ким билади балки кетажак
Ёрнинг боши? Мадрёр абадий
Қайғу билан мотам тутажак?
Уни хаёл учирар эди,
Ва тошларди мудҳиш рўёга.
Қулоқлари ғувиллар эди,
Ана кирди кулбага соя...

Яна секин кўз тикди Мадёр.
Хоинларнинг юзи тош каби
Маъносизди. Қалин жун қанор
Тез тортилди. Гулноз! Сочлари
Паришонди, кўзлари юмуқ,
Оғзи боғлиқ... гўзал юз рангсиз.
Эшон деди: — Сочлари қуюқ...
Терин артиб: — Оғир экан қиз, —
Деди мирза. Найнов йигит ҳам:
— Жуда осон тушди-да қўлга!
Қиз кўз очди ва турди шу дам.
Даҳшат ичра боқди ўнг-сўлга.
— Итлар! Итлар!—қаттиқ бақирди.
Ёвнинг кўзи чиқди қинидан:
—Жон керакми? Жим бўл!— гапирди.
— Жон қутулмас итлар инидан!
Бақираман, ўлдир! Сиз душман



www.ziyouz.com kutubxonasi

Колхозчига ва ҳукуматга!
— Сир очишга сенми уринган?!
Қайдан билдинг, айт ҳозир шартта!
— Айтмайман ҳеч!— Гулнозда ғазаб,
Ёниб кетди кўзлари шу он.
Даҳшат билан Мирза кал қайнаб
Бир шапалоқ урди ногаҳон.
Чақмоқ чақди Мадёр ичида.
Маҳкам сиқиб тўппончасини
Бирдан учди у ичкарига:
— Қимирламанг! — Бутун сасини
Нафратини йиғди бир сўзда.
— Мадёр! — шодлик қиз овозида.
Душманининг ранг-рўйи бўздай.
Мадёр:— Юринг, тарих гўр қазди!
Таслим эди Мадёр олдида.

Таниб бўлмас эди қишлоқни.
Келинчакдек бу безатилган.
Ҳар хил шиор, чаман байроқни
Еллар ҳар ён ҳилпиратар шан.
Янги клуб томида сира
Тинмас эди ноғора, карнай.
Беқасам ва атлас, шойига
Халқ беланган, меҳмонлар талай.
Хоинлардан қутулган қишлоқ
Ўтказарди тўйини масъуд,
Пахтани мўл олиб, ҳур, иноқ
Яйрар эди, шодлик беҳудуд...
Очилажак тантана билан
Нур манбаи — станция букун,
Кўҳна ҳаёт кўзлари чиндан
Юмилажак эди бус-бутун.
Ўнлаб қишлоқ нурга ботади.
Минглаб кўзлар сабрсиз кутар.
Бу ажойиб Ильич чироғи —
Ҳақида куй тўқийди кўп қиз.
Гулноз — бу энг донгдор пахтакор,
Ҳам курашчи колхоз раиси.
Зафар тўйи — байрамга саркор,
Ҳар иш — унинг ақли, тадбири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Янги уйда Гулноз ва Мадёр
Суҳбатлашиб ўтирар эди.
Электрдан уй кўп зиёдор,
Янги жиҳоз товланар эди.
Узоқларда ранг-баранг чироқ.
Кўчаларда нур кўп... чароғон!
Халқ кезарди шавқли ва қувноқ!
Қўшиқ, ўйин тинмасди бирон.
Қалби тошиб халқ севинчидан,
Гўзал кунлар таассуротини
Сўзлар эди Гулноз завқ билан.
Қишлоқдаги шу офтобин
Мақтар эди ҳозир йигит ҳам.
Чол эшикдан кирди:— «Ҳорманглар!
Ёриб кетди, ўғлим, бор олам.
Ҳунар, ҳикмат... қари-қартанглар
Туртинмайди, жуда яхши иш.
Ҳукуматдан совға олибсан,
Ўғлим, ақлинг, ғайратинг кўпмиш!
Гулноз, қара, озиб қолибсан...
Қизим эсли... раис бўлди у.
Шукур, кўрдим шундай замонни!
Ўйлаб дейман: ўнгми, тушми бу?
Чол шод эди. Сўнг уй-айвонни
Мақтаб кетди. Мадёр ва қизи
Тинглашарди кулиб боладай.
Кейин деди: «Бир-бирингизни
Суясиз, бу равшан, ойнадай.
Болаларим, тўй қилинг, қишлоқ
Тўй устига тўй кўрсин... сизга—
Умр ва бахт тилайман ҳар чоқ».
Кўзни артиб чол чиқди... қиз-да
Ва йигит-да бир зум қолди жим.
Кўнгилларда, кўзларда тошди
Севги ва бахт... йигит дедиким:
«Тўй бўлсин, тўй!!» — қўллар чирмашди.

*1937 йил.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАВОИЙ

Асрларга элтиб хаёлни,
Баъзан ёрқин кўраман чолни...
Нуроний юз, нуроний соқол,
Кўзларида муҳаббат, малол.

Даҳо порлар пешонасидан,
Гўё қуёш булут ичидан.
Буюк кўнгил ва буюк фикр
Мавжи каби, чизғиларда сир,
Кўркам, мағрур, оз эгик боши,
Қуюқ жиддий киприги, қоши.
Нигоҳининг маъноси нодир:
Шундай боқар файласуф шоир.
Чеҳрасида ҳаёт мазмуни,
Тажрибалар ясамиш уни.
Донишманд чол, улуғ руҳга хос
Бир табассум — тавсифга сиғмас
Тавозеъ самимий, илиқ.
Ҳаракати нозик ва силлиқ.
Нафис бутун сиймоси, саси.
Нафис ишқи, ғами нашъаси...

Ярим кеча, ўтиради у.
Бир хитойи косада лим сув.
Ёнар титраб бир олтин шамдон
Токчаларга китоб қаланган.
Гиламларнинг қон гулларини
Ёндиради бу шамнинг нури.
Жиҳозларда тартиб ва маъно,
Ингичка завқ, оҳангга имо...
Қари шоир фикри тошади.
У энкайган, тинмай ёзади.
«Қирт-қирт» этиб савағич қалам
Сукунатни бузади ҳар дам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нафис қоғоз бетларини шеър
Тўлдиради, тоза ҳар сатр.
Юксак эди хаёл парвози,
Яшнар сўзнинг чамани — ёзи.
Фикри — учи чексиз самога
Кирган тоғдан энмиш шалола.
Оғса ҳамки умрин қуёши,
Ёшлик ўти унинг йўлдоши.
Соч-соқолни қиров босса ҳам
Ижод ҳали чиройли кўклам.
«Хамса»даги офтоб албат
Буюк қалбдан бир ёлқин фақат;
Меҳнат учун туғилган одам,
Ишга қанча севги ва чидам.
Бу одамда қанча матонат!
Иш, яратиш — унга фароғат!
Ухлар эди гўзал «Унсия»,
Шеър париси чўчмасин дея...
Посбонлар, миршаблар саси
Баъзан янграр эди кечаси...
Узоқларда қичқирар хўроз.
У ишлайди, қалам қилмас ноз...
Кучган эди ширин бир илҳом,
Ёзган сари руҳида ором...
Шоир кезар «Бинафша боғ»ни,
Чаманзорлар очар димоғни.
Хиёбонлар шундай гўзалки,
Сояда нур жимирлар секин.
Бир қўзғалиб мадорсиз шамол
Япроқларни елпиди хушҳол.
Шоир кўзи ҳар бир гўшада
Топар янги гўзаллик лавҳа...
Қушлар сайраб барглар ичидан,
Эслатарди «Лисонуттайр»дан.
Ҳар бир гули бу чаманзорнинг
Жон бағишлар тилига торнинг...
Илҳомидан ўзга йўқ бир ёр,
Усиз шоир кўнгли беқарор.
Илҳом унга янги бир ғазал
Ғунчасини очар шу маҳал.

Гўзал кўшкка қайрилган замон,
Мевазордан чиқади боғбон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўзларида севги, эҳтиром,
Бошин эгиб, беради салом.
Бир мис тобоқ ҳақиқдай олма:
«Тақсир, тотиб кўринг бир марта.
Илк узишим, бу йил мева мўл».
Шоир кулиб, узатади қўл,
Олар икки ёқут олмани,
Қўзни олар ранги, жилоси...
Ҳидлайди завқ билан сўнгра у.
Яшаради қалбида туйғу:
— «Болаларга улашинг ҳар кун.
Ўзга қувонч, йўқ улар учун».
Шоир кўшкка чиқаркан, уни
Қўлтиқлайди таъзимкор қули.
Кўшкки, шундай ҳавойи, юксак,
Елпар жонли новда ва чечак.
Гиламларнинг жонли лоласин
Енгил босиб, ипак жомасин
Ечиб, секин ўтиради у,
Бир жуфт қумри қафасда: ҳу-ҳу!
Яшил боғлар ва экинзорлар,
Тўлқинланиб кўзни қувнатар.
Ана, қарши тепада чўпон,
Содда найни чалар ногаҳон...
Пастда деҳқон чопади ерни,
Оғир меҳнат эзган у эрни;
Яланг оёқ ва эгни чурук,
Манглайида дард, қадди букук.
Шоир фикрин ўрайди булут,
Гўё дардин сўйлар бутун юрт.
Фаровонлик бериб оламга,
Деҳқон ўзи ботармиш ғамга.
Қани қонун қани адолат?
Халқни талаб, золимда роҳат...
Улусни ким этар бахтиёр?
Маст, бепарво тахтда ҳукмдор!
Ана Ҳирот илинар кўзга.
Ётар чангдан юпқа бир бўзда.
Масжид, жомеъ ва мадрасалар,
Ҳилоллари кўкда ялтирар.
Шоҳ, шаҳзода, бек саройлари,
Зангин кўшки, равоқи, арки
Ярқирайди чўмиб қуёшда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Нурлар ўйнар ранго-ранг тошда*
Бу — зийнатли «оқ суяк» Ҳирот,
Май, мусиқа қайнаган ҳаёт;
Кийим заррин, идишлар заррин,
Мусиқи, рақс қувар ғам гардин.
Айш-ишрат ва кайфи сафо
Гирдобига ботган бир дунё.
Ҳар бирида ҳисобсиз кўп мол,
Тавсифидан ҳар қандай тил лол.
Ҳар қадамни ўпар қул кўзи,
Битар лабдан учган ҳар сўзи.
Ҳар бирида бир даста хотин...
Гўзал қизлар ёш латофатин
Қўпол ҳирслар панжаси эзар...
Кўзларда бир сиёҳ дард кезар.
Қул канизлар бошида кимлар?—
«Хоним ойим», «султон бегим»лар...

Ана унда ерга ястаниб,
Катта Ҳирот ётар чанг ёпиб;
Чолдеворлар, кулбалар муш-муш,
Ҳазар қилар қўнишга бойқуш.
Улус яшар қишу ёз муҳтож.
Кучи, қони хазинага бож...
Ҳар навъ қашшоқ, косиб, ҳунарманд.
Машаққат-ла руҳлари пайванд...
Кампирларнинг чархи сингари
Эзгич, рангсиз ҳаёт оҳанги.
Бу Ҳиротнинг сирини билган
Шоир қалби ёнар ичидан.
Оч ва хароб машҳур Хуросон,
Унда қаттиқ зулм ҳукмрон.
Зулм солмиш ҳаётга кир, занг,
Адл ювиб, берса олтин ранг...
Шеър ва фан билан «ярқироқ» —
Тождан буни кутди у кўп чоқ.
Лекин шоҳнинг бутун хаёли
Ишрат, сафо ва улус моли
Билан тўлса юток хазина!
Давлат унинг кўлкасигина...
Қора тунни деса ёруғ кун,
Ким эгмайди «балли!» деб бўйин.
Дўст шоирнинг мулойим саси



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёқмадими шоҳ ғазабини?
Сурди уни шоҳнинг қувғини,
Бошдан кечди ғурбат қуюни...
Сарой тўлган эди ўч, кинга,
Чақмасдан у кирмади қинга.
Заҳар билан шоир изини —
Шеър — санъат нур қандилини —
Сўндирмоқчи бўлмадими шоҳ?
Бундан ортиқ бўлурми гуноҳ?
Ялтираган, маст, чиркин гуруҳ
У даҳога солди ғам, андуҳ.
Лекин, яна нафрати қайноқ,
Ишонч ҳали қуёшдан порлоқ.

Тафаккурни узди шу дами
Ёш мулозим чиройли саси:
— «Рухсат тилар икки мусофир».
— «Мен мамнунман, кирсин!» дер шоир.
Икки йигит — қозондай салла,
Эски тўнлар олача — малла.
Юзларига мушкул сафар из
Солган; улар ориқ ва рангсиз,
Улар қуйиб қўлни кўксига
Туришарди чол ҳузурида.
Шоир кўзи сўрайди савол.
Бири баён этар ҳол-аҳвол.
—«Сиз меҳрибон, паноҳингизга
Сиғинамиз, минг қуллиқ сизга.
Биз фақирлар толиби илм,
Самарқанддан чиқдик, биз етим,
Гоҳ эшакда гоҳо пиёда...
Ғайрат берди сизнинг остона».
— «Ғайратингиз учун офарин!»
Мадраса, жой, нафақа тайин.
Уларга йўл бошлар мулозим.
Сўнг йиғилар нуктадонлар жим.
Фан, санъатнинг гуллари бутун
Тўпланганди суҳбати учун:
Бир кўп шоир, бир қанча олим,
(Муаррих ҳам табиб, мунажжим)
Неча машҳур мусиқийшунос,
Уч-тўрт ҳофиз, киборларга хос.
Афлотун ҳам Арасту фикри,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Неча олим, қаҳрамон зикри,
Фалсафадан «илми ромга»ча,
Мавзу бўлар мубоҳасага.
Гўзал бир байт, ёки рубоий
Қанча чўзар мунокишани?
Баҳсни кесар ора-сирада
Ҳар хил ҳазил ва мутойиба.
Зўр қаҳқаҳа учади бир зум,
Устод юзи тўла табассум.
Кўп майл этар латифа сари,
(Қошки бўлса Мулла Биноий!)
Сўнг машшоқлар, ҳофизларга гал
Ўқилади форс, туркий ғазал.
Мажлис завқи етади авжга.
Куйлар чалар шоир — бастакор
Фикр топар сеҳрли диёр...

Шоир отда борар шоҳ сари,
Ҳирот яшар ҳар кунги каби.
Ҳалвофуруш мақтар ҳалвосин,
Кампир элтар олган ғўзасин.
Бир эшакка чўп-хасни ортиб,
Ўтинчи ҳам боради ҳориб.
Бир ўғрини қилиб саззойи,
Судрашади неча сипоҳи.
Юракларни зир-зир қақшатиб,
Арғимоқда учар бир нойиб;
Бир зўровон, орик амалдор
Тимга кирди: қайғуси бозор...
Неча рангпар муллабаччалар
Бир жувон-ла имлашадилар...
Расталарда зўр ғовур-ғувур.
Баззоз бойлар ўтирар мағрур.
Тоғ-тоғ шоҳи ичида бир чол —
Машҳур хасис, егани увол...
Шоир кезар аста, улуғвор.
Шеъри, иши билан у донгдор.
Ёш-қарининг саломи ҳадсиз,
Жавобсиз у қолдирмас ҳаргиз.
Шоир сарой қуллуқчилари —
Билан ҳозир кирар ичкари.
«Боғи жаҳоноро» музайян,
Нафис кўшклар, гуллар ва чаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кириб шоҳнинг қошига шоир,
Таъзим, қуллуқ адо қиладир.
Тез қариган бу ожиз султон,
Ўтирарди бир фалажсимон.
Ифрот айшнинг чиркин сояси
Сиймосининг чин ифодаси...
Атрофида кўп гўзал жувон,
Зийнатида йўқ бирон нуқсон —
Тартиб, одоб билан тик турар.
Базмда май сероб, жўш урар.
Бунда беклар, бир кўп мансабдор,
Шоҳга яқин аъёну, дўст-ёр.
Ярқирайди кийимлар олтин.
Асл тошлар бир-бирдан ёрқин.
Вазир ҳам бек юзлари бир зум
Чизди ажиб қийшиқ табассум.
Шоҳнинг ширин сўзин ҳийлакор —
Маст кўзлари этарди инкор.
Шоҳона базм, кеча хуш, хандон,
(Базмсиз кун билганми Султон?)
Ҳар кунгидай бу мажлис чанқоқ,
Қадаҳлари ёқутдай порлоқ.
Соқийлар ҳам қуяр бетиним,
Зар косалар учади лим-лим.
Тортилади хилма-хил таом,
Олтин-кумуш — идишлар тамом.
Барча кўзда шароб жилваси —
Баъзиларнинг тушди салласи.
Мусиқи ҳам келди фарёдга,
Мастлар боши чайқалди «дод»ла.
Гир айланар машҳур раққослар,
Кийимлари гавҳар олмослар
Билан кўзни қамаштирарди,
Қилиқлари ҳирсни қўзғарди.
Ҳали базм бошланиши бу,
Давом этиб, авжга чиқар у,
Кеча бўйлаб анча ҳангома,
Қанча шовқин бўлажак яна...
Етим-есир тўла Хуросон,
Авжга чиққан зулмдан фиғон;
Шаҳзодалар бир-бирига ёв,
Бир-биридан ортиқ эл талов,
Султон ботган ишратга мудом,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бузуқилар бошида имом,
Бу мажлисга бегона шоир
Туйғуларин қилолмас зоҳир.
Йигитликда чидади ночор,
Энди қалбда ўзга завқлар бор.
Бу алдамчи дабдабалардан,
Шовқин-сурон, ҳангамалардан
Қўл силтамак унинг муроди:
Кетса ўзга бир диёр сари!
Илҳомига чуқур ботароқ,
Оғир меҳнат билан ёнароқ,
Сурмак истар яратиш завқин,
Эшитмас у мастона шовқин!
Шоирга шоҳ «марҳамат» қилиб,
Чақиради, дейди керилиб:
—«Кураш қилди икки паҳлавон,
Деса бўлгай офарин жаҳон.
Қўчқорлар ҳам яхши қилди жанг,
Ғулғуладан қулоқлар гаранг.
Бўлмадингиз, сизда йўқ шафқат»...
Султонга хос аблаҳ шикоят!

Шоир чиқди, қалбни ёқар ғам,
Фикрларни қучар жаҳаннам.
Тун.. Қорага бурканиб шаҳар
Ухлар эди тингандек кадар.
Ўтар экан бир маҳалладан
Эшитди у: кичик кулбадан
Биров гўзал бир оҳанг ила
Шоир шеърин ўқир оҳиста.
Шеърларининг узоқ ва яқин
Ўлкаларда шуҳрат топганин
Билар эди. Аммо, шу онда
Севинч тошиб кетди бор қонда...
Курашларда орттирган, бешак,
Бутун умр руҳ берган истак
Жаранглади жўр бўлиб созга.
Она тилни еткизди ёзга,
Мўл-кўл тўкди санъат мевасин,
Бўҳтончининг кесди нафасин,
Ярашарди унга ифтихор,
Шеър аҳлига бўлди байроқдор...

*1937.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАМОНЧИ

### I

Холдор созчи қирқ йил чалган эди соз,
Гўзал чертар эди танбур, дуторни...
Санъати — ҳам ҳаёт, ҳам ишқ, ҳам намоз,
«Қиллар тош титратар!» деб ишонарди.

Илк дафъа мусиқи оташин Холдор
Қалбида чин туйди — саккиз-тўққизда!
Бир қўшни келинчак — кўзлари хумор
Садолар сеҳридан берганди мужда...

Эрини бозорга жўнатиб ҳар кун
Келин оқшомгача ёлғиз қоларди.
Уй деган зиндондан силжишми мумкин?
Унга эрмак фақат маъсум Холдорди...

Бола билмас нега келин паришон,
Нега кўзларидан томчилар тошар?
Не учун «уҳ» тортиб ётар кўп замон?
Ёш фикр саволлар ичида қолар...

Танчасида янги атлас кўрпалар,
Юмшоқ гиламларнинг қон чаман нақши...
Асбоблар-ла яшнар бутун токчалар,
Шифт-тоқи зийнати нақадар яхши!..

Айниқса Холдорга ёқар бир нарса:
Мўлжалда адашмай «ку-ку» лаган қуш.
«Қушни олиб беринг, кўрай бир марта!»
Келин дерди: «Аканг ёнига бир туш!»

Бу чиройли келин чаларди дутор,
Унинг қилларида ўтарди кундуз.
Уни элитганди титроқ садолар,
Чайқалар гўзал бош, сийна ва ўмуз...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боланинг руҳида куйлар мавж урди...
Аллақандай гўзал, хаёлий диёр —
Сари бу садолар аста учирди,
Узоқлашса ундан кўнгил беқарор.

Кейин у дуторни олади қўлга,
Билар-билмас уни чертади баъзан.
Келин ўргатади, солади «йўл»га,
Сўнг Холдор берилар бутун шавқ билан.

Йўқчилик сургади ҳаётга эрта,
Чойхонага шогирд ўн ёшида у.
Юмуш-ла учарди, қўнмасди ерга,
Чой ташир, тўлдирар катта хумга сув...

Келарди кўп дайди сайёр машшоқлар,
Ўзича улардан сабоқ оларди.
Қилларда ўйнаса кичик бармоқлар,
Ҳар томондан унга «Балли!» ёғарди.

Баъзи вақт икки-уч серзавқ чапани
Чойхонага қўниб дамларди палов.
Шўх сайрар уларда дутор пардаси,
Холдор разм солиб, уқарди дарров.

## II

У бир қанча йилнинг ичида машҳур,
Юрарди тўйларга ва йиғинларга.
Гапхўрлар нозини тинглашга мажбур,
Бошини суқарди ҳар хил инларга.

Овозаси баланд, ҳамёни қуруқ,
Кўзларин уқалаб чиқарди ҳар чоғ —
Қийқириқ базмдан... Ранг-рўйи учуқ,
Ота-онасига ёқолмас чироғ...

Дўст-ёр тутунмасди «дурустроқ» одам,
Донғида қандайдир сирли доғ борди.
Кўзларнинг жилваси унинг-чун мубҳам,
Ҳар ким кибр ила баланд боқарди...

Уйланмак истади, кенг орзу-хаёл:
«Ҳар танноз қиз менга тегар албатта!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин бу орзулар бўлди поймол,
Йиллаб қиз ахтарди хола ва амма.

Умид-ла босароқ ҳар остонани,
Совчилар чиқарди ғам юки билан.
Яхши қабулдан сўнг, ҳар қиз онаси
Табиий сўрарди куёв касбидан:

—«Айланай, дунёда тенгсиз созанда
Ва ҳоказо...» (Совчи мақташга эпчил!)
«Айби йўқ, беқусур эмас, ҳар банда,
Не қилай қизим ёш... Бўлмайди, сингил!»

Баъзи шаддод она айтарди дангал:
— «Қойиманг, бир камим танбурчимиди?
Қасб топади эсли йигит ҳар маҳал,
Созчилар, ўргилай, шайтон шериги!»

Нақ ўттиз ёшида уйланди Холдор,
Бир етим қизчанинг тақдири эмиш!
Ортди бола-чақа... Нон, кийимга зор,
Мумкичмас садолар ила тўйдириш!...

Қаерда тўй-ҳашам бўлса қидирди,
(Сознинг саси гўзал, ҳақи кўп аччиқ!)
Қашшоқлик зўр бериб рўзғорга кирди,
Ҳар йилнинг баҳори қишидан қаттиқ!

Йўқчилик Холдорни сурди такяга,
Наша тутунида дардни ўрарди.
Ғазаб, сиқинтидан у кўп мартаба
Танбур, дуторини тошларда ёрди...

## III

Салимжон битириб «етти йилликни»,
Онасига деди жиддий ва мағрур:
Москвага кетаман, унда мусуқи —
Мактабига кирсам...» «Уҳ, қурсин танбур!»

— «Ойи, танбур эмас!» — деди Салимжон,
— «Барибир эмасми? Болам қулоқ сол,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен ёлғиз таянчим, — дерди меҳрибон, —
Ишчи бўл, дўхтур бўл, майли, бўл ҳаммол!

Музиканчи бўлма, мен эмас рози,
Отангни ўйлаб кўр, нима бўлди у?
Ўзини ва мени куйдирди сози.
Майли, Москвага бор, бошқа илм ўқи!»

Отадан қолганди олти ёшида,
Унинг ёш қалбига кирганди чуқур —
Мусиқининг сеҳри. Ота машқида
Куйларнинг жаранги берарди сурур.

Мактабда мусиқи тўгарагида
Кўрсатган эди у ёрқин истеъдод.
Салимжон руҳининг ҳар заррасида
Чолғу ишқи ёнар кундан-кун зиёд...

Кўнглининг сирини очди онага,
(Бола орзусига она — мулойим!)
Жўнади, ўқиди у ёна-ёна,
Бизда орзусига ҳар кимса ҳоким.

## IV

Театр залида одам зич... Қий-чув,
Юраклар қайнаган; кулги ва гап-сўз,
Юзлар жилвасида — чидамсиз туйғу,
Шод ва нурли ҳамма қари ва ёш кўз...

Бу ерда сиёсат, санъат арбоби,
Бу ерда ҳақиқий меҳнаткаш омма.
Бу ерда жаҳоннинг энг бахтли ёши,
Ҳаёт олган бари баҳор айёмда.

Ипак мавжларини йиғади парда,
Саҳнада яшнайди латиф бир гулбоғ...
Барча ҳаракатлар кесилди шартта,
Кўзларни бир сеҳр тортганди шу чоғ.

Ҳар вақт эшитилган рангсиз бир эълон,
Ёши йигирмадан ошмаган йигит —
Саҳна ўртасида турди Салимжон,
Киприк қимирлашни сезажак жимжит.



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Ўрознинг бахти» достонининг қоралама автографидан бир саҳифа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигит руҳга сингган табассум каби
Қамон ила шундай бирикди дарҳол.
Садолар-ла учди ҳислар галаси,
Нақ ҳаёт уйғотган баҳорги шамол...

Дам майин титради руҳланган камон,
Дам кучли ёйилар жонли тўлқини...
Садолар тинарак жўшар ногаҳон,
Қандай чуқур саслар, ранги, мазмуни!

Мана камон қалби узилди бир зум.
Залда бир гулдурос, қасирға-чапак.
Ҳамма ҳам оёқда, ҳисларда ҳужум!
Йигитлар ва қизлар отарди чечак.

Бирпасда саҳнада гуллар хирмони...
Йигит бош эгарди ҳадсиз меҳрга.
Бир бурчакда туриб мушфиқ онаси:
—«Менинг ўғлим!... Мени...» дерди,
кампир-да.

Қолмаганди шу он ўзга бир армон,
Қувончдан кўз ёши мўл-мўл оқарди.
Гул, олқиш қоплаган ўғлини шу он
Бағрига босишга, ўпишга зорди...

*1937*

www.ziyouz.com kutubxonasi

### ҚИЗЛАР

I

Ёғар эди паға-паға қор,
Далаларда изғир оқ қуюн.
Йўллар жимжит. Инграр дарахтзор,
Қишлоқ узра қору кўк тутун.
Ҳар уйда ҳам ташвиш ва ҳижрон.
Келинчаклар сочларида оқ.
Оналарнинг тушдан бағри қон,
«Қора хат»дан юзларда тирноқ.
Олис уруш қаҳрини тортар
Оғилдаги ҳўкизга қадар...

Шу қишлоқда қора уйчада
Ўтиради сирдош ва иноқ
Бозиллаган пастак танчада
Дугоналар — бешта қизалоқ.
Кеча келган улар каналдан:
Тақир чўлда, қумли бўронда
Қизлар ойлаб кетмонда яктан,
Метин ерни ёрди суронда.
Сочлар пахмоқ, юзу қўл чатноқ.
Лекин донгдор қайтди беш ўртоқ.

Қуёшдаги олма сингари
Йилтирайди юзлари бу кун.
Шилдирайди хонатласлари,
Узукларда жонли ўт ўйин.
Саратондай бозиллар танча,
Сўриларда қор ўйнайди жим.
Ҳар қизда дард, умид бор анча,
Аччиқ чой ҳам қайноқ, хушичим.
Деҳқонча мўл, рангдор дастурхон:
Магиз, жийда ва зоғора нон...

Соғинтирар кўп ойлик фироқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин қизлар бўшмас, ниналар
Учар тинмай: ипак гул, япроқ
Оқ шойида чамандек яшнар.
Жангчиларга совға-даструмол,
Кўксин музга қўйиб, кечиб қон,
Ўт-дуд аро кўтарган қурол
Йигитларга содда армуғон.
Юрт қизларин муҳаббати бу,
Бунда қанча қалб, эзгу туйғу!

Қатим тортиб, қизлар сўзлашар,
Гоҳ каналга учади хаёл,
Чўлда меҳнат тўлқини тошар.
Тер,
Буғ,
Чанг, қум ва қора шамол.
Карнайларнинг тонгда «ғат-ғати»
Кетмон, ломлар чаққан чақмоқлар,
Дарбозларнинг қалтис санъати,
Кўкда сузган олов байроқлар,
Тепаликнинг остида ғор уй,
Тунги гулхан, қумғонча ва куй...
Гоҳ дилларни ғам қақшатади.
Ҳар сўзда уҳ, ҳар сўзда иймо.

Кўча, дала, уйлар бўш каби,
Ҳаёт тўю базмдан жудо.
Кетди қорачиғдай азизлар,
Туғишгандек ўзга-ю яқин.
Бирин-бирин ёдлайди қизлар
Улоқ-кураш, чопиқ мардларин.
Даструмолда ёзувлар гулгун:
«Ватан учун! Партия учун!»

Беш қиз тикар, — ҳар бирининг ҳам
Ўз ёши бор, завқ, қилиғи бор.
Энг етуги Назмихон кўркам —
Ингичка қош, бўта кўз, бўйдор...
Маслаҳатгўй, ғамхўр ва туйғун
Мудом хафа: кузда никоҳ — тўй
Чала қолган! Олтиной сўлғун,
Нотобдай у, яна соддагўй.
Тумор тақар, туш ҳам таъбирлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қадим қизи» дерди кампирлар.
Шўх, ҳазилкаш баридан Дилбар,
Ўн саккизга тўлар баҳорда.
Қизда ҳусн ва куч тирсиллар,
У қўшиқчи, чалар дутор-да.
Лекин дилга гўё ҳеч бири
Сиғмагандек: унда ҳам ҳижрон!
Сирин билар бир Назми биби.
Дилбар — чевар сўзамол — чаққон.
«Артист, — дейди уни Олтиной,
Қиз дили ҳам шу умидга бой...
Ойжамол-чи, Дилбардан сал ёш;
Япасқироқ йўғон гавдали.
Ишда олов, уятчанг, ювош.
«Полвон қиз»дир унинг лақаби.
Энг кичиги жажи қиз Гулшан.
Ажаб ўйчан ўн тўрт ёшида.
Опа қизлар севар кўнгилдан.
Ҳам пахтада, ҳам сув бошида,
Ҳам хирмонда жиддий, чайир у.
Болаларча самимий шўх, қув...

Кезишгали чиқади қизлар,
Қор тинибди — ҳар тараф оппоқ.
Завқ-ла ғарч-ғурч тушириб излар,
Кенг ҳовлида қувнар беш ўртоқ.
Мана Дилбар ясаб қор тухум,
Олтинойнинг бетига урар.
Бирдан кулги, қий-чув ва ҳужум,
Ёшлик ўти қонда югурар.
Қорда кавуш, ҳавода рўмол.
Ўйин қизар...
Шунда кирди чол.

Чопди Гулшан хурсанд, ҳансираб.
Бобосини қучди, сўрашди.
Қизлар ҳурпак сочларин силаб
Чол атрофин аста ўрашди.
— «Тошкентда не гаплар бор, ота?»
—«Қандай ўтди, бобо, қурултой?»
— «Сўзладими раис Болтака?»
Соқол қашиб чол дер: «Гап талай,
Совуқ қотдим, сал исинайин».
Уйга юрди қалтираб секин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оёқларин ўтга узатди.
Тез-тез хўплаб қайноқ чойни у,
Қизларга жим кўз қирин отди,
Бирдан ёнди соқолда кулгу:
— Гап кўп. Бай-бай, ҳамма сўзамол.
Сўзнинг тузи шу бўлди: пахта!
Ғайрат қилу, пахтани мўл ол!
Қори-хайрга бизнинг эл шахт-да!
Москвага ёзди катта хат,
Қасам ичди эл баҳамжиҳат...

«Қасам?» — диллар депсинди бир он.
—«Элнинг сўзи — қасам-да!
Чол дер,—
Етмиш центнер! Ваъдам каттакон.
Ҳар ёшимга, дедим, бир центнер!
Чапакбозлик — кўк ёрилгандай...
Нетай, даданг ҳиссасин, Гулшан,
Бошга олдим, Арслоним қандай
Йигит эди? Пахтакор чиндан!
Соғ келгайсан, олис қулуним»
Доно кўзлар ёш тўкар юм-юм.

Қизлар оғир эгди бошларни.
Сукут... эзгич, маънодор, узоқ.
Лабни тишлаб, тугиб қошларни
Гулшан ўйда — бўзарган, титроқ.
Кейин бирдан турди, жонли, шод.
Бобосига ёстиқ узатди.
Шол рўмолин ўради қиз бот,
Сўнг ҳаммани бир-бир кузатди:
—«Хайр, борай раисга илдам!»
Қизлар турар: «Нима гап? Биз ҳам!»

## II

Ғилай йигит чўт қоқар ҳорғин.
Алпдай раис Болтака кайфсиз,
Ўтирарди чимтиб манглайин.
—«Қасам ичмак учун келдик биз»
Саломдан сўнг дер Гулшан дадил,
—«Центнер [illegible]
Бел боғла[illegible]



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Юз бераман! Бу аниқ ваъдам!»
«Манам юз!» дер уялиб Полвон.
— «Майли юз!» — дер қолганлар шу он!

Раис турди қудратли ва дов;
Хумдай боши нақ шипга тегар...
— «Шунқорларим, баланд уч, — синов!
Бешовингга бердим беш гектар.
Звено бўл, беш бармоқдай — бир!
Бошлиқ бўлсин... хўш, манов Гулшан.
Қўмак десанг — доим мен ҳозир!»
Чўнг ва юнгли қўлни кўнгилдан
Узатди у ҳар қизга; шу чоқ
Эзгу ҳисдан ҳар юрак титроқ...

## III

Тонг. Звено далага чиқди.
Устларида қўпол жомакор,
Оёқларда ҳар нав чориқди,
Ерда қалин ғўзапоя, қор.
Чўмилади қорда қарғалар.
Мана, улкан дала, кўзлаб боқ!
Айтиш осон, қара: беш гектар
Ёмон эмас эди ер бир чоқ.
Қуриганди дармони секин;
Ўн центнердан тўккан энг кейин.

Тонг. Изғирин аччиқ. Юзчилар
Бошлайдилар далага ҳужум.
Ёшлик ўти неларга чидар!
Ер темирдай қотган, қиш ҳам шум.
Қор қоплаган ғўзапояни.
Суғуриб кўр муз чангалидан,
Торт ва йиқил, қўлни шил, қани!
Изғириннинг муз тиканидан
Бармоқларда тоқатсиз оғриқ,
Кўзларга ёш тўлади «жиқ-жиқ».
Қизлар ишлар шовқинсиз, иноқ,
Эзгу туйғу қучганди гўё;
Ҳаракатлар ўжар ва қистоқ,
Иш қийин. «Ғинг» дейишмас асло.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Мушкул ишни олдилар бошга...
Азим бурчни сезар ҳар бири.
Айланганди сабрлар тошга.
Нолишмайди — дилда ўз сири.
Пешиндан сўнг ёқиб аланга,
Чой ичишди — жон кирди танга.

Яна шошқин бошланади иш,
Қарич-қарич очилар дала...
Борган сари ошар ўчакиш!
Сочлар юлуқ, қўллар дабдала.
Қалтирайди ориқ Олтиной,
Пихиллайди Ойжамол «Полвон».
Назми, Дилбар — нақ йиқилгудай,
Уринади Гулшан — бедармон.
Қош қорайди. Қизлар жўнамас,
Раис қувлар ҳайқириб: «Бас! Бас!»

Звено эрта тетик, шод яна.
Иш бўлғуси тағин серқулоч!
Ҳаво илиқ, чақнайди дала —
Қуёш бугун чиққан яланғоч.
Ҳар томонда оппоқ соф ёлқин.
Қорлар эрир, ер шиш — семирар.
Дарахтларда кўкламги ўйин,
Шундай илиқ — ечингинг келар.
Қушлар қандай жонли, шўх парвоз,
Ўзбек қиши шундақа серноз...

Ер қабарган тер қуяр қизлар.
Чориқларда дахсар-дахсар лой.
Оёқ тортсанг, букилар тизлар.
Қичқиришар:
—«Кел, торт!»
— «Ушла!»
— «Ҳой!»
Лой томади юзлардан ҳар он,
Лой — сочларнинг қора мавжида.
Ясангандек қизлар шод-хандон.
Қумғон қайнар, жағли авжида.
Оқшомгача бир дам тиним йўқ,
Қўлтиғида зоғора — қиз тўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## IV

Иш кетидан иш чиқар ҳар кун.
Кенгашади звено бир оқшом.
Не қилсинлар «юз» олиш учун?
Зироатда улар эмас хом,
Бобо сўзин эслаб Гулшан дер:
«Бегона тупроқ — девона тупроқ».
— «Ёт тупроқдан қутуради ер!..»
Деҳқон қизлар ҳал қилар шу чоқ:
Қайда эски пахса бўлса — буз!
Завод бермас бу йил «маъдан — туз».

Олис эди пахсалар бироқ,
Колхоз берди эшак арава.
Йўллардан чанг кўтариб бир чоқ
Машиналар ясарди ғалва.
Тўда-тўда колхоз отлари
Кишнашаркан, янгради само,
Аравалар гумбур, савлатли,
Ҳайдовчилар олифтанамо,
Аммо тангдир от-улов букун,
Уруш! Борлиқ — ғалаба учун.
— «Навоийдан қолганми девор?
Тошдан бадтар, темирдан бадтар...»
Уҳ тортиб дер Олтиной беҳол.
— «Тўп бузолмас!» — ҳансирар Дилбар.
— «Кунжарадай, ер қилар маза!»
Деб Ойжамол уради кетмон.
Қизлар ёниб, терлайди тоза.
Тупроқ сачрар тош парчасимон.
Пилла-пилла қаварар қўллар.
Ўнқир-чўнқир ва узоқ йўллар.

Бу йўлларда лой кечиб Гулшан,
Тупроқ ташир — ҳайдар арава.
Иш унса бас, қиз кўнгли равшан,
Эшак қилар ишни пачава.
Наманган, Ҳинд, Хўтан ва Қошғар
Йўлларида шоирга[1] ҳамроҳ
Бўлган махлуқ — айёр ва ўжар,
Тош сингари қотади ногоҳ

[1] Шоир Машраб кўзда тутилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сила, сийпа, ур-теп — фойда йўқ.
Қулоқ силкмас ва кўзлари лўқ.
Гоҳ қилтириқ арава синар,
Тентирайди Гулшан қишлоқда:
Мих ё парча темир қидирар...
Уста Қамбар энди узоқда!
Мана Гулшан лой йўлда ёлғиз.
Қоқар-суқар арқон-ла чандир.
Йиғлагудай бўлиб баъзан қиз
Дўстларига қайтар...
— «Командир!
Аравангда бешта қоп, тузук!»
Елкаларда эрта-кеч зил юк...

Қизлар кўнгли тинчимас ҳали:
Тўйдим демас, ернинг тили йўқ,
Ағдаришар икки тепани,
Сўнг билинар — ер кўкси тўлиқ.
Озаймайди лекин иш, ташвиш.
Бу орада ўтди «лайлакқор».
Бойчечак ҳам кўз очди сарғиш.
Олтин ҳаво эснайди баҳор...
Кеча бўм-бўш, йўлларни бугун
Бинафшалар безапти бутун.

Ҳаво илиқ ва шундай равшан,
Кўзни ёшлар сувнинг ойнаси.
Кўчаларда, томларда шўхчан
Янграр «лайлак келди» нашъаси.
Варракларнинг устидан вазмин
Узун тумшуқ қуш қанот қоқар.
Минорада бир арава ин —
Қўниб мағрур атрофга боқар.
Ҳар кун янги бир қуш жилваси —
Тумушғида куйи ва хаси...

Қиш кийимин ечмакка ҳали
Улгурмасдан, ҳар ёқ ям-яшил.
Тинмай бойир ернинг безаги —
Моҳир баҳор тўқир муттасил,
Ариқларда оқар жонли куй.
Мижжа қоқмай, завқдан тебранар
Шўх тераклар — адил, баланд бўй.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Толлар — сатанг, шошиб безанар.
Кунга, елга чиқар чойхона.
Чеккаларда ёнади лола...

Осмон эди боя беғубор!
Қайдан енгил булут ва ёмғур?
О, ҳазилни севади баҳор!
«Шовв» этади йирик-йирик дур...
*«Ток очарнинг нашъаси»дир бу.*
Панага зир қувлар ҳаммани
Боғчалардан, ишкомлардан у.
Ташвиши ҳам ширин, бамаъни!
Олтинланар бирпасда ҳаво.
Қий-чув, иш. Ранг денгизи — само.

## V

Қуйманади далада аҳил,
Унутгандек гул фаслин беш қиз.
Оғирликлар кундан-кун хил-хил,
Ана ётар трактор тишсиз,
«Запчасть» деган балоси қани!
Яна ношуд тракторчи ҳам.
О, жангдадир бу иш мардлари!
Звено учун ер суриш зўр ғам.
Қизлар хуноб, ёнар, уринар.
Шунда кўкда ўтар турналар...

Гулшан кўзи тиниқ самода:
Тизилгандек ипга турналар —
Учар қатор чексиз фазода,
Қизда шодлик бирдан тўлғанар,
Кўкламни у илк сезган каби.
Қўлин силкар, қичқирар қувноқ,
Фақат бир зум! — тўхтар юраги.
Қўл шол каби осилар шу чоқ,
Нур денгизи ичра толеманд
Сузар эди турналар баланд...
«Қайга учар? — Украинага?
Ё у ёқдан?» — қиз ўйлар ғамгин.
Эртаклардай, дардли сийнага
Қуш келтирмас хушхабар, таскин!
Хаёлидан кечади дада —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шинель, милтиқ ва чўян қалпоқ...
Шундай хушфеъл беозор, содда,
Пахтакорга ўхшамас бироқ.
Қуш овози олисда тиниб,
Дўстларга қиз боқар хўрсиниб.

Ҳамма ишлар, Дилбар паришон
Сеҳрланган каби туради.
Қушлар учган уфққа ҳайрон
Боққан кўзлар ёшга тўлади,
Қиз сирини қиз сезар чуқур.
Гулшаннинг ҳам қайнар кўзлари,
Дилбар уни жимгина қучар...
«Қўй, айланай, соғ қайтар бари!»
Дер-ку, ўзин тиялмас шу он,
Қалбда ўтган йилги саратон:

Пешин. Иссиқ авжда. Дала жим —
Чимдим уйқу истайди инсон.
Шохдан шохга қўниб Дилбарим,
Ўрик қоқар, сочлар паришон.
Азим дарахт силкинган сари
Олтин мева тўкилар дув-дув...
Қиз елпинди. Сесканди тани.
Бу не товуш?—бошин бурдию
Йигитчани кўрди ёнида,
Жон қолмади гўё жонида.

Йигит — Ўрмон, қарчиғай сумбат,
Кучда, хулқда бўлимли, туйғун,
У табелчи, найчи, хушсуҳбат.
Ҳам ҳисобдон, ҳам элга ҳар кун
Чойхонада ўткир газетхон,
Пайти келса у шофер ҳатто,
Ҳам колхозда аълю таржимон,
Яхши мерган — урар бехато.
Чоллар аро боадаб ўғлон,
Ўспиринлар аро билимдон.
—«Бу нимаси. Бу қандай қилиқ?
Мен ўзимни ерга отаман!»
—«Ерда тутқич бермадинг, дўндиқ
Овчи каби қувдим изингдан!»
Қиз билагин ушлайди маҳкам,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чақнар кўзлар қора чўғсимон.
Ҳансирайди йигитча шу дам,
Ҳам ловуллар худди саратон.
Қиз ергамас, ўзини қизғин —
Қучоқ сари отмишди секин...

Кейин ўтди уятда ойлар,
Шарпасини кўрса, қочди қиз.
Лекин қалби нимадир пойлар,
Хаёллари тўзғин, тизгинсиз.
Қочадию қилар пушаймон,
Йўллардаги юзларча издан
Қидиради изин ҳар замон,
Рашк қилади уни ҳар қиздан.
Ниҳоят, шом юлдузи уни
Ўрмон сари имлар ҳар куни...

Бир кеч қайтар Дилбар хирмондан.
Уч кун гўё унга бир умр.
Қалби нотинч соғинч, ҳижрондан.
Қоронғида қидиргандек нур,
Ўз бахтини қидирар дарҳол.
Пахтада йўқ, идорада йўқ,
Келтирмайди товушин шамол.
Қишлоқ гўё бўм-бўш ва совуқ.
Дедиларки, кеча азамат
Жангга кетди, — қайтсин саломат!

Бошин букиб, секин юрди қиз,
Ҳуши учган, кўзларида дуд.
Қайга борар шомда у ёлғиз?
Совуқ титроқ мавжида вужуд
Дам нимадир секин пичирлар,
Дам лабини тишлайди қаттиқ.
Тентирар қиз, қалби шиғирлар,
Сўнг эс келар, сўнг йиғлар «пиқ-пиқ».
Уруш вақти. Оғир пайт. Чидам!
Ёлғиз унда эмас-ку бу ғам?
— «Кўз ёшидан тўйдим, ўртоқжон,
Яхши ният, яхши тилак қил.
Қатор орден тақиб, соғ-омон
Ҳам соғиниб тез қайтсин, дегил!»
Назми жиддий юпантиради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойжамолнинг юзи қийшаяр:
— «Ўлим берсин йиғига тангри...
Йиғламайман. Куяди жигар...
Озми? Кетди дадам, уч акам!»
Дер-ку бирдан ҳўнграр ўзи ҳам...

Бешовининг кўнгли ҳам синиқ,
Жим кулишди кўз ёш аралаш.
Ишлар беҳад, фақат вақтлар зиқ,
Қизиб кетди ариқ тозалаш.
Ўтган ёзнинг қора қуйқуми
Кўчган сайин сирли сополдай
Ялтирайди ариқлар туби,
Чақрим-чақрим, қизлар дам олмай
Қазидилар. Ҳа, ёз бўйи сув
Оқаверар шарқираб сулув.

## VI

Далаларни бир вақт шовқинга
Тўлдирган чўнг трактор ҳозир
Сийрак ишлар. Қўшни бўйинга
Олар ҳўкиз — қадимги ботир.
Бироқ, улар суст, қўтир, қари,
Ер суради қизлар: «ҳўк, жонвор!»
Ҳар урганда бир қадам нари.
Чора борми? Қистайди баҳор.
Трактор оз, от оз. Ер ҳайдов
Ҳар звено учун ҳам қистов!

Хум бошини қашир Болтака.
— «Олинг, қўшинг тўриқни ҳозир».
Қизлар ҳайрон. Бу не ҳангама!
Бирдан раис, семиз, кенг бағир
Ерларига, қояда турган
Бургут каби ташлайди назар.
Бир вақт бунда ҳайқираб юрган
Дов йигитлар хотирдан кечар...
«Колхоз оти, қўшинг тўриқни,
Элдан аввал экинг уруқни!»

Тўриқ пойга ёки улоқлар
Қаҳрамони эмас, йўрға у,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиройи ҳам юриши қадар,
Бўйда, турда нодир ва сулув.
Севар эди Болтака жондан,
Олисга ҳеч минмас эркани.
Донгдор мажлис, ёки зўр байрам
Бўлса минар зотли йўрғани.
Жангга кетгач бор машҳур отлар,
Йўрға яна бўлди муътабар...

Ана келар тўриқча донгдор,
Гўё тегмас ерга оёқлар,
Гўзал бошин силкар оҳангдор,
Духобадек сирти ярақлар.
Гулшан хурсанд, хавфсираб локин
Отни ҳайдар сочлари тўзиқ.
«Йиқиласан!» Маҳкам тут ёлин!»
Шериклари қичқирар бўғиқ.
Қўш олдида от кишнар жаранг,
Ачинишар, қизлар дили танг,

О, бу кунлар! Сўрди кўп тер, қон.
На одамда, на отда тиним!
Чол келару довдирар бир он:
— Манов менинг катта ўлчагим
Жимжилоқдай ботиб кетди-я,
«Бобо деҳқон» иши бўбди бу,
Роҳатини кўрарсиз, дея
Йўрғалайди даласига у:
Ахир чоллар звеноси ҳам
Ерни шундай ҳайдасин кўркам!

Тунлар ўтар ташвишда ёлғиз,
Далани кўк сатрлар каби
Туташ қоплар жўяклар текис.
Ҳар қарич ер — меҳнат гавҳари.
Звенолар бошларкан экиш,
Қизлар ери яшнайди кўм-кўк.
Кўзларида шодлик, руҳланиш,
Дала бўйлаб бошлашар кўрик.
«Турна қатор» унибди аҳил,
Қуёш эмар барглар соф, яшил...

Ором чоғлар етди бир нафас:
Азим сада яшил гумбази —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қушлар, еллар маскани гумбаз —
Остида жим ётишар. Назми
Ва Гулшаной ёзадилар хат.
Ўзгалари боқиб хаёлчан,
Кутишади қаламга навбат.
Сўзга чечан орада Гулшан.
Тили ҳисли, пишиқ ва ўткир.
Тўлқинланиб мана у ўқир:

«Юз центнер, деб бошладик кураш,
Дада, қиринг юз ёвни бу ёз!»
— «Аклинг мунча тиниқ-а, Гулшан!»
Жаранглайди бўса ва овоз.
Кейин ёзар четланиб Дилбар,
Ўқимайди — кўзлар тўла ёш.
Олтиной суст ёзар, шивиллар,
Қалам тишлаб, қотар гўё тош.
«Полвон» ёзар тез, йирик-йирик,
Сўзи қисқа, тўғри ва тирик.

Учар шу вақт олисга беш хат.
Ҳар бирининг ўз тақдири бор.
Эгалари қайда шу соат?
Балки бири лой ялаб, киндор,
Ўқ дўлида борар ҳужумга...
Бири белдан муз сувга ботиб,
Окопда дош берур ўлимга...
Разведкадан оч, ҳорғин қайтиб,
Землянкада бири зап ухлар,
Ташқарида «Катюша» увлар...

Бири қайси бир лазаретда,
Ё оёғи, ё қўли тўмтоқ.
Ё шаклсиз даҳшатли бет-ла
Ётар беҳуш алаҳлаб шу чоқ...
Балки бири ҳу аллақачон
Ер қўйнида, балки бемозор —
Парча-парча учган ҳар томон,
Дарё ютган ёки бўрон, қор!
Балки бари қурбон. Бу беш хат
Тарих сари қилур саёҳат?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизлар бундай ўйламас асло.
Гумонларнинг қора шарпасин
Даф этади умид доимо.
Ором. Баҳор ўпади майин
Қизлар сочин. Ўсма, ойина:
Вақт бормиди унга боққали?
«Қорайибман, озибман» дея
Бош тебратиб қарайди бари:
Юзларида қуёш, шамол, чанг
Кимёсидан энг табиий ранг...

— «Йўқ, қўймайман ўсма, дилим ғаш.
У қайтган кун қиламан пардоз!» —
Назми эгар бошини дардкаш,
Дилбар ҳайрон. Оқарар бир оз,
Сўнг ариқда қошин ювади:
— «Ёқтирмасди ўсмани Ўрмон...»
Ўсма суви — баҳор сурури.
Қизларни ғам чайқатган замон
Кела қолди Болтака ва чол:
—«Баракалла, баринг топ камол!»

Дўриллади раис дев қомат,
Зўр қўлларин белга тираган,
Ҳаяжонли юзи шу соат —
Қуёшдаги кенг сопол лаган...
— «Ўсма қўйинг, ўйнанг бемалол.
Ялла қилинг, бари ярашар,
Меҳнатингиз биламан, ҳалол!»
Раис завқ-ла пайкаллар ошар.
— «Кўз тегмасин, ҳосил мўл бўлур!»
Дер чол жиддий, мийиғда кулур.

Қизлар таклиф этишар кўмак
Бобойларнинг звеносига.
— «Ким ўзаркан, сабр этинг андак»!
Мағрур кекса унамас сира.
Хўрсинади Болтака шу дам:
— «Дастёри йўқ, касал ғирт ожиз
Оилалар бизда эмас кам...
Томорқасин ишлаб берсангиз!»
Қанотланар қизлар ва чаққон
Кўтаришар елкага кетмон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## VII

Мастон кампир, ҳасса илгида,
Ўн сўзидан дуо тўққизи.
Олди тўла етим набира.
— «Жон қизлар, — дер нурланиб юзи,
Ярмисига жўхори эксак!
Нўхот, лобия ўрни — манов ёқ;
Ораликка қовун, ҳандалак,
Девор бўйлаб беш-ўн туп қовоқ...»
Толмай кетмон уради беш қиз,
Кампир сўзи озаймас ҳаргиз.

— «Аскаргинам, Арслонтойгинам,
Тушимга ҳам кирди шу туни.
Етилибди, тўлибди бирам,
Авлиёлар қўлласин уни!
Қўлларида ҳар хил кўчат бор,
Қайга эксам, деб юрди узоқ...
Уйғондиму йиғладим зор-зор,
Оппоқ қизлар, чопинг чуқуррок!»
Тердан сочлар ва кўйлаклар ҳўл,
Бир зум қўймас кетмонни ҳеч қўл.

Ёрдам иши қизир кун сайин,
Ҳар қиз элга бўлғудек фидо,
Ўқир экан қишлоқ офарин,
Айнаб қолар тўсатдан ҳаво.
Изғир кўкда ваҳим булутлар.
Гарчи кўпдан кечган эса ҳам
«Аҳмон-даҳмон», ҳар нав «ҳут-ют»лар.
Ел қилиғи шумли ва мубҳам.
Қуёшда ҳам жунжийди инсон.
— Хатар!
—...Хатар!
Йўқ эди гумон.
Куз фаслида учгандек қушлар,
Севинч учар диллардан беиз.
Қизлар кайфсиз, ҳушсиз юришар
Кўкни босган офатдан ожиз...
Не бўлади қийратса бирдан,
Гулдан нозик пахталар ҳали!
Муз ютгандай ел эсар қирдан,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғамдан Гулшан гаранг сингари.
Юпатади уни «Полвон» қиз:
— «Бир тер тўкиб қайта экамиз!»

Кўр кампирда тугайди чидам,
Набираси келар етаклаб.
— «Туш кўргандим, — аскарчагинам
Хафа эди. Келдим эмаклаб...
(Ҳар сўзига туш муқаддима!)
Ҳа, шошган қиз эрга ялчимас,—
Элдан бурун экишлик нима?
Қиш қирмочи ҳали оз эмас.
Қиш чиллада ўрик гуллабди-ю,
Саратонда яхлабди сой-сув!»

Дедиларки, қилдик таваккал,
Агроном, хўп деди бош чайқаб.
— «А, ким дединг? Номи ҳам чигал...
Ҳа, биламан, китобга қараб
Деҳқончилик қиладиганлар.
Экиш-териш Одам Атодан
Мерос қолган энг азиз ҳунар.
Кенгаш лозим эди бободан!
Ҳа, бурундан чол ғўр, бемаъни.
Ёшлигида имларди мани!...»

Жаранг кулги ҳавони ёрар,
Қизлар кулар юмалагундай.
Кампир қарғаб, ҳасса кўтарар.
— «Бас-е!
Тавба!
Маслаҳат шундай:
Жойинг жаннат бўлгур қайнотам
Айтардики, изғирин агар
Тилсиз ёвдай босса илк кўклам,
Тутун тутат — ўтади хатар,
Қадим сўзи эмас беҳикмат,
Ўйлаб кўринг, ҳар дам ғанимат».

Тун. Жимжитлик, совуқ ва қора.
Итлар ҳуриб чарчаган каби...
Қизлар юрар жунжиб далада,
Қора гирдоб ютган далани...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиқила-қўпа кўр сингари чол,
Далда бериб, ғамгин айланар.
Гулшан боши узра қари тол,
Изғириндан инграр новдалар.
Мудроқ босар қизчани ҳар он,
Мук тушкудай ҳорғин, бедармон.

Кун бўйи у минут дам олмай
Ишлар, булут бўлсин деб тутун.
Буюк довон ошган бир отдай,
Муҳтож — жиндек роҳатга шу тун...
Баъзан дейди Ойжамол мудроқ:
—«Ёт, Гулпашим, пича мизғиб ол,
Унча куйма, иш бўлса чатоқ,
Мен бир ғайрат қилай, ҳайрон қол!»
Гулшан кесар:
— «Олайлик қанор,
Бир жойда нақ тоғ-тоғ хашак бор».

Дилбар, Назми, Олтиной сергак,
Танлар термометрдек сезгир.
Бир тўп юлдуз қатор дов терак
Учларида,— кўзлари пир-пир.
Қаердадир сув найи оқар —
Ҳижронларнинг ҳисларига жўр...
Мана кемтик ой аста қалқар,
Далада жим юзар хира тўр.
Шунда олис сирли шаклни
Кўриб қизлар тишлайди тилни.

«Омонлик бер юртга, худойим,
Даф айлагин «Гитгир балони!»
Мастон кампир ҳарсиллар босим,
Қўлтиғида етим посбони.
Ўтирди-ю уҳ тортди кампир.
— «Мижжа қоқмай, қиламан дуо.
Тонг отмайди — тугади сабр.
Эсим-ҳушим сизда доимо.
Кўзимда нур, белимда қувват
Бўлсайди-я, қилардим ғайрат!

— «Замон оғир, уйлар эркаксиз.
Арслонтойлар бўлсайди агар,
Ҳозир «пиш-пиш» ухлар эдингиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўйларингда айтардим лапар.
Мана чўлоқ қўнғиз сингари,
Мен судралиб келдим бемадор.
«Ҳайт-ҳайт! деган — элнинг гапи бор, —
Бўлар эмиш туяга мадор».
Тўнгмасин, деб ўраб ҳар ёндан,
Қизлар қувнаб қучишар жондан.

Авжи саҳар. Баногоҳ кимдир:
«Тутун! Тутун!» қичқирар ғамгин.
Дик турди-ю, уҳ тортди кампир,
Қизлар шошар, йиқилар. Шовқин!
Пуфлайдилар ўқчиб, йўталиб,
Ҳар ёқда ўт, бурқийди тутун.
Қора булут каби юксалиб,
Оқар тутун, тутун.
Аччиқ тун...
Тутун тундай. Бўғилур қизлар
Кўзларин чирт юмар юлдузлар.

Қайрағочлар олтинланаркан,
Айланади қизлар далани,
Қарар меҳр, ҳаяжон билан,
Ғўзалар соғ! Сакрашар бари.
Кўзлар бирдан чақчаяр ҳайрон.
Қўллар — кўмир, юзлар — ис, кир-чир,
Сочларида қалин кул, тўзон.
Кулишади. Хатар йўқ. Кўк, қир
Яшнар яна. Илиқ ел эсар.
Қуёш қандай кўркам юксалар!

## VIII

Кўм-кўк, гулдор кўйлакли сатанг —
Қуёш қизи ўтди сеп ёйиб,
Гилосларга лабдан бериб ранг,
Тут шиннисин наҳорда тотиб.
Кўк чой талаб ёз қизир ҳамон,
Ҳар кун ошар қуёш ғайрати.
Ўрик — олтин; олма бети — қон.
Чеҳраларда гулханнинг тафти.
Дарахт қўйни, жилдираган сув,
Ҳар жонлининг қидиргани бу!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ, қизлар салқин қидирмас.
Чопиқ пайти — ғанимат ҳар он.
(Ўзга юмуш яна кам эмас!)
Қўлларда зил, расмона кетмон.
Сочлар чамбар, енглар шимариқ.
Юзларида тинмас шўр булоқ.
Оёқларда эркакча чориқ —
Дам ўтмасдан лаблари қақроқ.
Яхна кўк чой!
Бормисан қумғон!
Ҳар қултуми жонга қўшар жон.

Сўлқиллайди қизлар даласи.
Гектарларни бир айланиб кўр,
Қандай кўркам кўк манзараси!
Ғўза гулда, бўй, шохлари зўр.
Асир этар ҳар кўзни бу ер.
Чопиқ қилган қўллар беназир,
Норғул йигит, ишда пишган эр
Ёқасини ушласа арзир...
Халқ бошига тушгач мусибат,
Қизлар бўлди шундай азамат.

Кезар райком секретари, боғ,
Илк кўсаклар санар ва мамнун,
Тушунтирар камтар «бешалоқ»
Нуқсонларни бўрттириб бутун.
Секретарь нақ оғадай ғамхўр.
Тинглар сокин,
Уйқуга кўпдан
Қониқмаган кўзларда ўй зўр.
— «Сингилларим, ишлабсиз обдан.
Механизм,
культивация —
Мўл ҳосил — бу,
унутманг сира!»
Оқшом, хира ойнадай ҳар ёқ.
Шамол елпар ер иситмасин,
Мусиқисин энди визилдоқ
Бошлаганди; битириб ишин
Гулшан ҳорғин жўнар уй сари,
Катта йўлга чиқиш биланоқ,
Аллакимдир, — район одами



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қоғоз берар. Қиз ранги оппоқ.
Югуради худди телбадай,
Ё алвасти тушда қувгандай...

Раис отди ўзин супадан:
— «Хўш, нима гап? — Яна не бало?»
Қиз кафтини очар дафъатан.
Раис титроқ қўл билан аста
Олиб қарар, уҳ чекар узун.
Таниш эди унга «қора хат»
(Яширганди кўпини бурун)
Нима десин? Борми насиҳат?
Жим силайди Гулшан бошини
Ва эркалаб артар ёшини.

«—Йиғлама, эл бошида бу ғам...
Дер-ку қалбга недир қадалар —
Ота — азиз; юрт-чи, ундан ҳам.
Шундай деган қадим боболар.
Балки қайтар даданг соғ, эсон,
Баъзан янглиш келар «қора хат»—
Дер Болтака майин, меҳрибон.
Эсин йиғиб, у айтар қат-қат:
—«Айтма чолга, онангга зинҳор!
Вақт малҳамдек дардга шифокор...»

Мана Гулшан уйда, тинкасиз.
(Яхшиямки, она ўроқда)
Чол супада букчаймиш ёлғиз.
Ой баргларда, сувда, товоқда.
Гулшан қўрқар — ҳар ҳаракати,
Ҳар бир сўзи фожи сирни фош
Қилур каби сунъий, ғалати.
Дарди ҳадсиз, фақат йўқ дарддош.
Қозон осар ғамдан ҳушсиз қиз —
Чол қолмасин иссиқ таомсиз...

Шўрва ичиб бобо яйради.
Мўйсафидлар қўлини мақтар:
— «Чопиқ нима? — Тош қайиради!»
Сўнг ҳар кунги сўзини айтар:
— «Хўп хушхабар берибди «карнай»
Бизникилар бир талай шаҳар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олишибди, ёв тумтарақай...
Иншоолло, жанг ҳам тез тугар,
Қириб келар эшикдан даданг,
Қўй сўямиз базму вадаванг!»

## IX

Ғижирлайди қўқон арава,
Совурилади аччиқ чанг қалин.
Отни силтар Ойжамол, «чу-ҳа!»
Чувиллайди қизлар дам сайин.
Йўллар ўнқир-чўнқир ва қинғир.
Пишқиради интилиб бўз от.
Аравакаш — қиздан ким ҳайиқир?
Шўх болалар осилар бот-бот.
Шундай, қирга йўлланур карвон.
Ғалабага гаровдир хирмон!

Икки ёқда дарахтлар тўлиқ,
Йўллар узра ям-яшил чодир.
Бутоқларда мевалар қуюқ,
Аравага дув сочиладир
Шафтоли, нок, олма-жоноқи;
Узилади қўл тегмасданоқ
Тоғолчанинг сариқ маржони...
Қўм-кўм, баланд саройдор ёнғоқ.
Жийдазорлар кумуш ёлқинда,
Ҳарён жонли, ранглар тўлқинда...

Рангу ҳидга бой ёз ҳавоси.
Ишкомларда қандай нашъадор
Тартараклар жомлар садоси:
Чуғурчуқлар тинчимас айёр!
Полизлардан анқир ҳандалак,
Жўхорилар силкийди соқол.
Елкан очар сонсиз капалак
Бедазорнинг мавжида хушҳол.
Ҳа, томларда оппоқ қорсимон.
Кўзни олар пилладан хирмон.

Ранглар мавжи, бу манзаралар,
Сўзананинг ҳошияси каби.
Пахтазорлар уфқдай сербар,



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Темирчи жўра» достонининг қоралама автографидан бир саҳифа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу — водийнинг гули, гўзали
Эмиб балқир қуёшнинг сутин.
Ғижирлайди арава — шалоқ,
Қишлоқ, қишлоқ. Колхоз. Сув. Тутун.
Кўз чарчайди — пахта ҳамма ёқ,
Қизлар унинг ҳосилин дидлар,
Бирин мақтар, бирин танқидлар.

Қуюлгандек дарёга ариқ
Йўл тандаси қуюлди қирга.
Кўзни олар қизғин узоқлик —
Тепаликлар, ўрлар сидирға.
Чўл қуёшдан гангараган, мудроқ,
Арава ҳам мунгли ғижирлар,
Қум ўт урар. Лаблари қақроқ —
Қизлар тандир каби қизирлар.
Кечга яқин ошилар довон,
Таниш манзил имлар меҳрибон.

Ўроқчилар кўтарар қий-чув,
Тўйда келин келган сингари.
Звеню ичар қумғон-қумғон сув,
Кейин тиллар сўзга киради.
Бунда уч-тўрт қартайиб қолган
Оталару беш-олти аёл,
Юзларига ола доғ солган
Қуёш ўти, саҳройи шамол.
Теваларнинг ўркачи каби
Тепаликда чодирчалари.

Гулшан ётар, йўллар заҳмати
Суякларин ҳали ҳам эзар.
Кўзларининг қора диққати
Тўқ бошоқлар устида кезар.
— «Нега мундай маъюссан, қизим?
Бетобмисан?» — Қайғурар она.
Қиз индамас, хўрсинади жим.
— «Хат-пат борми?» — сўрар у яна.
— Ойи, — дер қиз, — қилайлик сабр.
Ёзганини кўрсатар тақдир...

Она силар қизи бошини,
Тикилади нотинч, меҳрибон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулшан сўйлар звено ишини,
Она юзи нурланар бир он.
Чопиб келар Дилбар шу соат:
— «Юр, кўрамиз Анзират холам
Туғибди-ку. Қий-чув, зиёфат».
—«Булоқ қайда, бир оз ювинсам?»
— «Булоқ суви — симобнинг ўзи!»
Сувда қизлар ва шом юлдузи...

Чодирда тинч ётар Анзират.
Кулар ҳорғин, кўзлари порлоқ.
Чўмиларкан ингалар бақват
Бу — еттинчи ўғил — чақалоқ.
Жангда улкан ака-ю, дада.
Бахтли бўл, деб аёллар суяр.
— «Ҳай, сут пишир! Ҳай қил атала!»
Қизлар шошиб юмуш бажарар...
Эркаклар шод. Қозонда эт, мой.
От қўйишар дарров: Бошоқбой!

Ой нурида тинаркан саҳро,
Шаббодада уйқу ва ҳузур!
Лекин ўроқ чархлаб звено
Буғдойзорга йўлланар мағрур!
— «Ҳа, ғанимат осмон чароғи!» —
Кўтарилар бор ўроқчилар:
—«Тўқ аскарнинг ўткир яроғи!»—
Хирмончилар ишга чиқдилар.
Қизиб кетар хирмон ва ўрим,
Қўшиқ, кулги. Эснаш. Тун сўлим.

Жим мудрайди тепа ойдинда.
Ингалайди гоҳо чақалоқ.
Ухлайолмас она-кўксида
Кун ва тундек севинчу фироқ.
Аскар ўғил, аскар эр сари
Элтар уни гоҳо хаёллар.
Чала уйқу, ёнади тани.
Бир чоғ эслар: Қани аёллар?
Бошин узар ёстиқдан бирдан.
Қалавланиб чиқар чодирдан...

Айланади ҳўкизлар ҳорғин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтинланиб учади сомон.
Тўзонлар ҳам булутдек ёрқин.
Ялтирайди уюм-уюм дон.
Бирдан тўхтар — хирмон:
«Ҳов, бу не?!
Уйқусираб келдингми, гапир?»
«Бирпас ишлай!»
—«Эсинг борми-эй...»
Дугоналар ялинар, койир.
Қизиқчи чол дейди:
— «Кел, опой.
Сен ишла, мен болангни боқай!»
Ўроқчилар тинмайди бир зум.
Оқ яшиндай чақнар ўроқлар.
Буғдой ўсиқ, қалин, серунум —
Олтин денгиз елдан ўйноқлар.
Тун ярмида Дилбар йиқилди,
Сочларини ейиб ғарамга.
Оёқ учи қизлар йиғилди,
Тўн ёпишди — ётсин бир дам-а?
Чўчиб турар Дилбар шу замон:
—«Тонггача иш — шарт бузиш ёмон!»

Толлар бағри булоқ бошида
Ўроқчилар ухлар, елпинар.
Ер бозиллар ёз қуёшида
Бошоқлардан олов липиллар.
Аччиқ чойни қуйиб қумғондан
Ичиш, терлаш, елпиниш — роҳат!
Чоллар сокин, мағрур ва ўйчан.
Қизлараро имоли суҳбат.
Шунда чангдан чиқади карвон
Ҳамма турар юклагали дон...

## X

Даласида звено яна.
Ғўза бўйдор бақват мўл кўсак.
Сўзлашади: «Хўб сувсаган-да,
Вақти! Жилдир-жилдир суғорсак!»
Катталардай уфлаб Гулшан дер:
—«Бобом деди кўрган замоноқ
Унниқибди пахтанг, тез сув бер...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғон яна бузилган. Чатоқ!»
Чўққайишар қизлар майсада.
Ўйлайдилар — сув зўр дахмаза!

Жунжиб деди Олтиной рангсиз
(Қилган эди безгаги хуруш):
— «Ёрдам берсин раис, айтингиз,
Қўлимиздан келмас сув бўғиш».
Ўйчан, нохуш боқиб дер Назми:
— «Уятмасми? Ҳадеб Болтака!
Ўйлаб кўринг, юмуши озми?
Бўғмадикми биз бултур катта
Сирдарёни? Нима бўпти бу.
Шовқини зўр кичик бир сой-ку!»

Тонгда чиқар сувга звено.
Йўл бошлайди мўсафид саркор.
Сув ҳайқирар қутуруб, гўё
Тошларни ҳам ғажишга тайёр.
Ўз эркидан, кучидан маст у.
Вишиллайди булут кўпиги.
Гулларга мўл сочиб нур-инжу,
Шўхсой оқар —
Шўхликдир юки.
Турғун ота узоқ бош қашир.
Кейин бирдан енгин шимарар.

Ҳа-ҳу билан ушлаб бир-бирин,
Тош-шох босар қизлар тўғонга,
Чол ўргатар мироблик сирин:
— «Босинг маҳкам! Уринг бу ёнга!»
Шох-шабба, тош мавжларни кесар,
Сув ўкирар пишқириб киндор,
Қайноғида шохлар чирпирар,
Тошларни ҳам судрар ғазабкор.
Ўчакишар қизлар зиёда,
Сад чекмакка қайнар ирода.

Мана сувга тушар полвон қиз,
Тўлқинларни ҳеч писанд қилмай.
— «Ҳа, тош! Ҳа, шох! Бўш келманг ҳаргиз!»
Сочлар сувда қора илондай.
Сўнг, мавжларга тушар ўзгалар,
Ҳатто безгак, ношуд Олтиной.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир-бирига занжир тирмашар
Чалмоқ бўлса кинли тентак сой.
Чол қирғоқда, кўзлари бежо
Дам койийди, дам қилур дуо.
Кураш борар дадил ва қизғин.
Хавфсираш йўқ, бари ҳам шоввоз.
Сув қайнайди бемажол, секин,
Қизлар хурсанд, янграр шўх овоз,
Гўё яқин эди ғалаба.
Уст қатламни асов сой маккор
Бирдан йиқар сўнгги ҳамлада!
Даҳшатли гув-ваҳший, оқ ёлдор
Зўр тўлқинлар пастга отилар,
Гулшанни ҳам қамраб вағиллар...

Ҳамма тилсиз, жонлар ҳалқумда,
Сўнг даҳшатли фарёд янграйди,
Қани Гулшан? Ғойиб бир зумда!
Пастда оппоқ гирдоб қайнайди.
—«Ана сочи!» — қичқирар Дилбар.
«Полвон» ўзин гирдобга отди —
Оппоқ мавжлар қамраб кетдилар...
Бу — ўлимдан бадтар даҳшатли.
Шунда баланд қирғоқдан отлиқ
Бир қамчи-ла сакрайди қиттиқ.

Олов қумда ётар икки қиз,
Лаблари кўк, кўзлари юмуқ.
От пишқирар, Болтака эссиз.
Чол мук тушиб йиғлайди бўғиқ.
Ҳушга келар қизлар оҳиста,
(Бу офатнинг чораси аён)
Кўз очару Ойжамол аста
Сўрар: «Гулшан қаерда?» — «Омон!»
Гулшаннинг илк сўзи эди бу:
— «Тўғон қалай? Бўғилдими сув?»
Бош бермади тентак сой осон.
Гувиллади, тошди, ўпирди.
Бироқ қизлар бўш келмай ҳамон,
Сувга темир панжасин урди.
Учинчи кун сув бўлар таслим,
Тўғон кесар тўлғонишларин!
Ариқни сув тўлдириб лим-лим



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқар майин куй билан секин.
Сув бўйлаб мард қизлар қайтар шод.
Олқишласа ярашар Фарҳод!

## XI

О, қандай соз ёзги кечалар!
Қайрағочлар баланд аркида
Лўппи-лўппи юлдузлар ёнар.
Кўз қамашар юлдуз сайрида...
Ёз тунлари Ўзбекистонда
Ҳаво хуштам асл май каби.
Ҳовуз бўйи, супа, шийпонда
Гул анқитган шамол эсади.
Ишкомга кир, бир минут ястан,
Томирларда кайф қилгуси қон.

Шундай тунда бизнинг «бешалоқ»
Ширинаки ўйнар чайлада.
Сув уқаси ойдинда порлоқ,
Жилдирайди жимжит далада.
Беш қовунни қизлар бир-кетин
Ерга уриб тарс-тарс ёрдилар.
Бир тилик е, кимники ширин?
Тамшаб-тамшаб, жиддий тоттилар
Ҳар бири ҳам олтинга арзир,
Ҳар бирида ўзга ширин сир...
Талашдилар:
—«Ма, ма! Тотиб кўр».
—«Меники бол!»
—«Меники гулқанд!»
—«Тил ёради!»
«Сеники сал ғўр!»
—«Дидинг борми?—
Бу шакарпайванд!»
Охир бари қилишар иқрор:
Олтинойнинг қовуни ўткир...
Сувдан хабар олгали такрор
Кетмон тутиб, енгил ва мағрур
«Қулоғи»га йўлланар ҳар ким.
Визилдоқлар куйлар. Ойдин. Жим.
Дилбар танҳо ёруғ далада.
Учқунланган қора соч чамбар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қистирилган этак липпада.
Елкасида кетмон зил-замбар.
Енг шимариқ, билаклар гўё
Тирсиллайди — ёш куч яшнайди.
Лабларида жимгина наво —
Ўрмонжонни жондан қўмсайди.
Ойга қараб ўйлар гоҳ ҳайрон:
Қўрармикан ҳозир Ўрмонжон?

Шалоп-шалоп сув кечар Дилбар,
Оёқларни ютар лой елим.
Жўякларда сувлар жилдирар,
Тошар, қайнар, бузар бетиним.
Суғорарди эркаклар бурун,
Энди улар ўт бўронида!
Қиз қалбини ўрайди тутун,
Сув шоширар — зот йўқ ёнида.
Тани ёнар,—
Терми, нима бу!
Ҳалқум қақрар, ҳўплар лойқа сув.
Ўтиради Дилбар бедармон,
Сув жилдирар оёқларидан.
Ёнида лой босган зил кетмон.
Қуй жим учар дудоқларидан.
Тоғ нафасин елпийди шамол,
Қизни уйқу аста аллалар,
Боши тизга тушганда дарҳол —
Сесканару орқага қарар.
—«Дилбархонми? Уйга кет, дам ол!»
Дер Болтака, сув кечар дарҳол...

Ойда болқир кенг шафтолизор.
Қўлкаларнинг ерда ўйини,
Бир томонда серсоқол, бўйдор
Маккаларнинг сариқ тўлқини.
Қизлар қайтар ҳорғин ва ўйчан.
—«Борамону, қиламан хамир»—
Дер Олтиной.— «Ухлаб пича ман
Кир юваман!» дер Назми оғир.
«Полвон» тонгда ғишт қуяр эмиш.
Ҳар бирида ўзга бир ташвиш.

Бобосининг чайласи томон



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайрилади Гулшан, хайр, деб.
Дардлашарди чол, кампир Мастон
Ҳар тунгидай бунда тарвуз еб.
Гулшан ётди. Нурли шаббода,
Чайла гўё сузади секин.
Кампир ғами жўшар тобора:
—«Атрофда йўқ ростгўй бир фолбин...
Нима қилсам? Бибисешанби —
Онамни мен бир йўқласамми?»

«Қўй барини, худога топшир,
Унга сиғин. Элга бахт тила!»
Сўнг сўзлар чол қизга бирма-бир,
Юзин силаб шира қўл билан:
— «Қизим, эрта ёз дадангга хат.
Ишингни қил батафсил баён.
Пахтада де бобом бақувват,
Сурати де газетда эълон.
Ўқиб берсин командирга ҳам...»
Қизча тинглар мудроқ, кўзи нам.

## XII

Пешин чоғи чайлада қизлар
Йиғилишар қайноқ қумғонга.
Қўркам, рангдор дала, полизлар.
Не манзара! Қара тўрт ёнга.
Дастурхонда узум, зоғора.
Ўртоқлар шод, дилкаш ичар чой.
Дилбар келар, қўли орқада
Тўхтар, кулар...
— «Қўрқма, Олтиной!»
—«Кирпитикан!»
«Қозонингга ур!»
Қўлин Дилбар кўтарар мағрур.
Дув туришар ҳаяжон била,
Нашъа ўти кўзларда чақин,
Чўзилади қўллар севги-ла,
Дилбар хандон: «Чўз кўрманасин!»
Қўлида илк очилган кўсак,
Қуёшда соф ёнар қор каби.
Йўқ, булутдай нафис, оқ чечак,
Умрида илк кўрган сингари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизлар бир-бир қилар томоша.
Шодликдан маст барчаси гўё.

—«Очилмаган ҳеч ерда ҳали,
Биз олдинда! — дер Гулшан қувноқ, —
Юборамиз райкомга?» — «Майли!»
—«Кечга мажлис. Келар ўзиёқ».
—«Саккиз грамм! — Ойжамол, қара,
Нақ юзингдай лўппи!» — дер Дилбар.
— «Кўз оқингдай... Нақ бир сават-а!»
Дейди «Полвон» — кулги жаранглар.
Ўтиришар. Хуш кечар ҳар он,
Бўшалади хум қорин қумғон.

—«Пича вақт бор, ўқисак мумкин!»
— «Ҳа албатта, «Капитан қизи!»
Бу қиссадан Олтиной мамнун.
Дала чангин китобдан Назми
Пуфлайди-да, оҳангдор ўқир.
— «Дона-дона ўқи!» — дер «Полвон»
Хаёл босар кўзларни чуқур.
Тинглайдилар, сезилмас замон.
Юракларда соф ҳислар гирдоб.
Хўрсиниш-ла бошланар ҳар боб.

Оқшом. Гулшан қайтар қувониб.
Беш тахтача берар бобоси.
— «Ҳа, ёзибсан, пишиқ сўз топиб».
Ўқишдилар: «Зафар пахтаси!»
Ёз бизга ҳам, пахтамиз арзир.
— «Хўп, ёзаман, сўз айтинг»
—«Ҳа, ёз:
Ҳосилимиз — ёшга бир центнер!
Ўқлоғидай ёз йирик ва соз.
Қадаб қўяй байроқдай баланд!»
Гулшан ёзар. Чол боқар хурсанд.

## XIII

Қувончли кун, илк терим куни,
«Табаррук қўл» — бошлаб терди чол,
Ажинларда юрак тўлқини,
Учқунланар завқидан соқол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тушар қизлар чака-чакадан.
Юзларида баланд руҳ ёрқин.
Кўзлар ўйнар — ғуж-ғуж оқ чаман.
Туплар новча, чатишган, қалин.
Нақ «сопалак» ўйнаган каби,
Ажиб эди қўллар суръати.

Терим завқи ошади ҳамон,
Қўллар ишлар тез — мўъжизакор,
Қоплар тўлар, ҳадемай хирмон
Қор тепадай; чақнар беғубор.
Юртда донгдор теримчи бутун
Қиз-жувонлар билан бу қизлар
Хаёлларда ўзишар бугун.
Оғриқ сезмас беллар ва тизлар,
Хўрак вақти, ўйламас бири.
Кун, сояга тушмас кўз қири.
«Ҳорманг, элат!»
Назми қайрилар,
Йўлда у ким? Титрар. Қотар жим.
У ҳам гўё ҳушдан айрилар,
Отиб юкин, ташлар тез одим.
Ишққа чанқоқ аскарнинг лаби
Чўғдек тегар шўр юзга бир он.
Бирдан қий-чув, қизлар галаси
Қуршаб олар; шодлик, ҳаяжон
Барин қучар. Гап-сўзлар узуқ.
О, улардан тўқисанг қўшиқ!
Мадёр фақат кулар, аланглар,
(Бу минутлар унга туш каби)
Пилоткаси янги-ку, чанглар
Қоплабди сал. Гимнастёркаси
Айнагану тоза. Сийнада
Қўш «юлдуз»нинг қони.
Соз мийиқ.
Пўлатдай у, озган эса-да.
Ғўза баргин юлди: «соғиндиқ»—
Деп ўпгудай хўрсинди, боқди.
Кейин чолга очар қучоқни.
Ола-була, суронли карвон
Кўтаради йўллар тўзонин.
Хуш келибсан, элат, қаҳрамон! —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сочиқ сочар жийдалар қалин.
Бир оз четдан, уялинқираб
Борар Назми. У кўрар бирдан:
Мадёр — оқсоқ! Юрак зирқираб
Оғрир бир зум. Ўйлар: тақдирдан
Нолиш қалай? Яна кўз ташлар,
Оқсаниш ҳам гўё ярашар...

Қўркам кеча ғуж-ғуж юлдуз-ла
Ёнғоқларнинг тожин қучоқлар.
Осма чироқ кенг супа узра
Шувлаб ёнар ва ҳамқишлоқлар
Тинглашади Мадёрни гўё
Эртак севар болалар каби.
—«Ўҳу!»
—«Бай, бай!»
— «Тўпмас, аждаҳо!»
Дерлар баъзан, ушлаб ёқани.
Дўстлар билан Назми хизматда,
Гоҳ олисдан кўз ташлар аста.
Куёвлардек ясанган Мадёр,
Беқасам тўн, қўш шойи қийиқ.
Чордонаси ҳам чапанивор,
Тус дўпписи манглайда босиқ.
«Днепр»да ҳўплар хушбуй чой.
Саволлар кўп, пойма-пой, хил-хил
— «Азим дарё!»
—«Қалай Собирбой»[1]
Ўз жанг йўлин варақлар енгил,
Ўз тўпини мақтар айниқса.
Ҳар эпизод — оташин қисса...

Қари толда чирқиллар чумчуқ.
Бузоқ мағрар, йўлда ғижирлар
Илк арава чанг сочиб қуюқ.
Шийпонидан Мадёр ғизиллар —
Пастга илдам, нетсин уйқуни?
Соғинган-да қишлоғин қаттиқ.
Ёлғиз ётди яна. Мазмуни.

---

[1] Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиз уялмиш, онаси қийиқ,
Тўй қиламиз дебди қайтадан.
Тўй бўлса — тўй! Аскар берар тан

Эгнида кенг, қордай оқ кўйлак,
Беқасам тўн танда, салқин ел
Ғувиллайди. Қўмсайди юрак,
О, ўт, сувда иш берган шинель!
Одим ташлар «биқ-биқ» тупроқда,
Шудринг ювган ўтда сирпанар.
Жонланади яқин-узоқда
Тушдай ўчган кўп хотиралар.
Ҳар дарахтни қучиб ўпса-ю,
Ҳар ариқдан ичса ҳовуч сув!

Данғиллама колхоз клуби,
Чим уқали каттакон гулзор.
Боғ. Дарахтлар. Имлар ҳар тупи.
Супалари сўлим, ҳаводор.
Ғивирларди бунда ҳамиша.
Гул суғорар, ҳовли супурар,
Палов ясар, ариқда шиша.
Аскиябоз-кулар, кулдирар.
Гулзорини ўтлар ўрабди,
Супаларнинг чети нурабди.

Ачинди у, келар, деди, гал.
Кетди ўйчан, бедапояда
Тўхтар бирпас. Қўм-кўк мавж гўзал,
Бунда тутар эди бедана.
Сув шилдирар зовурга, йўлга.
Бу қандай гап — боқар ҳар томон,
Эски банги Марайим қўлга
Бош қўйибди — хуррак беомон!
Тўнни отар дарахтга илдам,
Кетмон олиб, салмоқлар хуррам.
—«Беда текис сув ичмабди-да!»

Юрар шошқин марзалар аро.
Лой — тизгача, лойқа — бетида,
Меҳнат завқин илк тотар гўё.
Мингач гумбаз бошига қуёш,
Зўрлаб олар кетмонини чол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайга борсин?—
Мадёр қашир бош.
Назми сари чопсинми дарҳол?
Айниди у, — ўзга юмуш бор;
Чоллар кўнглин юпатмоқ даркор.

## XIII.

Куз нафаси кундан-кун ўткир.
Ўсимликнинг ўчар кўк қони.
Қуёш шундай ёқимтой, ғамхўр...
Тонгда чоллар, болалар жони.
Боғчаларнинг сариқ ва қизғиш
Тиллалари ёнади майин.
*Чарчатгандек ёзги сурон иш*
*Сув жимирлаб оқади секин.*
Осмон ҳали денгиздай зангор,
Гоҳ булутлар кўпикдай сузар.

Ток барглари қуёш нуридан
Тўқилгандек, энг сўнгги узум
Товланади ёқути билан.
Қайнар Хайём[1] шеъри билан хум!
Томлар туташ жийда гилами.
Магизлардан ранго-ранг палос,
Сабзавотнинг бунда кўрками —
Сўфиларнинг салласи — пиёз.
Полизларда мўлдир чўнг тарвуз,
Фаровон куз, ширин ва бой куз.

Баланд, оппоқ, тепалар ортган
Аравалар гумбурлар ҳар ён.
Бўйнин чўзиб, тирмаша тортган
Отларни ёш болалар чаққон
Ҳайдайдилар — митти полвонлар.
Чаккаларда пахта — кумуш гул.
Бор йўллар банд — катта карвонлар
Оқ булутдай сузади буткул.
Қор ёққандай хирмонлар оппоқ,
Пахта куйи кўкда ҳам янгроқ.

---

[1] Умар Хайём — машҳур Эрон шоири (XI аср). Унинг рубоийларида май кўп куйланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Терим қизғин. Бутун бир водий —
Ҳов кўкимтир тоғларга қадар —
Терим тўйи, бахтнинг ижоди,
Звенолар ўзишар қайсар,
Институт келмиш ёрдамга —
Турли тиллар, кулгилар, куйлар.
Ёш олим-да, Ойша холам-да
Бир хаёлу — орзуни ўйлар,
Колхозчи чол, олтин сочли қиз
Ҳазиллашиб терар тинимсиз.

Бизнинг қизлар ўз даласида
Қаршилайди ҳар тонг қуёшни,
Йўл ўчаркан тун қорасида,
Жўнашади тик тутиб бошни.
Олтиной шод, кулиб муттасил,
Фронтовик студентга у
Ўргатади илдам ва енгил
Териш йўлин.
                    Тез, тоза, сулув
Терар Гулшан, куйлар русча шан,
Ўрганмишди куйни Верадан.
Яшнаб келар раис — Болтака,
Ҳилпиратиб йўрғанинг ёлин.
Қуршар уни қизлар бир гала.
— «Тахт бажардик пахта планин!»
Кенг кўкракка сиғмас ҳаяжон.
— «Бўшаштирманг теримни ҳаргиз,
Куз — айнама; серқилиқ осмон».
Йиғлагудай шодмон барча қиз.
Гулшан бирдан дейди гумонда:
—«Биз ётибмиз ҳали тўқсонда!»

—«Қўрқма, қизим, даланг бой, қара»,
Дейди раис, Назмига кейин
Кўзин қисар — сир бор қанақа?
— «Пахта тўйи эрта ё индин.
Қулоғингдан чўзиб Мадёрга
Қўшоқ қилсам?
                    А, не дейсизлар?»
Звено шод хайрли корга.
— «Палов!» — дейди студент қизлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юзин бурар Назми, дер секин:
— «Юз центнердан берайлик... кейин».

## XIV

Қиш кечаси, ғувиллар шамол.
Далада қор, қуш инида қор.
Инграр оғриқ каби қари тол,
Ойналарни безар қиш-гулкор,
Кенг, чор хари уйда беш ўртоқ
Пахта чувир. Беш бармоқ каби
Ҳамиша бир, ҳамиша иноқ.
Ўртада зўр лампа, бешови
Пахта чувир, «юз»га бор андак.
Қанор-қанор шипгача кўсак.

Бу кўсаклар ёмғир, қорда чин
Азоб билан йиғилган бари.
Юзларини тилган изғирин,
Музлар кечиб қотган тизлари.
Чувийдилар эрта-кеч мудом.
Уюм-уюм пахта. Бармоқлар
Кучи билан ситилган тамом,
Олмасданми, дейман, тирноқлар!
Қизлар букун тўқсон тўққизда,
Ҳар бири дер: «Юз дедик — юз-да!»

Сиртда шамол тинмай увларди,
Гоҳ туйнукдан сакрар чироққа.
Чувир қизлар. Эгилиб қадди,
Баъзан кетар бири мудроққа.
—«Етмай қолса», — хавсираб назар
Солар Дилбар қанорлар сари.
Гулшан қўрқмас: «Етмаса агар,
Музлар, қорлар орасидаги
Тошдай қотган ҳар кўсакниям
Йиғамиз-да чувиймиз кам-кам».

«Ёнғоқ қилиб чақамиз барин!»
Дер Олтиной — кўзлари қисиқ...
— «Баслашаман, бир ўзим тағин
Бир уй кўсак тераман. Аниқ!»
Дилбар «Полвон» елкасин қоқар:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— «Тахта ғўза-туя ҳазили!»
Кулишади. Тинмас бармоқлар.
Кирар Мадёр. Янги қор иси.
— «Басе! — деди, — қоқ ярим кеча,
Ухлаб олинг сиз пича-пича!»
Кўз сузади Назми — хотини:
— «Чувинг, партком бу киши яна!»
Мадёр қовун сўйиб, тотини
Мақтар силкиб бошини аста.
Ҳар тилими ой ўроғидай,
Томчилайди лаблардан шарбат.
Уй тўла ҳид — полиз ҳидидай,
Эслайдилар ёзни бир муддат.
Уйқу қочар, бир оз жунжишар,
Толмас қўллар ўз ишин бошлар.

Кенг чордана қуриб Мадёр ҳам
Тинмай чувир. Кўзлари фақат
Сайр этади қизларни ҳар дам:
Ҳаммасида эски, бақувват
Қисқа гуппи, юзлар чиниққан;
Чайир қўллар елдан, ишдан кир.
Қошларини жиддий ўй сиққан,
Бу — ирода, чидам ва сабр,
Мадёр ҳайрон. Ўйлар, таққослар:
— «Булар аскар. Ўт ичган аскар!»

Қизлар чувир. Гувиллайди ел,
Туйнукчадан сепар оқ юлдуз.
Қизлар донгдор. Ҳам фронт, ҳам эл
Олқишлаган уларни шу куз.
Мухбирларга дерлар ҳар дафъа
Қизаришиб: «Нима қилибмиз!»
Мадёр ўйлар: «Агар ўн марта
Уруш оғир бўлганда ҳам биз
Енгарканмиз — не қизлар, бир боқ!»
Звено чувир. Тонг отар оппоқ...

## XV

Кунлар ўтди колхозда ҳамон
Бир-биридан суронли, серюк.
Яна қуёш — у «бобо деҳқон»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ерни безар тўн бериб кўм-кўк.
Лекин она бўлди бу баҳор
Ўлмас кунга. Тўққизинчи май!
Улуғ зафар. Ҳақ иш барқарор.
Юрт қалбида нашъа океандай
Жўшар экан, қишлоқда шу кун
Бир томчиси қилди не тўлқин!

Олам янги, яшарган каби
Шу муқаддас кун соясида,
Айрилиқлар, қурбонлар дарди
Сўнар бир зум қалб зиёсида.
Хаёлларга, умид-орзуга,
Қалб зарбига ёр бўлган зафар
Мана келди! Дил така-пука!
Ёшу қари гўё қидирар,
Бир-биридан кўргандек уни,
Қучоқлашар, кўзда ёш дури.

Ҳар қаерда, бахмал майсада
Бошланади вадаванг сурон,
Чирмандалар зўр жазавада,
Гумбурлайди гўёки осмон.
Қарсак. Қафтлар ўт. Қийғос садо,
Атласларнинг ранг-ранг гирдоби —
Қизлар ўйнар. Алламабало!
Шодлик дарё — йўқдир мироби!
Чол Турғунбой ва Мастон кампир
Чапан рақсга тушгундай ҳозир!

Гулшан куйда, ўйинда бутун...
Қошларининг учиши каби,
Дилбар рақсда енгил, шўх бугун.
Дуторини сайратар Назми.
Олтиной-ла «Полвон» супада
Ҳу-ҳу билан тузар зиёфат:
Гоҳ отда, гоҳ базмда Болта,
Оқсоқ Мадёр — лочин, тез суръат
Чувиллайди бир қишлоқ бола,
Байроқчалар қўлларда — лола.

Юлдузларнинг олтин чамани,
Пахмоқ ёлқин машъаллар билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хаёл рангли — кеча байрами,
Гулзор, майдон, супа гурлаган.
Дарахтларда қушлар патирлар.
Нурга тўла ҳовуз косаси.
Қуйларда қалб ташиган сирлар,
Туйғуларнинг асл-тозаси.
Чирмандалар бир ёқда гижбанг,
Хонатласлар ёнар ранго-ранг...

Тонгда колхоз араваларга
Минар шошқин. Ҳайда чўл сари!
Яшил водий, қаричи зарга
Тенг диёрда хунук доғ каби
Ётган қумлик — тақир янтоқзор
Сувга қониб кийсин кўк бахмал,
Боғлари-ла бахтга бўлсин ёр!
Сурон. Колхоз жўнайди жадал.
От ўйнатиб Мадёр, Болтака
Борар чангда икки чеккада.

Дўст «бешалоқ» ҳаммадан олдин,
Жомакорлар пухта, муносиб,
Бошлари тик, қарашлар — лочин,
Бўлмадилар не ишда ғолиб!
Гулшан борар — қуёшда қўллар —
Сўзанада доҳий жонажон,
Элни ягни зафарга йўллар,
Байроқ элтар Ойжамол полвон.
Халқ-ла бирга, янги шон сари
Борар қизлар — юрт саралари....

*1947.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАМЗА

Фарғона. Олтин селдай тошаётир ёз.
Дарахтлар кўк булути йўлларга сиғмас.
«Виллис» шўнғир қўнғиздай кўм-кўк мавжаро,
Ёз тўйини бошлаган қуёш серзавқ маст.
Дала шабадасига югурар йўллар,
Ер кўм-кўк, шод —
Меҳнатнинг кўрки билан бой;
Пахтакор меҳри яшнар ҳар қаричида.
Ариқ-ариқ сув.
Пахта,
пахта ҳамма жой.
Бу водийда йигитлар, бобойлар, қизлар
Қиш ва ёз яратади колхоз шонини.
Жийдазорлар ёлқини, сўриларaро,
Қора кўз болаларнинг шўхлик шовқини...

Қизғин «виллис» ҳансираб кирар Водилга.
Муаззам тераклардан қуйилар салқин.
Чойхоналар, супалар ҳаводор, сўлим.
Йўллар тошлик,
Тоғларнинг нафаси яқин.
Адирлар орқасида оппоқ чўққилар.
Йўллар қинғир, буралма,
пружина каби,
Кириб борар тоғликлар қалбига чуқур.
Ҳар бурилишда янги бир манзараки,
Кўзларнинг соққалари айланиб кетар...
Хазинасин ёйибди бунда табиат.
Ранглар, шакллар чексиз, паст-баланд чексиз.
Ҳар манзарада жонли оҳанг ва қудрат.
Тош ва сув,
Гул ва кўкат...
Бужур ва дағал



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қоялар кал бошларин тираб осмонга,
Майса гиламга қурмиш чордона, девдай,
Сел излари юксакдан жарларга шўнғир,
Ўпқинлар сукути чанг солғудек жонга...
Шамоллар гувиллайди пастдан, баланддан,
Юзларга қор ҳиди-ю, сув чангин урар,
Ёғочзорлардан ясар кўм-кўк бир гирдоб,
Қизғолдоқлар чўғини ҳарён учирар...
Кўпик пахтасин саваб тошлиқда «оқ сув»
Югуради, қўшиғи келар ҳар ёқдан.
«Кўксув»нинг тўлқинлари ёзги осмондай,
Чақнар ўнгдан ва сўлдан,
яқин, узоқдан...
Ваҳим тош қирраларда шўх раққосадай,
Ўйнар, сакрар эчкилар,
Кичкина чўпон
Ғивиллар юксакларда, бирпасдан кейин
Ёнингда кулади у — эчкидай чаққон.
Йўллар бурмаси битар, сув шовқини ҳам,
Қат-қат мингашган тоғлар қуймаси даҳшат!
Азим тош уюмлари, дев бўй қоялар —
Тош бойлигин ағдармиш бунда табиат!
Жимжитлик чуқур,
бу ер жимжитлик таги.
Гоҳ метин қасирғадан боқар наъматак.
Бармоқдай қушча ёлғиз, чийиллар гоҳ-гоҳ.
Кўл сари юксаламиз гўёки эртак...
«Кўли Куббон»! — бир парча тиниқ кўк гўё
Узилиб тушибди — о!
Майин, фусункор
Жимирлар у. Эртакда парилар кўли —
Сингари гўзал, тоза ва муъжизадор...
Оқарган бошларини кўрмоқ учунми,
Бир-бирининг кифтидан мўралайди жим
Кўл-ойнасига тоғлар,
Тоғлар қари, чўнг.
Ҳар ёқни оғир сукут тўлдирган лим-лим...
Кўзлар узилмас кўлнинг кўк лаганидан.
Ваҳимали гумбурлар акси садолар,—
«Олой»нинг тош юраги жонланар бир зум,
Ҳазилдек ҳар сўзингни юзингга солар.
Бир қултум сув ичаман, ўйларим оғир,
Ичимда тўлқинланар алам ва фироқ:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ерларда кезганди бир шоир оғам.
Қани излари! Ўпсам!—
Сўйла,
ел,
кўл,
тоғ!
Шоҳимардон! О, тоғлар қўйнида пинҳон,
Гўзал диёр, кўксингда даҳшатли аччиқ,
Қандай қонли сирлар бор? —
Юрак зирқирар,
Босади хотиралар — қора босириқ...
Бу ерларга келган у — халқ ўғли, шоир,
Ватан тоғлари сари очиб қучоғин.
Илҳомлари нурланган, хаёли баланд,
Ўйлари ва ҳислари тоза ва ёрқин...
Гоҳ қўлида китоблар, гоҳ қўлида соз,
Бу ерларда у куйчи хаёлчан юрди,
(Болаликдан чанқоқди билимга, куйга!)
Фикрида не-не гўзал режалар қурди.
Эгнида шўх беқасам фарғонача тўн,
Яп-янги чуст дўпписи бошда яшнайди.
Йирик, катта кўзлари ўткир ва ўйчан,
Юзи рангпар, тим қора мўйлаб чақнайди...
Шоирнинг умидлари ёрқин ва гўзал —
Бу диёрнинг гулшан ранг тонглари каби.
Қўшиқлар тўқийди у чашма бошида,
Чалғусида куйлайди чўпон юраги...
Нақадар ажиб диёр? — суқланар шоир...
Ҳаяжонсиз боқолмас атрофга бир зум.
Бир тепа хунук, чиркин! —
Унга боқаркан
Кўзларида қайнарди ғазаб ва зуғум.
Шоҳимардон! —
«Авлиё» қабри тепада,
Келин тобути каби ҳашами совуқ.
Одамнусха чаёнлар бунда қурмиш ин.
Асрлар оғуланар узоқ ва ёвуқ!
Алининг қабри эмиш! — Араб чўлида
Бир парча жой тополмай, унинг жасади
Оқ тевада чайқалиб қилганмиш сафар.
Мозори ҳам саёқдир ўлиги каби...
Қаерда мурдор шайху, риёкор эшон,
Унда пайдо отининг туёғи изи,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаром қўллар ясайди Алига мозор.
Бу ер бўлади талов, хурофот ини...
Зиёратчилар ўпар, суртар кўзларга
Шайхларнинг ўғри қўлин; сўрашар дуо.
Алдоқчи қабр тошин қучиб, ғумроҳлар
Бахт тилар, фарзанд тилар, дардига шифо...
Очкўздир шайхлар каби истар пул ва қон.
Бу ернинг ҳар бир толи, ҳар бир чинори.
Бу ердаги қушларнинг тезагини ҳам
Пуллашга тайёр мўлтон ҳар мутавалли.
Ҳар ёқдан қўшоқ-қўшоқ қўй, эчкиларнинг
Йиғлоқи маърашлари — бўғизда пичоқ....
Мана чўл кемалари чўкар бақириб,
Кўзларининг ғазаби ёлқинли янтоқ.

Шоир юрар, бошини ўйлар эговлар.
Ҳар муюшда кўрар у хўжа ва эшон:
Зўр салла, сари мой юз, алдоқ кўз бари.
Ҳаёт уларга ёлғиз текин дастурхон.
Муштумзўрлар лапанглар — муғомбир, писмиқ
Ер-сув хатарда каби жонлари қақшар.
Ҳа, ана сельсоветнинг деразасидан
Эски амалдор юзи бир дам қийшаяр...
Кечаги босмачилар изғир ҳар ёнда,
Қайбир бўрида тасбеҳ, салла-тақводор!
Тунларда шайхнинг, бойнинг уйида меҳмон.
Қайбири бирон ишга бўлмоқчи саркор...
— «Мозор қора кучларга бўлибди қалъа!»
Ўйлар шоир, ичида бурқийди нафрат.
Олтин ҳаво, тоғ ели, куйчан сув, чаман —
Таърифи йўқ гўзаллик!
                                        Мислсиз вахшат!
Ўн бир ёшга кирибди қуёш — Октябрь.
Саводсиз юрт очибди дорилфунунлар,
Курашмоқда Шарқ учун бўлмоққа машъал.
Бу ерда-чи, қағиллар мурдор қузғунлар!
Мана чиқиб келмоқда Бошоқбой жардан,
Қуш қидирган овчидек жим ва ҳушёр.
Ҳамзанинг туйғулари ёришди тонгдай,
Уни кўрмаса бир кун қиларди хумор.
Бошоқбой қарчиғай кўз, бўйдор, дўнг кўкрак,
Мардона қош устида ўқ изи ҳусн,
(Босмачиларга қарши жангидан дарак!)
Қўшчилар бошлиғи у, тоғ боласи, чин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтирдилар майсага яйраб ёзчаси.
Тераклар қучоғидан кетмайди шамол.
Шоирни тинглар қотиб шунда Бошоқбой —
Меҳнатда, жангда пишган бир вақтки қарол.
«О, бу ерда табиат қандай кўркам, бой!
Ҳавосида эсади ҳаёт жавҳари.
Меҳнаткаш халққа бўлсин бу ер оромгоҳ.
Қузғунларни қувлайлик қолмасин гарди »
— Ота[1] ҳам келганида деганди шундай,
Сўзлари ёдимдадир, жуда серҳикмат... —
Дер Бошоқбой — бироқ бу «азиз» қузғунлар
Бир кишт билан қувилмас —
Қора фалокат
Тошдан ясабди инни! —
Минг кўз, минг қулоқ!
Дастлаб қўшчи фикрини қилайлик равшан,
Одамнинг бор сараси қўшчи тўпида.
Кўзи очилган деҳқон бир туриб берса,
Шайхлар тугул, мозор ҳам яксон бўпти-да!
Ҳамзанинг кўзларида ёнар куч, ишонч.
— Қўшчиларни йиғаман,— дейди Бошоқбой —
Бу — менинг элим, жоним... Сиз — маърузачи.
Билим ва сўз бобида сиз мисли «Олой»!
Шоир мағрур кезади, қалбида илҳом.
Қояларга минар, сув хўплар булоқдан.
Боғлар эмас, тап-тақир тошлар ҳам гўзал.
Қор шуълалари чақнар ёзда ҳар ёқдан.
Пастда қишлоқ, тошларга қапишибди зич —
Фақир уйлар қалдирғоч инлари каби.
Ҳаёт дастгоҳи кўҳна.
Янги кун нурин
Тўсади қора бало — шайхлар ғазаби...
Қишлоқ оралаб юрар шоир ўйга ғарқ.
Қинғир деворлар тўсмиш аёллар юзин.
Бунда ёшлар газетадан, китобдан узоқ,
То бешикдан тотганлар хурофот тузин.
Мана дилкаш чойхона сув ёқасида.

Толдаги қафасларда тинмас «битбилдиқ».
Кўк чойни ялқовланиб ҳўплар оломон.
Йўқ кулги, жонли суҳбат ва шўх қийқириқ...

---

[1] Йўлдош Охунбобоев.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир жим ўтиради тахта супага.
Ёшларнинг даврасида сирли бир шивир:
«Ҳамза!»
—«Шоир!»
— «Танбурни хўб қияр экан!»
Кўзлар севги, ҳурмат-ла тикилар бир-бир.
Ҳамза чой чақиришга улгурмасданоқ
Содда йигитча тутар кичик пиёла:
— «Қани, муллака...» дейди, —
Даврада шоир.
Ёшлар унинг дидига тушар қофия.
Пиёлани қўлида гулдай тутиб у,
Нозик табассум билан сўзга киришар.
Дўлвор йигитлар: деҳқон, чўпон, тақачи...
Бирини муштумзўрда қарол дейишар.
Ёлғиз бири жимгина дер: «Мен комсомол!» —
Белбоғи орасидан билет олиб у
Кўрсатар-да, яна тез яширар уни.
« — Ғайрат қилинг, йигитча, қишлоқ қоронғу...»
Дейди шоир, атрофга кўз ташлаб бир зум.
Кўчанинг у юзида, қари — дов терак —
Остида ўқраяди қандайдир эшон;
Юзини буриштирган ғазабнинг мавжи,
Илон башара берар унга кўзойнак.
Жирканиб боқар Ҳамза.
Гўё нур, зулмат
Қаршилашар сўндирмоқ учун бир-бирин...
Мана зулмат чекинар,
қўрқоқ ва маккор,
Ҳассасини йўллайди тепага секин.
Хонақоҳда бошлайди у энди иғво.
Разил шерикларига дейди: ҳушёр бўл!
Гумроҳ муридларини курашга ундар,
Нажот истаб қабрга у бошлайди йўл...
Ҳамза оғир хўрсиниб, суҳбатдошларга
Зимдан боқар: комсомол мағрур шунқордай.
Ўзгалар боши қуйи, ғашдай диллари.
Қарол дейди: «Қарғишга қолдик-да талай!»
— «Қайғурманг, иним, уни замон қарғаган.
Букун бор, эрта унинг ўчар қораси!»
Ҳамма кўзлар шоирга жавдирар ҳайрон:
«Қандай одам!—
Мунча зўр сўзи, ҳамласи!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Беданалар сайрайди, гувлар тегирмон.
Муаззиннинг овози янграб баландда,
Подалар шовқинида эриб йўқолар.
Қуёшда тошлар ёнар, ранглар чаманда.
Тоғ этаклаб, бурилма йўлларда шоир
Юради илдам, унга комсомол йўлдош.
Дам қучади боғларнинг яшил салқини,
Наъматаклар саломлаб бош эгар ювош.
Дам тошқинлар устида қилтираган тор
«Шайтон кўприкчалар»дан ўтади чаққон.
Ҳамроҳи узилмасдан ундан бир қадам,
Тушунтирар кўрганин,—
хурсанд, беармон.
Чашма бошида шоир дам олар бирпас.
Сувнинг қайнар кўзига тегизар лабин.
Майсаларга ёнбошлаб сўйлар комсомол:
Шайхларнинг кирдикорин ,қора юрагин,
Ҳамзанинг кўзларида ёнар чуқур ўй:
Нега бунда қора куч ҳоким ҳали ҳам?
Нега мунча бепарво бўлди Самарқанд?
Саволлардан манглайи буришар бир дам...
Бирдан қўзғалади у: «Юринг, Ҳатамжон,
Кўрсатинг анов сувнинг бошини менга!»
Йигитнинг кўзларида: ўҳў, қайда у?
Кўлни кўрмоқчийди-ку, айниди нега?
— «Сув боши — ҳаёт боши!» — дер шоир
кескин.
У тирмашар, эмаклаб тик қояларда,
Қуёшнинг яллиғида пишиб, ҳансираб.
Кўзлари оппоқ ёнган шалолаларда...

* *
*

«Ғўлтоғ» йўлида борар икки йўловчи,
Чориқлар эски, йиртиқ, қалпоқлари кир.
Ҳовлиқиб дейди чолга ўспирин батрак:
— «Сўзни қийди-я, бай-бай! —
Мунча серфикр,
Шайхларнинг пўстин шилиб, тузлади роса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қойилман Ҳамзасига. . Қўшчи элниям
Кўнглини зап кўтарди. —
Ленин йўлини
Яққол кўрсатди қўйиди. Тўлишди миям.
Ер гули, юрт эгаси сиз — бизмиш, бобой!»
— «Ҳақ гапни айтди Ҳамза. Бермаса деҳқон,
Шайху мулла не ейди? — дейди чол ўйчан, —
Шакка олди қабрни... Бу — сирри ниҳон!»
— «Шайхга берсанг ошингни, ютар бошингни...
Эшон топади олтин, олади хотин...
Мозор зулматга тортар, мактаб қуёшга!
Чечан экан гапга у...» — йигитда шавқ чин.
— «Шоир-да, болам, билгич,— дейди кулиб
чол,—
Шоирнинг юрагида қайнармиш булоқ.
Шоир сўзнинг деҳқони. —
Хирмони ҳикмат.
Ёқди қўшчига Ҳамза
Ғозланди Бошоқ!»
Шўх ўғилчасин шу чоқ етаклаб, хушҳол
Кезади шоир «Оқсув«» бўйларида жим.
Катта нутқдан кейин у сезмас ҳорғинлик
Қандай маъноли мажлис! —
Хурсандди ҳар ким.
Қўшчилардан у рози. Қандай асл халқ,
Гўё улар ичида ҳали ҳам шоир,
Даланинг ва меҳнатнинг исин сезгандай...
Бундай эрлар шайланса, ҳар ишга қодир...
Келажакка ва нурга интилар юрак.
Учар хаёллар ёрқин уфқлар сари.
Ҳаётга чирой бериш — унда зўр орзу.
Ҳар тош бўлсин орзунинг гўзал асари!
Бошоқбойни тўхтатар шоир тўсиндан:
— «Ҳайкал қўямиз худди шу ерга, лочин!»
— «Ҳайкал?» — ҳайрон кўзларин тикар
Бошоқбой.
— «Ҳа, ҳа. Ҳайкал. —
Юксалсин бу ерда Ленин!»
Бошоқбойнинг юзини қоплар табассум.
Майдонни чамалаб у боқади ҳар ён.
Сўзлашга уринару, тутилар тили.
Шоирнинг қўлин сиқар хурсанд ва ҳайрон...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳимардоннинг пасту баландликларин
Айланиб ҳар кун режа қуради толмай.
Қишлоқнинг тош, гувала деворларидан
Ҳаёт сирини кўрар шоир кафтидай.
Чойхонада ўқийди газета, китоб.
Партиянинг илҳомкор сўзларини у
Англатар содда деҳқон, содда чўпонга.
Элда янгилик сари сезар у орзу.
Қишлоқ ёшлари аста қўяр муҳаббат.
Саломларда, кўзларда садоқат яққол.
Кейинча атрофини қуршар бир тўп ёш.
Ҳар бирининг кўнглида эсар ёш хаёл:
Бирида музикага чин севги ёнар.
Бири театр дейди, бири трактор.
Отлиқ аскар бўлмоққа бирида армон.
Яна қанча орзулар! — Ҳамзада ишқ зўр.
Чойхонада очишар қизил бурчак ҳам.
Алвонлар, шоирларнинг шафағиаро
Сузилади Лениннинг доно кўзлари.
Деҳқонлар диққат билан қилар томоша.
Савод учун курашга киришар шоир.
Дағал қадоқ қўлларда илк дафъа қалам.
Лотинча ҳарфларни ёзиб деҳқонлар,
Уҳ тортар, қалпоқ билан елпиниб ҳар дам.
— «Қалай, ўхшаши борми?» — сўрар серсоқол,
— «Қаламга ром бўлибди қўлингиз, соз, соз!»
Боладек қувониб у хатга бош эгар.
Ҳамзанинг юрагида ғайрат қайнар боз.
Қўлида китоб ё соз, кезаркан шоир,
Илондай бош чўзади шайхлар инидан.
— «Ҳамза!
— «Динсиз»
— «Большевик!»
Заҳар, кин томчилайди ҳар шайх тилидан.
Хонақоҳда ва қабр теварагида
Улар энди муттасил ғазабни қайрар.
Қутургандек кўзлари тиканли, ёмон.
Тўлғанишар ичларин чаққандек илон.
Алдоқчиларнинг пири ва мозор боши
Ғиштга асабий урар ирғай[1] ҳассасин.

[1] Чўлда ўсувчи маҳкам дарахт.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лайлак инидай салла вазмин тебранар,
Хириллайди бўғгандай алам нафасин:
— «Иблис, иблис, иблис у! —
Чанг солмоқчи у
Бу муқаддас қабрга, имонимизга!
Нажот йўлин ахтаринг малъун шарридан.
Оҳ, софдиллар, мушкул иш тушибди бизга!»
Шайхлар, хурофотчилар қотади бир зум,
Бошлари ичда, гўё ургидай яшин.
Мактаб, клуб, тўгарак, Ҳамза ва ёшлар
Қуршар уларни гўё,
Ҳалокат яқин!
Йиқилаётир гўё мозор, хонақоҳ.
Текин, тотли луқмага кимдир солар чанг...
Мол-мулк ёнғинда, ёнар суяклари ҳам.
Қўршапалаклар нурга очмоқчилар жанг.
Ҳамзани қарғайдилар қўл очиб бирдан:
«Даф эт иблисни биздан, эй худовандо!»
«Яксон эт сакбаччани, ё Шоҳимардон!»
Қарғишга қўшилади гурлаб хонақоҳ...
Мана эшитилади, сиртдан маърашлар.
Югуришади шайхлар қувиб бир-бирин.
Башаралари бир зум авлиёнамо.
Зиёратчилар турар эгишиб қаддин.
Ҳар шайхнинг кўзи ёлғиз эчки, қўйларда,
Бир-бирига ўқрайиб, талашар назр.
Бир-бирининг қўлидан юлқигудай пул.
Чўккалаб эмгудайдир келса бир сигир!

* *
*

Ойдин кеча ҳуснини кўр бу диёрда,
Бир хўрсиниб, ёдлайсан умрбод уни.
Хаёлий шакл олар қорли чўққилар.
Нақадар сирга бойдир ойнинг ўйини?
Қоялар қанотли дев, ўпқинликлардан
Қайгадир учаётир, бошқаси ана,
Тутиш учун узатмиш гигант қўлларин.
Кал сиртлардан боққандай ҳар нав башара...
Ўрлар, жарларда сузар кўлка булутдай.
Бужур харсангларда сув ёнар нақ олмос.
Ёғочлардан ой нурин қоқади шамол.
Шунча булбул! Бир дарахт ҳофизсиз эмас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамза гоҳ хаёл сурар, гоҳ юради жим.
Янги шеърларни ўпар қоғозда шамол:
Қофиялар галаси шоир бошида.
Тоғ бошида юлдузлар ёнгандек хушҳол.
Гоҳо бехосдан учар лабларидан куй.
Янги оҳанглар сеҳри қучади бир он.
Қайдан келди қўлларга скрипкаси?
Қиллар дилбар янграйди куйлагандек жон...
О, мусиқий! Шоирнинг қалбида мудом
Қуйловчи садоларнинг мавжи лиммо-лим.
Кўқоннинг қинғир ва чанг кўчаларида
Яланг оёқ болалик ўтар экан жим,
Илк шеърларнинг илҳоми, садоларнинг ҳам
Севгисини очмишди бола шоирда.
Унинг қўлида қайси чолғу сайрамас?
Устоз кўрмай, чин устоз бўлди охирда...
Шамол елпади, қорли тоғлар нафасин.
Жунжийди, уйқу келмас. Шоир ёп-ёлғиз.
Ўтиради сайр этиб манзараларни.
Дам хотиралар босар, ёрқин ва чексиз
Хотирдан кечар мактаб, салладор домла,
Узун беҳи таёқнинг зарбаси, шовқин.
Қари табиб отанинг панд-насиҳати.
Чанг кўчаларда, ясси томларда ўйин,
Мадрасада дилни хун этган пуч дарслар...
Илк севги қайноқлари. Паранжили ёр!
Узоқ, яқин шаҳарлар. Илм гадойи
Тентирар: на муаллим, на китоблар бор...
Она-Ватан саводсиз, ҳаёт жаҳаннам.
Элатларнинг юздан тўқсони қашшоқ.
Халқига бахт, юртга шон қидирди, бироқ,
Ҳар ерда кўрди жабр, ҳақсизлик, ситам...
Умиди халққа хизмат —
баъзан адашди:
Қаҳрамон атагани — разил бир қўрқоқ.
Халқ отаси дегани — олчоқ ва расво.
Ўксинди, тун қўйнида излади чироқ...
Бу қандай кун? Дунёнинг силкинди таги.
Ҳаёт бўйнидан тушди қора занжирлар.
Минг йилги орзуларнинг ёлқинларидан
Туғилган қуёш эзик дилларни силар...
О, у кунлар! —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамзанинг боши осмонда
Ишчиларнинг машъалдек ол байроқлари
Остида дадил юрар озод халқ билан.
Юрагидан кўчган ғам қатқалоқлари...
Шоир ва композитор ҳаяжон билан
«Интернационал» куйлар. Уйида Ленин —
Сузук кўзларин тикар, унинг шеърига.
Қалбида қўшиқ гуллар, ғайрати тошқин...
Уфқлар очиқ, ер — кенг, Октябрь — байроқ.
Большевикча ҳамла эт, жанг қил, мактаб оч.
Эски дунёни ур.
Йиқ,
Ўчсин қораси!
Советларга ким қарши, аямай ўқ соч,
Қарши турган буржуйни шаргта-шартта от! —
Илк совет қўшиғида шоир ҳайқирди.
Янги ўзбек шеърининг бу темир гули —
Синфий жанглар қуроли — тарихга кирди,
Кундан-кун кучли, гўзал ҳаёт тўлқини.
Ҳамза дам мактабда-ю, дам театрда.
Саҳна-чун ёзар, ўзи артист, режиссёр.
Санъатга ишқ руҳида ва жон томирда...
Фронтларда хатарга отар ўзини.
Оқлар пулемётидан кўк карланаркан,
Қизил ботирлар руҳин тоблар санъат-ла,
Атакада ўткирди сўзи найзадан...
Қора кучлар бошини совет янчади,
Фронтлар бирин-кетин келтирар зафар.
Москва — ғамхўр она қучар халқларни,
Бахтли ҳаётга, нурга, ижодга йўллар...
Фарғона кўкидан ҳам кўчар фиғон, дуд.
Босмачи парчаланган. Тинч куйлар деҳқон,
Мана Ҳамза Самарқанд боғлариаро
Юради дўстлар билан хурсанд ва ҳайрон.
Қадим шаҳар! —
О, ҳаёт қандай ёш, гўзал.
Ҳар ёқда ишчан, қувноқ ёшлар беҳисоб.
Деворлар орасидан чиқибди қизлар,
Юлдузланар кўзлари, қўлларда китоб.
Қадим, юксак пештоқлар остида, кўҳна
Чинорлар соясида, билимга чанқоқ.
Дарс тайёрлайди улар. Хиёбонлардан
Қўшиқлар юксалади жонли ва қувноқ...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш пойтахтда чорлайди Ҳамзани раис:
— «Халқ шоири унвони бўлсин муборак!»
Шоирнинг қўлин сиқар ота, дўст каби, —
Охунбобоев Йўлдош — кечаги батрак.
Хотираларда яшар — кўп юрган, кўрган...
Кечирмишлари «Сомон йўли»дай чексиз.
Онлар кечирар — онлар аччиқ ва ширин.
Севгилар, айрилиқлар...
гирдоб-гирдоб ҳис!
Ногоҳ у уйғонгандек бўлади тушдан:
Тепасида туради Ҳатам ва аёл.
— «Адашибди қидириб. Яхши йўлиқдим.
Арзи бормиш опанинг...» дейди комсомол.
Дил ҳаприғи сезилар паранжидан ҳам.
Уҳ тортар, ҳадиксираб боқар у ҳар ён.
— «Дардим кўп, қайбирини айтай!» — дер
хотин.
Сўнг очар сирни, аста кўтарар чачвон.
Сўзларининг ёлқини ошар ҳар минут.
Гоҳ қайнайди кўзларнинг қора булоғи.
Гўзал юздан ойдинда томар суюқ нур.
Гоҳ рўмол-ла елпинар ёнгандек чоғи...
Бодом туғилибди-ю, бахт не билмабди.
Насиб бўлмади она сутига қониш.
Бешигин тебратибди ёт, золим қўллар.
Боши узра «алла»мас, ёғибди қарғиш.
Тақдир қаҳрига боқмай яшабди қизча.
Етаклабди чоракор ота кўп йиллар.
Ёз дала-даштда кир-чир, сочлар жизғинак.
Ота оғир меҳнат-ла топар юндилар.
Қишда уларга маскан — бой отхонаси.
«Ичкари»нинг зуғмидан қизча дили хун.
Ёш юзин безамайди бирон табассум.
Бу етмагандек, бало қақшатар бир кун:
Отани босмачилар ўлдирмиш йўлда...
Урибди ҳар эшикка қидириб юмуш,
Ўн икки ёшли сўққа бошини етим,
Ўн бешда қари шайхга «назр» этилмиш.
Ҳам чўри, ҳам учинчи хотин...
О, қисмат!
Олти йил заҳарлабди «эшон ойилар».
Замон оғир, қочар, деб қари мунофиқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қамаб қўймиш: ғинг десанг, бошинг чопилар!

Шоирнинг киприклари ёнар ғазабдан.
Ҳатамжон дер: «Биласиз, ҳов чойхонада
Бир кун ҳаммамизга заҳар сочган шайх...»
— «Сизга келдим, қутқаринг! — дер Бодом яна —
Уйда сизни эрта-кеч тинмай қарғашар.
Шундан билдим бу одам — яхши, раҳмдил.
Фирқа деганлари шу, дедим-да, келдим...»
Ҳамзанинг юзларида табассум енгил:
— «Оппоғим! — деб турар у, — энди сен озод,
Қуёшга интил энди. Сен — халқнинг қизи!
Тошкентга юбораман, ўқи мактабда.
Синглим бўл, унутмайлик бир-биримизни!»

Бағрига олар уни шоир хотини —
Сўзи, хулқи ўзбекча рус аёли у.
Ҳамза ойдинда кезар енгил, илҳомкор.
Ўйлади: «Бодом — артист! Саҳна гули бу!»

* *
*

Бир кун тонгда қишлоқнинг азаматлари
Тоғлар сари тирмашар дадил, вақти хуш.
Елкаларда кетмонлар ва қўлларда лом.
Шундай бир тонг бошланар
сув учун юриш!
Илгарида Бошоқбой ва шоир — мироб.
Тоғ оралаб у борар чўпондай эпчил.
Юрагини қучганди севинч, ҳаяжон:
Эл азм этди — ечилар энди тош чигил!
Мана сув! Азим тоғлар сирли қўйнидан
Сирли йўллар билан у силжиб бирикар.
Қояларнинг дев танин ювиб инжудай
Ўпқинларга сочилар, яна терилар.
Ҳамза оппоқ тошқиндан ютар бир ҳовуч.
Ҳалқумини кесади, сув муздай, тиниқ.
Сув йўлини шоир-ла режага олган
Чол деҳқон дер:
«Бу ердан қазилгай ариқ!»
— «Қарининг билганин билмасмиш пари» —
Ҳамза силар кекcанинг кўркам соқолин.
Тўй ё байрам сингари ҳамма руҳли, шод.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асбобларни шайлашар аҳил ва шошқин.
Кафтларин ишқаб шоир урар илк кетмон:
— «Янги ҳаётга, бахтга хизмат қилсин!» дер
Чатнайди тош парчалар ҳар томон чарс-чарс
Сўнг, лом билан қўпарар харсангни шоир.
Бошланади қизғин иш, ломлар ўт чақар.
Кўтарилади шундай меҳнат сурони.
Қўлларнинг мускуллари қайроқдай маҳкам.
Ҳаракатлар, ҳамлалар, саслар бўрони...
Кетмонларнинг яшини ўйнар ҳавода.
Томчилар оқар тинмай қизғин манглайдан.
Бу — ариқ қазиш эмас, тош тарнов йўниш!
Бироқ ҳеч ким демайди: бу ташвиш қайдан!

Мана илғор Бошоқбой, комсомол Ҳатам,
Қўпарадилар тинмай харсанг пайдарпай,
Куч, чидамлик, жасорат талашар ҳар ёш.
Зарбалардан олисда гумбурлар Олой.
Шоир елкасин силар содда бир деҳқон:
— Бас! Бас! — дер у меҳр-ла, иш ортмас биздан,
Сизга қалам ярашар, қалам — мўъжиза.
Юқори ҳеч нима йўқ қаламингиздан!

Тоғлар учида майин, кўкимтир туман.
Кўз илғамас баландда сузади шунқор.
Буржур, қора бир қоя остида шоир
Дўн қумғонлар қайнатар. Тутун ва шамол.
У тиз чўккан, қабариқ қўллар иякда.
Ҳорғин кўзларида бор умид, чуқур ўй.
Ватаннинг гўшасида у эмас ёлғиз,
Эл билан у бошлади бу кун сўлим тўй...
Деҳқон илтифотини ўйлади ҳамон:
Мактаб гардин тотмаган саҳройи оми.
Қўпол тошлар ичига синган олтиндек,
Унинг юрагида ҳам халқ донолиги...
Баҳор бўз, дашт-чўллардан гул ундиргандай.
Большевиклар ғояси халқ кучин қўзғар.
Шарқнинг тунларин мангу ёритган улуғ —
Кунлар қурмоқда бунда фаровон рўзғор...
Дўн қумғонлар бақирлар ўзишгандай тез.
Шоирни қучган севги, хаёллар каби,
Тоғлар белин камардек чирмайди ариқ.
Қақроқ далада яшнар ҳаёт гулшани!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Социализм даласи шоир кўзида:
Бахтини ундирмоқда боши тик инсон.
Қабарган қўлларига шоир бир нафас
Қарайди: «Ошмоқ керак ҳали кўп довон!»
Шунда суронлараро учар бир қўшиқ.
Сесканиб бутун кўнгли, бадан жимирлар.
Беихтиёр, жимгина қўзғалар Ҳамза.
Қулоқларига қўшиқ шивирлар сирлар...
Суронлар орасидан юксалар қўшиқ.
Илк баҳордек садолар сузар ҳавода
Тонг нурлари билан у ювгандек жонни...
Қандай қўшиқ? — Сўзлари ўтдек-ку, содда.
Ҳайрон ва ҳушсиз бўлиб йўлланди шоир,
Қандайдир хаёл тушда имлаган каби.
Мағрур чўққилар куйга шўнғийди гўё.
Ким куйлайди? —
Ҳа, ана жар лабидаги
Гул буталар ичида қазучилардан —
Қўсқи тўнли, қалпоқли кўримсиз деҳқон!
Куй тинди. Сўрар шоир: «Тўқигани ким?»
— «Кўнгил бир сайради-да!» — дер ҳофиз
хандон.
— «Ҳай, олиб кел танбурни!» — қичқирди Ҳамза
«Қани, ўтиринг, ҳофиз, қилайлик бир машқ».
— «Ишдан қочиб?» —
«Иш унар қувнатсак элни,
Товушингиз асл. Булбул арзир қилса рашк!»
Мана жаранг сайради танбур ҳавода.
Шоир боши тебранар майин, оҳангдор.
Қалпоқни лаган этиб куйлади деҳқон.
Қопчиғайлар янграйди. Эл дер бахтиёр:
— «Яшанглар, ҳай яшанглар!» — иш қизғин яна.
Тошдан чанг, кетмонлардан сочилар учқун.
Бошоқбой, ёшлар ишлар жар тепасида.
Тер мўл, юраклар куйдан баҳордай гулгун.

* *
*

Хўмрайган эди тоғлар шом қорасида,
Жимжитликка қуйилар пастда тегирмон.
Зир югурар қишлоқда паст-баланд ошиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қари шайх, боши оғир —
салласи чўян!
Ғазабидан кўзи ҳам, ҳассаси ҳам кўр.
Қайдан топсин Бодомни, гўзал чўрини?
Аравага тушиб у жўнади бугун,
Паранжисиз, шод, мағрур...
Уйнинг тўрини
Берсин, ялинсин унга қайтмайди Бодом!
Ўқийди, фирқа бўлиб келади бир кун.
Тош чақади шайхларнинг бошида у чоқ.
Қасддан ёпишар унга ҳаммадан бурун
«Қандай қочди қамоқдан у мохов бўлгур!
Нега осмадим ясаб сочидан арқон?» —
Соқолларини чайнар, кўзи тўла дуд.
Ичида тўлғанади оғули илон.
Қани, Ҳамза бўлса-ю, заҳрини тўкса...
Қарғар ва ҳасса билан ерни у савар.
Ана қоронғиликда одам шарпаси.
Тепадан қор кўмадай салла юмалар.
— «Юринг, бир маслаҳат бор»,— дер мутавалли.
Шайхни ҳушга келтирар сирли бир шивир:
— «Фарғонадан келибди яширин вакил,
Ишимиз ўнг, Ҳамзанинг таги бўш, тақсир!»
Қоронғида юришар пусиб ўғридай.
Мана қарши тепада милтирар чироқ
У ердан оқар майин шоир чертган соз.
Шайхлар қарғар, шивирлар...
Соз учар янгроқ,
Ватанфуруш у вакил жарда, панада
Уқтиради режасин — дарғазаб бўғиқ.
Қорли чўққилардан ҳам ошиб, юлдузлар —
Чаманига юксалар соз, эркин қўшиқ...

* *
*

Жонли каштасин йиғиб ўтар олтин ёз,
Чўпон пўстинга, тоғлар кирар туманга.
Зикр тушган хонақоҳ сингари шамол
Совуқ ғувиллар ҳаво тўлар хазонга.
Хонақоҳ ҳам гувиллар, авжида зикр,
Гир айланар юзларча салла давраси.



www.ziyouz.com kutubxonasi




«Гулноз» достонининг оққа кўчирилган автографидан саҳифа

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зулук қошин чимириб гердаяр эшон,
Хириллайди «ҳу-ҳу»лаб унинг подаси.
Муридлар қонин сўрар тасбеҳдор бўри,
Ҳар сўзи томчи заҳар дилга, мияга.
Бўғилади «ҳу-ҳу»лаб катта оломон.
Эшон буюрар: йиғланг, уринг сийнага!
Мана қуршар уйдирма қабрни шайхлар,
Ҳар бири сафсатанинг мутахассиси.
Уларнинг қармоғига илинар дарров.
Қосиб тўни, деҳқоннинг сўнгги эчкиси!
Шу қишлоқда «Оқсув»нинг нариёғида,
Бир том узра ҳилпирар олов ранг байроқ.
Бунда ҳаёт ақлнинг қуёшлик йўлин
Очмоққа азм этади меҳнаткаш қишлоқ.
Бунда янграр чалғулар, қўшиқлар баланд.
Пардаларда учаркан сеҳрли енгил
Деҳқонча чўнг бармоқлар — Ҳамза ҳам ҳайрон
Шогирдларини тинглаб ким демас: «қойил!»
Қақраган ариқларни сув яшнатгандек,
Чоракор, батракларнинг гуллар юраги.
Қалпоқлар ва телпаклар тебранар тинмай,
Бужур юзлар, соқоллар нурланган каби...
Чалғу тинар.
— «Ҳай, дўст! Дўст»
Ҳайқирар Бошоқ,
Столга маҳкам тираб чўнг муштумини:
— «Ҳамза аканинг пича сўзлари бор. Жим!»
Эл нафас олмай тинглар шоир нутқини...

Ҳар содда сўзда тошар маъно, ҳаяжон —
Замон аҳволи, янги ҳаёт талаби:
Билим, совун, техника, ҳаммом, музика
Фойдаларини жонли тасвир этади.
Омоч-ла тракторни қилади қиёс.
Баъзан нутқини безар ўткир латифа.
(Кўкраклардан портлайди қаҳқаҳа бир зум).
Гоҳ шайхлар биқинига санчади найза...
Сўнг, ўртага ташлайди «артель» сўзини.
Уқтиради меҳнатда бирлик маъносин.
Чоракор, корандалар ялпи жонланар.
Шоир байроқдай тикар «артель»—шиорин
— «Халқ! Артель бўламизми?» — қичқирар
Бошоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— «Бўламиз!» —
— «Қани ўзи?»— гурлар
оломон.
— «Артель бўламан, деган қани қўл кўтар!»
Уттиз қўл — азамат қўл юксалар шу он.
Бошланар чойхонада, кўчада гап-сўз.
Болалар қариларга, қарилар вазмин
Уқтирар кампирларга соқолин қашиб.
Ҳамма дейди: Ҳеч шундай бўлмаган йиғин!

Бошоқбой шоирга дер ҳаяжон билан:
— «Мен номига хурсандман. Қандай ном! —
«Ўртоқ!»
Ҳамма яхши ишларнинг боши —
ўртоқлик» —
Дер Ҳамза кулимсираб, қўлида дутор.
— «Ўртоқ»қа от-арава эмас ясоғлиқ.
Уруғлик, ҳўкиз, бино... Эҳе, тоғ-тоғ иш.
Биз ҳозирдан тузайлик «Ўртоқ»қа рўзғор,
Юринг, ботирлар!» — дейди Бошоқбой қайноқ.
Йигитлар бошида у жўнар — зўр бўйдор.
Шоир боқар, табассум рангпар юзида.
Сўнг, бирдан бармоқларин узар дутордан.
Бошоқбойлар изидан югурар енгил.
Бироқ ўзи хабарсиз уйда рўзғордан...

* *
*

Қишлоқда зўр тантана. Саккизинчи Март!
Ҳавода байроқлардан олов чайқалар,
Аёллар тўда-тўда тоғдан, қуйидан,
Қаршилар уларни куй ва шўх садолар.
Ҳамза яна минбарда. Келишган, адил,
Беқасам тўнда ёнар кўклам қуёши.
Ёнида комсомоллар — тоғлиқ ёш бўғин,
Хотин ва ўғилчаси, жасур йўлдоши —
Бошоқбой. Ерда, тошда тепа-қояда
Деҳқон аёллар, қизлар, ҳатто кампирлар.
Аёл эрки, ҳуқуқи, паранжи туни
Ҳақида шоир тўлиб-тошиб гапирар.
Ёшлар ёқади гулхан: зулматни ёндир!
Бир қиз паранжисини отар латтадай


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарсаклар ва кулгилар. Музика билан
Бошлардан ўтга учар чимматлар талай
Олов гуриллаб ҳар он юксалар баланд.
Асрларнинг зиндони, кўз ёши, дарди,
Чўрилик насибаси гур ёнар. Қулин —
Совуради илк баҳор ели жар сари.
Тоғ оралари тўла ёш, ёрқин қўшиқ.
Ҳамза созида учар зафар садоси.
Қуёш ва кўклам кулар эркин дилларда.
Бошларда байроқларнинг лола даласи.
Инига ўт кетгандек сарсон беқарор
Шайхлар, қулоқлар изғиб элни қарғайди:
Қошки тоғлар ногаҳон ўрнидан кўчиб,
Байрамчилар устига ағдарилсайди!
Ҳар тошнинг орқасидан илон боқишлар.
Жарларда йиртқичлардек эшонлар изғир.
Баланд тоғларни қучар шоирнинг сози.
Шайхларнинг ўрони[1] бу: уни ур, синдир!

* *
*

Артель чойхонаси бўш. Бор «Ўртоқ»чилар
Кеча кўчган қайроқ ер эгаллагани.
Қорлари чақнаб, тошқин югурган тоққа
Очилган деразада кўклам елкани.
Гиламда қуёш сариқ мушуги ухлар.
Чойхоначи жим тинглар — самовар ғингшир.
Ҳамза кўк чой ичади қуриб чордона,
Гоҳ ўғлини эркалар — бола шириндир.
Букун қайтган Қўқондан — катта йиғиндан
Айтгулик гаплари кўп, фақат йўқ «Ўртоқ».
Бошоқбой Фарғонада.
Бир неча ёш дўст
Ҳозир кетди тепага. Жангда бу синоқ.
Мозорнинг юлинажак «қудсий безаги»:
Девларнинг соқолидай от думи, туғ ҳам
Қўчқор шохлари, минг хил латта-путталар.
Шайхларга назр бугун топажак барҳам!
Шоир қарордан мамнун. Ғалаба билан
Дўстларини бир оз сўнг табрик этажак.
Кейин қувилар шайхлар.

---

[1] **Пароль.**



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қабр гиштларин
Комсомоллар қийқириб жарга тўкажак!
Ҳамза мамнун. Силайди ўғилча бошин.
Юрагида мавжланар ҳар вақтда орзу —
Ўзбекча бир опера яратиш ўйи.
Бу ерга келтирган дард эмасмиди шу?
Қаҳрамонлари куйлар унинг кўксида.
Не қилсинки, кураш зўр соат шошқалоқ.
Яна пианиносиз. Бу ҳақда ёзди
Самарқандга неча бор хат варақ-варақ!
— «Ҳаммаси бажарилур —
Қайнасин кураш!
Санъатим қадрлайди халқ ва партия.
Мен халқ шоири! — Берди бу унвонни ким?
Анов «комиссар» эмас... берди партия!»
Ҳамза мамнун, бахтиёр, қалб тўла ишонч,
Ўғилчани эркалар, ширин ва қизиқ
Бир қўшиқ ҳам айтади гўдак тилида.
Нима бўлди? — Олисдан ваҳм қичқириқ...
Ҳамза лой, кўлмак кечар, тошлардан сакрар:
«Кўтаргандир-да очкўз махлуқлар жанжал».
У дадил борар. Лекин мана, олисда
Шовқинлар ҳам тингандек... Соз, масала ҳал!
Нима бу! Ер тубидан бош кўтаргандек,
Қаршисида бир тўда таниш балолар:
Шайхлар, хўжалар билан қўй тери кийган
Каллакесарлар тўпи
Кўзлари ёмон,
Товушлари хириллар ғазаб зўридан.
Қийшайган юзларидан қўрқар йиртқич ҳам!
Шоир тўхтади ҳайрон.
Сўнг боқди дадил.
Билди иш ёмон.
Ёлғиз, ёлғизди шу дам!
Қани бўлса Бошоқбой ва қўшчи дўстлар!
Пайт пойлабди душмани маккор ва қўрқоқ.
Шоир боқади жасур,
қалб тўла нафрат:
Бирдан тош тўполони — қора қалдироқ...
Она тупроқда шоир ётибди баланд.

Бир-биридан чўққидор тоғлар даврасн —
Таъзимкор қуршабди эрк ва нур куйчисин,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоғлардек юксак, маҳкам халқ хотираси!
Қалбимиз тўла севгинг, қучоқларда гул,
О, Ҳамза, биз бош эгдик қабринг олдида.
Бир қабрки, ҳамиша ҳурматга лойиқ,
Насллларнинг ҳамиша хотирасида.
Қонинг билан кир доғни ювдинг ҳаётдан,
Кураш ўғли, зулматнинг ботир душмани!
Зафаринг-ла абадий шонланди «Олой»
798 Оғушидан ҳайдадинг чиркин кўлкани...
Сен қўшиқ қанотида учдинг қуёшга.
Ҳаёт далаларига меҳрингни элтар —
Сен қаздирган бу ариқ жонли куй билан.
«Ҳамзаобод»да ҳаёт кун сайин сербар.
«Ўртоқ» гуллайди, дўстлар ватанда донгдор —
Жангда, меҳнатда бари асл қаҳрамон.
Ҳаёт, нур тантанасин куйлаб насллар
Ўтмоқдалар ёнингдан сенга ўқиб шон!

*1948.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВАРИАНТЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу бўлимда мазкур томга кирган достонларнинг араб алифбесида ёзилган автографларининг қоралама ва оққа кўчирилган ҳамда нашр этилган вариантлари солиштирилиб, улар ўртасидаги фарқлар кўрсатилади.

Бу бўлимда томни нашрга тайёрловчилар томонидан аниқланган «Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонларининг мустақил вариантлари тўлиқ келтирилади.

Достонларнинг автограф вариантларида шоир томонидан ёзилиб, ўчирилган ўринлар X белгиси орқали кўрсатилади, яъни аввал ўша мисралар ёзилиб, чап томонига шу белги қўйилади. Матнлар манбаи қуйидаги шартли қисқартмалар билан берилади;

Қўлёзма манбалар:

ҚА — қоралама автограф.

ОкА — оққа кўчирилган автограф.

Нашр этилган манбалар:[1]

1933.— Ойбек. Дилбар — давр қизи, Ўздавнашр, Тошкент — 1933.
1934.— Ойбек. Бахтигул ва Соғиндиқ, Ўздавнашр, Тошкент — 1934.
1947.— Ойбек. Қизлар, Ўздавнашр, Тошкент — 1947.
1949.— Ойбек. Достонлар, Ўздавнашр, Тошкент — 1949.
1955.— Ойбек. Қуёш қўшиғи, Ўздавнашр, Тошкент — 1955.
1957.— Ойбек. Асарлар, 4 томлик, 1-том, Ўздавнашр, Тошкент — 1957.

## ДИЛБАР — ДАВР ҚИЗИ

(9-бет)

**Достоннинг қоралама автограф варианти (ҚА)**[1]

*Достон қуйидаги мисралар билан бошланган:*

Мен эски «ўзан» каби
Қўлимга чалғи олдим
IV Олтин мисрага солдим
III Кўнгил сезгиларини.
Мовзуқ берди менга бу
Тошқин кучли замона
Нурлар ила ўртулди (?)
X Тонгда келди ҳикоя.
1—8, Қосим ота энг яқин
Бизнинг девор қўшнимиз.

---

[1] Журнал ва газеталарда чоп этилган достонлар ва улардан олинган парчалар «Изоҳлар» бўлимида айтилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Турмушнинг ич-ташин
Беш қўл каби биламиз.
Пайғамбарнинг ёшидан
Анча ошгандир ёши.
Фард чекса-да бошидан
X Тетиқ зийрак қараши
2 Қосим ота энг яқин
5 Олтмиш учга борганди
11 Юзларига чуқурроқ
12 Замон чизгилар чизган (ОкА)
16 Эски сағри кавуши
20 Ўйнатиб елкасини
22 Тиниб тинчиб етмайди
24 Умри ишдан қочмайди
24-*дан кейин:*
Уддаларди ҳар ишни:
Бўлган хомбол, мардикор.
Ҳар балога у тайёр:
Севмас у тиланишни
Иш топилмаса агар
Арқон олиб далага
Чиқиб кетади саҳар,
Ризқин қидириб бобо (ОкА)
32 Бир орқа ўтинига (ОкА)
36 Олов—ҳаёт ёнарди
44 Тақиб бешинчи лампа
49—50 Қачон дегча биқирлар?
Кеча ухлар сукунат
56 Силаб, руҳни, тизни
61 Яшадилар йилма-йил
64 Севиб тортишди ҳар чоқ
71 Қайғилари йўқолди
72 Очилиб лолалари
77 Беш яшар Зуҳриойдан
86 Уйланишни бояқиш
88 Сингари у ёзу-қиш
91 Сезса қиз ҳасратини
93—105 Зуҳри — ёш сарвоғочи...
Нозик, хипча — ингичка
Қора, жингалак сочи
Адо қўшар ҳуснига
Юзгинаси кўклам чоғи
Кулумсаган бир ғунча
Кўзларнинг бир нигоҳи
Ҳеч кимда йўқ бошқача
Бўз кўйлаги ичинда
У яна гўзал нафис
Инжиқ эмас, сокин эмас
Устида қора липис
X Айнаган эски нимча
107 Етимликнинг совуқ нафас (ОкА)
109—112 Кўринмасди ёш Зуҳри
Юлдуз ёнган кўзларда
Сезиларди сўзларда
Идрок, туйғулик муҳри



www.ziyouz.com kutubxonasi

119 Баъзан шўх дилни босар (ОкА)
121—127 Отасини жўнатар
Ҳар кун эрталаб кейин
Эшикни таққа ёпар
Эшитмас кўча-куйн
Овутмас қўғирчоқлар
Зерикмас тикиш билан
Солар гўзал япроқлар
137 Зуҳри шундай чоғларда
143—144 Деб янги нусхаларин
У кўрсатарди пастда
145 Баъзанда ўртоқлари
147 Ташларди Зуҳри сари
148 Чопишарди қувлашиб
155—156 Олма чой жуда қуюқ:
Кўндирар йўқчиликни
157—158-*мисралар 160 дан кейин ёзилган.*
160 Ҳовлида Зуҳри танҳо
185—192-*лар йўқ*
165 Зуҳридин катта бир оз
170—176 Қўшиқ айтиб жияклар
Тикишарди пайваста
Турли ипак чечаклар
Зериккан чоғларида
Сўзлашарди қизлардан.
Гўзал япроқларинда
Севинч тошарди бирон
179 Қўйишар эди ўсма
193 Ҳар кун, ҳар ой ўртоқлик
197—198 Отаси қиш кунлари
Қолар эди кўп бекор
200 Ўчоқ жимгина ухлар
203—204 Ўрта ёғочи чирик (ОкА)
Уни тутар устунга
208 Бир зум ўтмай тилади
213—233-*лар йўқ.*
217 Дебди,— ғалати замон
234 Чўпчагини бошларди
236 Қизи Зуҳри тингларди
241 Қонларин ўйнатарди
246 Зуҳрига солар эди
250 Секин нақл этарди чол
252 Зуҳри қиларди савол
261 Тилиб камбағал дилин
263 Узоқ олиб қочарди
269 Ички найранг ва ҳийла (ОкА)
276—277-*мисралар ўрнида қуйидагилар ёзилган:*
Лойқа сувдек қалби «соф»
Сеҳрли бармоқлари
Тарознинг тош томонин
Асталаб босган сари.
Оилада ҳам бутун
Шу қоида, шу дастур
Ҳаёт тарозу учун,
Тарозуда имон, нур...



www.ziyouz.com kutubxonasi

280—281-*лар йўқ.*
286 Қасби унинг яканчи
288—289 Шаҳар, бозор, растани
Кезарди олиб сотар
292 У севарди пулини (ОкА)
293—294 Пул билан олар нафас
Тепсаб-тергаб рўзғорни
309 Зора йўлиқишамиз
312 Худди ўзни унутди
315-*дан кейин:*
Кўрсам агар изингни
Кўча-кўйда беадаб»
316 Деди-да, сўнг пасайди
322-*дан кейин:*
Пирмат сезди тегини
323 Уч-тўрт кун бундан кейин
326 Пирмат ўйларди фикрин
339—340 Овқат устида кейин
Сўз бошланди ҳар ёқдан
350 Қиз деган тезда ўсар (ОкА)
351—361 Қосим урvниб боқди
Сўзлолмай тили қотди.
Пирмат энди сиқилиш
Туйғусини йўқотди:
364—369 Тиними йўқ бир нафас
Ўз ишини кўп севар.
Сиз ҳам қариб қолдингиз
Тинчлик керак сизга ҳам
Ёрдамлашса қизингиз
Кетар барча ғусса-ғам»
377—379 Чўкди ҳасрат қояси
Косимнинг ичи қадар
Кеча оғир, қоронғи
382 У туртина-туртина
384 Зуҳри ва Ҳадичага
388—389 Деркан оқди кўз ёши
Юзнинг чуқурларига (ОкА)
390 Зуҳрининг вокеадан
399 Зуҳри қувониб яна
408 Бирдан Зуҳри қалбига
415 Зуҳридан эшитаркан
423 Дегач. Зуҳри қувонди
427 Қошни қоқиб гапирди
439-*дан кейин:*
Икки-уч кун турасан
444—445 Ечди Зуҳри туриб тик...
«Тезроқ қайтгин, ўртоқ!»
447—448 Муҳаббат — дилда япроқ
Айрилиқда юлунди
455—456 Йўлларда эр болалар
Гаврон билан кезарди
471—473 Тузоғидан ешилди
Зуҳрининг қувончлари
Карагач Зуҳри кўрди
477 «Мактабхона қизлари (ОкА)



www.ziyouz.com kutubxonasi

484 Ўқиб келар китобин
485—492-*лар йўқ*
493 Ёт Зуҳрини кўрдилар
496—498 «Менинг қизим, етим қиз»
Чол ҳам гапирди анча (ОкА)
Бермайсизми Зуҳрини
500 Тушунтирди бириси
503 Етим қизга яроқлик
506 Ҳамма бирдан кулишди.
508—510 Зуҳри боши букилди
Зуҳри қизлар ичинда
Ҳеч сиқинти сезмади
516 Ўпди Зуҳрининг юзин
517—528-*лар йўқ.*
529—532-*лар алоҳида, қўшимча қоғозга (19Х26,5)га ёзилган.*
533—548-*лар йўқ*
549 Битта ёш ноғой хотин
582 Қилди ҳаммани дуо
552 Зуҳрига хўб ярашган
564 Юриши тез ва эпчан
568 Қуёш нури турарди
574 Қучоқлади тўсатдан
584 Ейишарди тўйишиб
590 Чиниққан Зуҳри яна
593—608-*лар қўшимча равишда алоҳида бетга ёзилиб,*
688-*дан аввал берилган.*
596 «Қилт» этмасдан ётади
601— «Бас энди иши қурсин (ОкА)
602— Деб қочаркан Муаттар
611 Зуҳри севар эди чин
616 Бағишланарди дарсга
622-*дан кейин:*
Қаҳ-қаҳалар юксалиб
Узоқларга учарди.
627 Зуҳрининг кўнглида ҳам
634 Оғочлар қучоғинда
631—642-*лар қўшимча равишда 667-дан кейин берилган.*
637—640 Фикри ва қора кўзлар
Зуҳри ишлатар тинмас
Ёт сўзлар тош пўстини
Зуҳри истарди чақмоқ
641 Ялиниб у дўстини
643—646-*лар йўқ*
649 Зуҳри ётмай ётоққа
658 Азонни Зуҳри тездан
660 Кизлар боққа етгунча
663 Тўхташди билар-билмай
663-*дан кейин:*
Хар бир янги идея
Юлдуз каби чақнарди
Кўнгил — қоронғи ҳужра
Нурлар билан порларди
672—675 Япроқлар гала-гала
Олтин капалак каби
Учишди куйлари-ла



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошлаб куз сайилини
677 Кўчиб келди шаҳарга
681 Тахтага Зуҳриойни
683 «Ёзинг!» Мен эрк боласи
686—687 Зуҳри ёзди тахтага
Бир парча бир шеърдан
688—695-*лар йўқ*
698 Дея Зуҳри қичқирди
702 Хурмачани ялаган (ОкА)
705-*йўқ*
707 Зуҳри кўнгли бузилди
712—713 Кўзларидан ёш оқди
Ташлади кўз учини (ОкА)
717—120-*лар йўқ*
726 Деркан, Зуҳри бузилди
729—743-*лар алоҳида қоғозга (19Х26,5)га қўшимча тариқасида ёзилган.*
744 Кўз ёшлари қуйилди
749—752-*лар алоҳида қоғоз (26,5Х19)га қўшимча тариқасида ёзилган.*
757—758 Зуҳри артди узилган
Кўз марваридларини
764 Ўйнашурди, кулурди
769 Зуҳри чиқди ётоқдан
775 Сўзлаб бергач бир талай
778 Келинмисан ҳалитдан
782 Зуҳри чиққач ҳовлига
784 Ўйнади чопа-чопа
788 Тотли бир нашъа ютди
790 Зуҳри келди кечқурун
795 Сурнайнинг узоқлашган
802 Чиққан ҳар сўз қотади
804 Ҳар бир кўзда ётади
806 Хадича ўтирарди
809 Зуҳрани кўрар-кўрмас
816—818 Хадичаой кўзини
Ўпар бир чол, чол — эга
Айғир отдай бир кампир
825 Ўйнар олмай дамини
829 Тинглайди бу тўй куйин
831 Тўй саники (ОкА)
833 Уй саники (ОкА)
835 Уй саники (ОкА)
841 Зуҳри ёлғиз қайрилди
845 Зуҳри танҳо кетарди
847 «Ёр-ёр» куйи келарди (ОкА)
850—852 Борлиқдан-да ниҳоят
Қиш қайғиси ташланди
Ҳар ҳафта Зуҳриойлар
855 Чол ўрис йўлга бошлар
861—862 Ярим ўзбек, ярим рус
Тил-ла англатар эди
Муаллим аста ва сўз:
866—867 Виз-виз этиб чўзанак
Тентирайди ҳавода



www.ziyouz.com kutubxonasi

871 Зуҳри ҳар бир чечакдан
878 Қизлар сочини тарар
885—886 Бир қалб каби қувнарди
(?) Қуйи — баҳорни олқиш
889 Зуҳри қўшиқларини
896 Яна узоқ кезипти
998—899 Қизчалар шаҳар сари
Қатор бўлиб қайталар
904—906 Ўткир қадамларинда
Кўзлари шўх ва шаҳло
Кўклам томирларинда
909—911 Орзу, қайғу ва ҳайрон
Кўзлар билан қолишар
Букчайган чоллар аста
915 Зуҳри шундай чоқларда
919—953-*лар алоҳида 2 бет қоғоз (26,5Х18,5)га ёзилган.*
924 Дилбар Хадичаларда
935 Эрдан қилар шикоят
946—948 Деб Хадича йиғларди
Дилбар унга йўл-йўриқ
Қафасдаги бу тутиқ
958 Зуҳрига бахш этарди
962 Зуҳри ўн етти ёшли
965—966 Ишчан, туролмас ишсиз.
Бошқалари каби у
989 У «муқаддас чироқни»
993 Қўролмасди чимматни
997 Бахш этарди табассум
1001 (?) Сил, хасталик жонларга
1005-*дан кейин:*
Қанча тутқин келин, қиз
Эрк кўрмай бўғизланди
Қанча чақнаган юлдуз,
Ўз қонига бўянди.
1010-*дан бошлаб дафтар ҳошиясига: «Бундан сўнг:* «Зуҳри» эмас, «Дилбар» *деб ёзилган.*
1018 Минг-мингди ишчи-ёшлар
1020—1021 Ҳужум тўлқин оқишлар
Х Кетмай сўла соғига
1928 Нина билан ҳаёт сурган
1032—1033 «Сўзинг, қиз жуда ажаб».
Жимгина дардлашарди.
1040 Сенмисан, ҳай, бўтакўз! (ОкА)
1046 Эрлар унга қарарди
1050 Дилбардаги жасорат
1058—1059 Букиб нозик белини
Шошиб тапли ёпарди
1061 Айвонда чўт соларди (ОкА)
1063 Келин кўриб Дилбарни
1073 Паст-де бу қизнинг таги (ОкА)
1079—1080 Деб чиқиб кетди Дилбар
Очилди бирин-сирин
1082 Қувонар эди кўзлар
1083 Ҳар кун бир-икки соат



www.ziyouz.com kutubxonasi

1088 «А» шундайми, Дилбарой
1090 Чақалоқни бас қил, ҳай!
1095 Байрам учун қизчалар
1099—1103-*лар алоҳида қоғоз (26,5Х19)га ёзилган.*
1102 Тортишарди у ҳар кун
1108 Масжид — қулуб безалган (ОкА)
1111 Кенг мажлис, кўп чироқлар
1126 Шўх кўзи ёнар эди
1115—1118-*лар 1126-дан кейин ёзилган.*
1138 Ваҳший бир куч бағишлар
1143 Англатди содда очиқ (ОкА)
1146 Нималигини аниқ
1148 Тили билан жонлатди (ОкА)
1150 Дилбарни-да қўзғатди.
1151—1154-*лар йўқ.*
1167—1168 «Яшасин Ленин пошшо!»
Юксалди қаҳқаҳалар
1172 Ҳар кўнгил титрар аста
1174 Шўх, тан ва чаққон
1188 Ҳар оғиздан учарди
1198 Чиқди Содиқ ташқари
1200 Қалб тошин юмшатарди
1224 Эсга келди, бўлди жим
1241 Ҳақорат қилганди-ёқ (ОкА)
1244 «Ҳозир пуч бойлар таги»
1251 Нашъа кўзларда ёнар
1259 Кўча жим, ел оз совуқ (ОкА)
1270—1271-*лар йўқ.*
1285 «Пирмат йўқ!» бири деди
1887 Қоравой тез югурди
1293 Хотин-қизни тўплади
1295—1296 Кетар экан, отаси
Чақириб четга томон
1297 Сан мана шу туморни (ОкА)
1310 Дарс бераман, сизни ҳам
1326 Ҳар кўзда ёнар порлаб

**Достоннинг оққа кўчирилган автограф варианти (ОкА)**

62 Яшадилар анча йил
73 Умрнинг лоласи
80 Севинч гулин қайирди
99 Ёноқларинда титрар
136 Дасталатарди аста
146 Баъзи вақт ўртоқлари
166 Кўркам, оғир, ақлли
192 Ва умидлар тўқийди
194 Муҳаббати ошарди
253 Дилбар қиларди савол
258 Шамол тишда ингларди
280 Қорандаларнинг ёз-қиш
299 Кечқурунги дастурхон
354-*дан кейин:*
Кўпни кўргансиз ака!»
363 Хўш, Мамат чаки эмас
368 Бирон йил яна турсин



www.ziyouz.com kutubxonasi

371 «Қани омин...» дер экан
424 Сўздан Дилбар қувонди
430 Безайсанми бўйни без
440-*йўқ*
445 Тезроқ қайт, жон ўртоқ
485 Ўқир эди китобни
633 Қилитар маърузалар
644 Юлдуз бўлиб чақнарди
679 Чолишади... дарсларга
791 Дилбар келди кечқурун
798 Безаб қўйган қўғирчоқ
856 Қир — далада кезаркан
911 Қора эркак, аёллар
1083 Кўзлар бутун қувнарди
1086 Ёқутлар сева-сева
1138 Куч ва ғайрат бағишлар
1151 Дилларни-да қақшатди
1239 Ҳомид чойфуруш бирчоқ
1281 Ана Ҳамид чойфуруш

**Достоннинг нашр этилган (1933) варианти**

3 Турмушнинг ичин-ташин
7 Пайлари тўлган кучга
64 Севинишиб тортишди ҳар чоқ
93—107 Дилбар ёш сарвоғочи
Гўзал, нозик, ингичка,
Қора жингалак сочи
Адо қўшар ҳуснига
Юзи нақ кўклам чоғи
Кулумсаган бир ғунча
Кўзларининг нигоҳи
Ҳеч кимда йўқ, бошқача...
Бўз кўйлаги ичида
У яна гўзал, нафис
Айнаган эски нимча,
Инжиқ эмас, сокин эмас,
Шўх ва жасур бир қизча.
Етимликнинг совуқ нафас
119 Баъзан шўх дилни босар
148 Юрадилар қувлашиб
167 Билмас эди араз, ноз
179 Қўяди қошга ўсма
203 Ўрта ёғочи чирик
226—233-*лар йўқ*
252 Дилбар қиларди савол
276—277 Ёғарди уни-муни
Лойқа сувдек қалби «соф»
280 Корандаларнинг ёз-қиш
292 У севар эди пулни
296 Хотини Гулинорни
312 Худди ўзни унутди
325—326 Кичик болхонасида
Пирмат тизарди фикрин
351—354 Қосим уриниб боқди,
Зўрға деди: «Бой — ака,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма эҳтиёр сизда»
Манглайидан тер оқди
368 Яна икки йил турсин
374 Болхона зинасида
388—389 Деркан, оқди кўз ёши
Юзнинг чуқурларига
399 Дилбар қувониб яна
427 Қошни қоқиб гапирди
447—448 Муҳаббат — дилда япроқ
Айрилиқ-ла юлунди
456 Таёқ билан кезарди
472 Дилбар севинчи, қани?
485—492-*лар йўқ*
533—548-*лар йўқ*
562 Дилбарга хўб келишган
574 Қучоқлади мустаҳкам
578 Бир замонда турарди
590 Чиниққан Дилбар яна
592 Ишлар эди ҳордиқсиз
601 Бас энди, иши қурсин
616 Бағишланарди дарсга
634 Оғочлар қучоғида
646 Туташарди, ёнарди
677 Кўчиб келди шаҳарга
682 Чиқарди: «Қани, синглим
713 Ташлади кўз учини
733—744-*лар йўқ*
758 Кўз марваридларини
775 Сўзлаб бергач, бир талай
790 Дилбар келди кечқурун
806 Хадича ўлтурарди
842 Ёшликда гули синган
847 Ёр-ёр куйи келарди
855 Чол муаллим йўл бошлаб
862 Айтар эди муаллим
866—867 Виз-виз этиб чўзанак
Тентирайди ҳавода
964 Ҳар ишда оғир бошли
973 Қўролмасди ҳар замон
1061 Айвонда чўт соларди
1076 — «Мактаб очдик, чиқинг сиз
1088 — «А» шундайми, Дилбарой
1090 Чақолоқни бас қил, ҳай!
1092 Яхшилаб уқтиради
1136 Ўпқонини порлатар
1143 Англатди содда, очиқ...
1148 Тили билан жонлатди
1200 Учиб юрарди ёниқ
1259 Қўча жим... ел оз совуқ
1266 Қайитдим энди, ана
1276 Сўзларди қисқа секин
1287 Қоравой тез югурди
1311 Энди олиб жўнайман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЧ

### (Достоннинг мустақил варианти)[1]

Анҳор бўйидаги катта суфада
Тўпланган ёш-яланг: беш-ўн бекорчи.
Бир кўҳна олапес самовар аста,
Инграрди, куйларди белгисиз маршни...
Кишилар кўк чойни секин юталар.
«Зўр туллак зафари» тилларда достон.
Чилимнинг дам-бадам қорни қулдурлар,
Ейилар ҳар ёққа мовий бир туман...
Қуршамиш суфани кўлкали толлар.
Баҳорнинг шу қадар қувноқ бир куни,
Олтиндек жаранглар ҳатто сукути
Дам силар, дам ўпар майин шамоллар.
На гўзал сувларнинг қийқириқлари?
Шодликдан ўзгани билмаган анҳор,
Қуёш сочларида чулғаниб чопар.
Сапчийди тўлқинлар қирқоғлар сари...
Шуъла ёмғирига чўмилиб, ботиб,
Япроқлар шундай бир товланардики...
Қўйнидан шабада кетолмас, қочиб...
Баргаклар силкинар сочпопук каби.
Суфанинг бурчида ёлғиз ўтирар,
Азамат бир йигит, чақин кўз бургут.
Қорамтир юзида жиддият, виқор.
Кўнглини қоплаган мажҳул ҳис-булут.
Эгнида адрас тўн, белда қўш белбоғ.
Тўпписи яримта... кенг кўкрак очиқ.
Темир қафасдаги арслондек шу чоғ,
Ғурурли маъюсдай, қовоқлар солиқ.
Ўртоғи ҳовлиқиб келди узоқдан,
— «Биз ютдик, Холхўжа! иш йирик, дўстим!»
Холхўжа зўраки табассум қилди.
Шу сочи узундан мингта-ку, пирим!
«Қайғурма, қани ол дуторни...» деди.
Чертарди Холхўжа, енгни шимариб...
На ширин ва мунгли дуторнинг тили?
Энг нозик туйғулар кетди, сесканиб,
— Куйлар-ла бирлашди ҳар кимнинг дили...
— «Қўлинг дард кўрмасин!» деркан одамлар.
Дўсти Барат чўтир: «Бир чимдим қўшиқ!»
Холхўжа завқланган.. кўзлари юмуқ,
Бошлади қўшиқни... инграрди дутор.

II

Ёши ўн саккизда, исми Лаълихон,
Қошлари қоп-қора, ингичка, асл.
Лаблари гилосдек гўзал, соф, қизил.

---

[1] «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали, 1932, 6—7-сон, 55—59-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юзлари оқ, тиниқ, кулумсар ҳар ой.
Кўзлари шўх, йирик... киприклари қуюқ.
Кўзлари ҳар замон кулар, ёнарди.
Ҳар кўнгил албатта кўрса қонарди.
Лаълихон исмига ҳар кун бир қўшиқ.
Сочлари белгача... Бўйи юксакди.
Кўкси қўш ҳандалак — чиройли мемма,
Атлас кўйлагини ўпарди аста —
Худди бир шабада елпиган каби...
Юришда, туришда, муомилада
— Сарбастди... уялиш, қизариш билмас.
— Сўзларкан кимсага сўзини бермас,
— Моликди ақилга, муҳокамага...
Томдан-томга сакраб ёшликда ўйнар.
Чиқарди қуш излаб терак учига.
Бутун ўртоқлари эркак болалар,
Ошиқ ўйнар эди чанг кўчаларда.
Дуторни энг яхши у чалар эди
Нусхани энг яхши у чизар эди.
Тўппини энг яхши тайёрлар эди,
Руҳларга ёнғинни у солар эди.
Кампирлар дер эди: «Она хотин бу»
Бошқалар айтарди: «Ўлсин, қақилдоқ...»
Асло қўнмас эди уйқу,
Эсларкан бу қизни кечаси бўйдоқ...
Лаълихон бир уйнинг ёлғиз боласи.
Отаси бир ориқ кўкнори чол-ди.
Уддабурон хотин унинг онаси
Кўпдандир рўзғорни бўйнига олди.
Нонвойлик қиларди кампир қиш ва ёз,
Қизнинг чеварлиги ҳар ёқда машҳур.
Тириклик кечарди, сиқилиб бир оз,
Лаъли сочар эди уйга нашъа, нур...
Совчилар келаркан Лаъли қуварди.
Баъзан косов билан, баъзан сўз билан.
Онаси бу эрка қизнинг ирода
Орзусин, истагин бузмасди чиндан.
Юзини кўрмасдан қалби қонаган,
Суратин хаёлда ясаб топинган,
Йигитлар кўп эди бу маҳаллада...
Ҳатто ўз бурнини эплай олмаган
Устанинг калтаги билан эзилмиш,
Бир косиб шогирди — Аҳмад баёв ҳам,
Кўксида сезарди севгини ҳар дам
(Уларкан бу сирни устага очмиш)...
— «Лаълини олучи туғилмаган-ку»
Аксар йигитларда бу фикр экан,
Фақат Холхўжада умид ва туйғу,
Севгиси май каби қонларга синган...

## III

Холхўжа ота, онадан
Абадий айрилиб қолмишди ёлғиз
Ҳаётнинг у ваҳший тўлқини ҳар он,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Урарди етимни омонсиз, ҳиссиз...
Қашшоқ темирчининг бу етимчаси
Бир бурда нонини минг азоб ила.
Ҳаётнинг тош — хасис қўлидан куч-ла,
Суғириб оларди, тўкиб меҳнатни.
Бажарди эрта-кеч ҳар турли ишни.
Зеҳни ҳар ҳунарга тез киришарди.
Эгни юпун ва оч ўтқизиб қишни
Тириклик чўлида кўкс керарди.
Йилларча ишлади бойлар қўлида.
Йилларча тер тўкди бошқалар учун.
У бир саёқ каби турмуш чўлида,
Шаҳар — қишлоқларни кезмишди узун.
Учради кўзига турли инсонлар
Унга сабоқ берди ҳар гуруҳ туркум.
Ҳар ерда орттирди душман, дўст-ёр
Фақат ўзидеклар қилди табассум.
Ҳаётда у кўрди ҳақсизлик, риё,
Эзилиш, ҳақорат, жабр, кўз ёши.
Нафратлар тошарди қалбида доимо
Бир тўда иржайган тўқларга қарши...
Холхўжа улғайиб арслон боқишли,
Эрксевар ва мағрур бир йигит бўлди
Ўзидек мард, танти йигитлар ила,
Қайларга борсада атрофи тўлди.
— Кўзида ётарди ўғридек бир из
Юруши бир ўзбек полвони каби.
Қалби соф, кўнгилчан ва қўли очиқ.
Тозалик севгучи, хуш табиатли.
Одамлар: «шоир йигит», дер,
Куй тўқиб, дуторни у чалган чоғда.
Душманга отилса худди у бир шер.
Ё бургут сингари, ови оёқда.
Мунофиқ, риёкор, қаллоб, қўрқоқлар
Кўзига илинмас бир чивин каби.
Қўнжида, белида ўткир пичоқлар,
Девга ҳам ҳужумдан қайтмас балки.
Фақат Лаълихоннинг бир тола сочи
Бу мағрур ва ёвуз кўнгилни шундай
Чандиб боғладики, борму иложи?
Тим қора, сеҳрли сочларки, тундай...
Бир куни Холхўжа тураркан ёлғиз
Лаълихон эшикдан чиқиб бир ўзи,
Кетарди бир ёққа... кеча кимсасиз.
Холхўжа гап отди, тикилди кўзи.
Лаълихон чачванни очиб қайрилди.
Фақат унга махсус адо, ноз ила:
«— Сизда ҳам тил бормиш, ҳой полвон ака!»
Деди-да, бир кулди, чиройли кулди.
Мард йигит уялиб ерга боқаркан,
Чачвонни тушуриб кетдида қолди.
Кўзлари, сўзлари, кулиши билан
Йигитнинг кўнглига севгини солди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лаълини мақтаркан йигит-яланглар,
«Бу — гўдак ўйини», дея куларди
Темир гавдасини энди у эгар,
Лаълини ёдларкан тани куярди...
Кечалар уйқу йўқ... пўлат юракни
Қизғин қон сиқарди, босарди ҳар чоқ.
Бузарди «уҳ» билан тин теваракни.
Товуқлар ўтади... Тонг йўқ, тун узоқ.
Баъзи чоқ у қадар ғайрати тошар,
Йиғмоқ истар эди бутун тўсиқни
Бақирмоқ истарди тинмаса қонлар,
Лаълихон исмига тўққан қўшиғи
Холхўжа бағрини шубҳа тилганди.
Ўтарди ҳафталар қийноқ ичинда.
Бир қанча синашдан сўнгра билганди:
Севги ёнарди Лаъли кўксинда.

IV

Баҳорнинг энг гўзал илиқ кечаси.
Ҳамма эл ухлаган... нафис бир сукут...
Юлдуз-ла тикилган кўкнинг каштаси
Эрирди бир парча майин оқ булут...
Пастгина кўримсиз қийшиқ деворга
Суяниб Холхўжа турар беқарор.
Ҳовлини қоплаган бир тўда толга
Урулиб, суйкалиб ўйнар шамоллар...
Йигит кутар экан, ҳаяжон ила,
Оғочлар ичиндан чиқди Лаълихон.
Севинчдан титраркан Холхўжа шу он:
—«Чол-кампир уйқуда. Қўрқмангиз, ака!»
Дейди-да, самимий нашъали боқди.
Паст девор орқали бирлашди қўллар.
Сўнгра бўса учун чанқов дудоқлар.
Қонларда шу замон учқунлар чақди...
Ой нури оқарди ипакдан майин,
Худди Лаълихонни сочлари каби.
На йигит ва қизнинг шивирлашгани,
Сингари ел ва барг ўйнарди секин
Бўсадан сўзларга, сўздан бўсага
Қучиш-ла ўтарди бу тотли онлар —
Ҳаётда энг нодир учрар маржонлар —
Кўнгиллар севгига қониқмас яна...
Тинликни бузмишди шақилдоқ бирдан.
Узоқда қоровул... булар айрилди.
Холхўжа кайфи чоқ уйга қайрилди.
Ва йўлда сўзлашди қоровул билан:
—«Ҳай, ўғри қаердан?», қоровул кулди.
—«Касофат, бошингни олиб қўяйми?»
Ҳазиллар, сўкишлар бир оз чўзилди.
— «Айтгандек, ҳой, дўстим, мана шу ойни
(Қоровул кулди-да, боқди осмонга)
Билдингми, яқинда тўйи бўлармиш»
Тушунмай «нима-ди?», деди Холхўжа.
—«Лаълини бойвачча Ҳошим олармиш»



www.ziyouz.com kutubxonasi

—«Ким айтди? Бойвачча уйланган киши...»
—«Пул деган одамни қутуртирадир
Ман кундуз супурдим ташқарисини,
Бойвачча маст эди, сирини очди.
Кўкнори бекитқич пул олиб еган».
Қоровул сўйларкан аста ва жиддий
Холхўжа ғазабдан ўзини базур
Тутди-да, гапирди, товуши дардли:
—«Камбағал ошиғи ҳар вақт чикка...
Тўғри, пулимиз йўқ, жонни тикканмиз»
—«Лаълини олмоқчи беш-ўн кунликка.
Албатта қиз кўнмас, жуда пишиқ қиз»
Қоровул энгашиб, сирли ва аста:
—«Қадамни тўғри бос, у санга душман»
«Узардим олмадек калласини ман,
Тергайди ит ўғили сариғ палиса...»
Дейди Холхўжанинг ёнди кўзлари...
—«Оқ пошшо деган ҳам бойлар томони.
Ман кўрдим Ҳошимда кўпдир сурати...»
Дейди-да, хўшлашиб кетди қоровул.
Холхўжа жўнаркан, қалбида висол:
Ва ҳижрон туйғуси ёнар, яралар.
Қаршида елпираб баргак ёзган тол
Табиат шеърини қиларди такрор...

## V

Катта бир чойхона.... Одам кўп, қалин
Чойнаклар чиқирлар, кўк пиёлалар,
Чертилар, даврани кезар дам сайин...
Ҳар ёнда сўзлашар ва қаҳқаҳалар.
Куёшнинг ингичка олов .сочлари...
Оғочлар ичидан тўкилар, тарқоқ
Ҳовузда сувлар ҳам яшил, зангори
Ва турли рангларга бўялар порлоқ...
Ранг сариқ, эт ориқ, тирноғи лакли
Косиблар жумалик қилар бир ёқда.
Нариги суфада кучли, юракли,
Кўнчилар ҳангома, улфат қурмоқда,
Бир тўда чапани, мусофир, саёқ
Йигитлар ўтирар Холхўжа ила...
Бу тўда ўзгача .. жуда хушчақчақ
Сўзлари ҳам қўпол, ҳам нозик инжа.
Чойхона олдида тўхтади файтун.
Тушмишди бир йигит орриқ, рангпар, маст.
Жужунча камзулли. қўлда шойи тўн,
Амиркон этикли, такаббур бўй — паст.
Чойхўрлар ўзаро шивирлашарди:
—«Шу Ҳошим бойвачча... қовоқхонадан».
Чакиб папирусни мағрур куларди.
Бойвачча юрули Холхўжа томон
Хошим бойвачнанинг отаси донгдор
Унинг мой заводи ҳар ёққа машҳур.
Инсон тер, қонидан унган олтинлар
Бағишлар уларга кайф, сафо, сурур...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу қонсиз ва шалоқ йигит ўзини
Ҳар ерда, ҳар замон сезарди ҳоким.
Керилиб боқувчи нурсиз кўзини,
Кўрганда ёш-қари титрарди доим.
Такаббур йигитнинг мушт, шапалоғин
Маҳалла қашшоғи билар «тотини».
Унинг бўш қалбини, бўш ҳаётини
Тўлдирар ичкилик, қарта ва хотин,
—«Чал дутор, ол ашулани!»
«Лаълихон» деган бир қўшиғинг бормиш»
Дер экан, Ҳошимнинг тиржайди лаби.
«Ҳазил йўқ, бойвачча, кўп қилма ғиш-ғиш».
Чапаннинг кўзлари бошқачалашди.
—«Пул десанг, мана пул... Лаълига қурбон»
Ҳошимнинг оғзидан қаҳқаҳа тошди.
Чўнтакдан бир даста пулни отган он,
Шер каби сапчиди Холхўжа ердан,
«Пақ» этиб астойдил бир калла солди.
Ҳошим думаларкан баланд суфадан,
Одамлар зўр билан айириб олди.
Холхўжа ўзининг ҳар томирида.
Бир арслон кучини сезарди шу чоғ.
Унғайди у учун ҳафсала қилса,
Унларча ушлаган қўллардан чиқмоқ
Қий-чувлар битмасдан келди миршаблар
Ҳошимни ҳурматла уйга юборди.
Ҳамма жим. Битмишди кулушлар, гаплар...
Кўпларнинг чапанга кўнгли қонарди:
Холхўжа салмоқли жиддий ва оғир,
Кетарди парвосиз маҳкама сари,
Икки қилич унга орқадан боқир,
Уликнинг серрайган боқиши каби...

## VI

Холхўжа қамоқда... Қолди Лаълихон
Марварид донаси каби кўз ёшлар,
Тўкилар йигитни эслаган замон.
Энди ўйнамайди чиройли қошлар.
Атлас кўйлак кийиб, шоҳи рўмоллар
Ураб демасмиди:«мана мен гўзал!»
Энди қучоқлайди қўрқинч хаёллар.
Синмишди кўнглида умид ва алам.
Қани мағрур, жасур асрлон чапани?
Қани у куч оққан пўлатдан қўллар?
Фикрлар қамалган каптарлар каби,
Уринар, йиқилар, йўқ эркин йўллар.
Дам йиғиб, дам ёйиб киприкларини
Юлдузлар узоқда кўз қисар, ўйнар.
Ой сургар майин нур этакларини,
Қани паст деворда учрашган чоғлар?
Қистарди отани Ҳошим бойвачча...
Кўкнори дағдаға қилар ҳар куни:
—«Уй-жойим кетади шу беш юз сўмга,
Тегмасанг, лаънати, ҳой ит тухуми!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қилтириқ бўйнида чўзилар томир.
Ғазабдан бу чолнинг шилпиқ кўзлари
Кўнгилга тикондек ботиб қадалир,
Уй-жойни эшитгач кампир сўзлари,
Лаълининг бошини қотирар эди:
—«Шумтака чапани қуриб-қақшасин.
Иситган сани у... дерди кун сайин...
«Совутиш» чорасин ахтарар эди.
Холхўжа бўлсайди, Лаъли қочарди
У билан бирликда узоқ жойларга...
Ёлғизлик ваҳмаси оғуш очарди,
Қалбида асраган гул саройларга.
Фақат ҳовлилари сотилиб кетса...
Яна қиз ўйларди ота-онани —
На дейди кўкнори «оқ қилдим» деса!
Тўкилар тинимсиз кўз ёш маржони.
Кўкнори жавобин бериб юборган.
Шу яқин ўртада тўй бўлажакди.
Мажҳул хаёлларга ботмиш Лаълихон.
Юзлари сапсариқ қуриқ япроқди
Бир куни бойвачча «чапан отилган»,
Деган бир хабарни ёйди, тарқатди.
Яшин тушган каби гўзал Лаълихон
Ичидан титради... жимгина қотди.
Лаълихон истамас бойвачча эрни
Чапани Холхўжа чиқмас ёдидан.
Кучишга тайёрди совуқ-муз ерни,
У бир қиз... Ким қўрқар унинг оҳидан?

Бу муҳит нақадар бўғуқ ва сиқиқ?
Инсон ўз орзусин қила олмаса...
Севгилар, умидлар, кўнгуллар синиқ.
Фикрлар, ишончлар бари талваса.
Оталар, оналар қизини сотсин!
Киз эрки улар-чун ўтмас бир чақа.
Энг қўпол хирсини пулдор юпатсин,
Камбағал кўнглига қоқилсин тақа!
Дин, ахлоқ ва одат занжири надан,
Боғласин, чирмасин қашшоқ бўйнини?
Севгини ва эркини танимас экан,
Очар бир туркумга бахтнинг қўйнини!

VII

Ҳамма камбағаллар бурчак-бурчакда:
—«Холхўжа раҳматли хўп азамат-ди»
—«Дунёга бир келар бундоғи, ака!»
Дейишиб ўзаро шивирлашарди.
Дўсти Барат чўтир дардли ёнарди,
Чапани куйлаги худди оловдан.
Хар кеча минг турли режа қурарди.
Ўртоғи ёдидан чикмас бир замон.
Хошим бойваччанинг бир отбокари —
Турсунқул бу уйда калтак-ла ўсган —
Холхўжанинг эди қалин ўртоғи.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Куярди дўстига у-да ичида.
Барат чўтир ила иккиси бир тун
—«Кўкка учирамиз бойнинг кулини!»
Деган бир қарорга келишди... шу кун
Аста еткиздилар олов тилини.
Қоқ ярим кечада кўкка юксалди,
Пишқириб, буралиб, гуруллаб олов
Муҳташам бинони чулғаб судралди,
Сапсариғ, даҳшатли илон қўрқинч ёв
Қий-чув... шовқин сурон... мис қалпоқлилар
Сув билан оловнинг сочларин кесар.
Ичида севиниб бутун қашшоқлар
—«Бу ҳам оз бой учун...» деб шивирлашар.
Узоқдан томоша этарди Барат.
Шодликдан, завқлардан кўкси қабарган.
—«Ҳай сани дадангни» дея ҳақорат
Қиларди ичида Ҳошимни ҳар он.
Осмон порлар эди шафо сингари.
Бинони тутқучи ич қобирғалар,
Йиқилар худди бир скелет каби,
Тўхтовсиз ҳар ёнга ўт тўлқун ёғар.
Шу онда қамоққа «шубҳаланилган»
Бир қанча камбағал олиниб қолди.
Фақат Барат чўтир: «ўтни қўйдим ман!»
Дейди-да, эртаси ўзи қамалди.

## VIII

Ёнғиндан бир ҳафта кейинги кунда,
Эрталаб уйғонди Ҳошим бош оғриқ.
(Чунки жуда қаттик ичилган тунди)
Келарди бир ёқдан йиғи, қичқириқ...
—«Қаёқдан бу йиғи?» хизматкор чолдан
Сўради бойвачча, қараб тескари.
—«Бирининг қулоғи остида қолган».
Содда чол яширди, қалт-қалт титради.
—«Чолсиз-ку, нимага ёлғон сўйлайсиз?
Кўкнори уйидан худди шу йиғи»,
Чол энди яширмоқ эпин билмади:
—«Заҳар ичиб ўлибди тунда... нодон қиз»,
Дея чол тасалли бермоқ истаркан.
Илжайиб бошлади сўзни бойвачча:
—«Бир ҳафта қолганди кўп бўлса туйга.
Энди қутулубман бу пасткашлардан».
Чол жуда ҳайратда қараб турарди.
Папирус тутатиб сўзларди яна:
—«Жуда зерикаман, ота шаҳарда.
Бугун ман далага бориб ов қилай.
Айтинг Мирхолиққа, файтунни қўшсин.
—«Хўп, чироқ!», дейди-да чол чиқиб кетди
—«Ўзини бермади бир кунлик учун,
Ахмоқ қиз ўзини бошига етди».
Бойвачча шуларни ўйлаб юраркан,
Эсига тушди бир русча ашула,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрганмишди бузуқ «баришна»лардан
Аридек ғўнғиллаб берилди куйга.

Чиройли югрук қора от чопар.
Файтун ҳам ювилган, тоза, ярқироқ...
Такаббур Ҳошимни аста чайқатар,
Чармдан ёстиқлар, момиқдан юмшоқ.
Рўбару кўчадан чиқди бир тобут,
Елкалар устида оғир лопиллаб...
Ичида Лаълихон абадий сукут,
Абадий ҳечликни ётар қучоқлаб.
Ҳаммадан олдинда кетар Кўкнори,
Букчайиб, судралиб: «вой болам», дея.
Самимий ихлос-ла бутун ёш-қари,
Дам бадам тобутни олар елкага...
От ҳуркиб ўзгартди ўз юришини,
Ҳечнима кўрмаган каби бойвачча,
Кетарди бузмасдан ўтиришини...
Чиройли бир «пасткаш» ўлибди, нима?!

Иккиси кетарди икки томонга
Бириси боғларда кўнгил очарди,
Қуёш, шамол, кўкат уни қучади...
Зангори уфқлар, кўк манзаралар,
Чечаклар, қўшиқчи қуш паррандалар,
Шодликлар тўкмасми жонга ва қонга?
Батрак, корандалар қўллари билан,
Яшнаган далалар овутар уни.
Бойликдан, тўқликдан вужудга келган
Ешилар Ҳошимнинг юрак тугуни...
Кўнгулда қонмаган тоза севгини
Лаъли қучиб ётар ернинг қўйнига,
Сўндирди қонларда шўх бир севгини,
Чирмашмай ёрининг кучли бўйнига.
Ҳар ёққа нашъа нур сепган Лаълихон
Ётади.. Қоронғу, тилсиз бир чуқур.
Кечаси юлдузлар... Тонгда ғазалхон,
Булбуллар бошинда марсия ўқур...

## IX

Мозор янглиғ қора, жимжит бир кеча
Холхўжа юрарди аста ва оғир.
Роҳат эмасмиди у учун турма?
Шу тобда бадани қизғин бир тандир.
Уч ойлаб чўзилган қамоқдан кейин,
Кочмишди турмадан Лаълихон учун.
Уйларкан чапани қовушмоқ эпин,
Абадий синмишди умидлар бутун.
Эшитгач дўстлардан воқеаларни,
Ёрилди бомбадек бир нима ичда...
Ахтарса тополмас у ширин ёрни.
Севгани Лаъли йўқ, у ётар «ҳеч»да...
Кундузлар бекиниб тунларда юрар.
Уч кундир Холхўжа йўлда кутарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўч олиш туйғуси кўкракни урар,
Тўғонни бузгучи тўлқинлар каби.
Шу тобда фикрлар, сезгилар тарқоқ,
Ҳеч тутиб ололмас улар, кўлкалар.
Эргучи бу юртда туролмас узоқ
Йигитни тортадир мажҳул ўлкалар.
Эриган қўрғошин янглиғ ғазаби,
Хамма томрини кириб тўлдирган.
Ҳар қандай тўсуққа шу бугун рози.
Холхўжа албатта олажак ўч-қон.
Туртинган қадамлар узоқда... шу чоғ
Холхўжа ўзин бурчакка олди.
Тикилди, таниди, келгач яқинроқ,
Йиртқичдек сапчиди... Пичоқни солди...
«Их» дея йиқилди, жим бўлди кейин.
Бойвачча кетмишди йўқликка мангу.
Жўнади Холхўжа енгил ва эркин...
Чапаннинг энг тўғри ҳақиқати — бу!

тамом

## Достон журнал вариантининг қоралама автографи (ҚА)

14 Нашъадан ўзгани билмаган анҳор
16 Сапчилар тўлқинлар қирғоқлар сари
20 (?) Уйналар севилмиш икки ёр каби
25 Эгнида адрас тўн, белда уч белбоғ
41 Бошлади қўшиқни... инградди дутор
41-*дан кейин:*
(Чапани характерда соф руҳли қўшиқ)
— Қани, юр, такяга... ясайлик бир он
— Беданам ютуғи, ўзим ҳам қурбон
Кетаркан азамат икки орқадан
Ҳар бир кўз тикилди севинч-ла бир он
42 Ёши ўн тўққизда исми Лолахон
49 Лолахон исмига ҳар кун бир қўшиқ
70 Лолахон бир уйнинг ёлғиз боласи
76—78 Тириклик ўтарди, сиқилиб бир он (ОкА)
Лола тўкар эди уйга нашъа, нур
Совчилар келаркан, қувларди Лола
90 Лолани ҳидловчи туғилмаган-ку»
94 Холхўжа ёшликда ота-онадан (ОкА)
116 Нафратлар тошарди калбида доимо (ОкА)
126 Одамлар орқадан: «Шоир йигит», дер (ОкА)
139 Лаълихон чиқиб бир ўзи эшикдан
141 Чапани гап отди, тикилди кўзи (ОкА)
155 Кизғин қон ўрарди, сиқарди ҳар чоқ (ОкА)
161 Лаълининг исмига тўққан қўшиғи (ОкА)
165 Севги ёнар эмиш Лаъли кўксинда
174 Чапани кутаркан ҳаяжон ила (ОкА)
188-*дан кейин:*
Томирларда чопар қизғин, ёш қонлар
190 Тинликни бузмишди бирдан шақилдок (ОкА)
193 Йўлда сўзлашди қоровул билан (ОкА)
199-*йўқ*



www.ziyouz.com kutubxonasi

214 Қоровул бошлади сирли ва аста (ОкА)
218—219 Деркан Холхўжанинг энди кўзлари
Оқ пошшо деган ҳам пулдор томони (ОкА)
220 «Кўп-ку бойваччада пошшо сурати»
220-*дан кейин:*
Қўлидан келганни қилсин ҳароми
221-*дан кейин:*
Холхўжа бошини кўтарди тикка
Тонг яқин... юксакда юлдузлар нурсиз
221-*йўқ*
222 Жўнаркан уйига, қалбида висол
245 Амиркон этикли, мағрур, бўйи паст
249 Аланглаб юрурди Холхўжа томон (ОкА)
262 «Ҳой, йигит!» Чал дутор, ол ашулани (ОкА)
266 Холхўжа кўзлари бошқачалашди
270 Холхўжа шер каби сапчиди ердан (ОкА)
276 Ўнғайди унинг-чун ҳафсала қилса
286 Чапани қамоқда... Қолди Лаълихон (ОкА)
307 Бу чолнинг ғазабдан шилпиқ кўзлари (ОкА)
323 Яна қиз ўйлайди ота-онани
356 Холхўжанинг эди қалин ўртоғи (ОкА)
368 Ичидан севинар бутун қашшоқлар
377 Бир ёқдан бир ёққа ўт тўлқин оқар.
378 Шу тобда қамоққа «шубҳаланилган» (ОкА)
382 Ёнғиндан бир ҳафта сўнги бир кунди
384 Чунки энг қаттиқ ичилган кунди
390 «Ота, сиз чолсиз-ку, ёлғон сўйлайсиз
393 «Заҳар еб ўлибди тунда... нодон қиз (ОкА)
401 Бугун бир далага бориб ов қилай
403 «Хўп, мирзам!»
406 Бойвачча шуларни юриб ўйларкан (ОкА)
432 Булар солмайдими шўхликни қонга
445 Мозор жим-жит, қоронғу кеча
465 Эритма қўрғошин янглиғ ғазаби
466 Бутун томрини кириб тўлдирган (ОкА)
472 Бургутдек сапчиди... Пичоқни солди (ОкА)

**Достон журнал вариантининг оққа кўчирилган автографи (ОкА)**

16 Сапчирди тўлқинлар қирғоқлар сари
220 Ҳошимда жуда кўп унинг сурати
222 Чапани кетаркан, қалбида висол
377 Ҳар ёнга тўхтовсиз ўт тўлқин ёғар
432 Шодликлар бағишлар қонга ва жонга
414 Бойлик ва фаҳшнинг меваси — шалоқ
418 Ҳаёт чўлларида у қолди ёлғиз
438 Ўч туйғуси, ғазаб.
Эзгучи юрт танг.
441 Қичқирар шотутда. Дўсти қоровул

**Достоннинг нашр этилган матни вариантлари.**

35 На ширин, на мунгли дуторнинг тили? (1949, 1955, 1957)
53 Шўх эди. Ёшликда том-батом ўйнар (1949, 1955, 1957).
65 Товушин бир топқир эшитса бўйдоқ (1949)



www.ziyouz.com kutubxonasi

244 Кўзин узмай юрар у Холхўжадан (1949)
284 Қани сочин силар меҳрибон қўллар (1949)
314 На дейди Кўкнори «оқ қилдим» деса (1949).
438 Ўч туйғуси ғазаб. Эзгучи юрт танг (1949)

Достон иккинчи вариантининг автографи

4 Чалар-ди хилма-хил маршларини хўб
7 Чилимнинг дам-бадам қорни қулдурлар
17 Шўъла ёмғирига чўмилиб, ботиб
35—36 На ширин, на мунгли дуторнинг тили
Нозик туйғуларга ўт қўшар секин
53 Шўх эди. Ёшликда том-батом ўйнар
130 Бу мағрур ва ёвуз кўнгилни шундай
168 Ел қучоқ очади ҳар ёндан такрор
211 Узардим олмадек калласини ман
244 Кўзини узмай юрар у Холхўжадан
269 Ҳамманинг лабида кесилар гаплар
284 Қани сочин силар меҳрибон қўллар
310 Юз сўлғин, бош букик, пармалайди ўй.
326 Фикрлар, ишончлар бари талваса
338 Деб мотам тутган маҳалласи эди
366 Ҳавони йиртади йиғи, қичқириқ
375 Илжайиб мўйлабин бурайди Ҳошим
395 Ишқ, эрк ва гўзаллик —
Бари ҳам нодир.

## ТЕМИРЧИ ЖЎРА
(59-бет)

Темирчи Жўра кофир ҳақида

Достон

(Достоннинг мустақил варианти)[1]

Ишлар эди кеча-кундуз
Темирчи куч, тер қуярақ
Оғир болға тушар гурс-гурс...
Қалин темир урса япроқ.
Ўрта бўйли, кенг елкали,
Темир, пўлат қаттиқлиғин,
Шимиб олган қўли, тани,
Фақат кўзлар боқар майин.
Жиддият ва ғурур оқар
Тунж ингичка юзидаги
Тўғри, чуқур чизиқлардан...
Манглайи кенг... ялтираган
Қиш қиличи кесолмайди,
Темирчининг қўлин ишдан.
Совуқ қанот кералмасди,
Айриларди музли тишдан.
Ёз чоғлари оқизиб тер,

---

[1] Ойбек, «Бахтигул ва Соғиндиқ», Достон ва шеърлар, Ўздавнашр, Тошкент, 1934.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олов, темир билан ёнар.
Бу меҳнатнинг тимсоли — эр,
Қонларида ғайрат жўшар.
Қайғу, ҳасрат, қора кунлар
Буколмасди унинг қаддин.
Изтироб ва мунгли унлар
Ҳеч қурмамиш қалбида ин...

Ғазабини темир каби,
Учоқдаги ўтга кўмар
Метин билак ва зарбаси
Бахт учқунин унга тўкар.

Темирчиди отаси ҳам,
Бу ҳунарнинг тош қўлларин,
Ёшлигидан тутиб маҳкам
(Атак-чечак қилиб юрган)
Билгиладн ўз йўлларин
Меҳнати-ла бу темирчи,
Беш боланинг бошин силар.
Болалардан фақат бири,
Дамни тортиб кўмаклашар.

Юз ямалган эски чопон,
Қийсада у кўп ғурурли.
Сота олмас мулла, эшон,

Унга аслю тупугини...
Тиланишни, садқани,
Қишанларни ҳеч истамас.
Олов билан, меҳнат билан,
Олар эди эркин нафас,
Урамаган бирор куни,
На оқ салла, на кўк салла
«Жўра кофир» дерди уни,
Ёш ва қари маҳаллада...
Намозларга парвосизди...
—«Минг сажда қил, пешанага,
Битта чақа ёпишмайди».
Деб урарди кенг синага...
Бу лақамга қанча йиллар,
Жўра шундай ўрганмушкн —
Кофир сўзи тушса агар,
Пайқамасди ўз исмини...
Абжадни ҳам ўқимаган,
Темирчининг ақли ўткур.
Озод эди хаёллардан.
Қарашлари метин, жасур.
Ўтда қизиб болға билан,
Яссиланган темир каби,
Пишиқ эди фикрлари.
Сўнмас кўнгил ҳис елидан.
Пахта завод ишчисида,
Унинг қалин дўсти Турсун.
Ҳамма вақт оч, эгни юпун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир-бирига дил сирини,
Йўлуққанда очишарди.
«Кўролмайди... фикри бузуқ».
Деб булардан қочишарди,
Мулкдор, боққол, ҳар қорни тўқ...
Азондан то шомга қадар,
Ишлаб Турсун толиқарди,
Приступга салом бермай,
Еки сўкиб қамаларди...
Узун бўйи юк тагида,
Пишиқланган пўлат каби.
Кучлар ёнар билагида
Иш-ла қотган бел суяги...

Ҳар кеч ишдан қайтиб Турсун,
Темирчига йўлиқарди,
Махоркани ўраб узун,
Соатларча сўзлашарди.
Баъзан ичиб келар Турсун,
—«Ер, кўк — дунё бир капика».
Сўкар эди фақат русча...
Баъзи чоғда ғазабланиб:
—«Тегизмаймиз ишга қўлни.
Забастовка қилдик бу кун»,
Деб муйлабдан қуяр тутун.
—«Рус ишчиси билар йўлни».

Жўра солиб қовоғини:
—«Бундан фойда борми, тентак...»
Хўжайинлар оёғини
Тираб ишдан қувар итдак...»
Деб темирчи сўкар уни...
—«Кўпайтирсин ойлик пулни.
Кўпчиликдан қолма деган,
Бутун завод, ишчи як тан»
Қалин ўртоқ бу иккиси
Очиқ — содда, такаллуфсиз,
Уруш, сўкиш қолдирмас из,
Кийимда тер — меҳнат иси...

Инқилобнинг бош кунлари...
Эски ҳаёт — тузилишнинг,
Тубанларда сурилишнинг,
Совурилган кукунлари...
Бир кун солди Турсун довруқ:
«Ишчи, деҳқон, камбағаллар
Бундан кейин ошинг қуюқ.
Омад келди, қадни кўтар».
Содда сўзлар бомба каби
Юракларда ёриларди,
Кўҳна онг — ҳис палахсаси,
Негизидан зил синарди.
Ҳаммадан тез сезди Жўра,
Ўзгаришнинг тўлқунини,
Ҳаёт эмас энди кўра —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кийди қуёш — ўт нурини.
Илинган бир ҳайвон каби,
Шошиб қолди кўп боёнлар.
Бужмаишди эски махси.
Янглиғ юзлар ва ҳамёнлар,
«Мастеравой» иш бошида.
Бой тўлғониб илон каби,
Сингдиролмас ютканини,
Заҳар ёнар қарашида.
Болғасини кўриб қолди,
Байроқларда Жўра кофир.
Шу тобда-ёқ уни фикр,
Ва шодликлар ўраб олди.
Минг йилларнинг занжирини
Парчалаган улуғ кунлар,
Қаҳрамонлик — эрк сирини.
Қучмиш олов жасур тунлар,
Темирчидан қуйди бир мард.
Қиндан чиққан қилич каби,
У шайланди кураш сари...
У — коммунист тасма белда,
Оёғида қўпол этик.
Бўрон ва қор, ёмғир, селда,
Қадам қўяр кескин, тетик,
Турсун билан бирга бўлди.
Қилишарди мардлик била...
Бойлар мулкин мусодара.
Янги ғайрат кучга тўлди...
Ер қўйнига кириб олган
Сандиқларда асл моллар,
Нафис, нақшли уй, деворлар,
Орасида жим биқинган,
Олтин, кумуш ва зийнатлар,
Темирчининг кўз қирини —
Ваҳмасидан титрайдилар,
Жўрада бор ортиқ сезги...

Ҳазилсуман дерди кофир:
—«Ҳаммангизга бир ҳафтада,
Текислайман... қашшоқ, бой — бир»
Бу сўзларни эшитаркан,
Шодлик, умид учқунлари,
Қашшоқларнинг кўзларидан,
Учар... кулар ёш ва қари.
Ўн тўққизинчи йил... оқлар
Янчилмаган илон каби,
Ўз бошини кўтаргали
Бир уринди... қишки чоқлар...
Бермай кураш минутини,
Ишчи очди ёвларга ўт.
Совуқ кунлар сукунатини
Ёрди милтиқ ва пулемёт.
Оқлар қўйгач биринчи ўқ,
Бойлардаги синиқ тилак,
Шол умидлар, жин капалак,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаби учди, кўзларда дўқ...
Ўч олишга келди қулай,
Чоғлар, дейиб вақирлашди,
Маҳаллада эллик боши,
Домла, имом, пахтачи бой.
Танча сўниқ... кўмир, ўтин
Тамом бўлган, қиш жуда зўр.
Болаларнинг эгни юпун,
Лекин шўхлик қонларда қўр.
Шўх тойчадек ўйнашарди
Думалашиб, ғамсиз, эркин.
Кичик ўғли от қиларди,
Отасининг кенг елкасин...
Отасида бу кеч аммо,
Бир табассум изи йўқди,
Катта бир тош каби асло
Тебранишсиз, чўкмиш эди.
Оқ пўлатдан қуюлгандек,
Кўзи оғир ўқрайганди.
Ғазаблари уюлгандек,
Пешонаси бужрайганди.
Кутар эди Турсунни у.
Тақирлагач шу чоғ эшик,
Жўра турди... фақат, уйқу —
Қучоғида тинган бешик,
Кофир кўнглин бузди бир он...
Калта, вазмин пўстинини
Кийди, белда камар — арқон.
Бошга илди телпагини.
Қўлда милтиқ... чиқди уйдан,
Катта отиб қадамини...
Қор ётарди тиз бўйидан...
Йиғлаб қолди жим хотини.

Милтиқларнинг чакаги ҳеч,
Ўчмас эди ҳар томонда...
Отиш, отиш... камарда зич,
Ўқ терилган, олов қонда,
Большевиклар кўкрак билан,
Қарши олиб душманларни,
Тўкардилар пулемётдан
Оловланган маъданларни.
Қилинганди илма-тешик
Ўқлар билан тун чодири.
Ғажир эди ойна, эшик,
Деворларни ўқ ёмғири.

Жўра кофир ишчилар-ла,
Курашарди онгли, жасур.
Томирида жўшар ғурур.
Дер: «Ёв бўлсун тилка-тилка»
Чакалакда ётиб қорга,
Отишарди тез, муттасил.
Қайнарди қўл, билак ва дил,
Ўлим отиб ёв — оқларга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

....Маҳкам тутиб милтиғини,
Дам чўккалаб, дам тик туриб,
Қувди оқлар барисини,
...Қадамларни мардча суриб...
Изғирининг ўткур тиши
Темирчининг баданидан
Ўтолмасди... ҳунар иши,
Пишитганди олов билан.

Қуваларкан «гуп» йиқилди,
Аммо кофир шошиб яна
Қувиб кетди.. бир дамгина
Ағдарилди... сўнгра билди:
Бир нимадир ёқар эди,
Куяр эди темир бадан.
Томирлардан оқар эди,
Оғриқ, алам, кўзлар туман.
Келди пайқаб ўртоқлари
Қўли билан: «олға!» дерди.
Жўра кофир — қаҳрамон эр.
Қорларда қон япроқлари...
Юмшоқ қорга бошни солди.
Кўздан ўтди ўғилчаси.
Қизил байроқ, чўнг болғаси,
Сўнг нафаси ўчди, қолди...

*Тошкент, 1933 йил.*

**Достоннинг 1934 йилда нашр этилган матнининг қоралама автографи (ҚА)**

4 Қалин темир худди япроқ
13 Қиш қиличи кесолмасди
19 Меҳнатнинг бу — тимсоли, эр
24 Қурмаган ҳеч қалбида ин
32 (Атак-чечак қилган эди)
37 Дамни тортар, кўмак берар
38—41-*лар 42—45-дан кейин ёзилган.*
78 Ёш гавдаси юк тагида
82—105-*лар 163-дан кейин ёзилган*
82 Ишдан қайтиб ишчи Турсун
84—85 Соатларча сўзлашарди
Махоркани ўраб узун
86 Баъзан ичиб келиб Турсун
89 Баъзи чоғда керилларди
90—93 «Забастовка қилдик бу кун
Тегизмаймиз ишга қўлни»,
Мўйлабидан қуйиб тутун.
—«Ишчи ўрис билар йўлни
99—100 «Кўпчиликдан қолма деган
Кўпайтирсин ойлик пулни
110—117-*лар 163-дан кейин ёзилган*
112—113 Омад келди, қадни кўтар
Бундан кейин олинг қуюқ
116 Кўҳна уй-ҳис палласи



www.ziyouz.com kutubxonasi

117-*дан кейин:*
Шамолларнинг муз қаноти
Елпинарди оғир-оғир
Қор чопонни бир қавати
Тўнган ерни қалтиратир (?)
Ҳар кўчада томоғини
Тақиллатиб ўлим-шарпа
Кезар сергак, очкўз, хафа
Осилтириб кир жағини...(?)
118—119 Ўзгаришнинг тўлқинини
Ҳаммадан тез сезди Жўра.
134—140-*лар 121-дан кейин ёзилган.*
146 Қилишарди жасурлик-ла
151 Нафис нақшли ганч деворлар
155—156 Ваҳмасидан кетолмайлар(?)
Жўра оқил, сезги
161 Севинч, умид учқунлари
163 Учиб... кулар ёш ва қари
192 Нақ пўлатдан қуюлгандек
200 Тўлқинлатди қалбим бирон
205 Ҳаккалатиб қадамини
220 Ишчилар-ла Жўра бирга
226 Қайнарди қўл, билак ҳам дил
228 Маҳкам ушлаб милтиғини
230 Қувди оқлар бўрисини (ОкА)
231 Одимларни мардча суриб
237 Аммо Жўра шошиб яна
239 Таппа тушди, сўнгра билди
244 Келса пайқаб ўртоқлари
245 Қўли билан «олға чоп!»— дер
Қўли билан «олға бос!»— дер
248 Қор-ёстиққа бошни солди

**Достоннинг 1934 йилда нашр этилган матнининг оққа кўчирилган автографи (ОкА)**

1—2 Темирчи куч, тер қуяроқ,
Ишлар эди кеча-кундуз.
4 Қалин темир бўлур япроқ
68 Ҳар вақт оч, эгни юпун
245 Қўли билан «олға бос!»— дер

**Достоннинг қайта ишланган вариантининг автографи.**

24 Бахт учқунин унга тугар
109 Дилдан чуқур сезди Жўра
131—132 Темирчининг кўз қирини
Дарров искар... омбор-омбор
150 Совуқ кўкни ўқлар ёрар
152 Разил оқлар бош кўтарар
157 Уч олишни тилар бари
166 Чарсиллайди ҳаво совуқ
171 Дингиллатар, қий-чув, шовқин
176 Кишнамайди, у шунчалар



www.ziyouz.com kutubxonasi

220 «Молодец!!—дер Жўра кофир
235 Кучи синиқ, йиқилди эр
238 Сўнг кўзидан ўтар бу он.

## ДОСТОННИНГ НАШР ЭТИЛГАН МАТНЛАРИ

13 Ҳо қиш бўлсин, ҳо саратон (1949, 1955, 1957)
150 Совуқ кўкни ўқлар ёрар» (1949)
152 Разил оқлар бош кўтарар (1949)
160—161 Изғишади, кўзларда дўқ
Меҳнаткашлар бироқ ҳушёр (1949)
166 Чарсиллайди ҳаво совуқ (1949)
171 Дингиллатар, қий-чув, шовқин (1949)
220 «Молодец!»— дер Жўра кофир (1949, 1955, 1957)

## БАХТИГУЛ ВА СОҒИНДИҚ
(65-бет)

### Бувимнинг айтмишларидан

(Достоннинг мустақил варианти)[1]

Отабой номли бир қўйчи борди...
Унга қарарди ҳисобсиз тева.
Қирни қопларди йилқи, қўйлари,
Ўнларча чўпон, карол хизматда...
Ҳар йил қатнарди Қарқарага у,
Юкларни жойлаб нор теваларга
Карвон жўнар-кан шавкат, дабдаба...
Жаранг-журунг... ҳам шовқин қий-чув
Эллик беш ёшли Отабой мағрур.
Семиз, яғринли... қорни — бордондай
Болдирга махси топилмас қулай
Боқилган қўйдек лапанглаб юрур...
Отабой оғир нақ кунда каби
Унча-мунча от бел тутмас унга.
Бир кўзи қисиқ... қалинди лаби,
Камгап, баджаҳл, ҳар сўзи — сўна,
Ҳафсала қилса, бир семиз қўзи
Бир ўтиришда бўлар эди зим.
Тоғараларни бўшатар ўзи,
Катта зарангда қимиз — бир ичим...
Қозоқи пўстун, қозоқи қамчин,
Қозоқи қалпоқ ярашар эди.
Безаклик эмас, балки энг матин —
Пишиқ нарсани у мақтар эди,
Мирза хат ёзар... Отабой аста,
Қалин бармоқни сиёхлаб босар.
Уйида ҳар чоқ юмшоқ пўстакда
Тўнкадек оғир, сокин ўтирар.
Унинг онг — фикри туёқ сонида...

[1] Ойбек. «Бахтигул ва Соғиндиқ». Достон ва шеърлар, Ўздавнашр, Тошкент, 1934.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Унга бахт берган қўй қумалоғи
Яйлов ўтлоқлар, қирғизлар тоғи,
Отабой қўйчининг кенг қанотида...
Чўллар қумнинг яллуғларида
Боболари ҳам пишган, чиниққан.
«Қуртлаган шўр сув ичиб мол топган.
Бизнинг боболар» дер одамларига...
Қаҳратон қишнинг оқ қанотида,
Мол боқиб ўлган қарол, чўпонлар,
Чўлда қум тишлаб, мол ҳайдаганлар,
Келмас-ди унинг ҳеч хаёлига.
Қарқара... бозор, шамол, чанг, шовқин,
Яғиринли, митқи чўл қозоқлари
Чорвачи бойлар бўридан пўстун,
Кумуш ишланган эгарда бари.
Булар молини ҳайдаб келмоқда,
Увада кийим исқирт қароллар.
Ораларида хотинлар, чоллар...
Шовқин, ҳай-ҳу, чанг, бозор қизимоқда.
Қий-кукунларга чўққайиб санар,
Чорвачи бойлар даста ақчалар,
Савдонинг тўймас қорни ютмоқда,
Мингларча қўйлар, тева, йилқилар...
Чиқди Отабой ўтовдан секин...
Кекириб, кулиб, кирди бозорга,
Танишлар билан кўришиб, кейин —
Балиқдай шўнғиб кетди савдога,
Лекин, кун оққач кўрди Отабой,
Туки йўқ, ориқ тевада бир қиз,
Қийғач кўзлари ёнар ёқутдай,
Ўнтўрт-ўнбешда, ёш, дуркун, семиз...
Юзи кенг аммо, тиниқ олма ранг,
Гилосдек тоза, ширин дудоқлар...
Отабой эплаб ўзини аранг,
Тикилди... хирсига тушди титроқлар...
Қора соч қизнинг исми Бахти Гул.
Севар Соғиндиқ номли бахшини,
Унда тошарди севгучи кўнгил.
Асло истамас ундан яхшини...
Қозоқ гўзали бир етимча қиз,
Чол бобосининг қўлида қолган
Бозор кўргани келмиш даладан,
Чиройли кўзлар ўйнарди дардсиз...
Бир неча кун қиз билан ҳангама,
Этмак орзуси билан Отабой,
Енди... эсига тушди бойвучча.
«Ҳа... биргап бўлар» деб ешди қулай.
Мирзасига бой қилди табассум
Мақсади қизни қўлга қўндириш...
Овчи истаги ўтмасдан бир зум,
Қанотланганди... бидти ҳамма иш,
Бир неча машғур чорвачи қозоқ,
Ўртага тушиб арзон баҳога,
Олиб беришди... қиз боёқиш-нақ,
Ҳурккан кийикдек боқди бобога...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қамбағал бобо ақчани олди,
Хушлашиб тева етаклар экан,
Бахти Гул шунда ҳўнгради, қолди,
Қалбига тўлди ниналар бирдан...
Ботди кўлкага тепалар, сойлар,
Оқшом... қорилди ҳаддан кўп норин,
Йиғилди таниш, савдогар, бойлар,...
Табрикладилар, тўлдириб қорин...
Ҳаммадан бу чоғ Отабой мамнун.
Туёқ сонини унутди бирдам.
«Бой бобом — йигит,... йигитдек уйи,
Кўрсатар ҳали...» дерди ҳар беғам.
Нориндан кейин қари савдогар,
Ўз билганича никоҳ ўқиди,
Қизнинг қўйнига бой қачон кирар?
Минут йил каби... сандиқ ва қути
Ичин ақтариб қизни ясатди.
Шолча, гиламлар билан безалган,
Катта муҳташам ўтов ўрнатди.
Гиламлар енди шағам нуридан...
Ўксиз Бахти Гул ёт бир ўтовда.
Кўз инжусининг шодаси узуқ,
Бутун севгилар, орзулар юлуқ,
Қаршинда қўпол, қориндор гавда...
Отабой кулиб, сўйлаб қозоқча,
Кўрпага тортди қизнинг қўлидан.
Вахши хирисларни юпатди ақча,
Қиз ҳасрат ичди ҳаёт қўлидан
Кун-тун Бахти Гул ўтовда қолди.
Эридан ўзга киролмас ҳеч ким.
Эркин қанотлар тош боғлаб олди,
Руҳ кишан кийди, инграр кўнгил жим.
На элдан хабар, на қуёш на ой
Қани қирларнинг майин шамоли?
Қани селларга ётоқ бўлган сой?
Қани нашъали овул оқшоми?
Ўтовда ёлғиз зерикиб бир кун,
Бахти Гул секин ўлан этаркан,
Отабой кириб урди зарбидан,
Қиз юзи енди... чақнади учқун...
Ўтди ҳафталар... тугалди савдо,
Мингларча молни Отабой ҳайдаб,
Бошлади сафар... дашт, чўл, саҳро...
Малайларига буйруқ ва хитоб
Кун чиқиб қумдан қумларга ботар,
Шамоллар сургар қум тепаларни.
Чўл танирида баданлар қуврар,
Тунда ҳам остда қумлар тушаги...
Бахти Гул қалин чакман ёпинган
Юзини қоплар қўпол бир парда,
Шўхлиқ ёшлиги ва қалби синган,
Кетар юк каби оғир тевада...
Кўзларда қайғу оғир — нақ қўлом.
Тунларда уйқу киприкдан қайтар
Ҳомила, касал... боши айланар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сочлари кир, қум... кўнгли беором.
«Ит эмган» дея эри чақирар,
Чўккан тевага ёнбошлаб ўзи
Бекатда ёлғиз овқат татинар.
Ўтган изларга тикилар кўзи...
Ортда қолмишди бир кун эридан,
Бойда ғазабнинг тошди тўлқуни,
Бекатда таёқ қаршилаб уни,
Лат еди гавда қанча еридан...
«Мана бу чўри. оти — Бахти Гул»
Ўз хотинига деди Отабой.
Бойвучча Зийнат талтайиб буткул,
«Бежирим экан: енгил — нақ қушдай,
Оёғи қутли бўлсин илоҳим»
Керилиб Зийнат, ортди кўп юмуш,
Тўктирди тувак, қирқтирди ўтун,
Катта оила кирини ювиш...
Тўртта боланинг онаси Зийнат
Гўзаллигини сақлаган хотин
Упа эликни тарк этмас фақат...
Севгани домила, полвун ва отин.
Қасалчил, бадхўй, асабий, айёр,
Ғазаби келса асбоб-идишни
Чил-чил қиларди... ҳамма хизматкор,
Кипрак кўтармай бажарар ишни.
Кўп буйруқлари Отабой учун
Қалин бир занжир, узолмас кулай,
«Чўрининг» сирин ешилмас тугун
Сингари тутди бой бир икки ой...
Бахти Гул қорни қаппайди анча.
Бутун сирларга ошно бўлган
Бир қозоқ чеча билдирди аста,
Зийнат кунларча қилди тўпалон...
Чўри сочини тутамлаб юлди.
Тортди чўзмадек қулоқларидан...
Овқат пишканда у унутилди?
Иплар ўтказди дудоқларидан...
Отабой ҳатто ердан боқолмас,
Эрининг изин Зийнат пойлади.
Чўри сўроқсиз гугурт ёқолмас,
Чунки бойвучча тепиб қарғайди
Азондан бошлаб то ёткунча эл
Унга энг оғир юмуш топилар.
Игнадан камар таққан каби бел,
Безиллаб оғрир... Оёқ, қўл толар.
Ҳафталар ўтар, учмайди бир сўз
Унинг чиройли писта оғзидан,
Ҳасрат-ла тўла қора бодом кўз.
Кўнглига осган қонлардан маржон...
Даланинг эркин қизи ҳовлида
Қани қир, адир, тоғлар, тепалар,
Улан этарди ўз овулида
Энди қамоқда, йўқ улан — лапар...
Тунда чўзилар ўтинхонада.
Чурук наматлар ёстиқ-тушаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳорган қулоғи чалар ноғора
Тушда қучоқлар бахти — севгани...

Қиш чилласининг совуқ кунлари,
«Дуп» этиб тушар, учаркан мучча,
Ернинг музлари тошойна каби,
Оғочлар тўкар садаф тугмача...
Поча пўстунга ўралиб Зийнат,
Қишда кайфланиб қаҳқаҳа сочар.
Ой-куни етик чўрида меҳнат,
Юз-қўлин тилган изғирин-ханжар.
Бир қиш оқшоми оғриқ бошланди,
Дардин кимга билдирар, очар?
Ўтинлар ёрар, сигирга қарар...
Сўнг қозон-товоқ ювиб тинчланди.
Қишлиқ уйида катта ошхона.
Тўқим ёпиниб, оёқларини,
Узатиб ётди иссиқ ўчоққа
Совуқ ўйнатар дудоқларини...
Дам-бадам оғриқ... қақшайди бели.
Қўрқудан юрак портламоқ истар,
Туйнукда ўйнар чилланинг ели.
Кўз ёши тинмас, Бахти Гул инграр,
Бунда на шағам, нада жинчироқ
Ҳамма уйқуда, қоқ ярим кеча,
Жуда тезланди, кучланди тўлғоқ...
Кучарди туриб хумларни куч-ла...
Сўнг кучаниш-ла бўшанди ичи.
«Ингиллаб берди бирдан чақалоқ
Кўзларда ёниб оналик меҳри.
Шошиб рўмолга ўради шу чоқ
Тўқлидек ўғли бешикда ётар,
Онаси куйлар қозоқча алла.
Ешиб оларкан, ўпиб қучоқлар,
Чақалоққа от қўйилди Жума...
Зийнат кўзи ўқ отар болага
Йиғласа тепар бешиги билан:
«Миросхўр бўлмай қуриб қақшая».
Отабой кулар... бепарво ундан.
Кўклам бошланди Отабой яна,
Қарқара сари қилганди сафар.
Жума тўқлини Зийнат бир хила,
Билан ўлдирди... берганди заҳар.
Бахти Гул қолди юлиб сочини,
Бу фалакатни билмай сабабин.
Кечалар тўкар кўздан ёшини,
Кимга очар у ярали кўнглин...

Кеч куз сафардан қайтди Отабой
Келмишди анча янги қороллар.
Катта майдонда ўт ёқиб талай —
Вақтгача ҳар тун мол боқардилар.
Домбра чалиб айталар ўлан.
Полвон йигитлар баъзи чоқларда...
Оғир меҳнатдан барчаси гаранг,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Севганлар қолган кўп узоқларда...
Бир кун Бахти Гул ёқимли таниш,
Овоз эшитди,... шошди, хаприрди.
Қалбига тушди бир чўғ, бир ёниш...
Бу чиндан бахши — бу Соғиндиқди
Ўчоқ бошида чиқиб тинглади.
Томирларида гўзал қўшиқлар,
Оқди қуёшнинг нури сингари.
Қани йиқилса бутун тўсиқлар...
Бахти Гул қанот ёйса-да учса,
Улан юксалиб хотирлатарди,
Эски кунларни яна бир қучса,
Кунлар занжири эзиб ўтарди...

Соғиндиқ учун ҳаёт қоронғи,
Бахти Гулидан айрилган чоқди
Овулда кўнгли ҳар дам қонарди.
Табассум қотиб куйчи дудоқда...
Йил ўтди... севги, дард тўлқинланди.
Қарқарада у бойни ахтариб,
Хизматкор бўлиб унга ёлланди.
Чўлларни ошди севгидан ёниб,
Бахти Гул бундан севмас ўзгани.
Ё ўлар бунда, ёки қутқарар...
Бахти Гул ҳолин унга гапирди
Ичкарида ёш малай болалар
Девордан ўйиб кичкина тешик,
Баъзан ҳовлига мўралар эди.
Тунларда қулуб тақиб ҳар эшик,
Курашмак эпин йўқотар эди.
Уланларида дардин англатар —
Севги, айрилиқ, соғиниш, хаёл
Бахти Гул тинглаб баргдек қалтирар.
Кўз ёшларини артар кир рўмол...

Отабой зулми ҳаддан ошарди.
Йилларча ишлаб елкаси чиққан,
Меҳнатда синган қароллар борди.
На кийим, на пул, на раҳмат олган...
Бир кун жирон от оғриди, ўлди.
Хабарсиз қолган ҳамма хизматкор.
Бой кўзи ғазаб, нафратга тўлди,
Учта қаролни ўтқизиб қатор,
Саваб ташлади... синди таёқлар...
Зарбидан ҳар бири қаттиқ букирди.
Этлар қабарди.. қонли ёноқлар...
Тупроқ, лойларга обдан сурилди.
Соғиндиқ зўрға белни кўтарди
Таёқ оғриғи бутун баданда.
Бойга қарши у зимдан ишларди.
Хизматкорлардан ҳар аламзада
Қўшилди унга... бир ойдан кейин
Ҳамма қароллар тил бириктирди.
Ён қўшни бўзчи йигит ҳам секин,
Ишни пайқагач майлин билдирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўзчи кимсасиз ғариб бўйдоқди.
Отабой уни ўғри деб бир чоғ,
Дарралатканди бекларга ноҳақ,
Ҳақни гапириш чиндан ясоқди:
Қози калонлар ҳам қўш бегилар,
Зиёфат кўрар Отабойлардан,
Олтин кумушлар ва шоҳи чопон,
Бошқа инъомлар олиб эгилар...
Ўнтача қарол, бўзчи майдонда...
Тун қоронғуси қуюқ ва қалин.
Юварди ёмғир томчилаб аста,
Кечанинг қора юмшоқ сочларин,
Биқиниб, секин жиддий сўзлайлар
Товушлар титрақ, бўғуқ, шубҳали,
Қийин, қўрқинчли ишни кўзлайлар.
Енга солмайлар насвой шишани.
Ўзаро қизди талашу жанжал,
Узула ёзди маслаҳат ипи.
Соғиндиқ уқтирди ўз режасини,
Буйруқлар берди: «сан бор ё сан қол!»
Бир-икки киши кўча пойлади.
Бўзчи уйидан чиқарди нарвон.
Бири ўн чоқли от тайёрларди
Бошқалар жасур тушдилар томдан
Адрас кўрпалар, пар тўшак ястиқ.
Отабой, Зийнат тинчиб ухларди.
Соғиндиқ, бўзчи минди, бўғарди,
Сўнгра кесилди... йўқ дод, қичқириқ...
Беш йигит уйни ёқди бемалол.
Бузилди қанча сандиқ, қутилар.
Гиламлар, олтин, кумуш қуйимлар...
Соғиндиқ чиқди,— тер артди шамол.
Севгилисини анча қидирди.
Юрак ҳаприқар, кўзлари ёнар.
Эски ҳужрага умидсиз кирди.
Пайпаслаб кўрди, алла ким ухлар
—«Ким бу? Бахти Гул?» деди Соғиндиқ
Бахти Гул чўчиб турди ўриндан,
Кучоқлаб йиғлаб деди: «тез кет, чиқ.
Бой билиб қолар, чиқиб кет бундан».
Соғиндиқ кулди, ишни билдирди.
Бахти Гул қучди севинчлар билан,
Йигитлар молни териб битирди.
Отларга минди ҳаммаси бирдан.
Бошда Соғиндиқ, Бахти Гул учар,
Тун қоронғисин отлар ёрарди.
Чўлни мўлжаллаб йўлни солдилар,
Қонларда шодлик, умид оқарди...

**Достоннинг 1934 йилда нашр этилган вариантининг қоралама автографи (ҚА)[1].**

[1] Бу достоннинг ҚА билан ОкА ўртасидаги фарқ йўқлиги аниқланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3 Қўйлар ейилса қирни қопларди
7 Карвон жўнарди шавкат-дабдаба
8 Кўзларда яратиб таажжуб туйғу(?)
28 Отабой тўнка сокин ўтирар
48 Шовқин, ҳай-ҳу, чанг, авжда бозор ҳам
50 Чорвачи даста-даста ақчалар
66 Овулда севар ёш бир бахшини
78 Мақсади қушни қўлга қўндириш (ҚА, ОкА)
79 Овчи орзуси ўтмасдан бир зум
92 Табрик қилишди тўлдириб қорин(?)
103 Муҳташам, тоза ўтоқ ўрнатди
113 Бахтигул кун-тун ўтовда қолди
116 Руҳ кишанларда инграр, кўнгил жим
127 Бошлади сафар, сесканди саҳро
129 Кун чиқар қумлардан, қумларга ботар
134 Юзини қоплар оқ дока парда
137 Кўзларда нашъа йўқ, кўзларда қўлом
143 Бекатда ёлғиз у овқатланар
146 Бойда ғазабнинг тўлқини тошди
148 Лат еди суяклар қанча еридан
158 Гўзаллиги ҳеч кетмаган хотин
170—171 Қозоқ қароллари очдилар аста
Бутун сирларга ошно бўлган
176 Ип ўтказилди дудоқларидан
191 Ўлан чўзарди ўз овулида
198 «Дуп» этиб тушди учаркан мучча
205—206 Ўтин ёрди у, сигирга қарар
Қозон-товоқлар ювиб тинчланди
240 Кеч куз сафардан келди Отабой
254—255 Томирлар сари гўзал қўшиқлар
Оқди қуёшнинг нури сингари
264 Табассум қотди куйчи дудоқда
303 Дарралатганди бекларга беҳақ
327 Бўзчи, Соғиндиқ қаттиқ бўғарди

**Достоннинг қайта ишланган вариантининг қоралама автографи.**

1 Бир қўйчи борди Отабой деган (ОкА)
8 Карвон жаранги юзарди аста
13 Тўнкадек оғир (ҳа, отта жабр)
22 Қозоқи қалпоқ, қозоқи қамчин
24 Этик нағали — от тақаси чин
26 Йўғон бармоғи — қалам ҳам имзо
27 Минг қўйни санар бир кўз югуртиб (ОкА)
40 Сирларин билар дашт биёбонлар
46 Туну кун сурар исқирт қароллар
48 Чангдан чиқар юпун аёллар, чоллар
51 Чўққайиб ҳийда даста-даста пул
65—66 Лекин Отабой бўлиб қолди лол
Сеҳрлангандек недир ногоҳон
92 Тия олмайди, дилда лим-лим ғам
94 Мирзо пихиллаб қормоқда норин (ОкА)
103 Руҳида ҳислар қора тундайди
105 Севар эди қиз — етим Бахтигул



www.ziyouz.com kutubxonasi

110 Қандай сайрайди булбул дўмбира
117 Қекириб жирар Отабой мана (ОкА)
120 Бахтигул зир титрар, кесилган нафас,
121—122 Кун-тун Бахтигул қолди қамоқда
Эридан ўзга киролмас ҳеч ким
134 Юрагини у истар бўшатмоқ
137 Ҳафталар ўтди тугалди савдо
138 Минглларча қўйни ҳайдар Отабой
146 Паранжи тикиш йўлда имконсиз
148 Тевада юкдай борар суронсиз
180—181 Учади фарёд — ўнгми ёки туш?
Бахтигул учмак истайди ёрга
203 Кўрпа ҳам тўшак-намат чуруги
210 Бир зиндо эди, энди қабрдай (ҚҚ)
263 Дўмбирам, мақта ёрни (ОкА)
271 Шунчалар чеккан ҳасрат бадали
305 Сўнгра зулмни, бойни қарғайлар (ОкА)

**Достоннинг қайта ишланган вариантининг оққа кўчирилган автографи (ОкА)**

13 Тўнгакдек оғир (ҳа, отга жабр)
48 Чангга ботишган аёллар, чоллар

**Достоннинг нашр этилган матнлари**

1 Бир қўйчи бор Отабой деган (1949)
3 Қўйлари учун қирлари тор экан (1949)
13 Тўнгакдай оғир (ҳа, отга жабр) (1949)
79 Саҳрода ичиб бир заранг қимиз (1957)
94 Мирза эзгилаб қормоқда норин (1949, 1955, 1957)
117 Кекириб кирар Отабой мана (1949)
132 Бир одат борми бундан-да ёмон (1949, 1955)
305 Сўнгра зулмни, бойни қарғайлар (1949, 1955, 1957).

## ЎРОЗНИНГ БАХТИ
(75-бет)

Достоннинг нашр этилган ва қўлёзма матнлари

27 Елкани ўт ел
31 Кечар бутун ёз
53 Турмуш мушкулди
57 Ташди ғаллалар
72 Ўн йилги ишдан
83 Кўмилган эди
83-*дан кейин:*
Умиднинг тахти
Куйдирилган эди(?)
90 Бой Маннон қулоқ
111 Берилмай тинлик
148 Қорача қизга



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧУПОН ҚЎШИҒИ

(79-бет)

**Достоннинг автограф матнлари.**

6—9 Қуёш сочларни
Олтин тожларни
Кўтарди кўпдан
Дала оқшоми
11 Шаталоқ отар
34 Тошга осилган
41 Паст, кичик, бузуқ
46 Бир нашъа каби
73—97-*лар ҚА да 133 дан кейин берилган*
110—113 Тоғда тор йўллар
Ичра кўп замон
Шиддатли дўллар
Қилди тош бўрон
121 Ўраб йиқарди
122—123 Қуёш нури сел
Каби оқарди
134 Матин тунж оёқ
136—137 Тош чўққиларин
Чарҳловчи қайроқ
161—164-*лар ҚА да 109-дан кейин берилган.*
163 Етим кўп чоқлар
275 Шаҳар чизилди
276 Кўрсатди Парпи
314 Олов тил ялар
345 Бир нима қилар
352 Шунча иш нарса
*Алоҳида бир саҳифага 1 рақами қўйилиб ёзилган:*
Қир, тепалардан
Қуёш сочлари —
Бир атлас каби
Ёниб, товланиб
Кўтариларкан,
Булутлар ёнар,
Аланга-дудсиз
Бир олов денгиз
Эди уфқлар.

## ҚАҲРАМОН ҚИЗ

(89-бет)

**Достоннинг нашр этилган матнининг қоралама автографи (ҚА).**

4 Ҳам дилбар, ҳам асабий
5—9-*мисралар ҚА да 12-дан кейин ёзилган*
6 Қуюрди заррин ёмғир (зарли?)
9 Ҳаво куюб сесканар
12 Иш қайнар менсимай, шан
19 Қалбида кини ғув-ғув
24 Текканди ваъд этиб ёр



www.ziyouz.com kutubxonasi

38 Қонға чанқоқ олчоқ ёв (қонсираган:)
40—41 Эмилия шўх, олов
Ёш укасини шу кун
50 Майли, ишқ, жон, қалб фидо
58 Ойлардир йўқ тиним, чин
61 Отди қиз тетик одим
64-*ҚА да йўқ*
85 Қиз кирди тўдасига
88—89 Учди юзларча лочин!
Қиз ҳандалакда. Жабҳа тинч
90—92 Синмас ғурур ва севинч
Эмилияда фақат
110—111 Бир қари деҳқон қизга
Сўйлайди ғазаб билан
113 Сақлаймиз маҳкам уни
125 Кичик бўлмай, баҳслашув
126 Ғирт коммунист отани
128 Пишиқ у... ғарнаталик
130 Тортишар эди жўшқин
118—133 ҚА да алоҳида қўшимча қоғозга ёзилган
134 Совет, колхоз, Ленин
137 Билар маъносин равшан
141 Доҳий! — суюнди чол
143 Гўзал, ҳур ватан йўлин
145 Сиқди маҳкам қиз қўлин
147 Душман суворийлари
170—174-*ҚА охирида берилган*
174—177 ҚА да 193 дан кейин ёзилган
200 Ғайрат кини қайнарди
205 Қалб ўлимга деди: йўқ!
210 Орзуга қониқмаган

## ГУЛНОЗ
(96-бет)

**Достоннинг қоралама автограф варианти (ҚА).**

3 Қизалоқдан гилами ҳар ён
9 Ўлтиради дон элаб бир чол (ОкА)
12 Унинг асли оти Мирбобо
19 «Куч оловин бериб, кулини (Куч олови бойга)
22 У кўпдандир колхоз кексаси (ОкА)
34 Баъзан берар ўхшатиб жавоб (ОкА)
37 Тансиқ миниб тепки арава
39 — Қизим, тағин янги ҳангама
42 Қанча кутдим, ахир етишдим (ОкА)
49 Севинарди кўрса боёқиш
56 Ҳуснида куч, жасорат авзал
59 Соғ латофат. Қуёш, иш чиндан (ОкА)
68 Ҳар йил олдин қиз звеноси (ОкА)
71—72 Локин Тансиқ истайди чин ёр
Ишда, кучда истар донғини
74 Ота ва қиз ичишади чой
77 «Гап сотиб у, дер эди қизга.
86 Электрик станса. Ундан (ОкА)



www.ziyouz.com kutubxonasi

87 Бутун қишлоқ ёнади ёз-қиш
Қанча қишлоқ ёритар ёз-қиш (ОкА)
91 Юрт куйи ошиб кетди. Бу аниқ
101 Тансиқ келиб, қўйиб кетмонни
Гулноз келиб, қўйиб кетмонни
103 Сифат яхши, ҳаммадан олдин ОкА)
108 Бор шекилли бир каромати
123 Юқорига тезда қурамиз
126 Шошиб, апир-тупур ер экан (ОкА)
130 Янгича-ку, жонга кўп яқин (ОкА)
152 Кейин кўча сукутга толди (ОкА)
160 Гўё қалбга тушди ўт томчи
199 Тансиқ фикран қилади қиёс
217 Шапакилаб турарди доим... (ОкА)
233 Яйраб кетди етимча бутун
241 Техникага меҳр туяди
246 Илк хўроз-ла туриб борарди
249 Сочларини шошиб тарарди
251 Гуллар тожин нозик чайқарди
261 Кўрсатарди нуқсонни очиқ
273 Тансиқда йўқ ўзга бир фироқ
288 Машина, қум, семон, темир, ғишт... (ОкА)
289—301 Ёш ва қари узоқ, яқиндан
Келар эди томоша учун
Экскаватор ваҳмасиндан
Тааджжубга келишар бутун:
317 Биринчи ишқ, қишлоқи бир ёр
320 Имо билан баъзилар дер: «ўп!»
325 Билмайсанки, надир сабаби
330 Боқчалардан отади олма
336 У-да, Тансиқ! На қилсин Мадёр!
347 Сургар эди тегирмон томон (ОкА)
348 Тансиқ билан кўришган куни
358 Хира чироқ шуъласида у
377 Шарбатга зўр беринг, юз оғир (ОкА)
427 Яширолмас ўз нафратини (ОкА)
428 Из қидириб очиқдан-очиқ
429 Бошланганди ҳаракатини (ОкА)
464 Бир тепани ўтди у пусиб
468 Яқинида кўлка йўқолди
469 Бир кулбанинг ортида Мадёр (ОкА)
487 Эшон кулиб тизини урар. (ОкА)
489—590 Йўқ. Ҳар ишга Мадёр айбдор
Қизни бузди, Олишга ҳайрон (ОкА)
524 Ҳаяжон-ла боқди ўнг-сўлга (ОкА)
528 Раис кўзи чиқди қинидан (ОкА)
544 «Мадёр, Мадёр!»— Тансиқ қўл ёзди
545 Шайка қотди, ранг-рўйи бўза (ОкА)
546-*ҚА, ОкА ларда йўқ*
549 Келинчакдек у безатилган
559 Халқ яйрарди, шодлик беҳудуд
566 Бу ажойиб Ильич лампаси (ОкА)
578 Халқ яйрарди шавқли ва қувноқ
579 Куй, ўйинлар тинмасди бирон
**583 Қишлоқдаги офтобини (ОкА)**



www.ziyouz.com kutubxonasi

584 Мақтар эди ҳозир Мадёр ҳам
586 Ёриб кетди, қара, бор олам
590 Ақлинг бажо, ғайратинг кўпминг
604 Ва йигит-да бир зум жим қолди.

**Достоннинг оққа кўчирилган автограф варианти (ОкА)**

4 Кўклам кайфи ҳар ёнда ҳоким
101 Гулноз келиб, қўйиб кетмонни
108 Борми тағин бир кароматн
189 Мадёр дарров ишга тушади
233 Яйраб кетди етим бус-бутун
317 Биринчи ишқ, қишлоқи бир ёр
ёки
Биринчи ишқ, самимий бир ёр
370 Гулноз дарров ўз пахтасини
544 «Мадёр, Мадёр!»— Гулноз қўл ёзди.

## НАВОИЙ
(111-бет)

**Достоннинг қоралама автограф варианти (ҚА)**

7—8 Буюк қалб, ишқ ва буюк фикр
10 Қуюқ унинг киприги, қоши.
5—8-*лар 52-дан кейин ёзилган*
15—18-*лар ҚА да 4-дан кейин ёзилган*
4 ва 15-*орасида:* Гўзал, оппоқ салла бошида
Келишганди қадди ёшига.
19—20-*лар 13—14-лар ёнида ёзилган*
21—36-*лар 18-дан кейин ёзилган*
23—24 Ялтирайди олтин шамдон
Токчаларда кўп китоб, девон
26 Ёндирарди шамнинг нури
35—36 Ранг-ранг яшнар сўз чаманзори
Порлатади фикр офтоби
37—38-*лар 44-дан кейин ёзилган*
39—44-*лар ҚА да 14-дан кейин ёзилган*
39—42 Зўр оғсада умр қуёши
Ёшлик ўти қалбнинг йўлдоши
Соч-соқолни қиров босса-да,
Ижодида ҳали ёз яна
44 Буюк қалбдан бир учқун фақат
45—48-*лар 38-дан кейин ёзилган*
49—52-*лар 56-дан кейин ёзилган*
50 Ухлар эди Ҳирот жимгина
52 Баъзан йиртар эди кечани
48 ва 53-*орасида қуйидаги мисралар ёзилган:*
Сўнг токчадан бир қалин девон
Олади у, гўзал гулистон

Очилгандай ҳар саҳифадан
Китоб нафис... узоқ ўлкадан,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоғлар, чўллар ошиб шу бугун
Келган эди — йўл юриб узун..,

Кекса шоир нома ёзади
Шоирани табрик қилади
Ва таъзимкор услуб-ла тағин
Қайд этади совға, саломин

Юксак эди хаёл парвози

Ўсиқ қошлар чимирилган оз
Нақ ҳаётга қилган каби ноз.
53 Узоқлардан қичқирар хўроз
55—56-*лар 36-дан кейин ёзилган*
59 Хиёбонлар шундай гўзал, тин
65—68-*лар йўқолган*
73 Кўшкка томон қайрилган замон
77—78 Бир мис тобоқ ақиқдай олма:
«Тақсир, тотиб кўрингиз, мана!»
82 Жалб этади ранги, жилоси:...
90-*дан кейин ёзилган:*
Деворларнинг нақши ранго-ранг
Битикларга бўлмиш ҳамоҳанг.
100 Оғир меҳнат чаққан бу эрни
102 Мўйлаби сабз ва қадди букук
105 Маъмурликни бериб оламга
116 Зангин кўшки, тоқу равоқи
118—180 Нурлар ўйнар ранго-ранг тошда (ранг-баранг)
Бу — ялтироқ, «оқ суяк» Ҳирот
Май, мусиқа қайнаган ҳаёт
128 Тушмас лабдан учган ҳар сўзи
129—132-*лар 125-дан кейин ёзилган.*
133 Канизаклар бошида кимлар?
151 Шеър ва фан ила «ярқироқ»
158 Ким чайқамас «балли!» деб бўйин
160-*дан кейин ёзилган:*
Дўстлик ипи шу қадар таранг,
Ел тўқинса узулгай важанг
161 Сура кетди шоҳнинг қувғини
164 Чақмасдан у кирмасди қинга
167 Ўчирмоқчи бўлмадими шоҳ
170 Буюруҳга солди ғам-андуҳ
172 Имон ҳали қуёшдай порлоқ
181 Улар қўйиб қўлни кўксига
184—185 Бири баён қилар ҳол-аҳвол
«Ҳазратлари, паноҳингизга
188 Самарқанддан чиқдик нақ етим
190 Қувват берди сизнинг остона
197 Бир кўп шоир, бир неча олим
202 Қанча олим, қаҳрамон зикри
216—217 Куйлар солар ҳисларни мавжга
Садоларда шоир бастакор
Фикрин топар сеҳрли диёр
234 Тоғ-тоғ шоҳи ўртасида чол
236 Шоир кечар аста, улуғвор



www.ziyouz.com kutubxonasi

242 «Боғи жаҳонаро гўзал, шар
246—249-*лар 237-дан кейин ёзилган*
252—253 Тартиб, одоб ила турарди
Базмда май сероб оқарди
254—259-*лар 264-дан кейин ёзилган*
256—257 Ҳаммасида зарбоб ва шойи
Асл тошлар ранг-ранг порлаши
260—263-*лар 245-дан кейин ёзилган.*
264—326-*лар 253-дан кейин ёзилган*
268 Тортиларди чуно-чун таом
278 Ҳали базм ибтидоси бу
280 Кеча бўйлаб қанча ҳангома
286—287 Ота билан қиличлашгали,
Қўзғашади ҳар кун фитнани
291 Энди қалбга ўзга завқлар бор
297 Оғир меҳнат ила ёнароқ
299 Эшитмаса мастлар товушин!
230—311-*лар йўқ.*
314 Биров гўзал сас ва куй ила
319 Севинч қайнаб кетди бор қонда
324 Мўл-мўл тўкди санъат меваси
326 Ярашади унга ифтихор.

**Достоннинг нашр этилган варианти (1949)**[1]

36 Ранг-ранг яшнар, сўз чаманзори
39 Зўр оғса-да умр қуёши
41 Соч-соқоли қиров босса-да
42 Ижодида ҳали ёз яна
52 Баъзан йиртар эди кечани
181 Улар қўйиб қўлни сийнага
220 Ҳолвофуруш мақтар матойин
236 Шоир кезар аста, улуғвор
241 «Боғи жаҳон аро» гўзал, шан
252 Тартиб, адаб ила турарди
278 Ҳали базм ибтидоси бу
299 Эшитмас у мастларнинг товшин
314 Биров гўзал сас ва куй ила
320 Курашларга отдирган, бешак

## ҚАМОНЧИ

(119-бет)

**Достоннинг қўлёзма автографи (ҚА)**

15 Нега «уҳ» тортиб у ётар кўп замон?
27 Уни элитганди титрак садолар
41 Келарди баъзи вақт сайёр машшоқлар
57 Дўст-ёр тутунмас—«дуруströқ» одам,
62 «Ҳар танноз қиз мени тилар албатта!»
69 «Айналай, дунёда тенгсиз созанда

---

[1] Достоннинг 1949 йилдан кейин чоп этилган матнларида ўзгаришлар йўқлиги аниқланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

71—72 «Айби йўқ, беқусур эмас ҳеч банда
На қилай, қизим ёш... Бўлмайди, сингил!»
95—97 Сен ёлғиз таянчим,— она меҳрибон
Ишчи бўл, дўхтур бўл майли, бўл ҳомбол
Муздикончи бўлма, мен эмас рози
100 Майли, Масковга кет, бошқа илм ўқи!
123 Барча ҳаракатга етмишди марра (Барча ҳаракатлар кесилди шартта).
128 Киприк қимирлаганин сезажак жимжит.
133 Дам майин титрарди руҳланган камон
145—147 Қолмаганди шу чоқ ўзга бир армон
Қувончдан кўз ёши мўл-кўл оқарди (дув-дув)
Гул, олқиш қоплаган ўғилни шу он

## ҚИЗЛАР
(125-бет)

**Достоннинг қоралама автограф варианти (ҚА)**

2 Далаларда қайнар оқ қуюн (ОкА)
3—4 Сирли, ваҳм шовлар қамичзор
Қишлоқ яшар бурқутиб тутун
5 Ҳар бир уйда ташвиш ва ҳижрон (ОкА)
10-*дан кейин ёзилган:*
Қанча оғир бўлмасин айём,
Қандай аччиқ бўлмасин фироқ
Ўзин шон-ла безарди ҳар ном —
Бола ва чол, кампир, қизалоқ
18 Метин ерни қазган сурондa
20 Лекин шон-ла келди беш ўртоқ
25 Саратондай ёнади танча
28-*дан кейин ёзилган:*
Бу соатлар қандай ширин-а?
Дастурхонда алвон неъмат бор:
Узум, магиз, жийда ва анор
Қуруқ эмас унча дастурхон:
Магиз, жийда ва зоғора нон.
31 Кўп ойлардир соғинилган чоғ (ОкА)
35 Аскарларга совға-даструмол
36—37 Кўксин музга қуйган, ўт, дуд, қон
Ичра кечган кўтариб қурол (ОкА)
39—40 Бомба, шароб, дон, қон каби бу
Яна бунда соф, эзгу, туйғу
Ёки:
Юрт қизларин муҳаббати бу
Қизалоқлар муҳаббати бу
X Бунда қанча соф эзгу туйғу!
(Яна бир банд керакми?)
44 Тер,
Буғ,
Чанг ва аччиқ шамол
48—49 Кўкда юзган олов байроқлар,
Тепаликнинг бағрида ғор уй
52 Ҳар сўзда уҳ ҳам ваҳим, иймо



www.ziyouz.com kutubxonasi

55—56 Қорачиғдай кетди азизлар
Туғишгандек ётлар ҳам яқин (ОкА)
60 Ватан учун! Партия учун! (ОкА)
60-*дан кейин ёзилган:*
«Бу дўндиқлар ким экан?»— дея
Сўрар балки енгил ўқувчи.
«Вой-вой! Ҳам дер, ўз одати-ла,
Театрда томоқ қирувчи
61—90 Энг каттаси новча Олтин-ой —
Ингичка қош ва қирғиз қовоқ.
Учун уққа, иситмага бой.
Ишда чайир, содда — гўл буроқ
Тумор тақар, туш ҳам таъбирлар,
«Қадим қизи», дерлар кампирлар
Бир ёш кичик Назми ва Дилбар!
Ўн еттига тўлур баҳорда
Кўзлар, юзлар, гавда ва бўйлар
Иккисида орзунча бор-да!
Назми қўшиқ этса далада
Аравакашлар бир зум тўхтарди
Дилбар дутор чертса чайлада
Завқдан қари, ёш кўз юмарди
Фақат Назми эркатой бироз,
(Назми эркатой эмас унинг дарди кўп)
Дилбар эса баъзида сер ноз.

Дилбардан сал Ойжамол-ди ёш
Япасқироқ, йўғон гавдали
Ишда олов, уятчан, ювош.
Полвон қиз-ди унинг лақаби
Энг кичиги жажжи қиз — Гулшан
Ажаб ўйчан, ўн тўрт ёшида
Опалар севар кўнгилдан
Ҳам пахтада, ҳам сув бошида,
Ҳам хирмонда жиддий, чайир у
Болаларча самимий, шўх, қув.

Янги қишлоқ қизлари улар
Паранжининг дим зулматисиз
Эркин ўсган,—-эрк, билим, ҳунар
Қадрини хўп билади ҳар қиз.
Даричадан ана кўринар
Юксак бино — улар мактаби
Етти ёшдан қизлар толиба
Яхшигина саводхон бари
Дарслар қолди бултурда биён:
Колхоз ери бўлсин ободон!
91 Ешилгали чиқишди қизлар
95—96 Мана «полвон» ясаб қор тухум
Олтинойнинг лунжига урди.
98 Ёшлик ўти қонда югурди
101 Шунда кирар чол (ОкА)
101-*дан кейин, қўшимча сифатида ёзилган:*
Қизиб кетди зумда қор бўрон
Бургут каби босди Ойжамол



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўп «душманни» тўзғитди Полвон
Олишарди Гулшаним танҳо
Шунда кириб келди чол бобо
115 Бир он учди соқолдан гулгу
118 Ғайратли бўл, пахтани мўл ол (Қ.Қ.)
119—120 Қор — ҳайрга бизнинг эл шахт-да!
Доҳийга ёзди катта хат (ОкА)
122 «Қасам?!— диллар тепсинди бир он (ОкА)
123—«Қасам ичдик»— хўрсиниб
128 Нетай, Гулшан, даданг ҳиссасин (ОкА)
130 Ғайратлик-ди? Девкорди у чин
131 Ўзинг асра, тангри, қулуним (ОкА)
132 Доно кўзлар ёш қуйди юм-юм
«Мана ёстиқ, бобо, дам олинг!»
138—142 Чол дуода «Бахт кўр умирбод»
Сўнг ҳаммага деди: «Хуш қолинг!
Мен раисга бораман шу дам»
Дув қўзғалиб қизлар дер: «Биз ҳам»
148 «—Центнердан кел, эл ичди қасам,
150 «Юз бераман! Чин сўз, чин ваъдам!»
152 «Юз бўлса, юз!»— деди учовлон (дер уч қиз шу он)
159 Қандай кўмак бўлса, мен ҳозир!
162 Звено донғи шу кундан байроқ
163 Тонгда қизлар далага чиқди
166 Ерда ётар ғўзапоя қор
170 Ўрта ҳосил тўкарди бир чоқ
172—174 Ўн центнердан тўкди энг қийин
Умид ишонч билан юзчилар
Дала сари илк бошлар ҳужум
176 Ерни темир қотирган қиш шум (ОкА)
186 Иш оғир, «Ғинг» дейишмас асло
189—190 Айлантириб саботни тошга
Сўзлашмайди — дилда ўз сири
192—193 Чой ичишди, ўт кирди танга
Ҳордиқдан сўнг яна кетди иш
197 Тинмас ориқ, чайир Олтиной
200 Гулшан қайнар кетса-да дармон
202 Раис етиб қувлайди «бас, бас»
204 Ҳар «юзчининг» иши минг қулоч
206 Қуёш бугун чиқди яланғоч (ОкА)
210 Тўқойларда қағиллайди ғоз
214—216 Чориқларда энди даҳсар лой
Торт оёқни, букулур тизлар
Беихтиёр нидо: «Ушла, ҳой!»
220—223 Лой томчилар юзларда қурур
Сочларнинг тим қор ипаги
Жўякларда, лойда ювулур
Ҳар қиз хурсанд — иш-дир безаги
226—233 Тозаланди дала ниҳоят
Кенгашади тўда бир оқшом
«Ун» ўрнига «ўз» эзги ният —
Не қилсинлар ўтмасдан айём
Доно деҳқон, донгдор пахтакор,
Нозик боғбон элнинг авлоди
Ер сиридан пича хабардор...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай бўлди қизлар қарори
236 Олис эди пахсалар аттанг
238 Бир чоғ қишлоқ йўлларида чанг
242 Аравалар гумбур, ҳайбатли
244 Колхозда танг от улов бу кун (ОкА)
249 Тўп ҳам бузмас»,— ҳансирар Дилбар
252 Қизлар ёниб терлашар тоза
257 Тупроқ ташир аравачада (ОкА)
258 Иш унса бас, қизча кўп хурсанд
259 Лекин эшак қилар пачава
261 Орасида шоирга ҳамроҳ
263 Бирдан тошдай қотади у чоғ (ОкА)
269—270 Фаранг уста энди узоқда
Мана қизча йўл узра ёлғиз
279—281 Ағдардилар икки тепани
Сўнг билинди — ер кўкси тўлиқ
Озаймасди лекин иш, ташвиш
283 Бойчечак ҳам кулди сариғиш (ОкА)
286-*дан кейин ёзилган:*
Ўзбекистон баҳори нима?
Шоирлар кўп куйлади уни
Жонли баҳор қилади гина:
«Гўё мен гул — булбул ўйини
Шикоятда ҳақли-дир баҳор
У қандай бой, у қандай кўркам!
Табиатдан шеъримиз қарздор
Х Элдан, юртдан қарзи йўқ чек ҳам!
Баҳоримиз тасвирлай бир оз —
Биламенки, кеч ким демас «Соз!»
289 Кўчаларда, томларда бирдан
295—296 Келаверар қушлар яйраш-чун —
Чакалакда янги куй ҳар кун
300 Соҳир баҳор тўқир муттасил (ОкА)
302 Завқдан уйқу билмай тебранар
304 Барча толлар шошиб безанар
309 Аҳ, ҳазилни севар шўх баҳор
314 Ташвиши ҳам шириндир ани
316 Қий-чув иш о, қандай сафо
316-*дан кейин ёзилган:*
Нур денгизи билан ҳар куни (Қ.қ)
Чўмилтирар боғларни қуёш (ОкА)
Иссиқ ва мўл кун сайин кури
Елпар тунда илиқ ел ювош
Сал ўтмасдан мевазор: гул-гул
Уфқларни безайди гулзор
Рангдор нафис булут каби ул
Гул барглардан ерда рангли қор
Ким дер ҳиди кўкка ча етмас?
Самолётда учиб ўт, бўл маст (ОкА)
318 Шундай кўркам паллада беш қиз
320 Ана ётар трактор ишсиз (ОкА)
323—324 Қайда машҳур дов йигит Ғани
Звено-чун ер ҳайдаш зўр ғам
326—327 Шунда кўкда ўтди турналар
Гулшан кўзи мовий самода



www.ziyouz.com kutubxonasi

330—332 Қизда бирдан шодлик тўлғанар
Бу кўкламни илк сезган каби
Қиз қўл силтди қичқирди қувноқ
333 Фақат бир зум!— тўнгди юраги
334 Қўл шол каби осилди шу он
336 Юзар эди турналар баланд
339 Эртакларда, дардли сийнага
342 Шинель, милтиқ, темир қалпоқ
345—350 Қушлар сафи йўқолди бир ип
Дўстларга қиз боқди хўрсиниб
Ҳамма ишлар, фақат Дилбархон
Сеҳрланган каби турарди
Уфқдан у кўз узмас бир он
Юзига ёш юмаланарди
352—356 Билмаганга солди Гулшаним
Ҳижрон аччиқ ели совурур
Дилбар дардин юракда доим.
У севганди икки ёз бурун
Севги тонгин бироқ босди тун
363 Қиз сесканди. Чўчиди тани (ОкА)
369 Табелчи, най, тамбурга улфат
372 Пайт келганда, шофердир аъло (ОкА)
373—374 Ҳам колхозда ёлғиз таржимон
Комстокка қарши қидирар даво
375—376 Чоллар аро боадаб ўсмир
Ўспиринлар аро шўх, майхўр (ОкА)
379 «Ерда тутқич бермайсан, дўндиқ
380 Овчи каби қувдим итдай (ОкА)
381 Қиз билагин ушлади маҳкам
382 Енди кўзлар қора оташи
383 Ловулларди йигитча шу дам
384 Ўтга тўла саратон каби
388—389 Шарпасини сезса, қочди қиз
Лекин қалби нени-дир пойлар
391 Қочади-ю, бўлур пушаймон
393—394 Изин топар, ҳаяжонланар
Ўзлигини силкар илдиздан
397 Бир кеч қайтди Дилбар хирмондан
399 Қалби эзик соғинч, ҳижрондан
401 Ўз бахтини қидирди дарҳол
403 Келтирмасди товушин шамол
405—406 Дедиларки, тунда олиб хат
Эрта билан кетди — азамат
412—413 Дам тишлайди лабини қаттиқ
Тентирар қиз, узоқ тентирар
415 Ахир уруш оғир пайт. Чидам!
416 Ёлғизгина ундами бу ғам? (ОкА)
420 Ҳам соғиниб қайтсин, дегил! (ОкА)
424—427 Йиғламадим, куйса-да жигар...
Озми? Кетди отам, уч акам!
Лекин ҳўнграб қўйди ўзи ҳам,
Бешовининг кўнгли синиқди
429 Иш беҳад мўл, лекин вақт зиқди
434—436 Оқшомгача қизлар дам олмай
Чақрим-чақрим, қазир ёзда сув



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқаверар куйлаб, шўх сулув
—441 Тўлдирган зўр трактор ҳозир
Ўлик темир. Қўшни бўйнига
Олди ҳўкиз — қадимги ботир
У ориқ, суст, қўтир ва қари
443—456 Ҳар гавронда бир қадам нари.
На қилсинлар? Кутмайди баҳор
Қушбоб ҳайвон кам-ди. Ер ҳайдов
Ҳар звено учун-да қистов!
Раис деди бир кун хўрсиниб:
«Олинг, қўшинг тўриқни қўшга»
Қизлар ҳайрон, турар бўй эгиб:

«Нега раис сўзлайди бўтга?»
Ҳар бирини эзар шу савол
—«Ҳазили йўқ, олинг унсин иш!»
Раис деди кайфсиз ва беҳол
Қийин эди бир нима дейиш
Қизлар силтади бошларин енгил
Ҳаллосларди ҳўкиз муттасил
460 Нодир эди бўйи ва тури (ОкА)
461 Раис уни севарди жондан
463—465 Донгдор мажлис бўлса ё бирон
Зўр байрамда минарди ани
Ҳарбга кетгач кўп машҳур отлар (ОкА)
466 Йўрға кўпроқ бўлди мўътабар
477 О, бу кунлар! Сўрди теру-қон
486-*дан кейин ёзилган:*
Қизлар қайтар даладан ҳозир
Ҳар кунгидан пича эртароқ
Ўт уфқда қуёш тўлғанар
Шундай шом-ки, нафис, кенг, порлоқ
Қизлар дили қўшиқ мавжида
Бошларида гултож баргакдан
Ўт кийимида, кетмон киймида
Шимарилган енглар билакдан
Бири судрар ҳўкизни зўрға.
Х Бири изидан тинч келар йўрға
487 Кунлар ўтар ташвишда ёлғиз
492 Қизлар ери яшнади кўм-кўк (ОкА)
493—496 Ёш кўзларда шодлик, руҳланиш
Дала бўйлаб бошлайлар кўрик
Х Чигит унган — инюқ баргчалар
Қувонч билан қуёшни эмар
500 Остида жим ётишди. Назми
504 Сўзи чечан орада Гулшан
507 «Юз центнер-чун бошладик кураш (ОкА)
509 «Ақлинг мунча тиниқ-а, Гулпаш (ОкА)
512 Ўқимади — кўзлар тўла ёш
514 Гоҳ қаламин тишлаб қотар тош
517 Учди шу вақт олисга беш хат
530 Ётар беҳуш алаклаб шу чоғ
535 Балки бари шаҳид. Бу беш хат
549 Назми эгди бошини дардкаш
551 Сўнг ариқда қошини ювди



www.ziyouz.com kutubxonasi

554 Қизларда ғам чайқатган замон (ОкА)
557 Дўриллайди раис дев қомат (ОкА)
561—564 «—Ўсма қўйинг, ўйнанг, ярашар...
Ҳалол ишда, яхши роҳат қил!»
Дер доҳий — меҳрибон падар
Қизлар хурсанд, қанотли, енгил
Ёки
—«Ўсма қўйинг, ўйнанг бемалол
Ялла қилинг, ярашар бари
Меҳнатингиз биламан, ҳалол!»
X Раис завқ-ла кезар пахтани (ОкА)
565—566 «Кўз тегмасин. Осинг исириқ!»
Чол дер жиддий ва ямлар мийиқ (ОкА)
567 Қизлар таклиф этишди кўмак
575 Қанотланар беш қиз ҳам шу он
600—601 Айнаб қолди тусинда ҳаво
Изғирин ваҳим кўкда булутлар
605—606 Қуёшда ҳам жунжирди инсон
«Хатар» бўлди эртаси аён
608—610 Севинч учди диллардан беиз
Қизлар ғамгин, ҳушсиз юришар
Кўкни босган офатга онсиз
617 Мастон кампир тошбақа қадам
624-*дан кейин ёзилган:*
Эшитганман, сўз бор эскича
626 Саратонда яхлаб қобди сув!»
628 Аграном хўп деди маъқуллаб
637—639 Жаранг кулги ҳавони ёрди
Қизлар кулди юмалагундай
Кампир қарғаб, ҳасса кўтарди
647 Тун. Жимжитлик, қора ва совуқ
652 Далда бериб, дала айланар
654 Изғириндан титраб новдалар
657—661 Кун бўйи у минут олмай дам
Терлар, булут бўлсин деб тутун.
Довон ошган от каби у ҳам
Муҳтож роҳат тиновга шу тун
Баъзан келар Ойжамол мудроқ
663 Куйма, пишма иш бўлса чатоқ
665 Гулшан дейди:
—«Олайлик қанор
666-*дан кейин ёзилган:*
Мана новча Олтиной бедор
Тани ўлчар совуқни сезгир
У иримчи, дили беқарор —
Тун оғуши гўё лим-лим сир
Ота узоқ. Онаси касал,
Тебратади қўш бешик яна.
Гоҳ эслар қиз: отбоқар Мутал
Кўз учирмасмиди панада?
Хаёлга ғарқ, гоҳ ўқир дуо
Даф бўлсин деб пахтадан дуо
667—669 Дилбар, Назми учрашиб андак
Дардлашарди жунжиб бетиним
Бир тўп юлдуз қатор ёш терак
Бир икки қиз ҳисларига жўр



www.ziyouz.com kutubxonasi

672 Бу икки қиз ҳисларига жўр
676—677 Кўриб қизлар тишлади тилни
Омонлик бер элга, худойим
681—683—«Мижжа қоқмай қиламан дуо»
Ўтирди-ю, уҳ тортди кампир.
Эсим-ҳушим сизда доимо
Тонг отмади — тугади сабр
686 Бўлса эди, қилардим ғайрат
689 Уйда «пиш-пиш» ухлар эдингиз
695—697 Қизлар қувнаб қучишди жондан,
Тўнгмасин, деб ўраб ҳар ёндан.
Авжи саҳар. Қимдир баногоҳ
699 Дик турди-ю, кампир чекди «оҳ»
705 Тунда тутун. Бўғилур қизлар
709—711 Қандай меҳр, ҳаяжон билан
Ғўзалар соғ! Қучишар бари (сакрашар бари)
Шунда кўзлар чақчаяр ҳайрон
713—715 Сочларини босмиш кул — тўзон
Қизлар қувнаб хаколанадир
Ҳар кунгидан ел иссиқ эсар
717—719 Ўтди серзавқ ва жўшқин баҳор
Туташ гилам гулларин ейиб,
Гилосларин қилиб ёқутвор
721 Ёз тандири қизиди ҳамон
724 Эпкинларда гулханнинг тапти
725—726 Дарахт таги, жилдираган сув
Ҳар жонлининг соя қидирмас
735 Яхна кўк чой!
Мана бир қумғон (?)
X Бормисан қумғон
737—738 Мана ётар қизлар даласи
Қандай улкан, бир айланиб кўр
741—748 Меҳнат билан яшнаётир ер
Саратонда чопиққа бир боқ!
Белдор йигит, ишда пишган эр
Шунчалик иш қиларди бир чоқ!
Халқ бошига тушганда кулфат
Қизлар бўлди ёвқир азамат
Қезар райком котиби узоқ
Санар у илк кўсакни мамнун
751 Котиб худди оғадек ғамхўр (ОкА)
757—760 Оқшом, лекин ёруғ ҳамма ёқ
Ел елпарди ер иситмасин
Мусиқасин энди чирилдоқ
Бошлаганди, тугатиб ишин
764 Қоғоз берди. Қиз ранги бўз-оқ
765 Югура кетди худди телбадай (ОкА)
768 Айт, не бўлди? Не бало яна (ОкА)
771—780 Олди, боқди, уҳ чекди узун
Нима қилсин юпатиш учун?
Керакли сўз, борми насиҳат?
Силади у Гулшан бошини
Ва эркалаб артди ёшини
—«Йиғлама, юрт бошида бу ғам
Элга, юртга тилагил зафар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота — азиз, юрт халқ ундан ҳам
Шундай деган доно боболар
783—784 Кўп сўйлади майин, меҳрибон
Ва охирда уқдирди қат-қат
787 Гулшан келди уйга, тинкасиз
792 Ҳар бир сўзи фажи сирни фош
795—796 Қозон осди юраги қон қиз
Чолни қўймас иссиқ таомсиз
801 Кўп хушхабар берибди «карнай»
806 Қўй сўямиз базм вадаванг (ОкА)
809—810 Тизгин силтар Ойжамол, «чу-ча!»
Чувиллашар қизлар дам сайин
813—814 Шўх гўдаклар осилишадир
Аравакаш хивичламас бот
818 Йўллар усти ям-яшил чодир
823—824 Тоғолчалар олтин маржони
Унда-бунда азим туп ёнғоқ
827—828 Ранг, ҳид, сасга бой ёз ҳавоси (ОкА)
Кенг сўрилар ишкомлар аро
830 (Чуғурчиқлар ҳар ёндан пайдо)
831 Полизларда ҳандалак анқир
833—834 Бедаларнинг кўрки мавжланир
Зар нурида соч ювар мажнун тол
837 Бу суратлар, бу манзаралар
843—846 Кўтарилар чанг, қизғин, тутун
Йўллар бўйлаб бекату-қишлоқ
Қизлар пахта ҳосилин дидлар:
Бири мақтар, бири танқидлар.
848—849 Йўл лентаси чиқди бўз қирга
Кўзни олар мовий узоқлик
854—856 Сўзга тобсиз қизлар ҳарсиллар
Кечга яқин ошганда давон
Таниш манзил бўлур намоён
859—860 Ичар звено қумғон-қумғон сув
Кейин келар гап-сўзнинг гали
862 Огалар-ла тўрт-беш ёш аёл (ОкА)
864 Қуёш сели, саҳройи шамол
868 Суякларин ҳали эзғилар (ОкА)
870 Тўқ бошоқлар узра кезинар
874— Хат-пат борми? Сен нега хафа?» (ОкА)
877 Она силаб қизи бошини
881 Шунда келди ҳарсиллаб Дилбар
882 «Туғиб қўйди Анзират холам (ОкА)
883 Дилбар кулар ва дам қалтирар
884 Алжирама» — «Хирмонда бир дам
885 Ўтирди-ю, қутулди осон (ОкА)
886 Шунда ўқдай учди учовлон
888—889 Енгил ҳорғин, кўзлари ҳорғин
Ингалайди митти азамат
891 Жангда улкан ака ва дада (ОкА)
895 Чоллар хурсанд. Қозонда эт, мой
900 Буғдойзорга йўлланади мағрур!
901 «Ҳа, ғанимат тангри чароғи!» (ОкА)
902 Кўтарилди бор ўроқчилар
904—907 «Аскарга дон керак»,— дедилар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизиб кетди бирпастда ўрим
Мана қўшиқ, кулги. Тун — сўлим
Мудрайди жим тепа ойдинда
913—914 Сўзланади туш кўрган каби
Бир чоғ эслар: Қайда аёллар?
919 Аччиқ чанг ҳам булутдек ёрқин
921 Тўхтатар бирдан — хирмон:
«Ҳов бу не?!
X Кўз олайтар бир чол
926—927 Сен ишла, мен эмиза қолай!»
Ўроқчилар пастда тинмас зум (ОкА)
935 Чўчиб турди Дилбар шу замон
937 Толлар ости булоқ бошида
945—946 Шунда кимдир дер: «Бизникилар!»
Олис чангга ҳамма кўз тикар (ОкА)
946-*дан кейин ёзилган:*
Отдан тушиб ғилай саркотиб
Таништирди тезда ҳамроҳин:
—«Янги раис Мирзаев Ориф!»
Ҳамма ҳайрон. Ғилай дер тағин:
—«Қишлоқ Совет бўлар Болтакам».
Йигит сергўшт ва сертабассум
Кийими ҳам сер тугма, шинам
Айниқсаям киссалар форум...
Чол шивирлар дўстига шу чоқ:
—«Қалай?»— Офтоб емаган бироқ!»
947—953 Звено яна пахта майдонда
Ғўза бўйдор сершох, мўл кўсак
Ойжамол дер: «Хўб сувсаган-да,
Най қиб жилдир-жилдир суғорсак!»
Қатталардай уҳ тортди Гулшан:
—«Бобом мени кўрган замоноқ
Деди, сув бер, пахтанг униққан
961—966—«Раис? Ёлғиз қорнини билар!
Назми деди лабини буриб
— Аравалаб буғдой оширар
Тўйдим демас!»— дер Гулшан куйиб
Дилбар сирли шивирлар шу он:
«Мени кўрса кўз қисар шайтон!» (ОкА)
968 Турғун ота меҳрибон саржор
970 Тошларни-да ғажишга тайёр (ОкА)
978 Тошлар босар қизлар тўғонга
980—981—«Азаматлар, уринг бу ёнга
Шох-шабба, тош мавжларни эзар
987 Мана сувга тушди полвон қиз
989—993—«Қани, ҳа тош!
Бўш келманг ҳаргиз!»
Сочлар юзар қора илондай
Сўнг мавжларга кирди ўзгалар
Ҳатто безгак, қўрқоқ Олтиной
Бир-бирига қалқон тирмашар
996—997 Дам койиру, дам ўқир дуо
Иш борарди дадил ва қизғин
1000 Қизлар хурсанд, янграр тантана
1003 Ногоҳ йиқар сўнгги ҳамлада!



www.ziyouz.com kutubxonasi

1010—1011 Пастда оппоқ қуюн қайнайди
—«Ана сочи!»— қичқирди Дилбар
1014 Бу ўлимдан бадтар даҳшат-ди (ОкА)
1016 Бир қамчи-ла сакради қаттиқ
1023 Кўз очди-ю Ойжамол аста
1026—1027 —«Тўғон қалай? Кўтарилди сув
Бош букмади тентак сой осон (ОкА)
1029 Бироқ қизлар бўш келмас бир он (ОкА)
1030—1031 Сувга темир чангалин урди
Учинчи кун сув бўлди таслим
1044 Гуллар эмган шамол эсади
1046 Кайф қилгуси томирларда қон
1051 Беш қовунни қизлар бирин-кетин (ОкА)
1062 Охир бари қилишди иқрор
1065—1068 Кетмон ушлаб, енгил ва мағрур
«Қулоғига» йўлланди ҳар ким
Чичилдоқлар куйлар. Ойдин. Жим.
Дилбар танҳо юрар далада
1076—1077 Ойга қараб ўйлар гоҳ бир дам
Кўрармикан ҳозир Урмон ҳам?
1087 Лаби қақраб, ҳўплар лойқа сув
1091 Куй ажралмас (толмайди) дудоқларидан
1044 Боши тизга текканда дарҳол
1096—1097 «Дилбархонми?» Сояда биров
Дик турар қиз ўрнидан дарров (ОкА)
1097-*дан кейин ёзилган:*
—«Тунда ҳам иш?— янги раис дер
Қўйинг, етар, ором ҳам керак
Инсонмас-ку, чанқабди-да ер».
—«Пахта сувдан чиққан балиқдак,
Сув истайди! Қаранг ҳов ана
Гулшан, Назми... сув кечишади».
—«Ҳа, мен кўрдим, бари далада
Бари мудраб лой ичишади»
Деб Мирзаев келади яқин
Ва уҳ тортиб силар қиз сочин
Чекинади Дилбар силтаниб:
—«Бу не қилиқ? Ғалатисиз-а!»
—«Юринг жоним!— Нега қийналиб
Лой кечасиз? Кўп жабр сизга
Тўғри, уруш. Ҳамма ганг, Қийин.
Лекин керак пича завқ — сафо
Тушиб борсак гулзорга секин
Ҳар орзунгиз унда муҳайё...»
Ғазабидан титраб кетди қиз,
Бурилади кескин, дейди: «Уятсиз!»
1106 «Полвон» тонгда қуяр эмиш ғишт
1117 Онамниям бир йўқласамми? (ОкА)
1129 Йиғилишди қора қумғонга (ОкА)
1134 Назми келар, қўли орқада
1139 Қўлин Назми кўтарар мағрур
1153 Келиб қолар райком ўзиёқ
1156—1157 «Кўз оқингдай... Нақ бир савам-а!»
Деди «Полвон»— кулги жаранглар
1160—1169-*лар йўқ*



www.ziyouz.com kutubxonasi

1170—1172 Оқшом. Гулшан қайтганда ҳориб
Беш тахтача берди бобоси.
—«Рангдор қилиб ёздинг сўз топиб»
1175—1177 Гулшан кулди—«Ёзаман, хўб соз».
—«Чоллар сўздан қайтмас ҳеч бир!»
Ўқлоғидай йирик қилиб ёз
1179 Чол тетик, мард, руҳланган, хурсанд
1185—1187 Баланд руҳли жиддий ва сокин
Ғўза бўйдор, чатишган, қалин.
Кўзлар ўйнар — ғуж-ғуж оқ чаман
1190 Терим завқи билан он-баон
1197 Оғриқ сезмас на бел, на қизлар
1201 Ким у йўлда? Титрар. Қотар жим
1208 Барин қучган. Гап-сўзлар узуқ (ОкА)
1211 Бу минутлар ширин туш каби
1212—1213 Пилоткаси доғ-дуғ, мой чанглар
Исқиртлаган гимнастёркаси (ОкА)
1217 Бир ғўзани юлди: «Соғиндиқ» (ОкА)
1219 Кейин чолга очди қучоқни
1121—1222 Кўтаради йўлнинг тўзонин
«Хуш келдинг, деб элат, қаҳрамон
1225 Юрган Назми кўради бирдан: (борган)
1227—1228 Оғир бир зум. Бугун: тақдирдан
Нолиш қалай? Ўйлар, кўз ташлар
1231 Қайрағочлар тожин қучоқлар
1234—1235 Тинглашарди Мадёрни гўё
Эртак тинглар болалар каби
1439 Ўртоқлар-ла Назми хизматда
1243 Ўтиради у чапанивор
1250—1881 Ўз тўпин у мақтар айниқса
Ҳар эпизод — бир олтин қисса
1251-*дан кейин ёзилган:*

Бирин-сирин кетди кўп меҳмон
Суҳбатлашар қизлар, Болтака
(Чақир тикан орада Мастон!)
Кириб келди шунда дабдаба —
Билан раис Мадёр кўз сузар
Ҳар иккиси тик қотиб бир зум
Мадёр ноҳуш қўлини чўзар
Сукут оқар сув тагида қум
Мадёр баъзан дейди нималар
Бари тутал ва киноялар
Қизаради Мирзаев баттар
Болтакага тоҳ деб бир нима
Гоҳ Гулшанни сўзга жалб этар
Осма чироқ теварагида
Жонли, рангин гулбарглар каби,
Парвоналар галасин Мадёр
Кузатади — завқ еб юраги
Хўшлашади раис таъзимкор:
—«Не ёрдам-са, тайёр камина!»
Тиржаяди Мадёр жимгина.
—«Хўш, нима гап?— кўзларда сўроқ
—«Раис эмиш!»
—«Тўра, эгри қўл!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Арза ёздик...» дер Гулшан шу чоғ
Сабри битган, пишиллар: «Ҳа, бўл!»
Мадёр қисар елкасин, ҳайрон
—«Уч йил бурун... раис — шу унсур
Бирга эди лагерда. Бирон —
Соат дам йўқ. Ҳар вақт машқ, тўпур
Поход бўлди тоғларга бир кун
Кўк бўйин тоғ, жаҳаннам ўпқун
—«Хўш?»— Болтака боқар қийғирдай
—«Шом йиғилдик пастда, музлай сув,
Қониб ичдик — бадан темирдай.
Кейин боқсак, ҳамма жам, йўқ у!
—«Аҳ, итвачча!»— кўп қидиришди
Бири дер: қув.
Бири дер: пулдор
Жар қаърига тортган!— дейишди.
Мана кўрдик — соғ, бой, серсавлат!»
Ҳамма кўзда бурқиди нафрат
1252 Қари толда чиғирлар чумчуқ (ОкА)
1255—1256 Шийпонидан пастга ғизиллар
Мадёр илдам, нетсин уйқуни?
1259 Қиз уялмиш, ҳам она қийиқ
1264—1265 Ғувиллайди. О, қумсар юрак
Ўтда, сувда иш берган шинель!
1267—1268 Мадёр юрар «биқ-биқ» тупроқда
Шудринг тушган ўтда сирпанар
1273—1275 Ҳайбатига яраша гулзор
Дарахтларнинг бунда сўлими,
Супаларга кун тушмас зинҳор
1277 Гулга қарар, ҳовли супурар
1284 Тўхтар. Кўм-кўк мавж ўйнар гўзал
1286 Сув шалдирар зовурга, йўлга (ОкА)
1287 Ким суғорар?— боқар ҳар томон
1296—1297 Чиққач гумбаз бошига қуёш
Зўрлаб олди кетмонини чол
1300 Айниди у,— бошқа иш жадал
1301 «Раис ишин» қилиш керак ҳал! (ОкА)
1320—1321 Полизда мўл хумдай чўнг тарвуз
Фаровон куз, ажойиб, бой куз.
1328 Барча йўлда катта карвонлар
1336 Дорилфунун келмиш ёрдамга (ОкА)
1337 Турли тиллар, куйлар, кулгилар
1339 Бир бирига ғамхўрлик қилар
1344—1345 Йўллар мудрар тун қорасида (йўл мудраркан)
Жўнайдилар тик тутиб бошин
1352 Яшнаб келди раис — Болтака
1353 Фош этилган Мирзаев хоин
1359 Шодлигидан титрар бирга қиз
1360 Гулшан бирдан тушар гумонга
1362—1364 «Қўрқма, қизим, даланг бой, қара,»
Деди раис, Назмига кейин
Кўзин қисди, нозик сир бордай
1370 Юзи олов Назми дер секин:
1374 Инграр дардли каби кар тол
1378 Ажралмас дўст, қадрдон, иноқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

1389 Олмосданми, недан, тирноқлар
1392 Сиртда шамол увлар ит каби (ОкА)
1395—1396 Баъзан бири кетар мудроққа
—«Етмай қолса»,— ташвишли назар
1398 Гулшан дейди: «Етмаса агар
1409 Қирар Мадёр:. Қирар қор иси
1416 Ҳар тилига ой ўроғидай (ОкА)
1427 Қўллар елдан, ишдан кир, чайир
1440 Енгарганмиз-э қизлар, бир боқ
1454 Айрилиқлар, шаҳидлар дарди
1462 Ҳар қаерда, кўм-кўк майсада
1466 Қарсак, кафтлар олов. Шўх садо
1479 Чўлоқ Мадёр — лочин, тез суръат (ОкА)
1481 Байроқчалар кулар қон лола
1485—1486 Гулзор, майдон, супа гурлар шан
Барглар аро (дарахтларда) қушлар патирлар
1499 Мана колхоз жўнайди ғижбанг
1502 Бизнинг қизлар ҳаммадан олдин
1504 Руҳлар баланд, қарашлар лочин
1506 Гулшан боши тик, баланд қўллар
1509 Байроқ тутган Ойжамол полвон
1511 Қизлар борар — юрт саралари

**Достоннинг оққа кўчирилган автограф варианти (ОкА)**

20 Лекин шон-ла қайтди беш ўртоқ
63 Энг етуги Назмихон опам
66 Мудом хафа: бир куз нигоҳ — тўй
81 Дилбардан сал Ойжамол-ди ёш
84 «Полвон қиз-»ди унинг лақаби
91 Ешилгали чиқишди қизлар
130 Ғайратлик-ди? Пахтакор чиндан
141 «—Хайр, борай раисга шу дам!»
159 Қандай кўмак, мен ўзим ҳозир
235 Завод бермас бу йили ҳам жуз
258 Иш унса бас, қизча, беҳад шан
289 Кўчаларда, томларда энг шан
316-*дан кейин ёзилганнинг:*
1 Нур денгизи селлари билан ҳар куни
3 Еллар қурғаб олтин уйқуни
5 Бир кун боқсанг ҳаво бутун гул
6 Уфқларни безар мевазор
7 Рангдор, нафис булутдек нуқл
333 Фақат бир зум!— тўнгар юраги
352 Гулшаннинг ҳам кўзлари қайнар
354 Дер-ку, ўзин тиялмас шу он
382 Чақнар кўзлар қора оташи
384 Ҳам ловуллар саратон каби
429 Иш беҳад мўл, фақат вақт зиқ-ди
455 «Ҳазили йўқ, қўшинг тўриқни
551 Сўнг ариқда қошин ювийди
672 Фироқларнинг ҳисларига жўр
715 Яшнайди шан. Илиқ ел эсар



www.ziyouz.com kutubxonasi

830 Чуғурчуқлар айёр, ҳужумкор
833 Гулшан кулар ва дам қалтирар
884 «Алжирама»,—«Хирмонда бир дам.
886 Шунда учар ўқдай учовлар
897—898 Ой нурида мудраркан саҳро
Шаббадада уйқу на ҳузур
946-*дан кейин ёзилган:*
Отдан тушиб у ғилай котиб
Таништирар тезда ҳамроҳин.
1003 Зумда йиқар сўнгги ҳамлада!
1044 Гул эснаган шамол эсади.
1094 Боши тизга этганда дарҳол
1097-*дан кейин ёзилганида:*
1 Тундаям иш?— янги раис дер
9 Сўнг Мирзаев келади яқин
14 Лой кечасиз? Жабр-ку сизга
19 Аламидан титраб кетар қиз
1177 Ўқлоғидай бит йирик ва соз
1251-*дан кейин ёзилганида:*
1 Бирин-сирин кетар кўп меҳмон
3 Ҳа, орада Сухандон, Мастон
4 Кириб келар шунда дабдаба
7 Аскар нохуш қўлини чўзар
9 Мадёр гоҳ-гоҳ сўйлар нималар
17 Кузатади — ширин эрмаги
22 «Шуми раис?
— Тўра эгри қўл
24 Пишиллайди Болтака: «Ҳа, бўл»
26 «Уч йил бурун мана шу унсур
28 Соат дам йўқ. Занайт, Машқ, тўпур
34 Қарасак-ки, ҳамма жам, йўқ у!
41 Ҳамма кўзда бурқийди нафрат
1287 Э, бу нима гап?— Боқар ҳар томон.
1300 Айниди у,— юмуш бор жадал
1359 Шодлигидан титрар бирга қиз
1507 Сўзанада Ленин жонажон

### Достоннинг нашр этилган матнлари (1947, 1949)[1]

2 Далаларда қайнар оқ қуюн
5 Ҳар бир уйда ташвиш ва ҳижрон
20 Лекин шон-ла қайтди беш ўртоқ
31 Кўп ойлардир соғинилган чоғ
36—37 Кўксин музга қўйган ўт-дуд, қон
Ичра кечган кўтариб қурол
56 Туғишгандек ётлар ҳам яқин
60 Ватан учун! Партия учун!
63 Энг етуги Назмихон опам
81 Дилбардан сал Ойжамол-ди ёш
96 Олтинойнинг лунжига урар
101 Шунда кирар чол
105 Чол атрофин аста қуршашди
130 Ғайратлик-ди? Пахтакорди чин!
131 Ўзинг асра, тангри, қулуним

[1] Кейинги нашрларда ўзгариш йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

159 Қандай кўмак — мен ўзим ҳозир
176 Ерни темир қотирган қиш шум
223 Қумғон қайнар жаҳли авжида
225 Узоқ ўнқир-чўнқирди йўллар
258 Иш унса бас, қизча беҳад шан
283 Бойчечак ҳам кулди сариғиш
289 Кўчаларда, томларда шўхчан
311 Ток очарнинг шашасидир бу.
314 Ташвиши ҳам ширинdир ани
320 Ана ётар трактор ишсиз.
345 Қушлар сафи йўқолди бир ип
375—376 Чоллар аро боадаб ўсмир
Ўспиринлар аро шўх майхўр
380 Овчи итдай қувдим изингдан
382 Чақнар кўзлар қора оташи
384 Ҳам ловуллар саратон каби
389 Лекин қалби ненидир пойлар
427 Бешовининг кўнгли синиқди
429 Иш беҳад мўл, фақат вақт зиқди
460 Нодир эди бўйи ва тури
463—464 Донгдор мажлис бўлса, ё бирон
Зўр байрамда минарди уни
514 Гоҳ қаламин тишлаб, қатор тош
535 Балки бари шаҳид
557 Дўриллади раис дев қомат
564—566 Раис завқ-ла кезар пахтани
—«Кўз тегмасин, осинг исириқ!»
Чол дер жиддий ва ямлар мийиқ
610 Кўкни босган офатга ожиз
626 Саратонда яхлаб қолди сув
658 Терлар булут бўлсин деб тутун
660 Муҳтож роҳат тиновга шу тун
672 Фироқларнинг ҳисларига жўр.
715 Яшнайди шан, илиқ ел эсар
741 Ўтган кузни асирлар бу ер
747 Кезар райком котиби узоқ
751 Котиб худди оғадай ғамхўр
827 Ранг, ҳид, сасга бой ёз ҳавоси
830 Чуғурчуғлар айёр, ҳужумкор
874 Хат-пат борми? Сен нега хафа?
926—927 «Сен ишла мен эмиза қолай!»
Ўроқчилар пастда тинмас зум.
950 Най қиб жилдир-жилдир суғорсак
970 Тошларни-да ғажишга тайёр
984 Тошларни-да судрар ғазабкор
1026—1027 — «Тўғон қалай? Кўтарилди сув?
Бош букмади тентак сой осон
1029 Бироқ қизлар бўш келмас бир он
1044 Гул эснаган шамол эсади
1117 Опаниям бир йўқласамми?
1306 Боғчаларнинг сариғ-қизиғиш
1336 Дорилфунун келмиш ёрдамга
1359 Йиғлагудай шод-ди барча қиз
1312 Сиртда шамол увлар ит каби
1454 Айрилиқлар, шаҳидлар дарди
1479 Чўлоқ Мадёр — лочин, тез суръат
1481 Байроқчалар кулар қон лола
1485 Гулзор, майдон, супа гурлар шан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАМЗА

(166-бет)

**Достон қўлёзмасининг қоралама автограф варианти (ҚА)**

4 Ариқлар қўшиғида қуёш оқар маст
8 Сув уқаси,
кўк пахта,
(обод) пахта ҳамма жой (?)
22—24 Сепини хўб ёйибди бунда табиат
Ранглар, шакллар чексиз, суратлар чексиз
(?) Лекин ҳар манзарада оҳанг ва қудрат
27 Оёқларини чўзмиш майса гиламга.
30—33 Маст шамоллар аямай қанотларини
Дам боғларга, дам сувга, дам тошга урар
Оғочзорлар айланар қуюқ кўк мавжга
Дам қизғалдоқлар чўғин ҳарён учирар
35 Югуради... сув чанги учар ҳавода
37—39 Зангори шойиларин (?)
Бўстонлар, ўрикзорлар ичида бир зум
Ёниб қолади ана шўх ранг рўмоллар,
Ҳилпирар кўйлакларнинг ёрқин олови:
Сертош заминда ишлар бардам аёллар,
Тошлар қирраларида тушар ўйинга
Эчкилар ҳазиллашиб...
Кичкина чўпон
41 Ёнғинда кулиб турар — «қора кўз шайтон»
43—44 Қат-қат мингашган тоғлар омбори даҳшат!
Азим тош уюмлари, мудҳиш қоялар
47—49 Гоҳ метин қасирғалар аро наъматак
Ёндиради сариғиш олов гуллари...
Кўл сари юксаламиз эртаклардагидак
41—51 алоҳида блокнот дафтарининг (19,5X15) икки саҳифасига ёзилган.
51—53 Узулиб тушмуш бунда.
Майин, ҳуснкор
Жимирлар у, Гўзалнинг мовий кўзлари
Ёнган каби кўл нури ёрқин, беғубор
56—57 Кўк ойинага тоғлар,
Тоғлар қари, чўнг.
Ҳар ёқни оғир сукут тўлдирган ваҳим.
59—63 Дилни гўдаклантирар акси садолар
«Олой»нинг тош юраги бир зум жонланиб
Ҳазиллашар — сўзингни юзингга солар
Қирғоқдан бир қултум сув ичган замонда
Ичимда тўлқинланди бир алам, фироқ:
67 Ажойиб диёр, сенда қандайин аччиқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

69—71 Хотира даҳшатидан суяклар синиқ
Бу ерларга келганда у — халқ ўғли, шоир
Ватан тоғлари сари очди қучоғин.
77—78 Гул суви-ла шамоллар сочин юварди
Эгнида чапатвор фарғонача тўн
80 Қийиқ катта кўзлари хаёлчан, ўйчан
83—85-*лар йўқ.*
88—89 Бироқ бир тепа сари боқаркан ногоҳ
Кўзларида бурқурди қора бир тутун
92—93 Ўргимчаклар галаси бунда қурмиш ин
(?) Домига чулғонган-ди узоқ ва ёвуқ!
103—104 Шайхларнинг мурдор қўлин, сўрайлар дуо
Қабрнинг совуқ тошин қучиб баъзилар
106—108 Очкўз ва тамакордир, истар пул ва қон
Бу ернинг ҳар бир томи ва ҳар бир чинори
Бу ер қушларининг тезагини ҳам
113—116 Кўз ғазаби санчилар ёлқинли янтоқ
Шоир юрар, бошини пармилар ўйлар
Ҳар муюшда кўрар у хўжа ё эшон
Қора салла, сари мой юз, алдоқ кўз бари.
118 Қулоқлар лапанглайди — муғомбир, писмиқ.
120—121 Ҳа, қишлоқ Советин деразасидан
Эски амалдор юзи бир зум қийшаяр
128 Олтин ҳаво, тоғ ели, кумуш сув, чаман —
130—133-*лар йўқ*
134 Мана чиқиб келмоқда Ўроқбой жардан
137—138 Уни кўраркан гўё яшнар бу диёр
Ўроқбой қарчиғай кўз, бўйдор, дўнг кўкрак
143—145 Тераклар ҳайдаса-да, кетмайди шамол
Шоирни тинглар қотиб Ўроқбой содда
Тоғ боласи, коммунист, кечаги қарол.
152 Дер Ўроқбой — бироқ бу «азиз» қузғунлар
154 Тошдан ясабди инни!—
Сер кўз, сер қулоқ! (минг кўз, минг қулоқ)
158—160 Ҳар қузғунга мингта ўқ бало бўпти-да!
Ҳамзанинг кўзларида энди куч, ишонч
— Қўшчиларни йиғаман,—дейди Ўроқбой
163 Шоирнинг боши тик-ди, қалбида илҳом
229—230 Унинг қайнар кўзига тегизар лабин
Майсага зап ёнбошлаб сўйлар комсомол
236 Бирдан қўзғалар Ҳамза: «Юринг Ҳотамжон
241 Тирмашар ва эмаклар тик қояларда
245 Чориқлари йиртиқ, қалпоқлари кир
251 Яққол кўрсатди, бугун тўлишди миям
262—265 Шоир сўз деҳқони-дир —
Хирмони ҳикмат
Ёқди қўшчига Ҳамза
Ғозланди Ўроқ
Шўхгина ўғилчасин етаклаб, хушхол
Шоир кезади «Оқсув» бўйларида жим.
270 Даланинг ва меҳнатнинг исин сезгандай (дала, меҳнат ва турмуш)
274—276 Ҳаётни гўзаллатиш шундай зўр орзу
Бўлсин ҳар тош орзунинг гўзал асари
Ўроқбойни тўхтатар шоир тўсиндан



www.ziyouz.com kutubxonasi

278 —«Ҳайкал?»— ҳайрон қўлларин тикар
Ўроқбой
280—281 Ўроқбойнинг кенг юзин очар (?) табассум
Майдонни кўзлагандек боқади ҳар ён
285 Ажаб манзарасида юради толмай
289 Доҳийнинг илҳомкор сўзларин шоир
291 (?) Эл қалпоқни кўтарар, кўзлар шодланир
294 Кейинроқ атрофин қуршар бир тўп ёш
297—300 Бири театр дер-ку, бири трактор
Бири армони отлиқ аскар бўлмак-дир
Яна қанча орзулар!— Ҳамзада нур виқор
165 Табиат нақадар бой, гўзал фусункор
169—170 Суст тебратади ҳаёт— кўҳна дастгоҳин
Янги куннинг шуъласи кирмабди ҳали (?)
173 Ёшлари газетадан, китобдан узоқ
178—179 На жонли суҳбат, кулги, на шўх қийқириқ
Шоир кирар, ўтирар тахта супага.
185—186— «Қани, муллака...» таъзим билан сўйлар у.
Ёшлар шоир дидига тушди қофия
188 Нозик табассум билан киришди сўзга
190—191 Бирини муштумзўрда қарол дейишди
Ёлғиз бири ғурур-ла дер: «Мен комсомол!»—
193 Кўрсатди-да, яна тез яширди уни
195 Дейди шоир, атрофга кўз отди бир зум
197—198 Остидан ўқраярди қандайдир эшон
Юзларин буриштирган ғазабнинг мавжи
200—204 Жирканиб боқди Ҳамза
Гўё нур, зулмат
Қаршилашди ўчирмак учун бир-бирин (сўндирмак)
Бироқ зулмат чекинди қўрқоқ ва маккор,
Ҳассасини йўллади тепага секин
Хонақоҳда энди у бошлайди иғво
207 Қалбаки йиғи билан қабр қучар ул
209 Зимдан боқар: комсомол боғлиқ шунқордай
215 Муқаддас у тепани силтди ҳамласи! (?)
218—219 Подалар шовқинда эриб кетади (?)
(?) Қуёшда тошлар ёнар, гулдек чаманда
223 (Дам) Наъматаклар сочларга ўрашар ювош
227 Тушунтуради шовққа тўлиб беармон (?)
Чойхонада оқдилар қизил бурчак ҳам
303 Деҳқонлар зўр диққатдан терлашар ҳатто
305 Гаврон тутган қўлларда титрайди қалам
307—308 Уҳ тортар, қалпоқ билан елпинар хуррам
—«Қалай, ўхшаши борми?»— дейди серсоқол
311 (?) Ҳамзанинг ҳаваслари қанотланур боз
314—315 — «Ҳамза!»,— «Динсиз!»
—«Большевик»—шивирлар қарғар.
Ғазаб кин томчилайди кўз қиринидан
(Заҳар кин томчилайди кўз қиринидан)
317—319 Шайхлар, хурофотчилар ғазабни қайрар
Қутурган итникидек кўзлари ёмон (?)
Тўлғанишар ичларин, илонли чақар
321 Ғиштга асабий урар юлғун ҳассасин
327 Халос йўлин ахтаринг малъун шарридан.
329—330 Шайхлар мутассублар қотдилар бир зум



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошлари ичда гўё ургудай чақин
335 Моли-мулк ёнғинда, суяклари ҳам
339—340 Қарғишга қўшилади гуллаб хонақоҳ...
Ногоҳ эшитилди сиртдан маърашлар
342 Ҳаммаси тус кияди авлиёнамо
354 Тутиш учун узатмиш гигант қўлини
356—358 Ўрлар, жарларда лим-лим кўлка булутдай
Бужур ҳарсанглар кумуш сувда нақ олмос
Оғочзорларни рақсга солади шамол
360 Ҳамза гоҳ ўтиради, гоҳ юради жим
369 Куйловчи оҳангларнинг мавжи лиммо-лим
375 Гап устозларда эмас, дилдаги сирда
379 Кўнгил кўзини тортар ўтган из, кўп из (?)
384—387 Мадрасада дилни хун этар пуч дарслар
Илк севги қийноқлари, паранжида ёр!
Шаҳарларни кезади илм гадойи
(?) На мактаб, на муаллим, на китоблар бор
394 Халқ отаси дегани — олчоқ ва нокас
399 Ясалган қуёш балқиб дилларни силар...
403 Яшаркан дилда йўқ ғам қатқалоқлари (**Юрагидан кўчган ғам қатқалоқлари**).
406—407 Сузук кўзларин ташлар унинг шеърига
Қалбида қўшиқ гуллар, ғайрати тошқин (қизғин)
410—412 Эски дунё кулини йўқликка совур
Қарши бўлган буржуйни шартта-шартта от!—
Илк қизил қўшиғида шоир ҳайқирди.
415—418 Синфий жанг қуроли — тарихга кирди
Кундан-кун кучли рангин ҳаёт тўлқини
Ҳамза ёш мактабда ё ёш театрда
Саҳнага ёзар ўзи артист, режиссёр
424—426 Қора кучлар бошини янчди чўнг болға
Фронтлар бирин-кетин келтирди зафар
Москва — ғамхўр она қучди халқларни
429 Босмачи ерларида тинч куйлар деҳқон
433 Ҳар ёқда дув-дув, ёшлар қувноқ ва пишиқ
448—449 Ногиҳон уйғонгандек бўлди у тушдан
Тепасида турарди Аҳмаджон, аёл.
453 Уҳ тортар, ҳадиксираб боқади ҳар ён
461 Насиб бўлмади она сутига қониш
466 Ёз дала-даштда сочлар бўлди жизғанак
478—483 Замон оғир, қочмасин! Қари мунофиқ
Қамаб дейди: ғинг десанг бошинг чопилар!
Шоирнинг киприклари ёнди ғазабдан
Аҳмаджон дер: «Биласиз, ҳов чойхонада
Тунов кун ҳаммамизга заҳар сочган чол
—«Сизга келдим, қутқаринг!»— Бодом дер яна
485 Шундан билдим, бу одам — яхши ва одил (**раҳмдил**)
488 «Синглим!— дейди туриб у,— энди сен озод
Сен — синглим. Унутмайлик бир-биримизни
497—501 Тоғлар сари тирмашди, жиддий кайфи хуш
Елкаларда кетмонлар, қўлларида лом
Шундай бир тонг бошланди
сув учун юруш
(?) Олдинда Ҳамза — шоир ва янги мироб
Тош тўлқинларда юрар тоғчидай эпчил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

508 Ҳамза оппоқ тошқиндан юлар бир ҳовуч
510—511 Сув йўлини шоир-ла режага олган (кўздан кечирган)
Чол дер: «Сувни тарновдай оқизар ариқ!»
514 Байрам бошлаётгандек (бўлаётгандек) ҳамма руҳли, шод.
516 Кафтларин ишқаб Ҳамза урар илк кетмон
521 Ҳар ёқдан кўтарилар меҳнат сурони
525 Метин ерга томчилар терлар манглайдан
528—529 Мана илғор комсомол Аҳмаджон саркор
Кўпорар миқти ёшлар харсанг пайдарпай
532 Шоир елкасин силар содда чол деҳқон
534 Сизга қалам ярашар, у билан бўлининг (қалам — мўъжиза)
541 Намли, ҳорғин кўзлардан севинчбахш ўй
546 Қўпол чўян ичига синган олтиндек
550 Шарқнинг мунгли тунларин ёритди мангу
551-*йўқ*
555 Қақроқ дала бу кун ҳаёт гулшани!
559 Қарайди: «Ҳали керак ошмоқ кўп давон!»
563 Руҳига недир ажиб шивирлар сирлар...
568 Беихтиёр ва ҳайрон йўлланди шоир
572 Гул-раънолар ичида битта қазучи
574 Қуй тинди. Сўрар шоир. «Буни тўқиди ким?»
581—582 Ҳамза боши тебранар майин, оҳангдор
Қалпоқни лаган этиб куйлади деҳқон
586—587 Ёшлар қалтис жар узра муаллақ каби (?)
Олтин ҳавода қўшиқ — баҳордай гулгун
589 Жимжитликни тўздирар пастда тегирмон.
600 Қандай қочди ҳужрадан у мохов бўлгур!
603 Иложсиз тўлғанади оғули илон
606 Ана одам шарпаси қоронғуликда
611 Ишимиз ўнг, душманнинг таги бўш, тақсир
614 У ердан оқар майин Ҳамзанинг сози
616—619-*лар йўқ*
620—621 Гулдор каштасин йиғиб ўтди олтин ёз.
Чўпон пўстинга, тоғлар кирди туманга
623—624 (?) Гувиллайди баргларни суриб ҳар ёнга
Хонақоҳ гувиллайди, қайнайди зикр
630 Хириллайди «ҳу-ҳу» деб юзлаб оломон
633—634 Бари ҳам сафсатанинг мутахассиси
Уларнинг ёлғонига илинар дарров
638 Бунда ҳаёт ақлнинг қуёшдор йўлин
641—642 Пардаларда учаркан қушдек тез енгил
Дағал деҳқон бармоқлар — Ҳамза шод ҳайрон
646 Қалпоқлар ва телпаклар тебранар майин
648 Чолғу тинар
—«Яшанглар»— Ҳайқирар Ўроқ.
651 Эл ютмакгидай тинглар шоир нутқини
657 Баъзан нутқини безайди ўткир латифа
661 Ёритарди меҳнатда бирлик маъносин
664—665—«Халқ! Артель бўламизми?»— қичқирар Ўроқ
—«Бўламиз!»—
—«Бўламиз!»— гуриллар
оломон
668—671-*лар йўқ*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

672—673 Уроқбой шоирга дер ҳаяжонда:
—«Мен номига хурсандман, номига Ўртоқ!
678—680 Ҳозирда «Ўртоқ» қа тузайлик рўзғор
Юринг ботирлар!»— дейди Уроқбой қайноқ
Йигитлар бошида у жўнар — чўнг бўйдор
682—685 Бирдан бармоқларини узар дутордан
Уроқбойлар изидан югурар енгил
Хабарсиз ўз уйида не бор рўзғордан
Бутун қишлоқда байрам. Саккизинчи Март!
688 Қаршилар музика, куй ва шўх садолар
693 Уроқбой. Ерда, тошда, тепа — қояда
697 (?) Хатам ёқади гулхан: зулматни ёндир!
699 Сўнг қарсаклар, кулгилар. Музика билан
707 Қуёш табассум этар эркин дилларда
710 Шайхлар зир югуради элни қарғайди
714—715 Жарларда қутурган йиртқичлар изғир
Баланд тоғларни қучар Ҳамзанинг сози
718 Кеча кўчган қайроқни ер эгаллаган
725 Кеча қайтган Қўқондан — бир қурултойдан
727—729 Хурофотга қарши жанг авжлансин дея
Ҳали юборди беш мард — жангда бу сипоҳ.
Мозордан юлинажак «қудсий безаклар».
732 Шайхларга назр-ниёз топажак барҳам!
738 Юрагида мавжланар ҳар вақтга орзу —
741 Қаҳрамонлари куйлар унинг ичида
743 Яна пианиносиз, Уроқбой ёзди
748 Анов «комиссар» эмас... партия!»— дея
755 У дадил ва бепарво. Мана олисда
757 Пистирмадан қуйгандек бўлар намоён
760 Каллакесарлар тўпи
Кўзлар олаяр
764—765 Билди иш ёмон: ўлим чанг солар шу дам
Қану Уроқбой, қани артелчи дўстлар!
768 Бирдан тош тўполони... босар ёв олчоқ!
772 Тоғлардек юксак, метин халқ хотираси!
783 Сен қаздирган бу ариқ ширин куй билан.

**Нашр этилган матнлар**

43 Қат-қат мингашган тоғлар омбори даҳшат (1949)
49 Кўл сари юксаламиз гўёки эртагидек (1949)
56 Кўл — ойнага тоғлар,
Тоғлар қари чўнг (1949)
59 Ваҳим гумбурлаб кетар акс садолар (1949)
80 Қийиқ, катта кўзлари ўткир ва ўйчан (1949, 1955,
1957).
116 Қор салла, сари мой юз, алдоқ кўз бари (1949)
133 А бу ерда қағиллар мурдор қузғунлар (1949)
170 Тўсади қора бало — шайхлар зулмати (1949)
209 Зимдан боқар: комсомол — боғлиқ шунқордай (1949)
289 Доҳийнинг илҳомкор сўзларини у (1949).
393—394 Қаҳрамон атагани — разил бир қўрқоқ
Халқ отаси дегани олчоқ ва расво (1949)
413 Илк қизил қўшиғида шоир ҳайқирди (1949)
433 Ҳар ёқда қувноқ ёшлар беҳисоб (1949)
479 Қамаб қўяр: ғинг десанг бошинг чопилар (1949,
1955, 1957).
508 Ҳамза оппоқ тошқиндан юлар бир ҳовуч (1949)
574 Куй тинди. Сўрар шоир: Буни тўқди ким? (1949)
785 «Ўртоқ» гуллайди, дўстлар ватанда шондор (1949).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЗОҲЛАР

Бу бўлимда мазкур томга кирган ҳар бир достон матнининг яратилиш тарихига қисқача изоҳ берилади. Достонлар автографи (ҚА ва ОкА вариантлари) қандай хил қоғозга, қайси алифбе (араб, лотин ва рус алифбесига асосланган ҳозирги ўзбек алифбеси)да ёзилганлиги, асарларнинг босилиб чиққан манбалари, йили ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар баён этилади.

## ДИЛБАР — ДАВР ҚИЗИ
(9-бет)

Ойбекнинг шахсий архивида «Дилбар — давр қизи» достонининг икки автографи сақланмоқда. Биринчи қўлёзма қора коленкор муқовали, катак чизиқли умумий дафтар (20,5Х14,5)га араб алифбесида ёзилган. Унинг дастлабки беш саҳифасига бошқа шеърлар ёзилган. Достон дафтарнинг 11-саҳифасидан бошланган. У «Ўтинчининг қизи» деб номланган. Саҳифа бошига «1931 йил 11 август» санаси қўйилган.

Достоннинг иккинчи қўлёзмаси бир чизиқли мактаб дафтари (21Х17)нинг 7 тасига, фақат бир бетга, араб алифбесида ёзилган.

Асарнинг охирги қисми (1107—1338-мисралар) «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1932 йил 3-сони (38—41-бетлар)да босилган. Достон биринчи марта 1933 йилда алоҳида китоб бўлиб лотин алифбесида чоп этилган.

Бу китоб биринчи қўлёзма матн асосида нашр этилган. Шоир достонни қайта ишлаган. Унга қўшилган янги парчалар ёзув қоғозининг 8-саҳифасига рим рақамлари (I—III) билан таъкидланиб ёзилган. Бу парчалар достон янги варианти матнининг керакли ўринларига киритилган.

## УЧ
(47-бет)

Бу достон биринчи марта «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1932 йил 6—7 (ноябрь-декабрь) сонларида чоп этилган. У 1949, 1955, 1957 йилларда нашр этилган.

Достоннинг журнал варианти билан 1949 йилда чоп этилган («Достонлар» тўпламида) варианти ўртасида катта фарқ борлиги учун журнал вариантининг матни тўлиқ келтирилди. (Ушбу томнинг «Вариантлар»бўлими, 201—210-бетлар).

Биринчи вариантининг ҚА ва ОкАлари (араб алифбесида) Ойбекнинг шахсий архивида сақланмоқда. Иккинчи вариантининг эса (у ҳам араб алфбесида) фақат биргина автографи мавжуд, холос.

Достон биринчи вариантининг ҚА бир чизиқли икки букланган



www.ziyouz.com kutubxonasi

дафтар (17Х10,5) варағининг ҳар икки томонига ёзилган. Унинг биринчи бетига «Ўч»—достон. 1932 йил 15 октябрь. Москва. Ойбек», охирига «Битди. 6 декабрь 1932 йил. Тошкент» деб ёзилган.

Достоннинг ОкА варианти бир чизиқли мактаб дафтари (20,5×14,5)нинг бир томонига ёзилган. Дафтар муқовасига «Ўч» достон», охирига «1932—1933» сўзлари ёзилган.

Достоннинг иккинчи вариантининг автографи кулранг муқовали 46 варақли дафтар (20,5Х15) нинг 36 варағининг бир томонига ёзилган. Достон охирига «1932—1933» санаси қўйилган.

## ТЕМИРЧИ ЖЎРА
(59-бет)

Достон дастлаб 1934 йилда «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1-сонида босилган. У шу йили нашр этилган «Бахтигул ва Соғиндиқ» китобига ҳам киритилган. Шоир достонни 1949 йилда қайта ишлаган. Бу вариант 1949, 1955, 1957 йилларда нашр этилган.

Араб алифбесида ёзилган асар биринчи вариантининг иккита автографи Ойбек шахсий архивида сақланмоқда. Унинг ҚА жигарранг муқовали, бир чизиқли умумий дафтар (20×14)га ёзилган. Асарга «Темирчи» сарлавҳаси қўйилган. Дафтар охирига «Тошкент, 1933 йил, 9 сентябрь» сўзлари ёзилган. Бу дафтарда бир неча шеърлар ва «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонининг қораламаси ҳам бор.

Достоннинг ОкА варианти чизиқсиз дафтар — блокнот (20,5×14,5)га ёзилган. Дафтар муқовасига «Танланган асарлар» деб ёзилган. Достонга «Темирчи Жўра кофир» номи қўйилган.

Достоннинг қайта ишланган вариантининг автографи (араб алифбесида) бир чизиқли оддий мактаб дафтарига ёзилган. Дафтар муқовасига «Темирчи Жўра кофир ҳақида» сарлавҳаси қўйилган. Достоннинг бу матни шоирнинг «Достонлар» тўпламида берилган. Достоннинг илк босилган мустақил варианти ушбу томда тўлиқ келтирилади. («Вариантлар» бўлими 212—217-бетлар).

## БАХТИГУЛ ВА СОҒИНДИҚ
(65-бет)

Достон илк бор шу номли тўпламда нашр этилган. У 1949 йилда қайта ишланган. Шу вариант 1949, 1955, 1957 йилларда ҳам чоп этилган.

Достон биринчи вариантининг араб алифбесида ёзилган икки автографи сақланмоқда. Ҳар икки қўлёзма ҳам «Темирчи Жўра» достонининг ҚА ва ОкАлари ёзилган дафтарга битилган. (ОкА нинг 1—23-бетларида) ҚА нинг охирига: «21/Х—33г. Тошкент» сўзлари ёзилган.

Достоннинг қайта ишланган матнининг ҚА бир чизиқли мактаб дафтари (20,5×16,5)га, араб алифбесида ёзилган. Лекин асар тўлалигича шу дафтарга ёзилмаган. Достон 241-мисрасидан бошлаб ёзув қоғози (30Х20)да, 11—16 рақамлари қўйилиб, давом эттирилган. Асарнинг 18 бети камбар қоғози (30×13)га ёзилган. ҚА бошида «1933 йил. Тошкент» деб ёзилган.

Достоннинг ОкА ёзув қоғози (30Х20) га, араб алифбесида, 1—14 номерлари қўйилиб ёзилган. ҚА нинг охирги 6 мисраси бу вариантга кирмаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Достоннинг илк чоп этилган мустақил варианти ушбу томда тўлиқ келтирилди («Вариантлар», 219—225-бетлар).

## ЎРОЗНИНГ БАХТИ
(75-бет)

Асар қўлёзмаси (араб алифбесида) жигар ранг коленкор муқовали умумий дафтар (20Х14)га ёзилган. Бу дафтарда «Бахтигул ва Соғиндиқ» шеър ва достонлар тўпламининг қўлёзмаси ҳам мавжуд. «Ўрознинг бахти» дафтарнинг 25—29-саҳифаларига ёзилган. Қўлёзмада, қавс ичида «Поэмадан парча» деб қайд этилган.

Асарнинг машинкада кўчирилган матни ҳам сақланмоқда.

«Ўрознинг бахти» 1934 йилда нашр этилган «Бахтигул ва Соғиндиқ» тўпламига киритилган. Унинг охирига «1933 йил 1 ноябрь» санаси қўйилган.

## ЧЎПОН ҚЎШИҒИ
(79-бет)

Достоннинг икки автограф варианти сақланмоқда. Биринчи автограф бир чизиқли ёзув қоғози (21×14,5)нинг 6 саҳифасига ёзилган. Унинг ёнига «1933 йил» санаси қўйилган. Бу қўлёзма достоннинг 49 мисрасидан бошланиб, 164-мисрасида тугаган. Охирига «1933 йил, апрель» деб ёзилган. Матндаги 1—48-мисралар шу қўлёзмадан олиниб, «Ўқитувчилар газетаси»га босиш учун берилган бўлса керак.

Иккинчи автограф бир чизиқли ёзув қоғози (17×10,5)нинг 32 саҳифасига ёзилган. Унинг биринчи бетига: «Чўпон қўшиғи — Ойбек. Достон. 8/IV—33г. Тошкент. Кўчирилди. Бу достон битмаган». сўзлари ёзилган.

Бу асар «Бўғовлар узилганда» номли битмай қолган катта достондан парчадир.

Асарнинг машинкада кўчирилган матни ҳам бор.

«Чўпон қўшиғи»нинг биринчи қисми (1—48 мисралар) «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1956 йил, 15 июль (№ 55) сонида босилган. Қолган қисмлари эълон қилинмаган.

Асарнинг машинкада кўчирилган матни илк бор эълон қилинди.

## ҚАҲРАМОН ҚИЗ
(89-бет)

Достоннинг араб алифбесида ёзилган ҚА ва ОкА лари Ойбек шахсий архивида сақланмоқда. Ҳар икки автограф ҳам ёзув қоғози (26,5Х19) га ёзилган. ҚА 12 саҳифадан иборат. Саҳифалар рим рақами (I—XI) билан номерланган. Биринчи саҳифага «Кичкина қаҳрамон» («Қаҳрамон қиз») номли сарлавҳа қўйилган. Унда насрий эпиграф йўқ. Бу қўлёзмада «Курашчи Испания халқига» номли шеър ҳам мавжуд. Матн охирига «1936 йил. Ноябрь» санаси қўйилган. ОкА бошқа қўлёзмалар давомидан ёзилган. Достон унинг 66—78 бетлари (13 саҳифа)да ёзилган. Матн охирига «1936 йил, ноябрь» санаси қўйилган.

Асарнинг нашр этилган варианти билан ОкА-и ўртасида фарқ йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГУЛНОЗ
(96-бет)

Поэманинг араб алифбесида ёзилган икки автограф варианти мавжуд. ҚА ёзув қоғози (29X21)нинг 1—39 саҳифаларига ёзилган. Поэмага «Тансиқ» номи қўйилган. Матнда қаҳрамон шу исмда берилган. Матн бошида «23.VIII—37 йил (поэма)», охирида «19—24.XI—37» саналари қўйилган.

Достоннинг ОкА варианти бошқа қўлёзмалар ичида, 79—108-саҳифаларига ёзилган. Матн бошида «Достон» сўзи ёзилган. «Тансиқ» номи ўчирилиб, «Гулноз» номи қўйилган.

Достон охирига «1965» санаси ёзилган.

Асар биринчи марта 1968 йилда босилиб чиққан.

## НАВОИЙ
(111-бет)

Достоннинг ҚА блокнотдан олинган бир чизиқли қоғоз (20X14)га ёзилган. Унинг биринчи саҳифаси чизиқсиз қоғоз (28X14)га ёзилган. Унда «Навоий» сарлавҳаси ёнига «24/V—37. Москва» деб ёзилган.

Достоннинг ОкА варианти сақланмаган.

Асар илк бор 1939-йилда «Совет адабиёти» журналида босилган. Кейинчалик у 1949, 1955, 1957 йиллардаги шоир тўпламларига ҳам киритилган.

## КАМОНЧИ
(119-бет)

Достон қўлёзмасининг қоралама варианти араб алифбесида, кўкиш рангли ёзув қоғози (26X19)га ёзилган. Матн охирига «19—16/XII—37» санаси қўйилган.

Асарнинг ОкА сақланиб қолмаган.

## ҚИЗЛАР
(125-бет)

Достоннинг араб алифбесида ёзилган икки қўлёзмаси сақланмоқда.

Унинг ҚА чизиқсиз блокнот қоғози (29X20) нинг бир томонига I—VII рақамлари қўйилиб ёзилган. Достонга «Бешалоқ» — «Беш қизалоқ» номлари қўйилган. Матн бошига «14/XI—46», охирига («Тамом бўлди — 1947 йили, 8 сентябрь. Қибрай — ёзувчилар боғи») сўзлари ёзилган.

Достоннинг ОкА 3 та бир чизиқли умумий дафтар (21X17)нинг бир томони (88 бет)га ёзилган. Матннинг биринчи бетига «Ойбек «Қизлар», Достон», охирига «1947 йил, 8 сентябрь» сўзлари ёзилган.

Достон дастлаб «Шарқ юлдузи» журналининг 1947 йил 11-сонида босилиб чиққан. У шу йили «Қизлар» номи билан алоҳида китоб бўлиб нашр этилган. Асар 1949, 1955, 1957 йилларда нашр этилган, шоир китобларига ҳам киритилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАМЗА
(166-бет)

Достон қўлёзмасининг фақат қоралама автограф вариантигина сақланиб қолган. Оққа кўчирилган варианти йўқолган.

ҚАнинг 1—40-мисралари чизиқсиз ёзув қоғози (47×16)га саҳифа номери (1, 2) қўйилиб ёзилган. Достоннинг 41—51-мисралари алоҳида блокнот (19,5Х13) варақларининг ҳар икки томонига, қолган сатрлари эса бошқа блокнотга, варақлари (19,5Х14,5) чизиқсиз, ёзилган.

ҚАнинг бошида: «Ҳамза.— лирик достон — Шоҳимардон» ва охирида: «1948 йил — 24 август — «Қибрай» сўзлари ёзилган.

Достон биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1948 йил, 11-сонида босилган.

Кейинчалик у шоирнинг 1949, 1955, 1957 йилларда нашр этилган тўпламларига ҳам киритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАСМЛАР РЎЙХАТИ

ОЙБЕК . . . . . . . . . . . . . 11
«ДИЛБАР — ДАВР ҚИЗИ» ДОСТОНИНИНГ МУҚОВАСИ . 17
«ДИЛБАР — ДАВР ҚИЗИ» ДОСТОНИНИНГ ҚОРАЛАМА .
АВТОГРАФИДАН САҲИФА . . . . . . . 24
«ДИЛБАР — ДАВР ҚИЗИ» ДОСТОНИНИНГ ОҚҚА
КЎЧИРИЛГАН АВТОГРАФИДАН САҲИФА . . . 45
ОЙБЕК ВА «ЎЧ» ДОСТОНИНИНГ ТАРЖИМОНИ
В. ЛУГОВСКОЙ. ТАРЖИМА МУҲОКАМАСИ — 1947 ЙИЛ
15 ИЮЛЬ . . . . . . . . . . . 73
«ЎРОЗНИНГ БАХТИ» ДОСТОНИНИНГ ҚОРАЛАМА
АВТОГРАФИДАН БИР САҲИФА . . . . . . . 123
«ТЕМИРЧИ ЖЎРА» ДОСТОНИНИНГ ҚОРАЛАМА
АВТОГРАФИДАН БИР САҲИФА . . . . . . . 147
«ГУЛНОЗ» ДОСТОНИНИНГ ОҚҚА КЎЧИРИЛГАН
АВТОГРАФИДАН БИР САҲИФА . . . . . . . 183

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Нашрга тайёрловчилардан . . . . . . . . 5

| Достонлар | Матн. | Вариантлар. | Изоҳлар. |
| --- | --- | --- | --- |
| Дилбар — давр қизи . . | 9 | 191 | 256 |
| Ўч . . . . . . . | 47 | 201 | 256 |
| Темирчи Жўра . . . | 59 | 212 | 267 |
| Бахтигул ва Соғиндиқ . | 65 | 219 | 267 |
| Ўрознинг бахти . . . | 75 | 227 | 268 |
| Чўпон қўшиғи . . . | 79 | 228 | 268 |
| Қаҳрамон қиз . . . | 89 | 228 | 268 |
| Гулноз . . . . . . | 96 | 229 | 269 |
| Навоий . . . . . . | 111 | 231 | 269 |
| Камончи . . . . . . | 119 | 233 | 269 |
| Қизлар . . . . . . | 125 | 234 | 269 |
| Ҳамза . . . . . . | 166 | 250 | 260 |
| Вариантлар . . . . . . | 189 | | |
| Изоҳлар . . . . . . | 256 | | |
| Расмлар рўйхати . . . . | 261 | | |


www.ziyouz.com kutubxonasi

*НА узбекском языке*

М. Т. АЙБЕК

ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

ТОМ III

ПОЭМЫ

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *М. Алиева*
Рассом *В. Тий*
Техмуҳаррир *Ҳ. Қорабоева*
Корректор *М. Асадуллаева*

Р 23080

[illegible]. Теришга берилди 26/XI-75 й. Босишга рухсат этилди 6/I-76 й. Формати $84 \times 108^1/_{32}$. Босмахона қоғози № 1. Босма л. Қоғоз л. Ҳисоб-нашриёт л. 13,86. Нашриёт № 1606. Тиражи 5000. Баҳоси 1 с. 24 т. Заказ 289.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз
О—38

**Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.**
**Мукаммал асарлар тўплами.** 19 томлик. 3-т.
Т., «Фан», 1976.
(ЎзССР ФА. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).
3-т. Достонлар. [Таҳрир ҳайъати:
Ш. Шоабдураҳмонов ва бошқ. Томни нашрга тайёрловчилар: проф. Ҳ. Ёқубов ва Г. Ёқубова. Масъул муҳаррир: М. Иброҳимов.] 1976. 264 б.
Айбек. Полное собрание сочинений.
В 19-ти т., т. 3.

Ўз2

www.ziyouz.com kutubxonasi